

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ, Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ЖУРНАЛИСТИКА АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус
таълим Вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун
дарслик сифатида тавсия этилган*

Тошкент – 2009.

Дарсликда журналистиканинг хусусан ўзбек журналистикасининг пайдо бўлиши, ривожланиши, ҳозирги замон шароитида унинг тутган ўрни, журналистика жанрлари, унинг эркинлашиши, оммавий ахборот воситаларининг таснифи ва таркиби, журналистиканинг жамият ҳаётидаги фаолияти ўрганилади.

Дарслик журналистика факультетлари талабалари ва шу соҳага қизиққанлар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

- | | |
|------------------------|--|
| Ф.Мўминов, | Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетининг “Оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари” кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор. |
| Ҳ.И.Икромов, | Ўзбекистон давлат санъат институти, “Санъатшунослик” кафедраси мудири, санъатшунослик номзоди, профессор. |
| Қ.Т. Эрназаров, | Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори, профессор. |
| Ш.А. Миралимов, | Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети матбуот кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. |

Т.М.Қозоқбоев, М.Худойқулов. Журналистика. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент., 2009 й. 377-бет.

Кириш

Энг аввало журналистика деган атамага изох берсак. Унинг луғавий маъноси, “Газета ва журнал фаолиятига оид фан тармоғи”¹ дейиш унинг моҳиятини бизнингча тўла ифода этмайди. Чунки журналистика **биринчидан**, жамиятнинг муҳим ижтимоий институти бўлиб, у ахборот журналистикаси, бошқача айтганда, долзарб ижтимоий ахборотларни йиғиш, ишлаш ва уни тарқатиш журналистикаси; **иккинчидан**, касблар мажмуи бирлашган корхона унда мусахҳихдан то бош муҳарриргача, телережиссёрдан то видео муҳандисгача, фото мухбирдан то операторгача касб эгалари фаолият юритадиган; **учинчидан**, журналистика бу газета-журналлар билан бир қаторда, телевидение ва радио, ахборот агентликлари, интернет фаолияти; **тўртинчидан**, журналистика бу журналистларнинг нафақат ахборотлари, балки турли асарлари, жумладан, бадиий, илмий, тарбиявий, ҳукукий, санъатга оид ва бошқа мавзудаги ижодлари билан қатнашадиган соҳа, **бешинчидан**, журналистика деганда фақат газета журналлар эмас ОАВ ёки ОАК (оммавий ахборот коммуникациялари), бошқа босма нашрлар ҳам тушунилади. Журналистикага қандай тавсиф бермайлик, барибир бу фаннинг энг муҳим вазифаси оммага ахборот тарқатишдан иборатлигини эсдан чиқармаслик керак.

Бу ибора маъносида оммани тарбиялаш деган тушинча ҳам мавжуд. Умуман олганда журналистика ўзининг ижтимоий ҳаётни ифода этишдаги тезкорлиги, мукамаллиги жиҳатидан жамиятда катта аҳамиятга эга.

Демак журналистика назарияси ижтимоий ахборотнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳамда бу борада асосий ўрин тутувчи оммавий ахборот воситалари фаолиятини ўргатувчи ҳамда унинг ички, илмий, объектив қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида кўради.

Журналистика атамаси билан бир қаторда матбуот атамаси ҳам ишлатилади. Журналистика атамаси ўз навбатида:

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Тошкент, 2006, 2-жилд, 114-бет.

- 1) Ижтимоий информация йиғиш ва уни матбуот, радио, телевидение ва бошқа воситалар орқали тарқатиш билан боғлиқ бўлган фаолият сифатида;
- 2) Босма маҳсулотлар ва ОАВ нинг йиғиндиси сифатида;
- 3) Матбуот нашрларини чиқариш, ОАВ га материаллар тайёрлаш билан боғлиқ касб сифатида ҳам қўлланилади.

Бугун кишилик жамиятини, инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятини тасаввур этиб бўлмайдиган ОАВ нинг ўзи нима? У қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган? Унинг вужудга келишидаги ижтимоий - сиёсий сабаблар нимада? Журналистика қандай қонуниятлар асосида иш кўради? Ана шу саволларга журналистика назарияси фани жавоб беради. Журналистика деганда унинг ўзаги бўлган ОАВ тушинилгани боис уни ўрганишда турлича қарашлар, фикрлар мавжудлигини таъкидлаш ўринли. Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришгунга қадар ОАВ Марксча- Ленинча таълимот асосида, синфий - ғоявий нуқтаи назардан ўрганилиб келинган бўлса, эндиликда журналистика яъни ОАВ назариясига янгича, холис, умуминсоний қарашлар қўлланила бошланди. “Бизларни эндиги вазифамиз – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов – маънавий ҳаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини, изланишларимизни эски мафкура қолипларидан халос этиш, тафаккуримизни куллик исканжсидан фориғ қилишдан иборат бўлмоғи зарур”².

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, давлат қурилишию иқтисодини либераллаштириш жараёнларини ёритиш ўзбек журналистикасининг бугунги кундаги энг асосий фаолиятига айланган.

Жаҳонда бўлганидек, республикамызда ҳам ахборот олишга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Нафақат ўзимизда, балки дунёда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан беҳабар, одамни топиш қийин.

Ҳар соҳа касб ва мутахассисликка оид маълумотлар шу соҳа ва касб соҳибларининг кундалик эҳтиёжига айланиб бормоқда.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., “Ўзбекистон”, 1994, 168 бет.

Яқин кунларга қадар қонуншунослик, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар, маданият, санъат ва бошқа соҳаларга оид мақолалар, телевидение ва радио орқали томошабин ва тингловчиларга етказилган материаллар умумий журналистика билимига эга ижодкорлар томонидан ёзилар ва яратиларди. Бу материаллар умуман олганда на мутахассисларни, на газетхону томошабинларни, на тингловчиларни тўла қаноатлантирар эди. Етмиш йилдан ортиқроқ вақт орасида қизил империяда тарбия топган аҳолининг дунёқараши, турмуш тарзи, хатто тилидаги нуқсонларни ўзгартириш ҳозиргача осон бўлмаяпти. Кунни кеча журналистика яъни барча ОАВ давлат томонидан тўғрироғи ҳокимият қўлида бўлган коммунистик партия томонидан бошқарилар ва у ўз сиёсатини ўтказган эди. Бу сиёсат нафақат атеистик, яна шовинистик, ҳукмронлик сиёсати эди.

Бу сиёсат айниқса санъатда, хусусан, театр санъатида ҳам жуда кўзга ташланар эди.

“...шоир ва драматург сифатида баҳс талаб қилмайдиган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолияти шўролар ҳукумати ва унинг айрим ҳайбаракаллачилари томонидан, ноўрин, миллий театр, драматургия, мусиқа асосчиси деб эътироф қилинди. Оқибатда миллий театр тамал тошини қўйган Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Мўмин Шукрулло, Абдулла Бадрий, Ғулом Зафарий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Фитрат, Бадриддин Аъламов, Маннон Уйғур номлари тилга олинмади ёхуд уларнинг санъатда тутган мавқеи, ижодининг мазмун - моҳияти пасайтирилди. Фақат тарихий адолатнинг тикланиши туфайлигина ҳақиқат қарор топди.”³

Ўзбекистон журналистикаси мамлакатдаги мавжуд сиёсий, ижтимоий- иқтисодий аҳволни ёритишда ҳуқуқий демократик тузим тузиш йўлида фаолият юритмоқда. Мустақилликнинг биринчи босқичи бўлган ўтиш даврида бозор иқтисодиётини ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мустақилликка эришилгач журналистика эркин ижодий фаолият юритабошлади, кўплаб хусусий нашрлар пайдо

³ Т. Турсунов. Саҳна ва замон. Т., Янги аср авлоди. 2007. Китобга ёзилган сўз бошидан олинди. Муаллиф Сирожиддин Аҳмад

бўлди.Цензура тугатилди.Демак, журналистика ўзининг асосий ва бош вазифаси ахборот йиғиш, уни ишлаш ва тарқатишни тўла амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Унинг пойдевори бўлган ҳуқуқий мақоми тикланди. Кўплаб қонунлар қабул қилинди.

Талабалар журналистикани тўла ўзлаштиришлари борасида бирнечта фанларни ўқитиш ҳам амалга ошди. Санъатшунос журналистлар тайёрлашда журналистика илми билан санъатнинг барча турларини чуқур ўрганишга имконият яратилди.

Бугун санъатшунос журналистика деб номланган касб эгаларини Ўзбекистон давлат санъат институтида ўқитилмоқда, унда кўпгина талабалар илм олмоқда, санъат билан биргаликда журналистика сирларини ўрганмоқдалар. Уни тугатиб чиққанлар ОАВда ишлашиб санъатга оид мавзуларда фаолият юритмоқдалар. Демак, гап санъат журналистикаси борасида борар экан, унинг мақомини аниқлашда умуман журналистикага берилган мақомдан келиб чиққан ҳолда, санъат журналистикаси - бу газета - журналлар,телевидение, радио, кино, интернет ва бошқа ОАВ орқали тарқатиладиган санъатга оид асарларни, ижтимоий аҳамият касб этувчи ахборотларни йиғиш, уларни ишлаш ва тарқатишни ўз фаолиятининг асоси деб билади ва шу аснода оммани санъат орқали тарбиялайди.

Бунда газета-журналлар таҳририятларидаги мавжуд санъат бўлимлари, телевидение ва радиодаги санъат билан шуғулланувчи таҳририятлар, ахборот агентликларидаги таҳририятлар, интернет сайдларидаги санъат мавзуси билан шуғулланувчилар фаолияти бу соҳа журналистикаси ҳам ривож топаётганлигидан далолатдир.

Аммо журналистика атамасига жавоб бу билан кифояланмайди.У ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади.Унинг маҳсулотлари бўлган газета ва журналлар сотилиши керак. Унинг маҳсулоти бўлган сўзни томошабин ва муштарийлар кўриши, эшитиши лозим. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, журналистикани илмий билим ва тарбия берувчи соҳа деб ҳам аташ мумкин.

Журналистика атамаси билан бир қаторда публицистика атамаси ҳам фаолият юритади. Журналистика публицистикасиз

яшолмайди. Публицистика журналистиканинг муҳим тармоғи бўлган матбуот билан боғланган. У ўз фаолиятида матбуотнинг бу мақола бўладими ёки очерк, памфлет бўладими ёки фелъетон барибир сўз орқали оммага таъсир қилади, оммани тарбиялашда ижобий рол ўйнайди. Демак публицистика журналистикадан кўра кенгроқ мавқега эга. Балки шу боисдан кўпгина олимлар журналистик материалларнинг бари-публицистикадир дейишади. Бу фикрга қўшилса бўлади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб бу дарслик биринчидан, санъат билан шуғулланувчи талабаларга умуман журналистика ва унинг бир муҳим қисми бўлган санъат журналистикасининг предмети в унинг ривожини ўргатса, иккинчидан, санъат журналистикаси бўлимини тугатган талаба ОАВнинг қайси турига - газетага ёки журналга, телевидение ё радиогоми, интернетгами ёки ахборот агентлигигами? Китоб нашриётларида ёки вазирликлар матбуот хизматигами боришини аниқлаб олиш имкониятини беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий фаолият тури ҳисобланган журналистика касбий фанлар ўқув режаларидан сезиларли даражада фарқланади. Чунки, “Бу фаолият эгалари (журналистлар) ижтимоий долзарб ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ОАВ (матбуот, радио, телевидение, ахборот агентликлари ва бошқалар) орқали тарқатиш билан шуғулланади”¹⁴.

Талабалар ўзлари танлаган журналистлик касби ҳақида маълум даражада назарий билимга эга бўлишади. Журналистика нима ва унинг турлари, соҳалари, республика журналистикасининг хусусияти, мақсади, журналистика атамасининг дастлаб журналлар мажмуига, кейинчалик барча даврий нашрларга нисбатан қўлланилгани, эндиликда журналистика ибораси таълим ва фан тармоғини журналистика фаолияти маҳсули, касблар мажмуи, шунингдек, шу соҳага оид ҳам англатиши борасида тўхталинади.

¹⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2002, 3-жилд, 642-бет.

Агар журналистикани босма маҳсулотлар, яъни матбуот нашрларининг йиғиндиси, уларни чиқариш, уларга материаллар тайёрлаш билан боғлиқ касб эканини ҳамда матбуотнинг ички қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида қўлланишини инкор этмасак, демак журналистика атамасини бошқа мазмун жиҳатидан яқин бўлган, жумладан, “Матбуот”, “Босма нашр” кабилар билан аралаштирмаслик лозим бўлади. Журналистика хатто “Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) тушунчасига ҳам тўғри келмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ “Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (телевидение, радио, видео, кинохроникали дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир”⁵ дейилган. Мазкур дарсликда биз мана шу умумий ахборот воситаларининг энг асосийлари - газеталар, журналлар, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернет ҳамда матбуотнинг алоҳида бир тури бўлган китоб нашриётлари билан уларнинг умумий, муштарак қонунияти ҳамда ўзига хос хусусиятлари фаолияти билан танишамиз. Шунингдек, мазкур ахборот воситаларининг дунёга келиш тарихи ривожланиш йўллари ва келгусидаги тараққиёти масалаларига башоратлар ҳам дарсликдан ўрин олган.

Яна ҳар бир ахборот воситаларининг ички тузилишлари, матбуот таснифида эгаллаган ўрни, аҳамияти, бир-бири билан ўзаро алоқаси, фойдаланадиган ички, публицистик жанрлари ва бошқа масалалар ҳам дарсликда ўз ифодасини топади. Яна дарсликда ОАВ нинг барчасида энг зарур касб эгаси бўлган

⁵ Ўзбекистон республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари т., 2007, 4-5 б.

муҳаррир фаолияти ва унинг маҳорати ҳақида ҳам батафсил тўхталинади.

Журналистика тизимидаги ахборот воситалари омманинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун журналистиканинг энг муҳим жанри бўлган публицистикага таянади. Публицистика нима? Публицистика – латинча “publicus” деган сўздан олинган бўлиб, ижтимоий деган маънони билдиради. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида айтилишича, у “Даврнинг ижтимоий сиёсий ва бошқа долзарб масалаларига бағишланган адабий ижод тури. Публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари публицистиканинг предметиدير”⁶.

Шуни эътироф этиш керакки, баъзилар ҳар қандай журналистик материал публицистика деб ҳисоблашади. Бизнингча бу жуда ҳам тўғри эмас. Чунки публицистикага қўйилган талаб бошқачароқ. Публицистикада ижодкор воқеликка фаол аралашади, фикрни бевосита ошкора, дангал айтади. Унда илмийлик мавжуд.

Чунки у ҳаёт фактлари, воқеаларини акс эттириш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришда мантикий муҳокамадан ҳам фойдаланади. Дарсликда соҳавий журналистиканинг юзага келиши ва ривожланиши бобида қисман тўхталинади.

Дарслик талабаларга журналистика фанининг ички, объектив қонуниятларини чуқур ўргатиш, уларда касбий малака ҳосил қилдиришдек мақсадни кўзлаб ёзилди.

Бу бўлажак журналистлар учун ҳали етарли эмас. Талабалар журналист бўлиб етилиши учун албатта тарих, адабиёт, фалсафа, психология, стилистика, мантик, чет тили ва бошқа шу каби фанларни ҳам чуқур ўрганишлари лозим. Худди шунда уларда фикрлаш, матн ёзиш, синчковлик каби журналист

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2004, 7-жилд, 194-бет.

учун жуда зарур сифатлар шаклланади. Назариянигина билиш журналист учун кам, у Амалиётни ҳам билиши, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокчиси бўлиши лозим. Матбуот – барча босма маҳсулотлар мажмуи. Агар уни тор маънода тушунадиган бўлсак, у асосан газета ва журналларни ифодалайди. “Матбуот – деб ёзади журналистика олими Тоҳир Пидаев – ижтимоий онгнинг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик жамиятига доимий ва фаол таъсир кўрсатади. Жамоатчилик фикрини шакллантиради. Омма онгига муайян қарашларни сингдиришда қудратли ғоявий омил ҳисобланади”⁷.

Талабалар журналистикага оид бўлган манбаларни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, журналистика соҳасига бағишланган илмий ишларни ва албатта таҳририят фаолиятлари ва тажрибаларини чуқур билишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”⁸, дейилади.

Бинобарин, бу қоида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, эркинлигини кўрсатиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, “Юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борсида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда”⁹.

Кейинги йилларда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 5-жилд, 507-бет.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2008, 13-бет.

⁹ Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. Т., 2003, 4-5 бетлар

тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилиндики, уларнинг оқилона ишлашини таъминлаш лозим. Улар жамиятнинг демократлашув жараёнини тезлатишда жуда муҳимдир.

Китобга журналистика асослари тўла, ҳар тарафлама мукаммал ёритилган деб қарамаслик, балки журналистиканинг энг муҳим қирралари, жанрлари ва унинг асосий вазифаларига баҳоли қудрат урғу берилган дарслик деб қаралишини истардик.

Муаллифлар келажакда журналистиканинг туғилиши, ривожланиши, мустақиллик давригача бўлган фаолияти ва мустақилликдан кейинги ўзгаришларни шу соҳа олимлари мукаммал, конкрет мисоллар билан таърифлашади, журналистиканинг қамрови қанчалик катта бўлмасин, бу муаммолар албатта вақти келиб ижобий ҳал этилади деб умид қилишади.

1-БЎЛИМ.

Умумий тушинчалар

1-БОБ. Журналистика тарихи

1.1. Жаҳон журналистик тарақиётининг асосий босқичлари.

Журналистиканинг пайдо бўлиш сабаблари кишиликнинг илк даврларига бориб тақалади. Инсонларнинг бир-бирларига бирон тушунчани етказиш эҳтиёжи аввало тилнинг пайдо бўлишига, сўзнинг вужудга келишига асос бўлган. Журналистиканинг пайдо бўлиши сабабларини ҳамда мавжуд шарт-шароитларни тўла билиб олгач жаҳон журналистик тарақиётининг асосий босқичлари ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади. Шу боис энг аввало журналистиканинг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлди? деган саволга жавоб бермоқ керак. Дунёнинг етакчи олимларининг “ кишиларнинг янгиликка бўлган эҳтиёжи журналистиканинг пайдо бўлишига асос бўлган “деб кўрсатишларига қўшиламиз. Чунки журналистиканинг пайдо бўлишининг туб сабаблари Ф.Сиберт, Т.Питерсон, У.Шраммларнинг “Матбуотнинг тўрт назарияси”, Ф.Фатореллонинг “Ахборотнинг ижтимоий техникаси” китобларида ҳам баён қилинган.

Кейинчалик жамият, инсон тафаккурининг тарақиёти билан ёзув вужудга келди, бу эса ўз навбатида босма сўз – матбуотининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Аммо журналистика сўздан аввал пайдо бўлганини унутмаслик керак. У ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади. Унинг вужудга келишида қатор ғоявий ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва моддий - техникавий шарт - шароитлар ҳам мавжуд бўлиши керак эди.

Эрампиздан олдинги 1 асрда Рим императори Юлий Цезарь томонидан чиқарилган ганчдан ясалган махсус тахтачаларга ёзилган ахборотлар журналистиканинг илк куртаклари эди. Кейинчалик VIII асрда Хитойда “Пойтахт янгиликлари” пайдо бўлди. Японияда ҳам худди шу усулда тахтага ўйиб ёзилган газеталар чиқарилди. Ўша мамлакатлар ҳукуматларининг ижтимоий - сиёсий, маънавий қарашлари, янада аниқроқ қилиб

айтганда манфаатларини акс этган ўша давр журналистикасини жаҳон журналистик тараққиётининг **биринчи илк босқичи** деб таърифлаш тўғри бўлади.

XVI асрнинг ўрталарида Германиялик Иоган Гутенберг илк босма дастгоҳни ихтиро қилиб инсониятнинг маданий- маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Бу эса ўз навбатида жаҳон журналистик тараққиётининг **иккинчи босқичи** бошланишига сабаб бўлди.

Шу даврга келиб Европада босма газеталар пайдо бўлабошлади. Бунга Германияда, Англияда, Францияда, Россияда чиқа бошлаган газеталарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кейинги даврга келиб газеталар фойда келтирувчи соҳага - бизнесга айлана бошлади.

Жаҳон журналистикашунослиги бу якка шахслар ҳукмронлигида нашр этилаётган матбуот даврини авторитар давр деб номлади. Биз ҳам бу давр журналистикаси тараққиётининг **учинчи босқичи**ни авторитар матбуот даври деб ҳисоблашни маъкул деб биламиз.

Жаҳонда XVII асрга келиб туб ўзгаришлар содир бўла бошлаши замон тараққиётидан далолат эди. XVII - XVIII асрларда содир этилган инкилобий ҳодисалар туфайли эса қатор мамлакатларда якка ҳукмронлик тугатилиб, ўрнига янги, анча илғор тартиблар ўрнатилди. Бу тарих саҳнасига келган буржуазия номи билан тарихга кирган тадбиркорлар синфининг туғилиш даври эди.

Бу **тўртинчи босқич** журналистикаси иқтисодий манфаат кўриш журналистикасига айланиши билан бирга ижтимоий фикрнинг шаклланишига йўл очди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тараққийпарвар матбуот яъни журналистика нашрлари пайдо бўлабошлади.

XX асрнинг бошларига келиб Туркистонда ҳам миллий уйғониш даври матбуоти вужудга келди. Маърифатчи зиёлилар ҳисобланган жадидлар ўзларининг “Тараққий”, Хуршид”, “Хуррият”, “Ойна”, “Чаён” каби газета ва журналларини чоп этабошладилар. (Бу ҳақда китобнинг кейинги бобларида

батафсил тўхталамиз). Бу давр журналистикасини бежиз “эркин журналистика”

даври деб аташмади. Бу даврни жаҳон журналистик тараққиётининг **бешинчи босқичи** дейишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Бундан кейинги давр журналистик тараққиётда **олтинчи босқич** бўлиб, у мафкуравий якка ҳукмронликка бўйсиндирилган синфий журналистика даврини яратди. Бу журналистика етмиш йилдан кўпроқ вақт ҳукмронлик қилди.

XX асрнинг охирларига келиб, ғоявий якка ҳокимлик тугатилиб, кўпгина мамлакатлар ўз мустақиллигига эришди. Жаҳон журналистикаси ўз тараққиётида эркин, демократик журналистика даврига кирди. Бу - жаҳон журналистик тараққиёти ўзининг **еттинчи босқичига** кирганидан далолат эди.

Бу босқич журналистикаси замон талаблари асосида ривожланиш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлаш даври журналистикаси деб ҳисоблашни ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу глобаллашув даври журналистикасини аҳолини холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлайдиган давр журналистикаси деб айтиш мумкин.

Жаҳон журналистик тараққиётининг асосий босқичлари бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистиканинг пайдо бўлишидаги асосий шарт-шароитлар.
2. Журналистика аввал пайдо бўлганми ёки сўз?
3. Ахборотлар авваллари қандай тарқатилган?
4. Босма дастгоҳ қачон ихтиро қилинди?
5. Авторитар матбуот қачон пайдо бўлди?
6. Тараққийпарвар матбуот-чи?
7. Миллий уйғониш даври матбуотининг вужудга келиши
8. Эркин, демократик журналистика даври қачон бошланди?

Жаҳон журналистик тараққиётининг асосий босқичлари бўйича назорат саволлари

1. Журналистиканинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди?
2. Журналистиканинг пайдо бўлиши ҳақида дунё олимларининг фикри.

3. Жаҳон журналистик тараққиётининг биринчи босқичини айтинг.
4. Газеталар пайдо бўлабошлаган даврни изоҳланг.
5. Ижтимоий фикр қачон шакллана бошлади?
6. Якка ҳокимлик даври журналистикаси.
7. Глобаллашув даври журналистикаси.

1.2. Миллий журналистиканинг пайдо бўлиши ва шаклланиши (1870-1905 й.)

Журналистика ижтимоий институт сифатида фаолият юритаркан, ўзининг туб моҳиятига кўра ижтимоий ахборот йиғиш, ишлаш ва тарқатишдек функциясида ташқари, ижтимоий фикрни шакллантиришда аҳолига холис ва ҳаққоний ахборот беришдек ғоятда муҳим масалани ҳам бажариши лозим.

Журналистика тарихига оид асарларда журналистиканинг дастлабки куртаклари эрамиздан олдинги даврларда Хитойда лойдан ясалган ва кейинчалик Римда гипсдан ясалган тахтачалар, Японияда сополга ўйилиб хумдонда пиширилган махсус маълумотномалардир деб кўрсатилади. Бу нашрлар ўз-ўзидан оммалашмади, чунки уларнинг ададини кўпайтириш ва тарқатиш ўта ноқулай бўлган. Кейинчалик қоғоз ихтиро қилиниши билан бундай нашрлар ўрнини кўлёзма варақалар эгаллай бошлади.

Ўзбек журналистикасининг пайдо бўлиши ва шаклланишида кўлёзма варақалар маълум ўрин эгаллаб келган. Чунончи, ҳали ўзбек журналистикаси туб маънода шаклланмаган бир пайтда унинг функциясини бажарган ўзбек демократик адабиётининг йирик намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқалар ўз замонининг ижтимоий иллатларини фош этган ҳажвий шеърларини кўлёзма ҳолида тарқатганлар, кўпчилик кўрадиган жойларга осиб, ёпиштириб қўйганлар. (Масалан, Завқийнинг машҳур “Аҳли раста ҳажви” шеъри). Бундан кўриниб тарбидики, кўлёзма варақалар ҳам ўз даврида муҳим ахборий ва ижтимоий-сиёсий функцияларни

базарган. Юқоридаги мисоллар эса матбуотнинг дастлабки кўриниши кўлёзма варақалар шаклида пайдо бўлган, дейиш учун асос бўла олади. Демак, кўлёзма варақалар ҳали туб маънодаги матбуот пайдо бўлгунга қадар унинг дастлабки тури, кўриниши сифатида хизмат қилган.

Жамият тараққий этиши билан кўлёзма варақалар (кўлда ёзилиши ва кўпайтирилиши қийинлиги боисидан) талабга жавоб бермай қолади. Фан- техниканинг ўсиши ва босма дастгоҳнинг ихтиро қилиниши том маънодаги матбуотнинг вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, газета матбуотнинг асосий турига айланди, ҳамда ижтимоий ахборот етказишнинг муҳим воситаси сифатида жамият ҳаётидан ўз муносиб ўрнини олди. Турган гапки, жамиятдаги ҳукмрон синфлар ва табақалар газетадан ўз мақсад ва манфаатлари йўлида фойдалана бошладилар.

Маълумки, газета дастлаб жамиятда якка ҳукмдорлар даврида вужудга келди ва шу боисдан уларнинг таъсиридан иш кўрди.

Туркистонда журналистиканинг пайдо бўлиши, ривожланишини даврларга бўлсак, бизнингча, биринчи давр деб 1870-1905 йиллар орасидаги 35 йилни олсак мақсадга мувофиқ бўлади. Худди шу XIX аср 60 йилларида ўлкамизни чор Россияси босиб олган ва ўз сиёсатини изчил амалга ошира бошлаган давр эди.

Аҳоли ночор аҳволда бўлсада, унинг илғор қатлами ҳамда Россия чоризми босиб олган Ўрта Осиё қисмида 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиб, ўз мустамлакачилик сиёсатини ўтказишда матбуот заруратини сезди. Ўлкада босмаҳона ташкил этилгани босма даврий нашр туғилишини тезлаштирди.

1870 йилдан “ Туркестанские ведомости” номида газета чиқабошлади. Чунки, шу даврда ўлкада ижтимоий-сиёсий, ғоявий, иқтисодий, маданий, моддий, техникавий шарт-шароитлар чор ҳукумати назарида етилган эди.

Мустамлакачилар даврий матбуотни ташкил қилишда энг аввало ўз манфаатларини ўйлашди. Ўлка аҳолисини

қоронғуликда, қашшоқликда қолишини истаган ҳолда фаолият юритган бўлсада, барибир газета ерли аҳоли сиёсий-маданий ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

“Туркестанские ведомости” газетаси ва унинг ўзбек тилига ўгирилган нусхаси “Туркистон вилоятининг газети” номида Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман томонидан чоп этила бошлади. Марказий Осиёдаги даврий матбуотнинг илк намуналари ҳисобланган бу газеталар Тошкентда, 1872-1873 йилларда Петербургда, кейин яна Тошкентда чоп этилган. Газеталар ташкил этилган йил уларнинг атиги 17та сони чиққан бўлса, 1871 йилдан бошлаб ҳар ҳафтада, 1907 йилдан бошлаб кундалик газетага айлантирилади ва 1917 йилга қадар мунтазам чиқиб туради.

Газетага 1870 йилдан то 1892 йилгача бевосита генерал-губернатор ҳукуматининг ҳарбий - пиёда қўшинлари зобити Н.А.Маев муҳаррирлик қилади. Кейин бу лавозимга Н.П.Остроумов тайинланади ва у газета ёпилгунча шу газеталарга раҳбарлик қилади.

Бу иккала нашр ҳам подшо Россияси ҳукуматининг Туркистондаги ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, ўлкада чоризм сиёсатини ўтказиш, ерли аҳолини итоатгўйлик руҳида тарбиялаш каби сиёсий муҳим масалалар ечимига хизмат қилган.Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, “Туркестанские ведомости” газетасига илова бўлиб чоп этилган “Туркистон вилоятининг газети” маҳаллий тилдаги илк босма газета бўлиб, бу нашр 1870 йилдан 1883 йилгача “Туркестанские ведомости” газетасининг ўзбекча нусхаси ёки иловаси сифатида чоп этилган бўлса, 1883 йилдан бошлаб мустақил нашр бўлиб чақабошлади. Аммо 1885 йилдан газетанинг бир томони “Туркестанская туземная газета” номида рус тилида чоп этилган. Газетага 1871-1883 йиллар орасида генерал-губернатор таржимони Шоҳимардон Иброҳимов, 1883 йил бошларида Муҳаммадҳасан Чанишев, 1883 йил ўрталаридан 1917 йилга қадар Н.П Остроумов муҳаррирлик қилган.Газетанинг адади 1000-2500 нусха бўлган ва у йирик шаҳарларгагина тарқатилган.

Газета ўлка ҳаётининг қоронғу томонларини, чор ҳукумати ва унинг ўлкадаги амалдорлари олиб борган ёлғончи сиёсати борасида ҳеч қандай материал ёритмаган. Лекин шу билан бир қаторда газета машҳур шарқшунос олимлар, жумладан, В.В.Бартольд, Н.А.Северцев, В.Ф.Ошанин, И.В.Мушкетов, А.П.Федченко, Л.С.Берг ва бошқаларнинг анча адолатли тарихий манбаларга суянган илмий-публицистик мақолаларини чоп этган.

“Туркистон вилоятининг газети”да Муқимий таҳаллуси билан машҳур Муҳаммад Аминхўжа (1850-1903), Фурқат таҳаллуси билан Зокиржон Холмуҳаммедов (1858-1909), Ибрат таҳаллуси билан Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли (1861-1937), Сатторхон Абдулғаффоров (1843-1901) ва бошқа тараққийпарвар оқим намояндалари газета саҳифаларида ўз шеър у публицистик мақолалари билан фаол чиқиб туришган.

Муқимийнинг 1891 йилда “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида бир неча шеърлари, 1903 ва 1907 йилларда бир қатор ишқий ва ҳажвий руҳдаги асарлари эълон қилинган. Газетанинг 1903 йил 15 январда босилган “Қўқондлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айтқон шеъридур” ҳамда даҳшатли Андижон зилзиласи муносабати билан ёзилган

(2-апрел) шеър шоирнинг ижтимоий мавзудаги сўнги йирик асаридир. Унинг “Сайлов” ҳажвияси буржуа, сайлов системасининг фош этилиши каби соф ижтимоий-сиёсий мавзудаги асар эди. Бунда шоир мустамлакачи чор ҳукумати назорати остида ўтадиган сайловларнинг батамом қалбаки эканини очиқ ташлайди.

Шундай қилиб, Муқимийнинг журналистик ижоди ўзбек миллий публицистикасининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Зокиржон Фурқатни ҳам ҳақиқатида ўзбек публицистикасининг асосчиларидан бири дейиш адолатдан бўлади. Чунки у 40 ёшида, “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида таржимон сифатида иш бошлайди ва шу даврдан бошлаб у оташин публицист сифатида фаолият юритади. Жумладан, 1891 йилнинг январ-июн сонларида унинг “Қўқондлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти.

Ўзи ёзғони” номли насрий асари эндигина шаклланаётган ўзбек публицистикасининг ёрқин намунаси эди. Фурқат Самарқанд, Бухорода бўлади. Кейин Марв-Ашхобот-Боку-Ботуми-Истамбулга, сўнгра Булғория ва Юнонистон, Арабистонга боради. Маккада ҳаж зиёратини бажо айлайди. У Ҳиндистонда, Хитойда бўлади. Қаерларда бўлмасин ўша ерлардан газетага мақолаю хабарлар ёзиб туради. У худди шу йилларда памфлет ва фельетоннинг илк намуналарини яратади ва газетада чоп эттиради. Фурқат ўз мақолалари билан ўзбек журналистикаси тараққиётига катта ҳисса қўшган. Айниқса унинг “Илм хусусида”, “Театр хусусида”, “Муסיқа муסיқачи ва улар асбоблари хусусида” деб номланган мақолалари ўзбек газетхонлари эътиборини қозонган. Фурқат ўзбек журналистикаси тарихида биринчи бўлиб реал воқеликка адабиётни ҳаёт билан бевосита боғлиқ бўлиши хусусидаги фикрни илгари сурган. Газетада таржимон сифатида ишлаган пайтларида, айниқса, кўплаб, шеър, репортаж, очерклар ёзган ва улар газета саҳифаларидан жой олган. Бошқа ўзбек адиблари ҳам имкон даражасида публицистик мақолалари билан газета фаолиятига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Юқорида санаб ўтилган шарт-шароитлар журналистиканинг туғилиши ва ривожланишида унинг бош омили бўлиб, журналистика соҳасини аниқ ифодалаш ОАВ нинг асосий гуруҳлари типологияси ва таснифини ҳамда тартибини тавсифлаш имконини беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўлкамиздаги илк газета “Туркистон вилоятининг газети” ҳам Туркистонни босиб олган подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатида хизмат қилди. Кейинчалик, ҳокимият тепасига келган буржуазия ҳукмдорлиги даврида газетачилик ҳар тарафлама тараққий этди, бунга сабаб буржуазия синфи газетадан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жихатдан фойда ола ошлади. Яъни, бу даврга келиб, газета ҳам бозор маҳсулоти, фойда келтириш манбаига айланди.

Кейинчалик жамиятда газетанинг роли янада ошди. XIX асрнинг ўрталарида мафкура майдонига кириб келган коммунистик таълимот ҳам ўз ғояларини оммага сингдириш учун

газетадан кенг фойдаланди. Унга қарама-қарши равишда эркин дунё матбуотининг ифодаси бўлган газетачилик ҳам ўсди, тараққий этди. Умуман олганда, матбуотнинг илк кўриниши бўлган газеталар ижтимоий-сиёсий манфаатлардан ташқари умуминсоният маданияти тараққиётига ҳам муҳим ҳисса қўшди. Газеталар ўзбек журналистикасининг пайдо бўлиши ва шаклланишида энг илк ва ҳаммабоп тури бўлиб юзага келди ва шундай бўлиб қолди.

Аммо газета инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун қанчалик хизмат қилмасин жамият тараққиёти яна бир матбуот турига эҳтиёж сезди, натижада яна янги бир матбуот тури дунёга келди, у- “журнал” деб ном олди. Бу сўз французча “Journal”- “кундалик” деган маънони билдирса-да, аслида ҳар кунимас-кўпроқ муддатда бир ойда бир марта чиқиб турадиган матбуот турига айтиладиган бўлди. Хўш, журналнинг келиб чиқишига сабаб нима, унинг журналистика таснифидаги ўрни қандай?

Журнал газетадан фарқли равишда жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётининг ички, чуқур қатламларини ўзидан акс эттирувчи матбуот нашридир. Инсоният жамиятининг тараққиёти, инсон ақл-тафаккурининг ривожланиши натижасида ана шундай матбуот турига эҳтиёж сезилди. Шу билан биргаликда мавжуд синфлар, табақалар ўзларининг чуқур ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, маънавий-эстетик қарашларини ишлаб чиқиш заруратини сездилар. Газеталарнинг имкониятлари эса бунга йўл ермади, шу боисдан журнал келиб чикди. Биринчидан журнал Европада дунёга келди, бу - 1655 йилда Парижда нашр этилган “Journal de Savans” (“Олимлар журналли”) бўлиб, унда адабиёт, фалсафа ва табиий фанларга доир китобларга шарҳлар босилар эди. Худди шу даврда Ангияда фалсафага бағишланган илмий журнал нашр этилди.

Россияда биринчи журнал 1752 йилда “Ведомости” газетасига илмий илова сифатида чиқарилади. Туркистонда чикқан биринчи журнал 1913 йилда нашр этилган “Ойина” бўлди. Шундай қилиб, журнал ҳам матбуот таснифидан мустаҳкам ўрин олди ва инсоният тафаккурини ўстиришда, жамиятда илм-фан,

маданият ва маърифатнинг тараққий этишида, адабиёт ва санъатнинг ривожига муҳим роль ўйнади. Масалан, ғоявий якка ҳокимлик тарафдорлари журнални ўз қарашларини кенг ёйиш учун восита деб билсалар, жаҳондаги илғор фикр ва қарашларга таянувчи кучлар журнал орқали умуминсоний, тараққийпарвар ғояларни оммага етказишни мақсад қилдилар.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган жаҳид маърифатпарварлари ўз журналлари орқали тараққийпарварлик, миллий озодлик тушунчаларини омма онгига сингдирдилар. Журнал вақтли матбуотнинг асосий турларидан бири сифатида инсоният маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди.

Матбуотнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти шу қадар каттаки, инсоният кашф этган ҳар бир янгилик, ҳар бир имконият матбуот учун қўлланилади, яъни оммага ахборот тарқатишнинг ҳар қандай усули-у хоҳ босма сўз, хоҳ оғзаки бўлсин матбуот сифатида фойдаланиш мумкинми-йўқми синаб кўрилади. Шунга биноан, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида журналистика мавжуд таснифига унинг бутунлай янги тури – радио кириб келди. Радио сўзи, юнонча “radio” – нур таратиш деган маънони билдиради. Радио матбуотнинг ўзига хос – электрон техникага асосланган алоҳида бир туридир. Радио-туб маънода матбуот эмас, яъни сўзни босма усули билан кўпайтириш эмас, балки “оғзаки”, электрон техника ёрдамида кўпайтириш, узоқ масофага, кенг ҳудудга тарқатиш орқали иш кўради. Радионинг ана шу хусусияти, яъни матбуот таснифига бевосита сиғмаганлиги боисдан у кўшилгандан сўнг, бу тасниф-оммавий ахборот воситалари деб юритила бошланди. Аммо, радио ҳам ўз моҳияти билан журналистиканинг бир тури ҳисобланади, журналистика қоидалари асосида иш кўради.

Ўзбекистонда биринчи радио эшиттириш 1927 йил 11 февралда эфирга чиқарилди. Шундай қилиб, радио оммавий ахборот воситалари тизимини бошлаб берди ва журналистика таснифида ҳам инсониятнинг маданий-маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Радио ижтимоий ахборот тарқатишнинг энг қулай, тезкор ва ўзига хос воситаси сифатида инсониятга

катта хизмат қилиб келмоқда. Матбуот доимо жамият билан биргаликда тараккий этади, такомил топади. XX асрнинг ўрталарига келиб, журналистика таснифида катта бир янгилик, сифат ўзгариши юз берди- телевидение ихтиро қилинди. Бу буюк кашфиётнинг дунёга келишида турли мамлакатлардаги кўпгина олимлар, мутахассислар билан бир қаторда тошкентлик тадқиқотчилар Б.Грабовский ва В.Белянскийлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Телевидение – узокдан кўриш деган маънони билдиради. Телевидение радиодан фарқли равишда фақат овознигина эмас – бир вақтнинг ўзида тасвири ҳам кўпайтириб, узок масофа ва кенг ҳудудга ёйиш имкониятини беради. Телевидение пайдо бўлиши билан ижтимоий ҳаётни газета ва журналдаги каби сўз орқали тасвирлаш, радиодаги каби овоз орқали ифодалаш эмас, балки бевосита кўрсатиш имконияти туғилди. Бу эса телевидениенинг матбуот турлари орасидаги ролини юқори кўтарди.

Телевидение театр, мусиқа ва бошқа санъатлар воситасидан ҳам кенг фойдалана олиши унинг оммавийлиги, жозибасининг ошишига сабаб бўлди. Телевидение туб маънода матбуот бўлмаса-да (яъни сўзни босма усули билан кўпайтириш асосида иш олиб бормаса-да) матбуотнинг электрон техникага асосланган тури бўлиб, у ҳам ижтимоий ахборот йиғиш ва тарқатишнинг қонун-қоидаларига амал қилади. У инсоният маънавий дунёсини янада бойитди, сермазмун қилди, кино, театр ва санъатнинг бошқа қатор турларининг ивожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жамиятдаги ҳукмрон табақалар, гуруҳлар телевидениедан ўз ғоявий манфаатлари йўлида кенг фойдалана бошладилар. Кўриниши, оммага таъсир қилиш воситалари, имкониятлари турли хил бўлган бу тўрт турдан иборат оммавий ахборот воситаларини бирлаштириб турувчи нарсаларнинг ижтимоий ахборот йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланиши ва ўз фаолиятларида матбуотнинг ички, объектив қонун-қоидалари билан иш кўришидир.

Оммавий ахборот воситалари таснифига унинг юқоридаги тўрт кўринишидан ташқари ахборот агентликлари ҳам киради. Ахборот агентликлари матбуотнинг бевосита тури, кўриниши

бўлмаса-да, оммавий ахборот таснифида ўзига хос ўрин эгаллайдилар ва матбуот турлари орқали намоён бўладилар, ахборот агентликлари оммавий ахборот воситалари учун ахборот етказиб берувчи алоҳида бир канал, муассаса ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалар таснифида китоб ва китоб нашриётлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Китоб аслида вақтли матбуот тури эмас, аммо кўп жиҳатдан вақтли матбуотга яқин туради. Китоб ҳам матбуот турлари сингари ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради ва инсоният маънавий ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, китобда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти, инсон ақл – тафаккурининг барча қирралари акс этади. Шу билан биргаликда китобда матбуотга хос бўлган хусусиятлар ҳам мавжуд. Шу боисдан китоб нашриётлари матбуот таснифини тўлдириб туради.

XX асрнинг бошларига келиб оммавий ахборот воситалари яна бир кўриниш, электрон техникага асосланган алоҳида бир тур билан бойиди. Бу- инсониятнинг ажойиб мўъжизавий ихтироси бўлган электрон машиналар-компьютерларнинг халқаро тармоғи интернетдир. Дастлаб электрон-ҳисоблаш машиналари сифатида фойдаланилган компьютер аппарати тармоқларидан кейинчалик ижтимоий ахборот тарқатиш борасида ҳам фойдаланиш бошланди. Интернет орқали ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-бадий, санъат, спорт вабошқа соҳаларга доир турли хабарларни етказиш амалга оширила бошланди. Шунингдек, компьютерлар тармоғи орқали фақат матн хабарларгина эмас, турли суратлар, муסיқа асарларини тарқатиш ҳам мумкин бўлганлиги Интернетнинг аҳамиятини янада оширади.

Интернет – худуд билмас масофа ва кенгликлар оша ахборот ва турли маълумотлар тарқатиб оммавий ахборот воситалари таснифида ўзига хос, олдинги ўринлардан бирини эгаллади ва у тобора кенгайиб, тараққий этиб бормоқда. Ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонда журналистиканинг юқорида қайд этиб ўтилган барча кўринишлари мавжуддир. Республикамиз газетачилик, журналчиликнинг кенг тармоғига эга, ўзбек радиоси ва телевидениеси ҳам тобора тараққий топиб бормоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тўрт ахборот агентлиги ва ўнлаб китоб нашриётлари ҳам оммавий ахборот воситалари таснифини тўлдириб турибди. Буларга яна Интернет тармоғининг қўшилиши республикамиз оммавий ахборот воситаларини янада кенгайтишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси дунёдаги каби мамлакатимизда ҳам оммавий ахборот воситаларининг мисли кўрилмаган даражага келишига имкон яратди. Мамлакатимизда жуда улкан ижтимоий-иқтисодий ислохатлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ошиб, ижтимоий ҳаётда ўзига хос “тўртинчи ҳокимият” мавқеини эгаллаб бормоқда. Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган ва амалга кенг қўлланилаётган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги “янги таҳрири” ва бошқа муҳим қонунлар оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада яхшилаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий журналистиканинг пайдо

бўлиши ва шаклланиши бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистикани нега ижтимоий институт деймиз?
2. Журналистиканинг дастлабки куртаклари қачон, қаерда, қай усулда пайдо бўлган?
3. Қўлёзма варақалар пайдо бўлган даврни изоҳланг.
4. Миллий журналистика ривожига ўзбек демократик адабиёт намояндалари ҳиссаси.
5. Газета дастлаб қайси даврда вужудга келди?
6. Буржуазия синфи газетадан қандай фойдаланди?
7. Коммунистик таълимот даври матбуоти.
8. Журнал вужудга келган даврни изоҳланг.
9. Биринчи журнал Туркистонда нечанчи йил, қайси номда ким томонидан нашр этилди?
10. Жаид матбуоти ҳақида айтинг.
11. Радио нима ва у қачон пайдо бўлди?
12. Телевидение тарихидан нимани биласиз?
13. Ахборот агентликлари ва уларнинг фаолияти.
14. Китоб нашрида матбуотга хос бўлган хусусиятларни изоҳланг.
15. Электрон техникага асосланган ОАВнинг қайси тури пайдо бўлди?

Миллий журналистиканинг пайдо бўлиши ва шаклланиши бўйича назорат саволлари

1. Нега журналистиканинг дастлабки куртаклари оммалашмади?
2. Қоғоз ҳамда босма дастгоҳ қачон ихтиро қилинди?
3. "Туркистон вилоятининг газети" ҳақида фикр юритинг.
4. ОАВ турлари қачон пайдо бўлди ва уларни изоҳланг.
5. Ўзбекистонда ОАВ нинг қайси турлари фаолият юритади?
6. ОАВ фаолиятини янада яхшилашда қайси Ўзбекистон қонунлари муҳим аҳамият касб этади?

1.3. XX аср ўзбек журналистикаси (1906-1990й)

XX асрнинг бошларига келиб, дунёнинг бирқанча ҳудудларидаги ўзгаришлар шамоли Туркистонга ҳам етиб келди. XIX асрнинг охирларида ижтимоий-сиёсий-маърифий ҳаракат аввал Кавказ, Қрим, Татаристон каби ўлкаларда вужудга келган бўлса, 1895 йиллардан бошлаб Туркистонда, Бухорою Хивада ҳам содир бўлди.

Бу ҳаракат жади́дчи́лик (арабчада "жадид" сўзи янги деган маънони англатади) номи билан тарихга кирди. Ўзларини тараққийпарвар деб аташган бу ҳаракат намояндалари Туркистон меҳнат аҳлини ижтимоий-сиёсий курашга тайёрлаш учун аввало уларни саводхон қилиш мақсадида маърифий ишларга урғу беришди. Янги усул мактаблари очиб, дарсликлар яратишди. Лекин бу ишлар ҳали етарли эмасди. Улар ўз келажак мақсадлари Туркистон Мустақиллигига эришиш мақсадида бирқанча режалар белгилашди. Бунинг учун албатта халқнинг сиёсий онгини юксалтириш учун ишни газета ва журналлар чоп этишдан бошлаш заруратига тушинишди.

Туркистонни ўз зулми остида ушлаб турган подшо Россиясининг барча кирдикорларини очиб ташлаш, халқни энг аввало чоризмга қарши курашга отлантириш учун уларга матбуот кераклиги кун тартибига қўйилди.

Жади́дчи́лик ҳаракатига ўша даврнинг етук зиёлилари бошқош бўлдилар.

Маҳмудхўжа Бехбудийу Абдуқодир Шукурий, Мунаввар-қорию Абдулла Авлоний, Фитрату Файзулла Хўжаев, Ҳамзаю Чўлпон ва бошқа миллат истикболини ўйлашга ва шу йўлда барча қийинчиликларга чидаган ватандошлар юқорида айтганимиздек, ишни энг асосий вазифалардан бири газета - журнал яратишдан бошладилар.

XX аср биринчи ўн йиллигидаёқ уларнинг ўз матбуоти шаклланди. Шунинг ҳам эътирофи этиш керакки, жаҳидлар асосан газета ва журналлар таҳририятларида, ҳаваскор театр труппалари теъарағида тўпланишиб, ўзларининг асосий ғоялари ва мақсадлари йўлидаги ҳаракатларини таҳлил қилардилар.

Улар нафақат матбуот орқали, балки ўз таъсирларини янги усул мактабларига ҳамда театрга катта эътибор қаратиб, халқни санъат орқали тарбиялашга, санъатнинг барча турларини юксалтириш орқали таъсир кўрсатишга интилдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, шаклланган миллий матбуот - жаҳид матбуоти пайдо бўлди.

1.3.1. Жаҳид матбуоти

Жаҳидчилик дастлаб 19 асрнинг 80-йилларида Қримда ёзувчи, публицист Исмоилбек Гаспринский (баъзи манбаларда Исмоил Гаспрати деб ҳам номлашади) раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. (Ўзбек миллий энциклопедияси, Т., 3-жилд, 519-бетга қаранг) И.Гаспринский 1883 йилда (Ўзбек миллий энциклопедияси, 2-жилд, 577-бет) “Таржимон” газетасини чиқаради. Баъзи манбаларда бу сана 1873 йил деб ўрсатилади. (Луғат. Журналистика. Реклама. Паблик Рилейшинз. Маълумотнома. 1700 та атама. Т.;2003 й. 169-173 бетларга қаранг). (Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрати Т., 1992й. Китобиға қаранг.)

Газета мусулмонлар орасида анча машҳур бўлган. Жаҳидчилик ҳаракатининг асосчиси ҳаракатидан руҳланган Туркистон жаҳидлари 1905-06 йилларда бир неча газета очишға муваффақ бўладилар. Жумладан, Тошкентда 1905-1918 йиллар орасида “Тараққий” (муҳаррири – Исмоил Обидий), “Хуршид” (муҳаррири – Мунаввар қори Абдурашидхонов), “Шухрат”

(муҳаррири – Абдулла Авлоний), “Осиё” (муҳаррири – Аҳмаджон Бектемиров), “Тужжор” (муҳаррири – Саидкаримбой Саидазимбой ўғли), “Садой Туркистон” (муҳаррири – Убайдулла Хўжаев), “Нажот”(муҳаррири – Мунавварқори), “Кенгаш” (муҳаррири – Аҳмад Закий Валидий ва Мунавварқори), “Турон” (Убайдулла Хўжаев), “Улуғ Туркистон” (муҳаррири – Кабир Бакиров), “Шўрон Ислом” (муҳаррири – Абдулла Баттол), “Турк сўзи” (муҳаррири – Темирбек Худаёрхонов), “Турк эли” (муҳаррири – Таҳрир ҳайъати), газеталари чоп қилинди. Яна жади́дчилар томонидан Бухорода “Бухорий шариф” (муҳаррири – Мирзо Жалил Юсуфзода), “Турон” (Муҳаррири – Ғиёс Махсум Хусаний) Самарқанда “Самарқанд” (муҳаррири – Маҳмудхўжа Бехбудий), “Ҳуррият” (муҳаррирлари – Мардонкул Шохмуҳаммадзода, Ақобир Шомансуров, Фитрат) Қўқонда, “Садой Фарғона” (муҳаррири – Обиджон Маҳмудов), “Тирик сўз”(муҳаррири – Обиджон Маҳмудов), “Эл байроғи” (муҳаррири – Бўлат Солиев) газеталари ҳамда Тошкентда “Ал-ислоҳ” (муҳаррири – Абдурахмон Содик ўғли), Самарқанда “Ойна” (муҳаррири – Маҳмудхўжа Бехбудий), Қўқонда “Кенгаш” (муҳаррири – Ҳамза), “Юрт” (муҳаррири – Ашурали Зоҳирӣ) журналлари ҳам чоп қилинди.

Бу газета-журналларнинг асосий ғояси Туркистон халқини Мустақиллиги учун уларни сиёсий курашга ҳозирлай олиш эди. Бу муқаддас ишни улар амалга ошираолдилар. Жади́длар ўзларининг матбуотлари орқали “Озодлик, тенглик ва адолат” шиори остида фаолият юритдилар.

Жади́длар 1917 йил феврал инқилобини сиёсий курашга ўтиш билан қаршиладилар. Бу жади́дчилик ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйганлигидан далолат эди.

Жади́длар ўз дастурларида кўрсатилган деярли барча масалаларни жумладан, ўлкада демократик мустақил давлат тузишдек сиёсий режани амалга ошириш учун **биринчидан**, ўлкани қалокликдан қутқариш, **иккинчидан**, халққа маърифат бериш, **учинчидан**, жамиятни ислоҳ қилиш, **тўртинчидан**, аввалига Туркистонда мухтарият ҳукуматини барпо этиш, **бешинчидан**, давлатнинг миллий қўшинига эга бўлишини

таъминлаш, **олтинчидан**, ўз миллий валютасини жорий этиш, **еттинчидан**, солиқлар тизимида ўзгартиришлар қилиш, **саккизинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар ўтказиш, **тўққизинчидан**, халқ оммасининг сиёсий фаоллигини ўстириш, **ўнинчидан**, мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилишга қисман эришдилар. Бу ишда матбуот кучига таяндилар.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқонда бўлган Туркистон ўлка Мусулмонларининг 4-курултойи ўлкада Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилганини эълон қилди. Бу Туркистон минтақасидаги дастлабки демократик ҳукумат эди. Албатта унга демократик матбуот зарур эди. “Эл байроғи”, “Бирлик туғи”, “Свободный Туркестан”, “Известия Временного правительства Автономного Туркестана” каби ҳукумат газеталари ўзбек, қozoқ, рус тилларида нашр қилина бошланди. Аввал чиқаётган “Улуғ Туркистан” ҳамда “Хуррият” газеталари мухторият ҳукумати фаолиятига хизмат қилабошлади.

Аммо афсуски демократик ҳукумат атиги 72 кун умр кўрди. 1918 йилнинг 19-26 январиди бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг 4-съезди Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолда деб ҳисоблаб, ҳатто уларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланди. 1918 йилнинг 19 февралиди қурол кучи билан Туркистон Мухторияти ҳукумати ағдариб ташланди. (Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. Т., 2000 й. китобини ўқинг).

Шундай қилиб Совет тузуми Туркистон Мухториятини қонга ботиргач жаидчилик ҳаракати кучли ўзгаришга учради. Уларнинг матбуоти ёпиб ташланди ва мол-мулки мусодара қилинди, фаоллари эса қамоқларга ташланди, қатағон қилинди.

Шу давр оралиғида Исмоил Обидий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Аҳмаджон Бектемиров, Саидкаримбой Саидазимбой ўғли, Мирзо Жалол Юсуфзода, Ғиёсий Махсум Хусайний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Абдурахмон Содик ўғли, Аҳмад Закий Валидий, М.Афандизода, Кабир Бакиров, Абдулла Баттол, Темирбек

Худоёрхонов, Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода, Ақобир Шомансуров, Фитрат, Бўлат Солиев, Ҳамза, Ашурали Заҳирий каби жаҳидлар фаолият юритдилар, улар газета ва журналлар очишиб, ўзлари муҳаррирлик қилишди.

Жаҳид матбуоти халқни “ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи” “миллат онгининг очқичи” эканини намоёиш эта олди.

Аммо мустақиллик ҳаракати 1929 йил охирида миллий зиёлиларнинг кўпчилигининг Совет режими томонидан қамоққа олиниши туфайли фаоллик билан олиб борилган сиёсий кураш сўнди. Кўпгина жаҳидлар ўлдирилди, қамалди, баъзилари сиёсий ҳаётдан четлашиб бадий ижод билан шуғуллана бошлади, баъзилари Совет идораларида турли лавозимларда ишлай бошладилар.

Ўзбек журналистикаси тараққиётидаги иккинчи босқич тугаб, 1931 йилдан учинчи босқич бошланди. Совет даври журналистикаси деб номланган бу босқич 1990 йилгача давом этади. Бу босқичда чоп этилган деярли барча матбуот умум демократик қоидаларга зид равишда яқка партиявийлик, яъни яқка ҳокимликка бўйсиндирилган ҳолда фаолият юритди.

Жаҳид матбуоти бўйича рейтинг топшириқлари

1. Жаҳид матбуотининг вужудга келишини шарҳланг.
2. Жаҳидчилик ҳаракатининг асосчиси ким эди?
3. “Таржумон” газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
4. Жаҳидлар томонидан қандай газеталар чоп қилинди?
5. Қандай журналлар чоп этилди ва уларнинг муҳаррирларини айтинг.
6. Жаҳидлар ўз дастурларида қандай масалаларни кўтариб чиқишди?

Жаҳид матбуоти бўйича назорат саволлари

1. Жаҳидчилик деганда нимани тушинасиз?
2. Жаҳидлар ўз ҳаракатларини қайси газетани чоп этишдан бошлашди?

3. Жади́дчи́лик даври матбуотининг йирик намояндаларини айти́нг.
4. Жади́дчи́лик ҳаракатининг босқичларини сана́нг.
5. Жади́длар қайси режаларини амалга оширишга эришдилар?

2. Совет даври ўзбек миллий журналистикаси

Туркистон ўлкасига подшо Россияси турли ҳарбий ва илмий экспедициялар юбориб, мавжуд аҳволни жиддий ўрганиш ва келажакда уни босиб олиш режасини Пётр I давридаёқ бошлаган эди. Россия империяси ўз мақсадини 19-асрнинг 40-йиллари охиридан бошлаб амалга ошира бошлади. Натижада ўлкада 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигини тузди. Аввалига Кўкон хонлиги (1868й), Бухоро амирлиги (1873й), Хива хонлиги (1873 августида) Россия империясига тобелигини тан олишди.

Подшо Россияси мустанлакачилигига қарши ўлкада озодлик кураши 1917 йилгача давом этди. Лекин барча кўзғоланлар ўрта шафқатсизлик билан бостирилди. Жади́дчи́лик ҳаракати ва унинг йирик намояндалари асосан йўқ қилинди.

1917 йилги Октябрь инқилоби натижасида Россияда большевиклар ҳукмронлиги мустабид режими ўрнатилди.

1920 йилга келиб Бухоро ва Хива хонлик тузумлари бутунлай ағдариб ташланди. 1924 йилга келиб Ўрта Осиё халқларининг миллий ҳудудий чегараланиши амалга оширилди. 1925 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилди. Ўзбекистон энди мустабид Совет давлати таркибида фаолият юрита бошлади.

Журналистика Туркистонда 1867-1917 йилгача бўлган даврда икки босқичда ривожланди. Биринчи босқич 1870-1905 йиллар орасида маҳаллий тилда ягона газета “Туркистон вилоятининг газети” бор эди холос.

Иккинчи босқич 1906-1917 йиллари орасида эса ўзбек тилида мустақил даврий нашрлар пайдо бўлди ва улар тез ривожлана бошлади. Аммо аввалига иатбуот нашрлари Туркистондаги подшо маъмурияти томонидан ёпиб қўйилган бўлса 1917й. келиб, шу йилларда ташкил этилган барча нашрлар, хусусан, “Натижа”, “Турк эли”, “Турон”, “Улуғ

Туркистон”, “Хуррият”, “Эл байроғи” газеталари “Юрт”, “Чаён” журналлари ва бошқалар янги ҳукмрон мафкура етакчилари томонидан “аксилинқилобчи” ликда айбланиб, фаолиятлари тугатилди ва уларнинг мол-мулки партия-совет матбуоти байроғи” газеталари “Юрт”, “Чаён” журналлари ва бошқалар янги ҳукмрон мафкура етакчилари томонидан “аксилинқилобчи” ликда айбланиб, фаолиятлари тугатилди ва уларнинг мол-мулки партия-совет матбуоти фойдасига мусодара қилинди. Шу тариқа собиқ СССР таркиб топгач Ўзбекистонда ҳам янги сиёсий йўналишдаги газета ва журналлар чиқабошлади. Унинг дастлабки намунаси рус тилида чоп этилабошлаган “Наша газета” эди. У 1917 йил апрелидан то 1919 йилгача шу номда, 1919 йил апрелидан “Известия” номида, 1922 йилдан “Туркестанская правда”, 1924 йилдан эса ҳозиргача “Правда Востока” номида чиқиб келади.

Ўзбек тилидаги миллий Совет матбуотининг тўнғичи “Иштирокиюн” (Коммунист) газетасидир. 1921-22 йилларда бу газета “Қизил байроқ”, 1922-24 йилларда “Туркистон”, 1924-1964 йилларда “Қизил Ўзбекистон”. 1964-1991 йилларда “Совет Ўзбекистони” номларида нашр этилди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан сўнг республикада кўплаб янги газета ва журналлар ташкил этилди. Турли қатламларга мўлжалланган республика миқёсида “Ёш Ленинчи”, “Камбағал деҳқон”, “Қизил Юлдуз”, “Батрак”, “Ишчи”, “Ленин учкуни”, “Маданий инқилоб” каби ўзбек газеталари ҳамда рус тилида “Комсомолец Востока”, “Пионер Востока”, “Узбекистанская правда”, яҳудий тилида “Рўшнолик”, уйғур тилида “Қутулиш”. тожик тилида “Ҳақиқати Ўзбекистон”, газеталари нашр қилинди. Вилоятларда кейинчалик туманларда ҳам газеталар чоп этила бошлади.

Шу йилларда “Ер юзи”, “Янги йўл”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Аланга”, “Янги қишлоқ”, “Коммунист” каби журналлар ҳам чоп этилди. 30-чи йилларга келиб Ўзбекистон матбуоти буткул сталинизм жарчисига айланди. Бу янги қатағон учун мафкуравий замин яратилганидан далолат эди.

Ялпи катагон йилларда кўплаб ўзбек журналистикасига хизматлари синган ажойиб публицист-журналистлар, муҳаррирлар Усмонхон Эшонхўжаеву Чўлпон, Абдулла Қодирийю Зиё Саид, Аъзам Аюбову Файзулла Хўжаев, Акмал Икромову Қосим Сорокин, Қурбон Берегину Муҳаммад Ҳасанов, Мўмин Усмонову Маннон Рамз ва бошқалар халқ душманлари деб бадном қилинишди ва катагон қурбонига айланишди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида матбуот тармоғи бирмунча қисқарди, қатор газета ва журналлар вақтинча тўхтатилди.

Урушдан кейинги даврда даврий матбуот аста-секин ривожланиб борди.

1975 йилда Ўзбекистонда 257 номда шундан ўзбек тилида 169 номда газета нашр этилган. Журналлар сони 134 тани ташкил қилди.

Даврий матбуотда касбий олий маълумот эгалари кўпайгани характерлидир. Чунки 1949 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)да, 1957 йили республика Олий партия мактаби қошида олий маълумотли журналистлар тайёрлайдиган махсус бўлимлар очилди. 1967 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) мавжуд журналистика бўлими журналистика факультетига айлантирилди.

Шуни эътироф этиш керакки, урушдан кейинги 20 йилдан ортиқ давр ичида компартия давлат устидан мутлоқ ҳукмрон бўлган органга айланди. 20-асрнинг 40-йиллари охири ва 50 йиллар бошида яна ялпи қирғин бошлангани ва бу асосан маданият ва фан арбобларига қарши қаратилгани матбуот ривожига салбий таъсир этди. Зиёлилардан Шукурулло, Саид Аҳмад, Мизакалон Исмоилий, Шухрат, Мақсуд Шайхзода, Мирзакарим Осим, Ҳамид Сулаймон, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тўхтасин Жалолов, Маҳмуд Муродов ва бошқалар “Советларга қарши миллатчилик фаолияти” олиб борганликда айбландилар ва ҳар бирлари 25 йилдан озодликдан маҳрум этилдилар. Фақат кейинчалик улар оқланди.

Ўша давр журналистикаси фаолияти тўлалигича партиявий назорат остида бўлиб давлат цензураси фаол эди. Коммунистик мафкура синфчилик асосига қурилган бўлиб, бу ахборот соҳаси кўплаб нохушликларга олиб келганди.

Шундан кейинги 15 йил Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий инқирознинг кучайгани билан изоҳланади. Бу давр иқтисодий турғунлик даври деб номланди. Ўша даврдаги матбуот марказ топшириғига биноан “Ўзбекистон СССРга боқиманда эканлиги ҳақидаги уйдирмани баланд овозда куйлади. Ва ниҳоят 1984 йилдаги Ўзбекистон компартиясининг 16-плenumsи ЎзССРда ўзбек халқини асоссиз бадном этиш компаниясини бошлаб берди. Тўғрироғи навбатдаги қатағон амалга оширилди. Ўзбек халқи бадном этилиб, “пахта иши” га атайлаб сиёсий тус берилди ва у “ўзбеклар ишига”га айлантирилди. Матбуот ҳам шу ноғорага ўйнади.

КПСС МК га бош котиб бўлиб сайланган М.С.Горбачев қайта қуриш” сиёсатини бошлади. Бу ўтган ислохатлардан тубдан фарқ қилади. Бу қайта қуриш 1985-1990 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ошкоралик, демократияга қисман шароит яратилди.

Бу ўзгариш даври ўзбек халқининг ўз мустақиллиги тўғрисидаги ғоялари ҳақида ўйлашга имконият туғдирди.

1989 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви жорий қилинди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди.

Шу билан 1917-1990 йиллар орасида ҳукм сурган совет даври миллий журналистикаси ўз даврини яшаб бўлди.

Совет даври ўзбек миллий журналистикаси бўйича рейтинг топшириқлари

1. Подшо Россияси Туркистон ўлкасини босиб олиш режасини қачон бошлаган эди?
2. Россия империяси ўз мақсадига қачон эришди?
3. Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия империясига тобелигини қачон тан олишди?

4. Ўрта Осиё халқларининг миллий ҳудудий чегараланиши қачон амалга оширилди?
5. Ўзбекистон ССР ташкил топган йилни айтинг.
6. Журналистиканинг Туркистонда ривожланиш босқичлари ва уларнинг хусусиятлари.

**Совет даври ўзбек миллий
журналистикаси бўйича назорат саволлари**

1. Подшо Россияси Туркистонга нима мақсадда экспедициялар юборган?
2. Ўлкада Туркистон генерал-губернаторлиги қачон тузилди?
3. Мустамлакачиликка қарши ўлкадаги кураш қачонгача давом этди?
4. Россия большевиклари ҳукмронлиги мустабид режими қачон ўрнатилди?
5. Ўзбекистоннинг мустабид совет давлати таркибида фаолият юритабошлаган даври журналистикасини гапириб беринг.
6. Ялпи қатағон йилларида Ўзбекистон матбуотини шарҳланг.
7. Урушдан кейинги давр матбуоти.

**1.4. Мустақиллик даври ўзбек журналистикаси
(1991-х.к.)**

Тоталитар тузум мақсадларига хизмат қилган компартия матбуоти миллий мустақилликка хизмат қилиши учун уни тубдан ўзгартириш лозим эди. Чунки коммунистик мафкура назорати остида бўлиб, ёлғон - яшиқни ростга ёйиб, якка ҳокимлик сиёсатида фаолият кўрсатиб, даҳрийликни тарғиб қилувчи мақолалар ёзиб келган матбуот шу ондаёқ ўзгариб қолмаслиги аниқ эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ОАВ мафкуравий якка ҳокимликдан қутилди. Уларнинг барчаси ўз мавқе ва йўналиши бўйича матбуот талабларига мос сиёсий йўналишда фаолият кўрсата бошлади. Газета ва журналларнинг, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарабошлади.

Республикадаги мавжуд ОАВнинг базиларининг номи ўзгартирилди. “Ёш Ленинчи” “Туркистон” деб, “Ленин учкуни” эса “Тонг юлдузи” деб номланди. Бундан ташқари ЎзТАГ-ЎЗА деб ном олди. 1997 йилда қабул қилинган “Оммавий ахборот васиталари тўғрисида”ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ОАВ таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлди. Натижада бир неча турдаги ҳар хил газета-журналлар, телеграф агентликлари, телерадио студиялар пайдо бўлди. Ўзбекистонда қисқа муддат ичида давлатчилик асосларини ҳимоя қиладиган турли тузилмалар шакллантирилди.

Республикада кўп партиялилик қарор топди. Хусусан, ҳозирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси (1991), Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (1995), Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (1995), Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (2003) фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2005 йил 27 январда 2 палата: Қонунчилик палатаси яъни қуйи палата ва Сенат яъни юқори палатадан иборат қилиб шакллантирилди.

Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993) рисоласида Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида 5 та асосий қуйидаги тамойилларни ўртага ташлади:

иқтисод ҳамиша сиёсатдан устун туриши;

давлат-бош ислохотчи бўлиши;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлиги;

қонун устиворлиги;

босқичма-босқич, ижтимоий ларзаларсиз янги поғонага эришиш. Иқтисодий сиёсатимизнинг бу “ўзбек модели” деб ном олган асосий тамойиллари Республикада туб иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг узоқ даврга мўлжалланган мақсадларини белгилаб берди.

Мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт вужудга келди. Маданий-маънавий ва маърифий соҳада ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқаси мустақиллик йиллари ҳамма соҳада

зарур ислохатлар ўтказилди ва бу улкан тадбирларда ОАВ ижобий рол ўйнади.

Бу ишларда янгидан ташкил бўлган “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Мулкдор” (2006 йил майдан “Биржа”), “Адолат”, “Миллий тикланиш”, “XXI аср”, “Ҳуқуқ”, “Ҳуррият”, “Моҳият”, “Зеркало XXI”, “БВВ” газеталари билан бир қаторда хусусий мулкдорлар томонидан “Даракчи”, “Хордиқ”, “Бекажон”, “Тасвир”, “Парвона”, “Чархпалак” газеталари чиқарилди. Мавжуд “Шарқ юлдузи”, “Тулистон”, “Ёшлик”, “Фан ва турмуш”, “Саодат”, “Ўзбекистон матбуоти”, “Тулхан”, “Гунча” каби журналларнинг мазмун-мундарижаси янгиланди, бойиди.

Мустақиллик йилларида “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Ҳидоят”, “Таълим тарикқиёти”, “Хўжалик ва ҳуқуқ”, “Ҳуқуқ ва бурч”, “Соғлом авлод”, “Мулоқат”, “Санам”, “Лаззат”, “Касб маҳорати”, “Авто олам”, “Қалқон”, “Патология”, “Синфдош” каби янги журналлар пайдо бўлди.

Газета ва журналларнинг аудиторияси, йўналиши, адади, шакли-шамойили хилма-хил бўлиб, барча даврий матбуот, умуман ОАВ жумладан, радио-телевидение, интернетнинг ривожланиш тенденциялари омма эҳтиёжига қараб ўзгариб, яхшиланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ОАВ барча турлари фаолиятида миллийлаштириш ўзбек тилидаги эшиттиришлар ҳажмини ошириш амалга оширилди.

Ўзбекистон ахборот агентликлари фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, 1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Жаҳон” ахборот агентлиги, 1995 йилдан Ўзбекистондаги биринчи нодавлат яъни давлат тасарруфида бўлмаган ахборот агентлиги 1998 йилдан бери фаолият кўрсатиб келади. Бу “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги давлат ахборот агентликларига муқобил ташкилот бўлиб, у мамлакат ахборот маконида ўзига хос аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги ахборот агентликларидан яна бири Қорақалпоғистон хабар агентлигидир.

Миллий мустақиллик даври журналистикаси борасида гап кетганда ноширлик масалаларига ҳам тўхталиб ўтиш муҳим. Ўзбекистон ҳудудида китобнинг пайдо бўлиши ҳақида

дарсликнинг китоб ва китоб нашриётлари бобида батафсил тўхталамиз.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарори асосида Ўзбекистонда йирик нашриёт ҳисобланган “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” (1997й) давлат илмий нашриёти ташкил этилди.

Ўзбекистонда ноширликка доир масалалар, асосан “Ўзбекистон матбуоти” журналида ҳамда “Хуррият” газетасида ёритилади.

Миллий мустақиллик журналистикаси ривожини интернетсиз тўла ифодалаш мумкин эмас. Катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутун жаҳон компьютер тизими бўлган интернет бугунги кунда барча анъанавий ахборот тизимлари – телекоммуникация, телерадио эшиттириш, ахборотларни халқаро миқёсда фаол алмаштириш ва ҳ.к. нинг технологик имкониятларни уйғунлаштириб қўлланилгани учун у бир неча вазифани бажаради.

Ўзбекистонда маълумотларни узатиш миллий тармоғи ЎзПАК Давлат компанияси ва ЎзНЕТ тармоғидан иборат: Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Интернет ҳақида махсус бобда янада тўлароқ тўхталамиз.(Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2002 й, 4-жилд, 182-183 бетлардаги Дилдора Рашидова мақоласини ўқинг).

Мустақиллик даври журналистикаси бўйича рейтинг топшириқлари

- 1.Мустақилликка эришган давлатнинг ОАВ нимадан қутилди?
- 2.Қайси матбуот нашрлари ўз номини ўзгартирди?
- 3.ОАВ фаолиятида қандай янгилик пайдо бўлди?
- 4.Қандай янги ОАВ пайдо бўлди?
- 5.Ўзбекистон Олий Мажлисида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
6. Ўзбекистонда қандай партиялар вужудга келди?
- 7.Қандай янги журналлар ташкил бўлди?
- 8.Янги ахборот агентликларини сананг.
- 9.Мустақиллик даври журналистикасида интернетнинг роли.
- 10.Тоталитар тузум матбуотидан мустақиллик даври матбуотининг фарқи.

**Мустақиллик даври журналистикаси бўйича
назорат саволлари**

1. Мафкуравий якка ҳокимликнинг матбуотдаги кўриниши.
2. ОАВ таъсис этиш қайси қонунда ўз ифодасини топди?
3. Янги тузилган партиялар нашрларини биласизми?
4. Иқтисодни ислоҳ қилишнинг 5та асосий тамойилларини айтинг.
5. Ташкил бўлган хусусий нашрларни шарҳланг.

2-БОБ. Ўзбек журналистикаси типологияси

2.1. Журналистик фаолият ва унинг кўринишлари

Журналистик фаолиятнинг моҳияти ахборот тарқатиш десак хато бўлмаса керак. Чунки ахборот тарқатиш сўзининг асл мазмуни бирон нарса ҳақида тушунча бериш деган маънодан кенгрок.

Ахборот инсон ҳаётида ғоят муҳим рол ўйнайди. Уни фалсафий маънода модданинг яшаш хусусиятларидан асосийси, моддалар орасидаги ўзаро муносабат, бир-бири билан алоқа ва бир-бирига таъсир воситаси деб таърифлашади. Демак, ахборот модданинг яшаш тарзи, хусусиятидан келиб чиқувчи ҳосила. У инсоннинг дунёни билиши ҳамда тажрибага эга бўлишидаги асосий восита. Инсон оладиган ахборот турлари хилма-хил. Жумладан, таълимий, тарбиявий, касбий, илмий, иқтисодий, бадий, эстетик, диний ва бошқа турлари мавжуд.

Инсон оладиган ахборот табиатдаги шакл, ҳажм, ранг, нур, иссиқлик, совуқлик, ҳид ва бошқа воситалардан ташқари кўриш (тасвир) ва эшитиш (товуш) кабилардан ҳам иборат бўлади.

Жамиятни бошқаришда эса ўзига хос турдаги ахборотлар – ижтимоий ахборот, сиёсий ахборот, халқаро ахборот, ҳарбий ахборот, махфий ахборот ва бошқа турлари қўлланилади.

Булар ичида ижтимоий ахборот турига эътиборимизни қаратсак. Бу тур инсон онгини ўстиришда унинг ижтимоий фаолиятини бошқариб туришда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Айтиш керакки, жамиятда якка ҳукмдорлар мавжуд бўлган даврда ижтимоий ахборот уларнинг манфаатини сиёсатига мослаштирилган эди. Коммунистик тузум даврида ахборотдан якка ғоявий ҳукмронлик ўрнатиш учун фойдаланиб келинган. Фақат демократик жамиятдагина ижтимоий ахборот жамият тараққиёти, кенг омманинг манфаати учун хизмат қилиши мумкин.

“Ахборий матбуот” деганда биз моҳият эътибори билан “Янгиликлар журналистикаси” маъносини тушунамиз. Зеро, бу икки тушунча узвий, бири иккинчисиз маъносиз эканлиги аниқ.

Ғарбда “Ахборий матбуот”га ўхшаш яна бир мунозарали “Фикрлар матбуоти” тушунчаси мавжуд. Бу икки тушунчани фарқлаш ва қўллаш шартли. Улар Ғарбда ҳам, бизда ҳам бир – биридан айри (соф) ҳолда амал қилолмайди. Ғарб оммавий ахборот воситаларида ўзгачароқ хол мавжуд деган фикр ҳам йўқ эмас. У ерда янгиликларнинг узлуксиз оқимини узатишда Си-Эн-Эн, “Немис тўлқини”, “Би-Би-Си”, “Озодлик”, “Америка овози” кабиларда ҳам “Соф” ҳолдаги факт, воқеа –ҳодисаларни узатиш билан бир қаторда уларни шарҳлашга ҳам эътибор берилишини тан олиш керак.¹⁰

Ахборотни хабар қилиш, тушунтириш, маълум қилиш маъносида тушунар эканмиз, демак, ахборий журналистика олдиндан маълум бўлмаган бирор нарса, воқеа ҳақидаги ҳар қандай хабар ахборот деган тавсифга қўшилган ҳолда ахборот, фактлар ҳақидаги хабардангина иборат бўлиб қолмай, инсон ички эҳтиёжи бўлмиш мулоқатни таъминловчи алоқа қилиш амали ва фикр алмашиш жараёни ҳамдир, деб тўлдириш ва таҳрир қилишга ҳам қўшиламиз. Бизга маълумки, воқелик қанчалик ранг-баранг акс этса, хабарнинг ахборий қиймати шунчалик юқори бўлади. Чунки турли халқлар, давлатларнинг бирдек демократик кадриятларга интилишларидан қатъий назар, улар маданий ва сиёсий онг даражасининг турли босқичида туришларини эсдан чиқармаслик керак.

Ахборотни газета, журнал, радио, телевидение, интернет, ахборот агентликлари тарқатса, ана шу улар тарқатган ахборотларни қабул қилиб олувчи асосий гуруҳлар бор. Улар учта:

Биринчиси, маънавий – шахсий гуруҳ. Унга адабиёт, санъат, ички ва халқаро мавзулар билан қизиқадиганлар киради.

Иккинчиси, касбий – функционал гуруҳ. Унга ижтимоий-сиёсий ахборотни катта қизиқиш билан тинглайдиганлар киради.

Учинчиси, истеъмолчиликка йўналтирилган гуруҳ. Бу тоифадагилар оммавий ахборот воситаларидан хордиқ чиқариш

¹⁰ Луғат.Журналистика.Реклама. Паблик Рилейшнз.Маълумотнома. 1700 та атама. Т., 2003.

ва дам олиш хабарларини кутадилар. Тўғрироғи уларни турли телешоу, спорт қизиқтиради.

Миллий мустақилликка эришган ва демократик, ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаро жамияти тузиш йўлидан бораётган бизнинг мамлакатимизда ижтимоий ахборотга бўлган талаб ошиб ҳамда уни йиғиш ва тарқатиш имкониятлари янада кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида ҳамда ҳукумат қабул қилган қатор қонунларда ахборот олиш, тарқатиш борасидаги демократик ҳуқуқлар аниқ, равшан баён этиб берилган.

Шу ўринда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ахборотни йиғиб, оммага доимий равишда етказиб турувчи асосий восита эканлигини эътироф этмоқ керак. Журналистиканинг ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бири, реал воқеликни билиш, тадқиқ этиш ҳамда унга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси эканига эътиборни қаратайлик.

Журналистика, жумладан унинг бу кўриниши маълум бир воқеликни ўзида акс эттиради, уни ўрганади, таҳлил қилади, ҳамда унга қайтадан таъсир кўрсатади.

Матбуотнинг фалсафий моҳияти унинг ижтимоий онг кўринишларидан бири эканлигидир. Маълумки, оламда ижтимоий борлиқ ва унга мос келувчи ижтимоий онг мавжуддир. Ижтимоий онг таркибида мафкура, фан, адабиёт, санъат, ижтимоий психология ва бошқалар мавжуд бўлиб, матбуот ҳам шулар қаторида тенг ҳуқуқли аъзо, ижтимоий онг шаклини ташкил этади.

Биламизки, матбуот яъни журналистика ижтимоий онгнинг энг ўткир ва таъсирчан қисми. У турли соҳалар ҳамда хилларга эга. Жумладан, ижтимоий – сиёсий журналистика, иқтисодий ишлаб чиқариш журналистикаси, илмий журналистика, бадиий журналистика, санъат журналистикаси, ҳажвий журналистика, спорт журналистикаси, ҳарбий журналистика, болалар журналистикаси каби соҳалар ҳамда фотожурналистика, радиожурналистика, тележурналистика, интернет каби хиллари

мавжуд. Буларнинг бари ижтимоий ҳаётни акс эттиришдан иборат, умумий қонун асосида фаолият кўрсатади. Матбуотнинг давомийлиги эса унинг ижтимоий онг кўриниши сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Ижтимоий амалиёт билан журналистиканинг ўзаро алоқаси натижасида ахборот воситаларининг маълум бир таркиби пайдо бўлади. Уларнинг таснифи асосида ҳар бир нашр ҳамда оммавий ахборот воситаларининг аниқ ифода этилган таркиби пайдо бўлади. Баъзи белгиларига қараб, ходиса ва воқеалар таснифи умумлаштирилади. Журналистикани ўрганиш давомида оммавий ахборот воситалари таркибига ва уларнинг ривожланиш йўналишига касбий нуқтаи назардан қараш вазифаси қўйилади ва ҳар бир конкрет олинган нашр ёки эшиттириш дастурига тасниф билдирилади. Аввалига баъзи бир услубий қоидаларни ўрганиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, тасниф аломатлари на расман, на хусусий хусусиятларга эга. Улардан хатто бирон бир аломатни ўзгартирилса бутун бошли нашрнинг ҳам мазмуни, ҳам шакли бутунлай ўзгариб кетади. Агар газета билан журнал ҳажм жиҳатдан фарқланади десак, унинг даврийлиги мақолалар ҳажми, бадиий безаш каби таснифларига ҳам эътибор қаратишимиз керак.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари таснифи кўплаб ташқи (ижтимоий) ва ички (журналистик) сабаб ва омилларга эга бўлади. Масалан, икки, тўрт саҳифали ўтган асрнинг 80-90 йилларида пайдо бўлган газеталар ўрнида 8,16 хатто 32 саҳифали газеталар чиқарилганини айтиб ўтиш ўринли. (“Солиқ ва божхона хабарномаси” ва б.). Лекин нашр катталашганига қарамай, улар эски нашрлар негизида, уларнинг ғояларини давом эттиришганини эътироф этиш керак.

Учинчидан, матбуот таснифига қаратилган ҳаракат тўхтовсиз давом этади. У ўзгариб, тўлдирилиб, бойиб бораверади. Масалан, матбуотга ўтган асрнинг 90-йилларигача бўлган таснифда матбуот марксча-ленинча таълимот асосида, синфий-ғоявий нуқтаи назардан ўрганилган бўлса, Ўзбекистон

миллий мустақилликка эришгач матбуотга янгича, холис, умуминсоний қарашлар пайдо бўлди.

Шу уч қоида асосида журналистиканинг таснифи ва унинг таркиби борасида тўхталамиз. Энг аввало тасниф хусусиятларини қараб чиқайлик.

Матбуотни тарқатиш ҳудудлари. Матбуотни тарқатиш таснифи уни қаерда чоп этилиши билан эмас, балки қайси ҳудудларга тарқатилиши билан бошланади. Асос қилиб худди шу қайси ҳудудларга хизмат қилиши олинади.

Демак, матбуотнинг ҳудудий йўналишига қараб марказий (мамлакат миқёсида), вилоят, шаҳар, туман, қуйи матбуот органлари (кўп тиражли газета) бўлади. Лекин баъзи газеталар жумладан, “Тошкент оқшоми” – “Вечерний Ташкент” шаҳар газетаси бўлсада у бутун мамлакат бўйлаб тарқалади.

Агар у чет мамлакатларга ҳам тарқалса унда у транс миллий мақомини олади. Энди мамлакат миқёсидаги, тўғрироғи марказий газеталар ҳақида тўхталсак. Уларнинг бари бутун мамлакат бўйлаб тарқатилади. Унга “Халқ сўзи”, Правда Востока”, “Ўзбекистон овози”, “Туркистон”, “Нуроний” в.х газеталар киради.

Вилоят газеталарига “Қашқадарё”, “Тошкент ҳақиқати”, “Ташкентская правда”, Андижоннома”, шаҳар газеталарига “Тошкент оқшоми”-“Вечерний Ташкент”, туман газеталарига “Давр овози” (Қибрай тумани), кўп тиражли газеталарга “Тўқимачилар овози”(Тўқимачилик комбинати), “Қалдирғоч” (Ўзбекистон давлат саъят институти) ва ниҳоят деворий газеталарга ташкилот ёки мактабларда чиқадиган) бўлинади. Юқорида биз ҳукумат ва ҳукуматга қарашли нашрларга тўхталдик. Ваҳоланки, республикага тарқатиладиган халқ ҳаракатининг (“Бирлик” – “Единство”), партияларнинг (“Ўзбекистон овози”, “XX1 аср”, “Адолат”), жамғармаларнинг (“Нуроний”, “Ўзбекистон матбуоти”), тижоратчиларнинг (“7X7”, “Даракчи”) диний ташкилотнинг (“Ислом нури”) ва бошқа газеталар мавжуд. Газета ва журналлар моҳиятига кўра ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, адабий – бадиий, илмий бўлиши, йўналишига қараб болалар, (“Тонг юлдузи”, “Класс”), ёшлар

(“Туркистон”, “Молодеж Узбекистана”), хотин-қизлар (“Саодат”) муассислигига кўра – ҳукумат идораларининг, нодавлат ташкилотларининг нашрлари ҳамда, хусусий бўлиши мумкин..

Нашриёт таснифи. Нашрнинг даврийлиги, бичими, ҳажми ҳам муҳим кўрсаткичлар бўлиб, улар ҳақида билиш зарур. Масалан, даврийлик ахборотнинг тезкорлигини таъминлайди. Жумладан, кундалик (бунга ҳафтасига 4-5 ва ундан ортиқ марта чиқадиган газеталар) ҳафтасига бир, ҳар ўн кун, ойида бир, чоракда бир марта чоп этиладиган нашрлар ҳам бор.

Матбуотда асосан А-2 бичим (“Халқ сўзи”, “Правда Востока”, А-3 бичим “Нуроний”, “Ишонч” ҳамда А-4 (“7Х7”) каби бичимли нашрлар мавжуд. Халқ орасида газеталар икки саҳифали, тўр саҳифали ва ҳ.к. деб юритиш одати бор.

Бу ҳолатда унинг бичимига эътибор бериш керак. А-2 бичимда чоп этиладиган “Ўзбекистон овози”ни тўр саҳифали, агар у А-3 бичимда чоп этилганда саккиз саҳифали деб юритсак тўғри бўлади. Бу газета демак икки табоқда чиқади. Бир босма табоқ тахминан 40 минг белгидан иборат бўлади. Демак, “Ўзбекистон овози” газетаси қайси бичимда чиқмасин асосан 80 минг белгидан ёки икки босма табоқ ҳажмида чоп этилар экан. Баъзи сонлари бошқа даврий матбуотга ўхшаб уч ва тўрт босма табоқ ҳажмида ҳам чоп этилиши мумкин.

ОАВ таркиби таснифи ҳар хил бўлган ахборот воситаларининг барчаси қўшилиб журналистиканинг бир бутун таркибини ташкил қилади. Тузилиши бўйича уни ахборот воситаларининг уч гуруҳи ифода этади.

Биринчиси, босма матбуот – газеталар, журналлар, ҳафтаномалар (газета ва журнал типдаги), вақти-вақти билан нашр этиб туриладиган ахборотлар мажмуи, журнал, даврий календарлар;

Иккинчиси, аудиовизуал оммавий ахборот воситалари радио, телевидение (эфирли ва кабелли) ҳужжатли кино, видео кўрсатув;

Учинчиси, ахборот хизматлари, телеграф агентлиги, реклама бюроси, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқа

қилувчи агентлик, журналистларнинг касбий клублари ва уюшмалари.

Тузилиши бўйича тавсиф берилаётганда, интернетни қайси гуруҳга қўшиш кераклиги ҳақида савол пайдо бўлади. Бу масалага қарашлар ҳар хил. Интернет (лотинча сўз бўлиб, inter- аро ва net (work) – тармоқ деган маъноларни билдиради) – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутун жаҳон компьютер тизимидир. Бу янги тармоқ истеъмолчиларга ахборотни сақлаш, эълон қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, излаш ва маълум бўлган барча вариантлар (матн, товуш, видео тасвир, фотосурат, графика, мусиқа тарзида ва бошқа кўринишларда ахборот алмашинишга имкон яратади).

Интернет фақат матнни эмас, балки тасвирни, суратларни, расмларни, товуш ва видеотасвирларни узатибгина қолмай, воқеа юз бераётган жойдан тўғридан-тўғри олиб боришга ҳам қодир. Ўзбекистонда интернет фаолияти 1997 йилда бошланди. Дастлаб Найътов, Узнет ёки Истлинк каби провайдр компаниялар фаолият бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори (2001) Ўзбекистоннинг бу борада халқаро миқёсда ўз мавқеига эга бўлишига хизмат қилади. Ўзбекистонда маълумотларни узатиш миллий тармоғи ЎзПАК Давлат компанияси ва ЎЗНЕТ тармоғидан иборат.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, у халқаро телефон тармоғига ўхшаш ҳеч кимга тобе эмас ва уни ҳеч ким тўлалигича бошқармайди. Интернет тармоғидан барча компьютерларнинг ягона умумий тили – ТСР/ІР – тили деб номланади ва компьютердан фойдаланувчилар бу тил орқали ўзаро мулоқатда бўладилар.

Интернет тармоғида электрон почта (Е – mail) ҳам бор. Интернетга уланишнинг икки йўли бор: доимий алоқа канали ва телефон бўйича. Биринчи йўл қиммат, аммо алоқаси сифатли, иккинчи йўл арзон, аммо сифати унча юқори эмас. Алоқа

каналлари орқали интернетга уланишни таъминловчи ташкилот провайдер деб аталади.

Интернетни ҳозирча оммавий ахборот воситалари таркибига киритмаган ёки оммавий ахборот воситалари мақоми берилмагани ҳолида коммуникацион технология деб юритиш мақсадга мувофиқ.

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” номидаги веб – сайт очилган. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларидан “Правда Востока”, “Народное слово”, “БВВ”, “Давр”, “Ахборот” теледастурлари ва ҳоказо ўз веб – сайтларига эга.

Оммавий ахборот воситалари таркибидаги биринчи гуруҳни босма матбуот дедик. Унинг ўзига хослиги нималардан иборат? Матбуотнинг ўзига хос хусусияти унинг ўз мазмунини ёзма сўз орқали ифода этиши ҳамда матн таҳлилида радио ва телевидениега нисбатан тасвирий восита анча камроқ бўлгани билан ажралиб туради. Ўқиш жараёнининг ўзи (шифрланган шартли босма ҳарфларни ўқиш) юқори даражадаги абстракт тафаккурга тасаввур этишда фаол бўлишга ақлий ғайратга қаратиш демакдир. Натижада муаллиф ва ўқувчининг ўзаро алоқаси мустаҳкамланади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, матбуотнинг обрў-эътиборини оммавий алоқа генотипида мавжуд кўп ёзма нутқ маданияти асосланиб туради.

Ва ниҳоят, газета ҳамда журналлар матни ахборотлар хазинаси ролини ўйнашда жуда қулай, уларни хоҳлаган пайтда тўла ўрганиш имконияти бор, улар бир ерда йиғилган бўлади, улардан нусхалар кўчириш осон кечади ва ҳ.к.

Дунё миқёсида телевидение ҳамда компьютер алоқасининг кенг ёйилиши натижасида инсониятнинг маданий ҳаётига алоқадор ёзма журналистиканинг сақлаш борган сари муаммога айланиб бормокда.

Замонавий радионинг афзалликлари унинг нафақат ғоятда тезкор алоқа воситаларидан бири экани, нафақат радиоэлектроника, радиофизикадек энг замонавий фанларнинг асоси бўлгани билангина эмас, балки унинг оммавий ахборот воситаси, сиёсий, ижтимоий, маърифий, маданий, тарбиявий восита экани билан белгиланади. Унинг афзалликларидан яна

бири ҳаммабоплиги, ҳозиржавоблиги, тезкорлиги, чегара билмаслиги ҳамда техник жиҳатдан оддийлиги, ишлаб чиқариш жараёнининг арзонлигидир.

Қайси шаклда намоён бўлмасин, “Жонли” эфир – журналист билан тингловчи ўртасидаги ўзига хос мулоқат бўлиб, у содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларнинг “Жонли” акси, вазиятнинг туб моҳиятини акустик шаклда етказиб бериш усулидир.

Радио ижтимоий фикрни шакллантирувчи, реал ҳаётга яқинлашиб унинг мазмуни ва муҳитини тўлақонли акс эттирувчи, журналистиканинг мафкуравий хусусиятини ифодаловчи воситадир. Бу барча радио эшиттириш маҳсулотларига катта талаб қўяди.

Шу борада Ўзбекистон радиосининг “Машъал” канали борасида бироз тўхталсак. Бу давлат радиоси. Унинг соат 9.00 дан 18.00 га қадар олиб бораётган жонли мулоқат дастури ўзининг жозибаси билан тўсирчан. Унинг жонли мулоқатда радио хазинасидан мумтоз ва замонавий куйлардан, жумладан, “Чўли ирок”, “Муножат”, “Чаман ялла”, “Етти гўзал”, “Қалб садоси” сингари оҳанглар билан тингловчиларнинг маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутаётган, улар дидини, сезгиларини, кўнглини гўзаллик ва нафосат туйғулари билан бойитаётганини эътироф этиш керак. Шу ўринда соат 6.00 дан бошлаб, икки соат давом этадиган “Эрталабки панорама” ахборот блокининг ахборотга бойлиги ва унинг тезкорлиги ҳам тингловчиларга манзур бўлганини эътироф этиш керак.

Энди хусусий радиолар фаолияти ҳақида тўхталсак. Мустақиллик шарофати билан давлат тасарруфида бўлмаган радиостанциялар – “Грант”, “Сезам”, “Ўзбегим таронаси”, “Ҳамроҳ”, “Орият” (Тошкентда), “Водий садоси” (Андижонда), “Эй-Эл-Си” (Ургенчда), Навоий кон-металлургия комбинати радиостанцияси (Навоийда) фаолият кўрсатмоқда. Булар ичида журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамда “Эдельвейс Али” хусусий фирмасининг “Гранд” радиостанцияси ўз фаолияти билан ажралиб туради. Эшиттиришларни тайёрлашда “Гранд” ходимлари тингловчиларнинг ёши, касби, қизиқишлари, миллий

менталитети ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишади.

Эшиттиришлар рейтингни ҳисобга олиш, камчиликларни таҳлил қилиш, янги мавзулар топиш каби изланишлар туфайли “Гранд” тингловчилар меҳрини қозонмоқда.

Афсусланиб, бошқа FM радиостанциялар мундарижаси асосан муסיқавий- кўнгилочар йўналишдан нарига ўтмаётганини ҳам эътироф этиш керак.

Телевидение, радио, кино, фотография, рассомлик санъати, театр ва бошқа алоқа ҳамда ижодий фаолият воситалари имкониятига эга бўлган ахборот тизими, тўғрироғи техник санъат турларидир. Унинг имкониятларидан тўла ва унумли фойдаланиш вақти келди.

Агар “Давлат телерадиокомпаниясига қарашли каналлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг савияси нисбатан қониқарсиз аҳволда. Чунончи, Россия телекўрсатув ва радио эшиттиришларидан фарқли ўлароқ бизда жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро мавзуларга бағишланган таҳлилий кўрсатувлар, бахс – мунозаралар анчагина оз, борлари ҳам энг аввало таъсирчанлик борасида анчагина заиф”.

Аммо, Ўзбекистон телевидениесининг “Меҳр кўзда” кўрсатуви, “Ёшлар” телеканалининг “Давр” ахборот дастури, “Интерфутбол”, “Ринг қироллари” каби кўрсатувлари томошабинларга маъқул бўлаётганини эътироф этиш керак.

Сиёсатшунос Жалолиддин Ҳакимов – Республика телевидениеси орқали намойиш этилаётган айрим аудио – видео маҳсулотлар, рекламалар халқимиз маданияти ва анъаналарига мутлақо тўғри келмайди. “Қонли спорт”, “Полициячи – робот”, “Қотилнинг мактуби”, “Терминатор”, “Ов мавсуми”, “Қотиллик инстинкти” сингари ажнабий бадий фильмларда озмунча зўравонлик, қотиллик кўз – кўз қилинаяптими?! Уларни “Мижжа қоқмай” томоша қилаётган ёшларимиз онгида қандай жараёнлар кечаётганини ким таҳлил қиладию, ундан ким тўғри хулоса ясаб, тўғри чора топади?! деган жуда ўринли савол ташлайди.

Бунинг учун малакали фикрлай оладиган, таҳлил қилиш қобилиятига бўлган профессионал кадрлар керак. Афсуски, бундай журналист кадрларимиз бугунги кунда талаб даражасидан анча оз.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти тадқиқотчиси Илмира Рахматуллаева: “Мамлакат ҳаётидаги ҳар қандай мунозарали масалалар айнан телевидение орқали (интерактив телевидение) халқнинг истак – иродаси билан ҳал этилиши мумкинлиги кўшни мамлакатлар телевидениелари учун одатий ҳолга айланаётганини кўриб турибмиз. Бу масала ўйлашга арзигулик, мамлакат сиёсатшунослари, олимлари, жамиятшунослари, санъатшунослари томонидан ишлаб чиқилиши зарур бўлган масалаларни биридир. Янги асрда телевидение ўз зиммасига янги вазифаларни олмоғи лозим”¹ деб ёзади. Лекин бунинг учун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тезлик билан давр ахборот соҳасида янги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиши, ахборот тарқатиш имкониятларини кенгайтириши лозим.

Ўзбекистон ахборот агентликлари ҳам мафкуравий жараёнларда иштирок этади. Улар бошқа ахборот воситаларига хизмат қилади, тўғрироғи уларга тайёр ва “хом” материаллар етказиб беради. Ўзлари, одатда агар ўзларининг газета – журналлари ёки телерадиоканаллари бўлмаса аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқа қилишмайди. Ахборот агентликларининг тузилгани оммавий ахборот воситалари ишини анча енгиллаштирди.

Худудлардаги турли воқеалар ҳақидаги хабарлар тезкорлик билан оммавий ахборот воситаларига юборилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тасарруфидаги “Жаҳон” ахборот агентлиги, нодавлат ахборот агентлиги бўлмиш “Туркистон пресс” оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларига ахборот етказиш билан шуғулланади. 1996 йилдан эътиборан йирик компьютер тизими, яъни кенг кўламли жаҳон ахборот тизими бўлмиш “Интернет”га уланган республика

оммавий ахборот воситалари ундан энг сўнгги янгиликларни қабул қилиб олиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 5 февралдаги Фармониға мувофиқ ташкил этилган. Шу йиллар орасида у тубдан ўзгарди. Энг муҳими ўзгариш ЎзАда тайёрланаётган материалларнинг мазмун-моҳиятидаги ўзгариш бўлиб, улар она тилимизда тайёрланаётганидир. ЎзА бир кеча – кундузда турли каналлар орқали ўртача мингдан ортиқ хабар олади ва улар қайта ишланиб, сараланиб истеъмолчиларға ўзбек, инглиз ва рус тилларида узатиладигани бир неча юзга етади. Қолганлари кейинчалик керак бўлиб қолиши мумкин деган сабаб билан ўзларида қолади.

“Жаҳон” ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 8 ноябрдаги қарори билан Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилди. қарорда агентлик зиммасиға хорижда кенг ҳамкорликка чорловчи, республиканинг салоҳиятини очиб берувчи ахборот бюллетенлари, маълумотномаларини тарқатиш сингари ва кўплаб вазифалар юкланди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги тарқатаётган кундалик ахборотлар Ватанимиз билан хориж мамлакатларини боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда. 1996 йилда ўзбек журналистикаси тарихида оламшумул воқеа содир бўлди – хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг ўз мухбирлари фаолият кўрсата бошлади. Бундай шарафли ва айни пайтда жуда маъсулиятли бўлган юмуш “Жаҳон” ахборот агентлиги журналистларига насиб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 мартдаги Фармонида Ўзбекистоннинг ҳукуматға қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари давлат ва давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлардан иборат ташаббус гуруҳининг, “Туркистон пресс” давлат тасарруфида бўлмаган ахборот агентлигини ташкил этганликлари маъқулланади.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини

кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иктисодиёти ҳамда демократик тамойиллар асосида ислох этишни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот бозоридан ўзига мос ўринни эгаллашига эришиш, республика ҳаёти ҳақида холис ахборотни дунёга тезкор тарқатиш тизимини яратиш, аҳолининг жаҳон миқёсидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Журналистика адабиёт ва санъатга яқин туради, биргаликда иш олиб боради ва адабиёт ҳамда санъатнинг ҳаётни акс эттириш усулларида кенг фойдаланади. Масалан, оммавий ахборот воситаларининг муҳим ҳажвий журналистика тури тасвирий санъатнинг муҳим соҳаси бўлган карикатурадан кенг фойдаланади. Ва бу санъат турлари оммавий ахборот воситалари жанрларига айланиб кетади. Журналистиканинг ҳам адабиётнинг ҳам асосий қуроли сўз бўлгани боис, улар бир – бирларига жуда яқин эгизак соҳалар десак муболаға бўлмайди. Адабиёт ижтимоий ҳаётни бадиий образлар орқали акс эттирса, журналистика яъни матбуот ижтимоий ҳаёт воқеаларини асосан фикрлар, далиллар асосида ёритиши билан белгиланади. Лекин уларни бир-бири билан боғлаб турувчи омил ҳам бор. Бу ҳар икки ўзига хос ижтимоий ҳодисани синтез қилувчи бир муҳим соҳа бор. Бу публицистикадир. “Публицистика шу замон муаммоларини шу замон кишиларига етказиш, шу замон муаммоларига жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадига хизмат қилувчи ижод тури” деган фикрга қўшиламыз.

Журналистика сингари публицистика ҳам турли турларга, хилларга бўлиниб кетади. Бу ҳақда кейинги бобларда мукамал тўхталамыз.

Журналистик фаолият ва унинг кўринишлари бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистик фаолиятнинг моҳиятини айтиш.

1.2. _____ Журналистик фаолиятнинг фалсафий маъносини изоҳлаб беринг.

3. _____ Инсоннинг дунёни билиши ҳамда тажрибага эга бўлишидаги асосий восита нима?

2.4. _____ Жамиятни бошқаришда ўзига хос турдаги ахборотни сананг.

3.5. _____ Ижтимоий ахборотни шарҳлаб беринг.

4.6. _____ Янгиликларнинг узлуксиз оқимини узатадиган Ғарб ОАВ ни биласизми?

5.7. _____ Ахборотларни қандай асосий гуруҳлар қабул қилиб олади?

6.8. _____ Ахборот олиш, тарқатиш борасидаги демократик ҳуқуқлар қайси асосий ҳужжатда ўз ифодасини топган?

7.9. _____ Қайси санъат турлари ОАВ жанрларига айланиб кетади?

8.10. _____ Журналистика билан адабиётни синтез қилувчи соҳани айтинг?

Журналистик фаолият ва унинг кўринишлар бўйича назорат саволлари

1. Ахборот тарқатиш сўзининг асл маъносини айтинг.
2. Ахборот қандай ҳосила?
3. Инсон оладиган ахборот турларини сананг.
4. “Ахборий ахборот” деган атамани шарҳланг.
5. Маънавий-шахсий, касбий-функционал, истеъмолиликка йўналтирилган гуруҳларни айтинг?
6. Матбуотнинг фалсафий моҳиятини айтинг.
7. Журналистиканинг соҳалари ва хилларини санаб беринг.

2.2. Ўзбек журналистикаси таснифи ва таркиби

Журналистика ижтимоий институт сифатида фаолият юритаркан, ўзининг туб моҳиятига кўра, ижтимоий ахборот йиғиш, ишлаш ва тарқатишдек функциясида ташқари, ижтимоий фикрни шакллантиришда аҳолига холис ва ҳаққоний ахборот беришдек ғоятда муҳим функцияни ҳам бажариши лозим.

Журналистика тарихига оид асарларда журналистика-нинг дастлабки куртаклари эрамиздан олдинги даврларда Хитойда лойдан ва кейинчалик Римда гипсдан ясалган тахтачалар, Японияда сополга ўйилиб хумдонда пиширилган махсус маълумотномалардир деб кўрсатилади. Бу нашрлар ўз-ўзидан оммалашмади, чунки уларнинг ададини кўпайтириш ва тарқатиш ўта ноқулай бўлган. Кейинчалик қоғоз ихтиро қилиниши билан бундай нашрлар ўрнини қўлёзма варақалар эгаллай бошлади.

Ўзбек журналистикасининг пайдо бўлиши ва шаклланишида қўлёзма варақалар маълум ўрин эгаллаб келган. Чунончи, ҳали ўзбек журналистикаси туб маънода шаклланмаган бир пайтда унинг функциясини бажарган ўзбек демократик адабиётининг йирик намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқалар ўз замонининг ижтимоий иллатларини фош этган ҳажвий шеърларини қўлёзма ҳолида тарқатганлар, кўпчилик кўрадиган жойларга осиб, ёпиштириб қўйганлар.(Масалан, Завқийнинг машҳур “Аҳли раста ҳажви” шеъри).

Бундан кўриниб турибдики, қўлёзма варақалар ҳам ўз даврида муҳим ахборий ижтимоий-сиёсий функцияларни бажарган. Юқорида келтирилган мисоллар эса матбуотнинг дастлабки кўриниши қўлёзма варақалар шаклида пайдо бўлган, дейиш учун асос бўла олади. Демак, қўлёзма варақалар ҳали туб маънодаги матбуот пайдо бўлгунга қадар унинг дастлабки тури, кўриниши сифатида хизмат қилган.

Жамият тараққий этиш билан қўлёзма варақалар (қўлда ёзилиши ва кўпайтирилиши қийинлиги боисидан) талабга жавоб бермай қолди. Фан- техниканинг ўсиши ва босма дастгоҳнинг ихтиро қилиниши том маънодаги матбуотнинг вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шундай қилиб, газета матбуотнинг асосий турига айланди, ҳамда ижтимоий ахборот етказишнинг муҳим воситаси сифатида жамият ҳаётидан ўз муносиб ўрнини олди. Турган гапки, жамиятдаги ҳукмрон синфлар ва табақалар газетадан ўз мақсад ва манфаатлари йўлида фойдалана бошладилар.Маълумки, газета дастлаб жамиятда якка ҳукмдорлар даврида вужудга келди ва шу боисдан уларнинг таъсирида иш кўрди.

Ўлкамиздаги илк газета-“Туркистон вилоятининг газети” ҳам Туркистонни босиб олган подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилганлиги маълум. Кейинчалик, ҳокимият тепасига келган буржуазия ҳукмдорлиги даврида газетачилик ҳар тарафлама тараққий этди, бунга сабаб буржуазия синфи газетадан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан фойда олабошлади. Яъни, бу даврга келиб, газета ҳам бозор маҳсулоти, фойда келтириш манбаига айланди.

Кейинчалик жамиятда газетанинг роли янада ошди. XX асрнинг ўрталарида мафкура майдонига кириб келган коммунистик таълимот ҳам ўз ғояларини оммага сингдириш учун газетадан кенг фойдаланди. Унга қарама-қарши равишда эркин дунё матбуотининг ифодаси бўлган газетачилик ҳам ўсди, тараққий этди. Умуман олганда, матбуотнинг илк кўриниши бўлган газеталар ижтимоий-сиёсий манфаатлардан ташқари умуминсоний маданий тараққиётга ҳам муҳим ҳисса қўшди. Газеталар ўзбек журналистикасининг пайдо бўлиши ва шаклланишида энг илк ва ҳаммабоп тури бўлиб юзага келди ва шундай бўлиб қолди.

Аммо газета инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун қанчалик хизмат қилмасин жамият тараққиёти яна бир матбуот турига эҳтиёж сезди, натижада яна янги бир матбуот тури дунёга келди, у- “журнал” деб ном олди. Бу сўз французча “Journal”- “кундалик” деган маънони билдирса-да, аслида ҳар куни эмас - кўпроқ муддатда - бир ойда бир марта чиқиб турадиган матбуот турига айтиладиган бўлди. Хўш журналнинг келиб чиқишига сабаб нима, унинг журналистика таснифидаги ўрни қандай? Журнал газетадан фарқли равишда жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий- маънавий ҳаётининг ички, чуқур қатламларини ўзида акс эттирувчи матбуот нашридир. Инсоният жамиятининг тараққиёти, инсон ақл-тафаккурининг ривожланиши натижасида ана шундай матбуот турига эҳтиёж сезилди. Шу билан биргаликда мавжуд синфлар, табақалар ўзларининг чуқур ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, маънавий-эстетик қарашларини ишлаб чиқиш заруратини сездилар. Газеталарнинг

имкониятлари эса бунга йўл бермади, шу боисдан журнал келиб чикди. Биринчидан журнал Европада дунёга келди, бу - 1655 йилда Парижда нашр этилган “Journal de Savans” (“Олимлар журналли”) бўлиб, унда адабиёт, фалсафа ва тиббий фанларга доир китобларга шарҳлар босилар эди. Худди шу даврда Англияда фалсафага бағишланган илмий журнал нашр этилди. Россияда биринчи журнал 1752 йилда “Ведомости” газетасига илмий илова сифатида чиқарилади. Туркистонда чиққан биринчи журнал 1913 йилда нашр этилган “Ойна” бўлди.

Шундай қилиб, журнал ҳам матбуот таснифида мустаҳкам ўрин олди ва инсоният тафаккурини ўстиришда, жамиятда илм-фан, маданият ва маърифатнинг тараққий этишида, адабиёт ва саъятнинг ривожиди муҳим роль ўйнади.

Жамиятдаги мавжуд синфлар, табақалар, гуруҳлар журналлардан ўз мақсад ва манфаатлари йўлида, ички қараш ва ғояларини ишлаб чиқиш ҳамда оммага етказиш учун фойдаландилар. Масалан, ғоявий якка ҳокимлик тарафдорлари журнални ўз қарашларини кенг ёйиш учун восита деб билсалар, жаҳондаги илғор фикр ва қарашларга таянувчи кучлар журнал орқали умуминсоний, тараққийпарвар ғояларни оммага етказадилар.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган жадид маърифатпарварлари ўз журналлари орқали тараққийпарварлик, миллий озодлик тушунчаларини омма онгига сингдирдилар. Журнал вақтли матбуотнинг асосий турларидан бири сифатида инсоният маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди.

Матбуотнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти шу қадар каттаки, инсоният кашф этган ҳар бир янгилик, ҳар бир имконият матбуот учун қўлланилади, яъни оммага ахборот тарқатишнинг ҳар қандай усули - у хоҳ босма сўз, хоҳ оғзаки бўлсин матбуот сифатида фойдаланиш мумкинми - йўқми синаб кўрилади. Шунга биноан, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида журналистиканинг мавжуд таснифига унинг бутунлай янги тури - радио кириб келди. Радио сўзи, юнонча “radio”- нур таратиш деган маънони билдиради.

Радио матбуотининг ўзига хос электрон техникага асосланган алоҳида бир туридир. Радио - туб маънода матбуот эмас, яъни сўзни босма усули билан кўпайтириш эмас, балки “оғзаки”, электрон техника ёрдамида кўпайтириш, узоқ масофага, кенг ҳудудга тарқатиш орқали иш кўради. Радионинг ана шу хусусияти, яъни матбуот таснифига бевосита сиғмаганлиги боисдан у кўшилгандан сўнг, бу тасниф - оммавий ахборот воситалари деб юритила бошланди. Аммо радио ҳам ўз моҳияти билан журналистиканинг бир тури ҳисобланади, журналистика қоидалари асосида иш кўради. Ўзбекистонда биринчи радио эшиттириш 1927 йил 11 февралда эфирга чиқарилди. Шундай қилиб, радио оммавий ахборот воситалари тизимини бошлаб берди ва журналистика таснифида ҳам инсониятнинг маданий - маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин олди. Радио ижтимоий ахборот тарқатишнинг энг қулай, тезкор ва ўзига хос воситаси сифатида инсониятга катта хизмат қилиб келмоқда.

Матбуот доимо жамият билан биргаликда таракқий этади, такомил топади. XX асрнинг ўрталарига келиб, журналистика таснифида катта бир янгилик, сифат ўзгариши юз берди - телевидение ихтиро қилинди. Бу буюк кашфиётнинг дунёга келишида турли мамлакатлардаги кўпгина олимлар, мутахассислар билан бир қаторда тошкентлик тадқиқотчилар Б.Грабовский ва В.Белянскийлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Телевидение - узоқдан кўриш деган маънони билдиради.

Телевидение радиодан фарқли равишда фақат овознигина эмас - бир вақтнинг ўзида тасвирни ҳам кўпайтириб, узоқ масофа ва кенг ҳудудга ёйиш имкониятини беради. Телевидение пайдо бўлиши билан ижтимоий ҳаётни газета ва журналдаги каби сўз орқали тасвирлаш, радиодаги каби овоз орқали ифодалаш эмас, балки бевосита кўрсатиш имконияти туғилди. Бу эса телевидениенинг матбуот турлари орасидаги ролини юқори кўтарди. Телевидение ўз фаолиятида ижтимоий ахборот бериш, воқеа ва ҳодисаларни бевосита кўрсатиш жараёнида кино, театр, мусиқа ва бошқа санъатлар воситасидан ҳам кенг фойдалана олиши унинг оммавийлиги, жозибасининг ошишига сабаб бўлди. Телевидение туб маънода матбуот бўлмасада-да (яъни сўзни

босма усули билан кўпайтириш асосида иш олиб бормаса-да) матбуотнинг электрон техникага асосланган тури бўлиб, у ҳам ижтимоий ахборот йиғиш ва тарқатишнинг қонун-қоидаларига амал қилади. У инсоният маънавий дунёсини янада бойитди, сермазмун қилди, кино, театр ва санъатнинг бошқа қатор турларининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жамиятдаги ҳукмрон табақалар, гуруҳлар телевидениедан ўз ғоявий манфаатлари йўлида кенг фойдалана бошладилар. Кўриниши, оммага таъсир қилиш воситалари, имкониятлари турли хил бўлган бу тўрт турдан иборат оммавий ахборот воситаларини бирлаштириб турувчи нарса - уларнинг ижтимоий ахборот йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланиши ва ўз фаолиятларида матбуотнинг ички, объектив қонун-қоидалари билан иш кўришидир.

Оммавий ахборот воситалари таснифига унинг юқоридаги тўрт кўринишидан ташқари ахборот агентликлари ҳам қиради. Ахборот агентликлари матбуотнинг бевосита тури, кўриниши бўлмаса-да, оммавий ахборот таснифида ўзига хос ўрин эгаллайдилар ва матбуот турлари орқали намоён бўладилар, ахборот агентликлари оммавий ахборот воситалари учун ахборот етказиб берувчи алоҳида бир канал, муассаса ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалар таснифида китоб ва китоб нашриётлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Китоб аслида вақтли матбуот тури эмас, аммо кўп жиҳатдан вақтли матбуотга яқин туради. Китоб ҳам матбуот турлари сингари ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради ва инсоният маънавий ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, китобда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти, инсон ақл - тафаккурининг барча қирралари акс этади. Шу билан биргаликда китобда матбуотга хос бўлган хусусиятлар ҳам мавжуд. Шу боисдан китоб нашриётлари матбуот таснифини тўлдириб туради.

XX асрнинг бошларига келиб оммавий ахборот воситалари яна бир кўриниш, электрон техникага асосланган алоҳида бир тур билан бойиди. Бу инсониятнинг ажойиб мўъжизавий ихтироси бўлган электрон машиналар-компьютерларнинг халқаро тармоғи-

Интернетдир. Дастлаб электрон-ҳисоблаш машиналари сифатида ихтиро этилган компьютер аппарати тармоқларидан кейинчалик ижтимоий ахборот тарқатиш борасида ҳам фойдаланиш бошланди. Интернет орқали ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-бадий, санъат, спорт ва бошқа соҳаларга доир турли хабарларни етказиш амалга оширила бошланди. Шунингдек, компьютерлар тармоғи орқали фақат матн - хабарларинигина эмас, турли суратлар, мусиқа асарларини тарқатиш ҳам мумкин бўлганлиги Интернетнинг аҳамиятини янада оширади. Интернет- худуд билмас масофа ва кенгликлар оша ахборот ва турли маълумотлар тарқатиб оммавий ахборот воситалари таснифида ўзига хос, олдинги ўринлардан бирини эгаллади ва у тобора кенгайиб, тараққий этиб бормоқда.

Ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонда журналистиканинг юқорида қайд этиб ўтилган барча кўринишлари мавжуд. Республикамиз газетачилик, журналчиликнинг кенг тармоғига эга, ўзбек радиоси ва телевидениеси ҳам тобора тараққий топиб бормоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тўрт ахборот агентлиги ва китоб нашриётлари ҳам оммавий ахборот воситалари таснифини тўлдириб турибди. Буларга яна Интернет тармоғининг қўшилиши республикамиз оммавий ахборот воситаларини янада кенгайишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси дунёдаги каби мамлакатимизда ҳам оммавий ахборот воситаларининг мисли кўрилмаган даражага келишига имкон яратди. Мамлакатимизда жуда улкан ижтимоий-иқтисодий ислохатлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ошиб, ижтимоий ҳаётда ўзига хос “тўртинчи ҳокимият” мавқеини эгаллаб бормоқда. Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган ва кенг қўлланилаётган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги “янги таҳрири” ва бошқа муҳим қонунлар оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада яхшилаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек журналистикаси таснифи ва таркиби бўйича рейтинг топшириқлари

- 1.Оммавий ахборот воситаларининг вужудга келиши ва инсоният тарихи.
- 2.Матбуотнинг дастлабки кўринишлари ҳақида маълумот беринг.

Дастлабки қўлёзма варақалар ҳақида қандай маълумотга эгасиз?

- 4.Ёзма адабиёт намуналарининг матбуот материали функцияларини бажарганликлари тўғрисидаги маълумотларни изоҳланг.

Босма дастгоҳ қаерда ва қачон ихтиро қилинди?

- 6.Биринчи босма нашрлар қаерда ва қачон пайдо бўлди?
Газета ва журналларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлди?
Оммавий ахборот воситаларининг кейинги тараққиёти ҳақида сўзлаб беринг.

Формат: Список

Формат: Список

Формат: Список

Ўзбек журналистикаси таснифи ва таркиби бўйича назорат саволлари

Журналистиканинг ижтимоий институт сифатидаги фаолияти.
Ўз замонининг ижтимоий иллатларини фош этган шоирлар фаолияти.

Том маънодаги матбуотнинг вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган манбаъларни айтинг.

Газета дастлаб қачон вужудга келганини биласизми?

“Туркистон вилоятининг газети” кимларга хизмат қилди?

Газетанинг журналдан фарқи нимада?

2.2.1. ГАЗЕТА

Маълумки, журналистика ёки оммавий ахборот воситалари асосан газета, журнал ҳамда журналистиканинг электрон техникага асосланган радио ва телевидение, интернет каби кўринишларидан иборат.

Газета - жамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ижтимоий - сиёсий, иқтисодий - ишлаб чиқариш ва маданий - маънавий ҳаётини акс эттирувчи оммавий ахборат тури. Унинг асосий

вазифаси ўқувчини жамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ҳаёти ҳақида ахборот бериш, бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор қилишдир. Газета жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оларкан, шу куннинг тарихини бутун тўлалиги билан акс эттиради. Газета ўқувчига дунёни билдиради, унинг онгини оширади, маънавий озиқ беради, ижтимоий фаолиятини йўналтиради ва фаоллаштиради. Газета умуминсоний маданиятнинг ҳосиласи ва уни тараққий эттирувчи муҳим омилдир. Газета жамиятдаги уч ижтимоий тузилма — қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятидан кейин тўртинчи ҳокимият саналувчи журналистиканинг асосий ўзаги ҳисобланади. Жамиятдаги турли табақалар, синфлар, партиялар ўзларининг шу кундаги, айни замондаги манфаат ва қарашларини ишлаб чиқиш, оммага етказиш ва муҳолиф гуруҳларга қарши курашда газетадан кенг фойдаланадилар.

Газета вақтли журналистиканинг энг асосий, энг қулай туридир. Шунинг учун ҳам у оммавий ахборот воситалари орасида энг асосий, бош ўринни эгаллайди. Уни қайта — қайта ўқиш, қўлдан — қўлга ўтказиш, сақлаб қўйиш мумкин, зеро, у моддийдир, яъни, ҳужжат хусусиятига эгадир. Бу жиҳатдан у онийлик хусусиятига эга бўлган радио ва телевидениедан олдинда туради. Газетанинг чиқарилиши ва тарқатилиши ҳам бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда қулай ва осонроқдир. Унинг журналистика таснифида бош ўринни эгаллаши фақат шундагина эмас, балки газетанинг ҳаётнинг барча соҳаларига аралашishi ва чуқур кириб боришида ҳамдир. Унда ижтимоий ҳаёт журналистиканинг бошқа кўринишларига қараганда тезкор ва ҳар тарафлама ўз аксини топади.

Газетанинг журналистика таснифида биринчи ўринда турганлиги унинг тарихидан ҳам келиб чиқади. Яъни, газета журналистиканинг энг қадимги, энг илк туридир. У ўзидан олдинги журналистиканинг илк куртаклари — сопол ва гипсдан ясалган тахтачалар ёхуд кенг оммалашган қўлёзма варақаларнинг қонуний вориси сифатида пайдо бўлди. Унинг номи ҳам ўзидан олдинги қўлёзма варақалар (Венецияда чиқарилган ва «гацетта»

деган тангага сотилгани учун «газета» деб ном олган) дан олинганлиги ҳам буни исботлайди.

Газеталарнинг пайдо бўлишида журналистиканинг техник асоси – босма дастгоҳнинг ихтиро қилиниши асосий роль ўйнайди. Биринчи босма газеталар XVII асрнинг бошларида Европада пайдо бўлди. Булар – 1609 йилда Германияда нашр этилган «Aviso», «Oder Zeitung» газеталари, 1622 йилда Англияда дунё юзини кўрган «Weekly News from», 1631 йилдан эътиборан Парижда чиқа бошлаган «La gazette» газеталари эди. АҚШда биринчи босма газета 1690 йилда чиқди. Россияда нашр этилган биринчи босма газета рус подшоси Петр I томонидан чиқарилган «Ведомости» газетасидир. Туркистонда пайдо бўлган илк газета эса 1870 йилдан эътиборан чиқа бошлаган рус тилидаги «Туркестанские ведомости» ва унинг ўзбек тилидаги иловаси — «Туркистон вилоятининг газети» эди.

Инсоният тарихида вужудга келган ҳар бир газетанинг дунё юзини кўриши учун бир томондан кишиларнинг ахборотга бўлган талаби асос бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан бирор якка ҳукмдорнинг ёки гуруҳнинг ижтимоий — сиёсий, ғоявий ва иқтисодий эҳтиёжи туртки бўлган. Якка ҳукмронлик ўрнига келган эркин иш кўриш жамияти даврида газетачилик мисли кўрилмаган даражада тараққий этди, чунки, у даврда ижтимоий - сиёсий манфаатлар қаторида иқтисодий манфаатлар - фойда олиш йўлида ҳам хизмат қила бошлади. Аммо у ёки бу мамлакатда фаолият кўрсатган илғор фикрли, тараққийпарвар кучлар газетадан ўзларининг ижтимоий қараш ва ғояларини шакллантириш ва оммага етказиш учун фойдаландилар. Бунга мисол сифатида XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган тараққийпарвар жадиदчилик ҳаракати ва унинг журналистикасини олиб кўришимиз мумкин. Туркистоннинг илғор фикрли зиёлилари бўлган жадидлар ўзларининг маърифатпарварлик ғояларини халққа етказиш учун «Тараққий», «Хуршид», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Самарқанд» каби газеталарни нашр этдилар. Бу газеталарнинг бошида халқимизнинг асл фарзандлари М.Абдурашидхонов, М.Бехбудий, А.Авлоний, Фитрат, Чўлпон ва бошқалар турдилар.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, жаҳон мафкура майдонига кириб келган коммунистик таълимот тарафдорлари ҳам газетадан ўз ғояларини оммага ёйиш учун фойдаландилар. К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан 1848 йилда Германияда нашр этилган «Янги Рейн газетаси», В.И.Ленин бошчилигида чиқарилган «Искра», «Правда» ва бошқа газеталар шулар жумласидандир. Коммунистик газетачилик 1917 йил рус пролетар ўзгаришидан кейин жуда кенг йўлга қўйилди. Бу ҳол Россиянинг мустамлакаси сифатида қолган Ўзбекистонда ҳам юз берди. Аммо инсоният етмиш йилдан ортиқроқ давом этган якка ғоя ҳукмронлигига асосланган коммунистик тузум ва унинг журналистикасини рад этди. Коммунистик журналистикага қарама-қарши равишда дунёнинг эркин мамлакатларида эркин журналистика ҳам фаолият кўрсатиб келди ва унинг асосий қисмини газеталар ташкил этди. Ҳозирга келиб, дунёда қарайиб ўн мингга яқин номда кундалик газеталар нашр этилади.

Ўз миллий мустақиллигига эришган республикамизда газетачиликка катта эътибор берилмоқда. Ҳозирга келиб республикамизда босма нашрлар сони мингдан ортиб кетди. Ўзбек газетачилиги ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсди, такомилга эришди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ажралмас таркибий қисми бўлган республика газеталари оммага кенг миқёсда ахборот етказиб бермоқда, мамлакатимизда катта жабҳада олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ислохотларни амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Газетада журналистиканинг барча ички қоидалари ўз ифодасини топади. Газета журналистиканинг асосий ижтимоий вазифаларини тўла бажаради, у оммага ижтимоий ахборот етказиб беради, жамиятда бўлиб турган воқеа ва ҳодисаларни тасвирлайди, таҳлил этади ва жамиятга қайтадан таъсир кўрсатади. Газета ижтимоий ҳаётни ёритишда ўзидан кейин турувчи журнал билан ўзаро муносабатга киришади, улар ўртасида маълум даражада «меҳнат тақсимооти» ўрнатади. Бунда газета кўпроқ (75 фоизга яқин) тасвир ижтимоий вазифасини бажариб, таҳлил ижтимоий вазифасининг асосий

қисмини журналга қолдиради. Яъни, газета шу кунда, айни замонда жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий воқеа ва ҳодисаларга асосий эътиборини қаратади, кўпроқ ахборот бериш билан шуғулланади. Аммо, бу газета жамият ҳаётини таҳлил этишда иштирок этмайди, деган маънони бермайди, балки, у ҳам бу ижтимоий вазифани бажаришда ўз майдони, имконияти даражасида қатнашади. Шунингдек, ҳар бир тасвирий ахборий материалда ҳам таҳлил унсури мавжуд бўлади.

Газета шу билан биргаликда журналистиканинг таъсир ижтимоий вазифасини бажаришда ҳам иштирок этади, ҳаётни тасвир ва таҳлил этибгина қолмасдан, унга бевосита ва билвосита таъсир ҳам қилади. Газета журналистиканинг бош тамойиллари – умуминсонийлик, халқчиллик, миллийлик, ҳаққонийлик ва бошқа қоидаларига ҳам бўйсуниб иш кўради. Анъанавийлик ва янги омиллар яратиш қонуниятига амал қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва журналистиканинг бошқа қонун-қоидалари ҳам газета учун бевосита тааллуқлидир. Журналистиканинг юқоридаги барча қонун ва қоидалари аввало газета фаолиятида шаклланганлиги боисидан ҳам у журналистика таснифининг асосий марказида туради.

Газета саҳифаларида ҳаётни акс эттиришнинг алоҳида тури бўлмиш публицистикага кенг ўрин берилади. Газетада публицистиканинг ахборий (хабардор қилувчи) қисми ва унинг жанрлари – хабар, репортаж, корреспонденция (кичик мақола) ва бошқалар кенг ўрин олади. Шунингдек, публицистиканинг таҳлилий ва бадий-публицистик турлари ҳам газетада кенг қўлланилади. Газета ўз саҳифаларида фотожурналистика ва расмчиликдан ҳам кенг фойдаланади.

Оммавий ахборот воситаларининг муҳим тури бўлган газеталар ўз навбатида турли хилларга бўлиниб кетади. Улар аввало ижтимоий ҳаётни ёритиш нуқтаи назаридан учга бўлинади:

1. Умумсиёсий газеталар,
2. Ихтисослашган газеталар,

3. Тармоқ газеталари.

1. Умумсиёсий газеталар ижтимоий ҳаётни умумсиёсий нуқтаи назардан, яъни, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг бош, кўпчилик учун зарур масалаларини ёритади, ҳамда ҳар бир ҳудуддаги аҳолининг кўпчилиги учун мўлжаллаб чиқарилади. Дунёдаги аксарият газеталар умумсиёсий газеталар саналади. Бунга мисол қилиб АҚШ да чиқадиган «Вашингтон пост» («Вашингтон почтаси»), «Нью-Йорк таймс» («Нью Йорк вақти»), «Балтимор сан» («Балтимор куёши»), «Уолл-стрит джорнэл» («Уолл-стрит газетаси»), Англияда чиқадиган «Гардиан» («Посбон»), «Дейли Миррор» («Кундалик ойна»), «Обсервер» («Кузатувчи»), «Таймс» («Вақт»), «Санди таймс» («Якшанба вақти»), Германияда чиқадиган «Берлиннер цайтунг» («Берлин газетаси»), «Франкфуртер Алгемейне Цайтунг» («Франкфурт суратли газетаси»), «Ди Цайт» («Вақт»), «Ди вельт» («Олам»), Францияда нашр этиладиган «Фигаро», «Монд» («Олам»), «Либерацион» («Озодлик»), «Юманите» («Инсоният»), Японияда чиқиб турувчи «Асахи» («Қуёш»), «Токио симбун» («Токио газетаси»), Хитойда чиқадиган «Женминь жибао» («Халқ газетаси»), Ҳиндистонда чиқадиган «Ҳиндустан таймс» («Ҳиндистон вақти»), Туркияда нашр этиладиган «Жумҳурият» («Республика»), «Миллийат» («Миллат»), Россияда чиқадиган «Известия», «Правда», «Труд» каби газеталарни кўрсатиш мумкин.

Умумсиёсий газеталар қайси ташкилот томонидан чиқарилишига қараб, расмий (ҳукуматга қарашли), партия ёки жамоат ташкилотлари газеталари ҳамда мустақил газеталар бўлиши мумкин. Бунга мисол қилиб, республикамізда чиқадиган расмий – «Халқ сўзи», «Правда Востока», партия газеталари – «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Миллий тикланиш», «Фидокор», мустақил газета – «Хуррият» кабиларни кўрсатиш мумкин. Шу билан биргаликда умумсиёсий газеталар катталар учун (юқоридаги мисоллар) ёшлар учун – «Камолот» ёшлар ҳаракати газетаси – «Туркистон», болалар учун «Тонг юлдузи» каби бўлиши мумкин. Ўзбекистонда Марказий Касаба уюшмалари идорасининг газетаси – «Ишонч», Мудофаа вазирлиги органи –

«Ватанпарвар» газеталари ҳам кўпчилик учун мўлжаллаб чиқарилиши боисидан умумсиёсий саналади. Умумсиёсий газеталар шу билан биргаликда вилоят, шаҳар, туман, корхона ва ташкилотлар газеталари ҳам бўлиши мумкин.

Хаттоки, айрим муассасалар, олий ўқув юртлари, таълим масканларида чиқариладиган деворий газеталар ҳам кўпчиликка мўлжалланганлиги боисидан умумсиёсий ҳисобланади. Кўриниб турибдики, умумсиёсий газеталар газеталарнинг асосий қисмини ташкил этади, ҳамда, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ва барча ҳудудларини қамраб олади. Ихтисослашган газеталар — жамият ҳаётининг катта бир соҳасини кенгроқ ёритиш учун махсус чиқарилади ҳамда ана шу соҳада ишловчи, шу соҳага алоқадор кишилар учун мўлжалланган бўлади. Дунё газеталари орасида ҳам айрим ихтисослашган газеталар учрайди. Бунга мисол қилиб, Англияда чиқадиган «Файненшл таймс» («Молия вақти») деб аталувчи молия-иқтисод масалаларига бағишланган газета, Францияда нашр этиладиган «Леттр франсэз» («Франция адабиёти»), Японияда чиқадиган «Сан-кэй симбун» («Саноат ва иқтисод газетаси»), Россиядаги «Литературная газета», «Экономическая газета» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Республикамизда чиқариладиган ва қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчи ва қишлоқда яшовчи кишилар ҳаётини ёритишга мўлжалланган «Қишлоқ ҳаёти», таълим-тарбия, олий ўқув юртлари соҳасини ёритиш учун мўлжаллаб чиқарилаётган «Маърифат» каби газеталар ихтисослашган газеталар ҳисобланади. Бу хил газеталар умумсиёсий газеталардан фарқли равишда жамият ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини умуман ёритгани ҳолда ўзи учун мўлжалланган соҳани кенг ва батафсил ёритади. Адабиёт, санъат, маданият соҳаларини кенг ёритишга мўлжалланган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», иқтисоднинг муҳим масалаларини ёритиш учун нашр этиладиган «Мулқдор», оила ҳаётини ёритувчи «Оила ва жамият», спортнинг барча соҳаларини ёритувчи «Спорт» газеталарини ҳам ихтисослашган газеталар қаторига қўшиш мумкин. Айрим ихтисослашган газеталар ижтимоий ҳаёт масалаларига ҳам кенг тўхталиши

сабабли умумсиёсий газеталарга яқин туради. (масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси).

Ихтисослашган газеталар жамият ҳаётининг айрим томонларини кенгрок ёритиб, умумсиёсий газеталарни тўлдириб келадилар. Ихтисослашган газеталар одатда марказий газеталар ҳисобланади, фақат, айрим вилоятлардагина бундай махсус газеталар чиқарилиши мумкин.

3. Тармоқ газеталари – жамият ҳаёти, мамлакат иқтисодиёти ёки ташкилий тузилмаларининг айрим тармоғини кенгрок ёритиш учун нашр этилади. Бундай газеталар, одатда бирон-бир соҳа бўйича вазирлик ёки шу мақомдаги ташкилот томонидан чиқарилади. Бунга мисол қилиб республика Алоқа вазирлиги томонидан чиқарилаётган «Хабар», Ички ишлар вазирлигининг – «Постда», Темир йўллар идорасига қарашли “Темир йўлчи” газеталарини кўрсатиш мумкин. Бундай газеталар асосан, шу соҳада ишловчи кишилар учун, айримлари эса кенг ўқувчилар оммаси учун (масалан “Постда”) мўлжалланган бўлади. Айрим туман ва корхоналарда чиқариладиган умумсиёсий газеталар (масалан, асосан чорвачилик билан шуғулланувчи бирор туман газетаси, олий ўқув юртлари ёки йирик саноат корхоналарида чиқадиغان кўп нусхали газеталар) маълум маънода тармоқ газеталарига яқин турадилар. Тармоқ газеталари ҳам жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини умумлаштирган ҳолда ўз тармоғи ҳаётини кенг ва чуқур ёритиб, газетанинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Газеталар ҳар бир мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши нуқтаи назаридан ҳам турли хил бўлади:

1. Марказий газеталар
2. Вилоят газеталари
3. Шаҳар газеталари
4. Туман газеталари
5. Корхона, муассаса газеталари
6. Деворий газеталар.

Маъмурий — ҳудудий жиҳатдан бўлинувчи газеталар жаҳон ва ўша давлат ҳаётидаги воқеалардан энг муҳимларини ёритиш билан бирликда ўз ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-

маънавий ҳаётни кенг ва чуқур ёритади. Шу тарзда газеталар бутун мамлакат ҳаётини ҳам соҳалар, ҳам ҳудудий жиҳатдан, тўлиқ ва муфассал ёритилиши, журналистиканинг «ҳар тарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳамма нарсдан хабардор» деган қоидасининг тўла бажарилишига эришадилар.

Газеталарнинг ҳудудларда чиқарилиши АҚШ, Англия, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам кенг учрайди. Жумладан, мамлакатнинг йирик газеталаридан бири бўлмиш «Балтимор сан» («Балтимор қуёши») газетаси АҚШ нинг Балтимор шаҳрида, «Денвер пост» («Денвер почтаси») газетаси Денвер шаҳрида, «Лос-Анжелес таймс» («Лос-Анжелес вақти») газетаси Лос-Анжелесда чиқади. Шунингдек, мамлакатда «Сан-Франциско кроникл» («Сан-Франциско хроникаси»), «Чикаго трибюн» («Чикаго минбари») газеталари ҳам номлари кўрсатилган шаҳарларда чиқади. Англиянинг «Бирмингем пост» («Бирмингем почтаси»), «Йоркшир пост» («Йоркшир почтаси») газеталари ҳам Бирмингем ва Йоркшир шаҳарларида нашр этилади. Германиянинг Гамбург, Мюнхен, Бонн ва бошқа йирик шаҳарлари ҳам ўз газеталарига эга. Бу ҳолни Франция, Россия мисолида ҳам кўриш мумкин. Туркиянинг ҳам ҳар бир вилоятида йирик умумсиёсий газеталар нашр этилади. Республикамиз ҳам ривожланган газеталар тармоғига эга. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти ўзининг бир ёки бир неча газетасига эга. Республикамизнинг барча йирик шаҳарларида, туманларда ҳам махсус газеталар чиқарилади. Шунингдек, бизда йирик корхоналар, олий ўқув юртларида чиқариладиган кўп нусхали газеталарнинг ҳам кенг тармоғи фаолият кўрсатиб турибди.

Корхоналар, таълим муассасалари, олий ўқув юртларида доимий равишда чиқиб турадиган деворий газеталар ҳам газетачилик таснифининг таркибий қисми бўлиб, журналистикамизни тўлдириб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ҳамма жойда ёритиш имконини беради.

Газеталар яна кечки ва кундузги газеталарга ҳам бўлинадилар. Аксарият умумсиёсий, ихтисослашган ва тармок газеталари кундузи чиқади. Шу билан биргаликда дунёнинг кўпгина йирик мамлакатларида қатор газеталар кечкурун чиқади.

Бунга мисол қилиб, АҚШда чиқадиган «Вашингтон ивнинг стар» («Вашингтоннинг кечки юлдузи»), Англиянинг «Ивнинг ньюс». («Кечки янгиликлар»), «Ивнинг стандарт» («Кечки байроқ»), Германиянинг «Гамбургер абендблатт» («Гамбург кечки варақаси»), Франциянинг «Франсуар» («Кечки Франция»), Япониянинг «Асахи ивнинг ньюс» («Қуёш чиқар мамлакатининг кечки янгиликлари»), Туркиянинг «Акшам» каби газеталарини келтириш мумкин. Россияда «Известия» газетасининг кечки сони, «Вечерная Москва» газеталари, Қозоғистонда «Огни Алатау» («Олатоғ чироқлари») каби кечки газеталар чиқади. Республикамизда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» каби кечки газеталар мавжуд. Кечки газеталар, асосан, йирик, пойтахт шаҳарларида чиқарилади, бу унинг тезликда тарқалиши учун муҳимдир. Кечки газеталар кундузгилардан фарқли равишда, ижтимоий ҳаёт масалаларини умуман ёритган ҳолда ўқувчиларга энг янги хабарлар, маданий-маърифий маълумотларни кўпроқ етказиб беради, дам олдиради.

Газеталар аҳолининг ёшига қараб ҳам табақаланади ва катталар учун, ёшлар учун, болалар учун мўлжаллаб чиқарилади.

Газеталар кундалик — ҳафтада етти марта, олти марта, беш марта, уч марта, икки марта ва бир марта чиқиши мумкин. Ҳафтада бир марта чиқувчи газеталар ҳафталик деб номланади. Бундай газеталарда турли ахборотлар билан бир қаторда шарҳлар, таҳлилий ва маданий-маърифий материаллар кўпроқ ўрин олади. Одатда, айрим газеталар ҳар ҳафтада ўз иловаларини чиқарадилар. Масалан, Россиядаги «Известия» газетасининг, «Неделя», «Тошкент оқшоми» газетасининг, «Тошкент ҳафталиги» ва «Ташкентская неделя» каби ва бошқа иловалари чиқарилади. Айрим корхоналар, олий ўқув юр்தларининг кўп нусхали газеталари, деворий газеталар, ойда икки марта, бир марта чиқиши мумкин.

Газеталар кўп саҳифали — 100 ва ундан ортиқ, 16 — 40, 4 — 16, 4 — 8 ва 2 саҳифали бўлиши мумкин. Ҳажми, бичимиға қараб ҳам газеталар катта бичимли, кичик бичимли бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг асосий тури бўлган газеталар ўз навбатида турли хилларға ва

кўринишларга бўлиниб кетади. Бу — газетанинг ижтимоий ҳаётни тўла, ҳар тарафлама ёритишга имкон беради.

Ўз миллий мустақиллигига эришган республикамизда газетачилик жуда тез суръатлар билан ривожланиб, дунёдаги энг йирик мамлакатлар газетачилиги мезонларига яқинлашиб бормоқда. Ўзбекистонимизда газетачилигимизнинг янада тараққий этиши, ранг-баранглашуви учун барча имкониятлар мавжуд.

Газета бўйича рейтинг топшириқлари

Газета нима? Ва унинг асосий вазифасини айтинг.

Газета нима учун моддий дейилади?

Газетанинг илк куртакларини айтинг.

Туркистонда нашр қилинган биринчи газета ва унинг иловасини изоҳланг.

Жадид матбуоти иборасини шарҳланг.

Туркистонда миллий журналистикага кимлар асос солган?

Газетанинг хилларини изоҳланг.

Газета бўйича назорат саволлари

1. Газетанинг пайдо бўлиши ва ўша давр шароити.
2. Газетанинг пайдо бўлишида босма дастгоҳнинг роли.
3. Тараққийпарвар зиёлилар нашр этган даврий матбуотни биласизми?
4. Коммунистик журналистика қачон пайдо бўлди?
5. Нега газетада журналистиканинг барча ички қоидалари ўз ифодасини топади?
6. Газетанинг тасвир, таҳлил, таъсир ижтимоий вазифасини бажаришини тушунтириб беринг.
7. Умумсиёсий газеталарни шарҳлаб беринг.

2.2.2.ЖУРНАЛ

Газета оммавий ахборот воситалари таснифида бош ўринни эгаллайди ва ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари унда ўз ифодасини топади. Шундай бўлишига қарамасдан газета жамият ҳаётининг ҳамма томонларини муфассал, кенг ва чуқур ёритишга улгура олмайди. Чунки, кишилиқ жамияти ҳаёти, ундаги

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий муаммолар шу қадар кенг ва чуқурки, буларнинг барчасини ёритишда газета саҳифалари торлик қилиб қолади. Шунда унга ҳар жиҳатдан газетага ўхшаган, аммо газетадан фарқли равишда жамият ҳаётининг чуқур қатламларига кириб бориб, инсониятга кенг ва чуқур ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ахборот етказиб бера оладиган бошқа бир журналистика тури ёрдамга келади. Газета билан ёнма-ён турувчи бу журналистика тури журнал деб аталади.

Журнал сўзи французча бўлиб, «кундалик» деган маънони билдиради. Лекин бу атама ўз мазмунидан узоқлашиб, кундалик эмас, балки газетага қараганда кўпроқ муддатларда — асосан бир ойда бир марта чиқадиган журналистика турини билдиради. Шундай қилиб, журнал вақтли журналистиканинг асосий турларидан бири бўлиб, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг чуқур қатламларини акс эттиради. Журнал инсониятга жуда кенг жабҳада ва бой маънавий озуқа етказиб беради, ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасида мутаносибликни чуқурлаштиради, инсон ақлу тафаккурининг янада ўсиши йўлида хизмат қилади. Журнал орқали кишилар жамият ҳаётининг чуқур масалаларини англайдилар, илм-фан, адабиёт ва санъат маҳсулаларидан баҳраманд бўладилар, ижтимоий борлиқни биладилар, ўз ҳаётий тажрибаларини такомиллаштирадилар, касб ва ҳунар ўрганадилар.

Журнал инсон цивилизациясининг меваси ва уни ривожлантирувчи ғоят муҳим омилдир. Шу билан-биргаликда жамиятдаги синфлар, табақалар, гуруҳлар, партиялар журнал орқали ўзларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий, ҳуқуқий, эстетик ва бошқа қарашларини ишлаб чиқадилар, оммага етказадилар ва муҳолиф синфлар, партияларнинг қарашларига қарши зарба берадилар. Бинобарин, журнал ҳам ғоявий кураш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аммо, журналларнинг илмий техникага ва адабиёт ва санъатга оид кўпгина турлари

ҳамиша умуминсоний мақсадларга хизмат қилиб, умумбашарий хусусиятга эга бўладилар.

Журналларнинг пайдо бўлиш тарихи кишилик жамиятининг ривожланиш тарихи, цивилизациянинг вужудга келиши ва бошқа ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Инсоният тарихининг маълум бир даврига келиб жамият ҳаётини акс эттиришда газетадан ҳам кенгроқ ва чуқурроқ ёрита оладиган журналистика турига зарурат пайдо бўлган. Кишиликнинг дунёни янада чуқурроқ билиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида муфассал ахборотга эга бўлиш эҳтиёжи бунга асос бўлган. Шунингдек, айрим синфлар, табақалар, гуруҳлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий ва бошқа соҳалардаги қарашларини кенгроқ ва чуқурроқ ишлаб чиқиш ва оммага етказиш эҳтиёжини сезганлар. Фан ва техниканинг ўсиши, адабиёт ва санъатнинг камол топиши ҳам журналларнинг келиб чиқишида асосий сабаблардан бири бўлган. Шу боисдан ҳам биринчи журналлар илм-фан ва адабиёт-санъатга доир бўлган.

Маълумотларга кўра, дастлаб вужудга келган журнал 1655 йилда Парижда нашр этилган «Journal des Savans» бўлиб, у адабиёт, санъат, фалсафа ва табиий фанлар бўйича китобларга шарҳлар беришга бағишланган. Худди шу йили Лондонда «Философикал транзекшне оф ройял сосяте» деган илмий журнал чиқа бошлаган. Италияда 1688 йилда «Джорнал де леттарати» деган адабий журнал, Германияда 1682 йилда «Актум эрудиторум» деган илмий-оммабоп журнал чиқарилган. Россияда биринчи журнал 1728 йилда чиққан. У «Санкт-Петербургские ведомости» газетасининг нашри бўлиб, «Ведомостларга ойлик тарихий, географик ва бошқа иловалар» деб аталган. Бу илмий-адабий журнал фаолиятида атоқли рус олими М.В. Ломоносов асосий ўрин тутган.

Кўриниб турибдики, биринчи журналлар илмий, адабий йўналишда бўлган. Рус журналистикаси тарихида асосий ўрин тутган бошқа нашрлар А.С. Пушкин асос солган «Современник», Н.А. Некрасов нашр этган «Отечественные записки» ва бошқа журналлар ҳам адабий-бадиий журналлар бўлиб, рус адабиёти ва

ижтимоий фикрининг ўсишида муҳим роль ўйнаган. Коммунистик таълимот тарафдорлари эса журналлардан ўз сиёсий қарашларини ишлаб чиқиш ва оммага ёйишда фойдаланганлар.

Туркистонда илк журналлар XX асрнинг бошларида пайдо бўлди. Булар 1913 йилда Самарқандда дунё юзини кўрган «Ойина» ва 1915 йилдан Тошкентда чиқа бошлаган «Ал-Ислоҳ» журналлари эди. «Ойина» журнали ўша даврда Туркистонда дунёга келган тараққийпарвар жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаси, оташин маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан чиқарилган бўлиб, туркий тилдаги илк ижтимоий, илмий, адабий нашр эди. «Ойина» журнали оммага илм - маърифат, тараққиёт ғояларини кенг ёйди, қолоқлик ва жаҳолатга қарши курашди.

«Ал-Ислоҳ» журнали эса асосан диний журнал бўлиб, ислом динини ислоҳ қилиш йўли билан маърифат ва тараққиётга эришишни тарғиб қилди. 1917 йил феврилида Қўқонда шоир Ҳ.Ҳ. Ниёзий раҳбарлигида нашр этилган «Хуррият» журнали ҳам ижтимоий-сиёсий журнал эди. Бу даврда Тошкентда «Чаён» ва «Чўл чаёни» деган ҳажвий журналлар ҳам чикди ва улар ҳам миллий тараққиёт учун курашда муҳим ўрин тутди. 1917 йил октябрь ўзгаришидан сўнг Ўзбекистонда «Инқилоб», «Ер юзи», «Муштум» ва бошқа кўплаб журналлар нашр этилди. Кейинчалик «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Гулистон» каби журналлар чиқарилди. Бу журналлар оммага илм-фан, адабиёт-санъат масалаларини тарғиб этишда хизмат қилдилар. Шу билан биргаликда, совет даври журналлари коммунистик якка мафкура таъсирида иш кўрдилар.

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигига эришгач, журналистиканинг барча соҳаларидаги сингари журналчилик соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз берди, кўплаб янги журналлар чиқарила бошланди. «Тафаккур», «Мулоқот» каби ижтимоий-сиёсий журналлар, «Жаҳон адабиёти» номли адабий-бадий, «Театр» номли адабий-бадий, ахборот-реклама журналлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу кунда республикамизда юздан ортиқ журнал нашр этилади. Ўзбек

журналлари ҳам республикамиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг чуқур қатламларини ёритишда, илм-фан, адабиёт-санъатимизнинг ривожига, халқимизга миллий қадриятларимиз, истиқлол мафкурасини сингдиришда муҳим вазифани бажариб келмоқдалар. Журналлар журналистика-оммавий ахборот воситалари таснифида алоҳида, бош ўринлардан бирини эгаллайди.

Журналлар ўз хусусияти билан газеталарга жуда яқин туради, чунки, улар газеталар сингари сўзни босма усулда кўпайтириш асосида иш кўрадилар. Аммо, журнал газетани такрорламайди, балки, уни тўлдиради. Яъни, газета жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётининг шу кундаги, айни замондаги ҳолатини акс эттирса, журнал эса жамият ҳаётининг чуқур қатламларини акс эттиради. Журнал оммавий ахборот воситаларининг радио, телевидение каби турларидан ўзининг моддийлиги билан устун туради.

Модомики, журнал вақтли журналистиканинг асосий кўринишларидан бири экан, у журналистиканинг ички, объектив қонуниятлари асосида иш кўради. Аввало у журналистиканинг барча турларидаги сингари кишиларга ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, эстетик ва бошқа ахборотлар тарқатади. Аммо, бу ахборотлар газета ахборотидан фарқли равишда жамият ҳаётининг чуқур қатламлари ҳолатига тааллуқли бўлади. Бошқача қилиб айтганда, журнал фаолиятида журналистиканинг таҳлил ижтимоий вазифаси устивор бўлади. Аммо, шу билан биргаликда журнал журналистиканинг тасвир ижтимоий вазифасини бажаришда ҳам иштирок этади, бунда у кундалик воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини чуқур очиб бериш учун хизмат қилади. Шунингдек, журналлар илм-фан, техника, адабиёт ва санъатнинг чуқур масалаларини ёритиб, уларнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Журнал журналистиканинг таъсир ижтимоий вазифасини бажаришда ҳам иштирок этади, яъни худди газетадаги сингари журналда ҳам босилган материаллар ҳаётда ҳам бевосита (кишилар онги орқали) ва ҳам билвосита (бошқа ташкилотларнинг аралашуви орқали) ўзгаришлар ясайди. Бу

ижтимоий вазифа журнал материалларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигидан келиб чиқади. Журналистиканинг мазкур ижтимоий вазифасини бажаришда ҳажвий журналлар алоҳида ўрин тутати.

Худди газеталар сингари, журналлар ҳам журналистиканинг бош тамойиллари асосида иш кўради. Журналистиканинг бош тамойиллари бўлмиш умуминсонийлик, халқчиллик, миллийлик, ҳаққонийлик, партия журналлари учун эса партиявийлик каби қоидалар журналлар фаолиятида ҳам доимий равишда қўлланилиб келинади. Шунини айтиш керакки, бу тамойиллар турли хил журналларда турлича ўз ифодасини топади. Жумладан, ижтимоий-сиёсий журналлар фаолиятида умуминсонийлик, халқчиллик каби тамойиллар устун турса, илмий-назарий журналларда ҳаққонийлик тамойили биринчи ўринга чиқади, илмий-оммабоп журналлар эса халқчиллик тамойилига алоҳида аҳамият беради. Умуман олганда, журналистика тамойиллари барча журналлар аҳамият беради. Умуман олганда, журналистика тамойиллари барча журналлар фаолиятида асосий қоида бўлиб хизмат қилади.

Журналлар журналистиканинг анъанавийлик ва янги омиллар қоидаси асосида ҳам иш кўрадилар. Ҳозирги замон ўзбек журналлари ўтмиш ўзбек ва жаҳон журналчилигининг энг яхши анъаналари асосида фаолият кўрсатмоқдалар. Журналистиканинг жамоатчилик фикри ифодачиси бўлиш қонунияти ҳам журналлар учун тааллуқлидир. Журналлар жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётининг чуқур масалалари, муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиради. Жамоатчилик фикри турли журналларда турлича бўлади, масалан, ижтимоий-сиёсий журналлар турли ижтимоий масалалар бўйича жамоатчилик фикрини уйғотса, илмий журналлар эса, бу вазифани илмий соҳада ҳал этади, ҳажвий журналларда жамоатчилик фикри ижтимоий кулги орқали амалга оширилади.

Худди газетадаги сингари, журналларда ҳам, турли хил – расмий, адабий-бадиий, илмий материаллар билан бир қаторда публицистика асосий ўрин тутати. Ижтимоий ҳаётни

тасвирлашнинг алоҳида бир тури бўлган ва шу кунги ҳаёт воқеаларини шу кун учун мушоҳада этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган публицистика журналларда ўзига хос хусусият касб этади. Журнал публицистикаси газетага қараганда ҳажми кенглиги, серкўламлиги билан ажралиб туради. Журналларда публицистиканинг ижтимоий - сиёсий, илмий, адабий - бадиий турлари кенг қўлланилади. Ҳажвий журналларда эса публицистиканинг ҳажв ва кулгига асосланган тури-ҳажвий публицистика кенг қўлланилади. Суратли журналлардан эса публицистиканинг яна бир ўзига хос тури-фотопублицистика жой олади.

Жанр жиҳатидан қараганда, журналларда публицистиканинг таҳлилий жанрлари – мақола, суҳбат, шарҳ каби кўринишлари, ҳамда, адабий - бадиий публицистиканинг очерк, фельетон, памфлет каби жанрлари кенг ўрин олади. Ахборий жанрлар журнал саҳифаларидан жой олса-да ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Журналлар жамият ҳаётини ёритиш нуқтаи назаридан турли хилларга бўлинади.

I. Ижтимоий-сиёсий журналлар

Бу турдаги журналлар жамиятнинг ижтимоий — сиёсий ҳаёти чуқур қатламларини акс эттирадilar. Жаҳон журналистикасида ижтимоий—сиёсий журналлар муҳим ўринни эгаллайди. Дунёдаги йирик, ривожланган мамлакатларда кўпгина ижтимоий — сиёсий журналлар нашр этилади. Бунга мисол сифатида, АҚШ да узоқ йиллар чиқиб турган «Лайф» («Ҳаёт»), Англияда нашр этиладиган - «Экономик», Франциядаги «Новел Обсерватор» («Янгиликлар шарҳи»), Германиядаги йирик нашр — «Штерн», «Фокус» Канададаги доимий чиқиб турадиган «Тайм» («Вақт») каби журналларни келтириш мумкин, Россияда эса «Огонёк» ижтимоий — сиёсий, адабий журнали машҳурдир. Туркияда ҳам бир қатор ижтимоий-сиёсий журналлар нашр этилади.

Ўз миллий мустақиллигига эришган республикамизда ҳам қатор ижтимоий-сиёсий журналлар нашр этилмоқда. Булар орасида 1995 йилдан бери нашр этилаётган. «Тафаккур»

журнали марказий ижтимоий-сиёсий журнал сифатида алоҳида ўрин тутди. Бу нашр ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал бўлиб, миллий кадриятларимиз, тарихимиз, маънавият ва маърифатга доир масалаларни кенг ёритади, ҳамда кишилар онгига истиқлол мафкурасини сингдириш, ўзлигини англатишда катта вазифани бажариб келмоқда. 1991 йилдан нашр этилаётган «Мулоқот» журнали эса республикамиздаги иккинчи йирик ижтимоий-сиёсий журнал бўлиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нашри ҳисобланади. Журналда ижтимоий ҳаёт, тарихий ўтмиш меросимиз, янги даврни фалсафий мушоҳадалаш, миллий мафкурани шакллантириш ва бошқа масалалар кенг ёритилади.

Ижтимоий-сиёсий журналлар ўз хусусиятлари билан турлича кўринишга эга бўладилар. Хотин-қизлар учун чиқариладиган «Саодат», «Санам» каби журналлар ҳам ижтимоий-сиёсий журналлар типига киради. Чунки, мазкур журналларда ҳам шу кунги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг у ёки бу масалалари, муоммолари ёритиб борилади. Ёшлар ҳаётини ёритувчи «Ёшлик», «Ёш куч», маърифат ва янги авлод тарбияси масалаларини ёритишга бағишланган «Соғлом авлод учун», болалар учун чиқариладиган «Гулхан» ҳамда кичкинтойлар журнали «Ўнча» ҳам ўз хусусиятлари билан ижтимоий-сиёсий журналлар қаторига киради. Шунингдек, ҳаётни адабий-бадиий воситалар ёрдамида акс эттиришга мўлжалланган «Гулистон», адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти», «Театр» журналлари ҳам ўз саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини кўтариб чиқишлари боисидан маълум даражада ижтимоий-сиёсий журналлар саналадилар. Республикамизда ижтимоий-сиёсий журналистика ва унинг маркази ҳисобланмиш ижтимоий-сиёсий журналлар тобора кўпайиб бормоқда.

2. Илмий журналлар

Журналларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири — илмий журналлардир. Мазкур журналлар илм-фан соҳасини кенг ва ҳар тарафлама ёритиш билан шуғулланади. Илмий журналлар инсониятнинг дунёни билишида, табиат ва жамият

ҳодисаларининг моҳиятини англашда, ақл-тафаккурнинг ўсишида катта аҳамиятга эгадир. Илмий журналлар энг қадимги нашрлар бўлиб, илк журналларнинг аксарияти илмий йўналишда бўлган. Ҳозир жаҳонда жуда кўп илмий журналлар нашр этилади. Уларда табиий ва ижтимоий фанларнинг барча соҳалари, йўналишларида бўлаётган янгиликлар, фан-техника соҳасида эришилаётган ютуқлар ва муаммолар ўз аксини топади. Буларга АҚШда нашр этиладиган қатор илмий журналлар, Францияда нашр этиб келинаётган «Гео» («Ер») ва бошқа журналларни мисол сифатида келтириш мумкин. Россияда «Наука и жизнь», «Вокруг света» каби ва бошқа кўплаб илмий журналлар нашр этилади. Туркистонда нашр этилган биринчи журнал—“Ойина” ҳам асосан илмий нашр ҳисобланарди. Дунёда чиқадиган жуда кўплаб илмий журналлар мамлакатлар аро айри - бошланади.

Республикамизда ҳам ўнлаб илмий журналлар нашр этилади. Булар орасида «Фан ва турмуш», “Сирли олам” ва фаннинг турли соҳаларига бағишланган илмий журналлар мавжуд.

Илмий журналлар ҳам ўз навбатида турли хилларга бўлиниб кетади:

1). Илмий-назарий журналлар

Бу хил журналлар бирор муайян фаннинг чуқур илмий — назарий масалаларини ёритиш учун мўлжаллаб чиқарилади. Одатда, бундай журналлар шу соҳадаги илмий муассаса томонидан чиқарилади ва шу соҳада ишловчи мутахассислар учун мўлжалланади. Республикамизда ҳам қатор илмий— назарий журналлар нашр этилади. Масалан, «Ўзбекистон математиклар журнали», «Ўзбекистон химия журнали», «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Ўзбек тили ва адабиёти» ва бошқалар шулар жумласидандир.

2). Илмий-ишлаб чиқариш журналлари

Бундай журналлар фаннинг бирор соҳасини амалиётга татбиқ этиш мақсадида чиқарилади. Бу хил журналларда илмий— назарий материаллар билан бир қаторда бевосита амалий хусусиятга эга бўлган материаллар ҳам босилади, маслаҳатлар берилади. Бунга мисол қилиб, республикамизда кўп йиллардан

бери нашр этиб келинаётган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналини келтириш мумкин.

3). Илмий- оммабоп журналлар

Бундай журналлар илм-фан масалаларини кенг ўқувчилар оммасига етказиш, илмий ишлар ва ихтироларни шарҳлаш, илм-фанни ҳаёт билан боғлаш мақсадида чиқарилади. Бундай журналлар ўз хусусияти билан ижтимоий-сиёсий ёки адабий-бадий журналларга яқин туради. Ўзбекистондаги кўпчиликка таниш «Фан ва турмуш» журнали бунинг яққол мисолидир. Бизда илмий-оммабоп, ҳамда адабиётнинг фантастика тури билан боғланиб кетган «Сирли олам» журнали ҳам мавжуд бўлиб, муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Булардан ташқари махсус илмий-ахборий журналлар ҳам мавжуд бўлиб, фаннинг турли соҳалари бўйича чиққан асарлар, янгиликлар ҳақида хабар беради.

Илмий журналлар илмий журналистика қонуниятлари асосида иш кўрадилар. Уларда асосан жиддий таҳлил услуби қўлланилади. Илмий журналларда ишлаш журналистдан фаннинг маълум соҳаси бўйича ихтисослашиш, илмий-оммабоп журналларда эса оммабоп ёза олиш, илмий публицистикани яхши эгаллаш талаб этилади.

3. Адабий-бадий ва санъатга оид журналлар

Журналлар таснифида адабий - бадий ва санъатга оид журналлар ҳам муҳим ўрин тутати. Бу турдаги журналлар асосан бадий адабиёт ва санъатнинг турларини ёритиш учун хизмат қилади. Маълумки, адабиёт ва санъат ҳам ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бўлиб, ижтимоий онгда журналистика билан бир қатламда жойлашади. Адабий - бадий ва санъатга доир журналлар журналистика билан мазкур ижтимоий онг кўринишларининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги натижасидир.

Адабий-бадий ва санъатга доир журналлар ҳам энг илк журналлар ҳисобланадилар. Инсоният тарихида илк бор дунёга келган журнал—“Journal des Savans” ҳам санъат масалаларини ёритишга мўлжалланган эди. Туркистонда илк бор нашр этилган «Ойина» журналида ҳам адабиёт ва санъат масалаларига кенг ўрин берилган. Ҳозирда дунёда жуда кўплаб адабий-бадий ва

санъатга оид журналлар нашр этилади. Республикамизда ҳам бу турда журналларнинг муайян тури мавжуддир.

Адабий-бадий ва санъатга оид журналлар ҳам ўз навбатида турли хилларга бўлиниб кетади.

1). Адабий-бадий журналлар

Бу хилдаги журналлар бевосита адабиётни ёритиш, янги бадий ва таржима асарларини ўқувчиларга етказиш, адабий асарларни баҳолаш ва шарҳлаш (адабий танқидчилик) каби масалалар билан шуғулланади. Бу хил журналларга республикамизда нашр этилаётган «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти» каби журналлар киради.

2) Ҳаётни адабий-бадий усулда ёритишга мўлжалланган журналлар.

Бу хилдаги журналлар ижтимоий-сиёсий журналлар ҳисобланса-да, уларда ҳаёт воқеалари адабий-бадий услубда ёритилади. Бундай журналларда публицистиканинг муҳим соҳаси - бадий публицистика кенг қўлланилади.

Масалан, республикамизда нашр этилаётган «Гулистон», «Ёшлик», «Саодат» журналлари юқоридаги журналлар қаторига киради.

3). Санъатга оид журналлар

Бу хилдаги журналларга театр, кино, тасвирий санъатни ёритишга бағишланган журналлар киради. Масалан, “Санъат”, “Театр”, «Ўзбекистон киноси», «Фильмс» ва бошқалар.

Адабий-бадий ва санъатга доир журналларда ишлаш учун журналистдан адабий-бадий ижодни, санъатни чуқур билиш, мушоҳада эта билиш талаб қилинади.

4. Ҳажвий журналлар

Журналлар таснифида ҳажвий журналлар ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳажвий журналлар жамият ҳаётини ҳажв ва кулги воситаси билан ёритади. Гарчи улар ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига кириб боришлари сабабли ижтимоий-сиёсий журналларга яқин турсалар-да, улар ҳаётни бошқа журналлар сингари жиддий таҳлил усулида эмас, сатира ва юмор - ижтимоий кулги воситасида акс эттиради, ҳаётдаги ижтимоий иллатларга қарши курашади, салбий хусусиятга эга бўлган воқеа

ва ҳодисаларни ҳажв нуқтаи назаридан баҳолайди, хулосалар чиқаради. Ҳажвий журналлар фаолиятида ҳажвий публицистика асосий ўринни эгаллайди. Дунёдаги жуда кўп мамлакатлар ўз ҳажвий журналларига эга. Булар орасида Англияда чиқадиган «Привете луе» («Шахсий кўз»), Францияда нашр этиладиган «Гала» («Намойиш»), Германияда чиқадиган «Шпигел», («Ойна»), Россияда чиқадиган «Крокодил» («Тимсоҳ») ва бошқалар бор. Мамлакатимизда ҳажвий журналлар XX асрнинг бошларида пайдо бўлди. Булар 1917 йилдан чиққан «Чаён» ва «Чўл чаёни» ҳажвий журналлари бўлиб, ўша давр ижтимоий иллатларини ҳажв остига олган. 1923 йилдан эътиборан нашр этиб келинаётган «Муштум» журнали ҳозирда ҳам асосий ўзбек ҳажвий журнали ҳисобланади.

1. Суратли журналлар

Журналлар таснифида суратли журналлар ҳам алоҳида ўрин тутати. Суратли журналлар жамият ҳаётини ёритишда техникага асосланган алоҳида бир усул - фотожурналистикадан кенг фойдаланади. Фотожурналистиканинг асосини фото-публицистика ташкил этади ва публистиканинг бу соҳаси ҳам ўз ички жанрлари ва кенг ижодий имкониятларига эга. Суратли журналларда фотосурат билан ана шу суратларни шарҳловчи ёки тўлдирувчи босма сўз-матн ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунингга айтиш керакки, бошқа ижтимоий-сиёсий журналларда ҳам фотосуратлардан кенг фойдаланилади, аммо бундай журналларда эса босма сўз - матн асосий ўрин тутати, суратли журналларда эса суратлар асосий ўринни эгаллайди.

Суратли журналлар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида нашр этилади. Булар орасида АҚШдаги «Плейбой», «Германиядаги «Шпигел», Россиядаги «Огонёк» кабилар бор.

Республикаимизда махсус «Ўзбекистон контакт» деган суратли журнал нашр этилади. Шунингдек, «Гулистон», «Саодат», «Ёшлик», «Фильмз» каби журналларда ҳам фотосуратларга кенг ўрин берилади. Суратли журналларда ишловчи журналист фотожурналистикадан чуқур хабардор бўлиши лозим.

3.Тармоқ журналлари

Жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий—ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг айрим тармоқларини ёритиш учун чиқариладиган журналларга тармоқ журналлари дейилади. Яъни, тармоқ журналлари жамият ҳаётининг айрим тармоғини кенг ва батафсил ёритиш учун мўлжалланади. Бундай журналлар ижтимоий-сиёсий ёки илмий - ишлаб чиқариш журналларига яқин туриши мумкин. Бу хил журналларга республикамизда нашр этилаётган «Ўзбекистон матбуоти», «Адолат», «Сихат-саломатлик», «Ҳамшира» ва бошқа журналларни киритиш мумкин. Тармоқ журналлари асосан, шу соҳада ишловчи кишилар учун мўлжаллаб чиқарилади. Тармоқ журналларида ишлаш учун журналист ана шу тармоқ ҳаётини чуқур билиши лозим.

Журналлар аҳолининг маълум табақалари учун ҳам мўлжаллаб чиқарилади. Масалан, катталар учун, хотин-қизлар учун, ёшлар учун, болалар ва кичкинтой болалар учун чиқариладиган журналлар мавжуд. Республикамизда кўзи ожизлар учун махсус журнал нашр этилади.

Журналлар чиқиш даврига қараб, ҳафталик, бир ойда икки марта, ойлик, икки ойда ҳамда уч ойда бир марта чиқарилиши мумкин. Айрим ҳафталиклар газета кўринишида чиқади ва улар газета билан журнал ўртасида туради. Йилда бир ёки икки марта чиқариладиган махсус тўпламлар альманах деб аталади ва улар китоб билан журнал ўртасида туради.

Журнал таҳририятларида ишлаш газетадан маълум даражада фарқ қилади. Газетада журналистдан кўпроқ тезкорлик талаб қилинса, журналда эса ҳаётнинг чуқур қатламларига кириб бориш, чуқур билим ва мушоҳада талаб этилади.

Журнал бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журнал қандай хусусиятга эга?
2. Дастлаб вужудга келган журналларни айтинг.
3. Туркистонда илк журнал қачон пайдо бўлди?
4. "Хуррият" ижтимоий-сиёсий журнали кимнинг раҳбарлигида, нечанчи йили нашр этилди?

5. Қайси давр журналлари коммунистик якка мафкура таъсирида иш кўрдилар?
6. Журналларнинг қандай турларини биласиз?
7. Газета публицистикаси билан журнал публицистикаси ўртасида қандай фарқ бор?
8. 1995 йилдан буён чоп этилаётган марказий ижтимоий-сиёсий журнални айтинг.
9. Қайси журналлар адабий-бадний журнал ҳисобланади?

Журнал бўйича назорат саволлари

1. Қандай эҳтиёж журнал пайдо бўлишига асос бўлган?
2. "Ойна" журнали қачон, ким томонидан нашр этилди?
3. 1917 йил октябр ўзгаришидан сўнг ўлкамизда қандай журналлар нашр этила бошланди?
4. Миллий мустақилликдан сўнг республикада қандай ижтимоий-сиёсий журналлар чиқарила бошланди?
5. Ахборот тарқатишда газета билан журнал ўртасидаги фарқни айтинг.
6. Журнал хилларини изоҳлаб беринг.
7. Илмий журналларни сананг.

2.2.3. РАДИО

Газета ва журналлар деярли тўрт асрдан буён инсониятга хизмат қилиб келмоқда. ХҲII-XIX асрлар давомида эса журналистика таснифи фақат газета ва журналлардан ташкил топди. Лекин, журналистиканинг жамият ҳаётидаги аҳамияти шу қадар катта-ки, инсоният фақат газета ва журнал билан кифояланиб қолмади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб, оммавий ахборот воситалари таснифида катта бир янгилик, бекиёс бир ўзгариш юз берди, унга журналистиканинг бутунлай янги бир тури – радио кириб келди. Радио сўзи, юнонча бўлиб, «radius» – нур, «radio» – нур таратаман, деган маънони билдиради, ҳамда, бу ўринда электромагнит тўлқинлари орқали овоз тўлқинларини узоқ масофа ва катта ҳудудга симсиз тарқатиш усулига, бу усулни амалга оширувчи асбобга айтилади.

Радио – ОАВнинг ўзига хос электрон техникага асосланган туридир. Радио, туб маънодаги журналистика эмас, яъни у сўзни босма усул билан кўпайтирмайди, балки уни махсус асбоблар воситасида оғзаки кўпайтиради, шу жиҳатдан у журналистиканинг, тўғрироғи оммавий ахборот воситаларининг бир тури ҳисобланади. Радио оммавий ахборот воситалари таснифида алоҳида ўрин тутди, газета ва журнал кўриш, босма сўзларни ўқиш орқали инсон онгига етиб борса, радио эса овозни кулоқ билан эшитиш орқали таъсир кўрсатади. Бу эса инсоннинг энг асосий сезув аъзоси бўлмиш кулоқ орқали ахборот қабул қилишдек энг қадимий ва табиий имкониятидан келиб чиқади.

Бу жиҳатдан уни журналистика ҳали вужудга келмаган пайтларда унинг вазифасини бажарган оғзаки нутқ, жарчилик, нотиклик санъатининг давоми, бошқача қилиб айтганда юқоридаги воситаларнинг техникага асосланган қайтарилган кўриниши дейиш мумкин. Гарчи ёзма (босма) сўз қанчалик муҳим ва мўътабар бўлмасин, оғзаки сўз, нутқ бевосита эшитувчига йўналтирилган бўлади, унинг таъсир кучи каттароқдир. Шу боисдан ҳам радио журналистиканинг ўзига хос, оғзаки, эшитувчига бевосита қаратилган тури сифатида инсоният ҳаётига дадил кириб келди ва ундан ўз муносиб ўрнини олди.

Радио пайдо бўлгач кишилар ижтимоий ҳаёт янгиликларини тезроқ эшитадиган бўлдилар, дунёдан янада кенгроқ хабардор бўла бошладилар, ижтимоий тафаккур уфқлари янада кенгайди. Кишилиқ юксак маданий босқичининг меваси бўлган радио бу босқичнинг янада ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил бўлди. Радио пайдо бўлиши билан инсониятнинг нутқ санъати янада такомиллашди, товуш - оҳанг сифатида инсонга етиб бориб, унга завқ - шавқ, ором бағишловчи мусиқа санъати янада ривожланди, инсон онгидаги олам ранг - баранглашди. Турган гапки, жамиятдаги табақалар, гуруҳлар, синфлар журналистиканинг бошқа турлари каби радиодан ҳам ўзларининг ижтимоий-ғоявий, иқтисодий ва маънавий мақсадлари йўлида фойдалана бошладилар. Улар радиони кишиларга, кенг оммага, фақат айрим мамлакат миқёсида эмас, балки бутун дунё миқёсида

ўз қарашлари, ғояларини етказиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш ва ўзларига муҳолиф бўлган кучларнинг ғоя ва қарашларига зарба бериш учун восита сифатида қўллай бошладилар. Радио тўлқинларининг сарҳад билмаслиги, бутун дунёга ҳам тарқала олиши бу ишда жуда қўл келди.

Турли хил ахборотлар, қарашлар, ғоялар радионинг турли ўлчамдаги тўлқинлари сифатида ер куррасини ўраб олди ва куну тун, бир зум тинмасдан таралиб турадиган бўлди. Энди инсоният ўз ҳаётини радиосиз тасаввур эта олмайди. Радио журналистиканинг, оммавий ахборот воситаларининг чегараларини, имкониятларини мисли қўрилмаган даражада кенгайтди, дунё халқларини бир-бирига яқинлаштирди, инсоннинг оламари масъулиятини оширди.

Радионинг тарихига назар ташласак унинг кўпчилик ижоди эканлигини кўрамиз. XIX асрнинг ўрталарида итальян олими К.Маркони радио бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борди. Бу ишга жаҳондаги бошқа олимлар қатори рус ихтирочилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Биринчи бор радио рус олими А.С.Попов томонидан 1895 йил 7 май куни Петербургдаги рус физика — химия жамияти йиғилишида синаб қўрилди. Аммо у ишлаб чиққан электр сигналларни узоқ масофага симсиз узата оладиган радиотелеграф асосан алоқа воситаси сифатида ихтиро қилинган эди. Мазкур симсиз телеграфни оммавий ахборот воситаси бўлиб шаклланишича маълум вақт ўтди. Бунинг учун эса журналистиканинг пайдо бўлишида асосий ўрин тутган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжлар зарур бўлди. Яъни, айрим табақа ва гуруҳлар радиодан бир жойда туриб жуда катта ҳудуд ва кенг масофадаги кишиларга ўз ғояларини етказиш мумкинлигини тушуниб етдилар ва бу муҳим эҳтиёж оддий алоқа воситасини оммавий ахборотнинг муҳим турига айланишига олиб келди. Жумладан, 1917 йилда Россияда ҳукумат тепасига келган большевиклар радио орқали тарғибот ва ташвиқот олиб бориш учун уни такомиллаштириш бўйича махсус илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этишди ва 1920 йилнинг бошида радио эшиттиришлар юзага келди.

Радионинг оммавий ахборот воситаси сифатида ихтиро этилишида тошкентлик мутахассислар ҳам иштирок этишган. Масалан, 1920 йил 17 ноябрь куни Тошкент радиоси мудир марказга юборган махсус радиограммасида Москва радиосининг овози Тошкентга ҳам етиб келганлигини маълум қилган эди. 1922 йилдан бошлаб эса Москвада дастлабки радио эшиттиришлар бошланди. Москва радиоси орқали эшиттирилган махсус «радиогазета»ларда большевистик тарғибот ва ташвиқот асосий ўрин эгаллаган эди. Америкада мунтазам радиоэшиттиришлар 1920 йилдан «Кей Ди Кей Эй» радиостанциясининг президентлик сайловлари ҳақидаги репортажини эфирга узатиш билан бошланди. 1922 йилдан бошлаб инглиз радиоси (кейинчалик «Би-Би-Си» деб ном олган) нинг мунтазам эшиттиришлари бошланди.¹

Умуман олганда, оммавий ахборот воситаларининг янги бу тури бўлмиш радио ўз фаолиятини сиёсий-ғоявий вазифаларни амалга оширишдан бошлади. Яна шу нарса ҳам кўриниб турибдики, дастлабки даврларда радиодан фақат журналистика (газета) материалларини ўқиб эшиттириш воситаси сифатида фойдаланилган, кейинчалик у аста-секин ўз хусусиятларига эга бўла бориб, оммавий ахборот воситаларининг тўлақонли бир турига айлана борган. Тошкентда биринчи радио эшиттиришлар 1927 йилнинг 11 феврида бошланган. Ўзбекистонда радиоэшиттиришларнинг йўлга қўйилиши халқимиз тарихида катта ижобий маънавий воқеа бўлган эди.²

Ҳозирга келиб радио мисли кўрилмаган даражада тараккий этди ва бутун жаҳон кишилиқ жамияти маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар ўз радиостанцияларига эга. Дунёда Америка Қўшма Штатларига қарашли «Америка овози», «Озодлик», Англиянинг «Би-Би-Си», Германиянинг «Немис тўлқинлари» ва бошқа ўнлаб радиостанциялар ишлаб турибди. Ўз миллий мустақиллигига эришган республикамиз ҳам ривожланган радио тармоғига эга. Ўзбекистонда 5 та радиостудия фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Ўзбекистон телевидениеси ва радиокмпаниясига

қарашли Тошкент радиоси етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбек радиоси доимий равишда тўрт дастурда эшиттиришлар олиб боради Шунингдек, Тошкентдан рус, ўзбек, тожик, қозок тилларидаги эшиттиришлардан ташқари чет элдаги радиотингловчилар учун инглиз, ҳинд, араб, форс, афғон, пушту, уйғур ва бошқа тилларда эшиттиришлар олиб борилади.

Республикамиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимизда давлат радио эшиттиришлари билан бир қаторда нодавлат, яъни хусусий радио эшиттириш тармоқлари ҳам вужудга келди. «Навруз», «Пойтахт», «Гранд», «Ҳамроҳ», «Водий садоси», «Орият–доно» ва бошқа номлардаги бу радио эшиттиришлар ҳар куни эфирга турли тезкор хабарлар, қизиқарли эшиттиришларни узатмоқдалар. Бундай радиостанцияларнинг пайдо бўлиши радио эшиттиришларнинг ранг–баранг бўлишига, ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бу соҳасида ҳам ўзаро ижодий рақобатнинг вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек радиосининг овозини кўплаб мамлакатлардаги радио тингловчилар доимий эшитиб бордилар. Бу ўзбек радиосининг халқаро нуфузи тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ва бошқа муҳим ҳужжатлар ўзбек радиоси фаолиятини янада яхшилашда катта имкониятлар яратиб берди. Ўзбек радиоси республикамизга ва чет элларга доимий турли ахборотлар етказиб бериш билан бирликда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўлкамизда олиб борилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг амалга ошишида, кишилар онгида истиқлол мафкурасининг тўла шаклланишида катта хизмат кўрсатмоқда. Радио гарчи оммавий ахборот воситаларининг оғзаки нутққа асосланган тури бўлса-да, ўз фаолиятида журналистика қонуниятларига тўла риоя қилади. Яъни, радио ҳам ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни билади, тадқиқ қилади ва унга қайтадан таъсир кўрсатади. Радионинг ҳам бош вазифаси худди журналистиканинг бошқа турлари каби ижтимоий ахборот тарқатишдан иборат. У ҳам журналистиканинг тасвир, таҳлил ва таъсирдан иборат ижтимоий

вазифаларини бажаришда тўла иштирок этади, унинг фаолиятида ижтимоий ҳаётни тасвирлаш, яъни хабардор қилиш ижтимоий вазифаси алоҳида ўрин тутди. Радио ижтимоий ахборотни тезкорлик билан, бошқа оммавий ахборот воситаларидан олдинроқ етказа олиш имкониятига эга. Шунингдек, у журналистиканинг таҳлил ва таъсир ижтимоий вазифаларини ҳам бажаришда иштирок этади. Радио журналистиканинг бош тамойиллари, анъанавийлик ва янги омиллардан фойдаланиш, жамоатчилик фикрини ифода этиш ва бошқа қонуниятларини ҳам бажаради. Радиода публицистиканинг ҳар уч-хабардор қилиш, таҳлилий ва бадий-публицистик кўринишлари ўз ифодасини топади. Шунингдек, радио ижтимоий ахборот етказиб беришдан ташқари, кишиларни дам олдириш, эстетик завқ бериш каби ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради.

Радионинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан ўзига хос афзаллиги унинг серкўламлиги, доимийлиги ҳамдир. Яъни, радио газета ва журналларга қараганда кенгроқ жабҳада, кун-тун муттасил равишда ахборот тарқатиши, эшиттиришлар бериши мумкин. Шунингдек, унинг тезкорлиги ва чегара билмаслиги ҳам бошқа оммавий ахборот воситаларидан ажратиб туради. Жумладан, радионинг қисқа тўлқинлари дунёнинг катта ҳудудлари, жуда узоқ масофаларга тарқалиши мумкин. Бу эса халқаро миқёсда ахборотлар тарқатиш ва маълум ғоялар етказиб беришга имконият туғдиради. Радионинг ўз ижтимоий вазифаларини бажаришда нутқ санъати, театр ва айниқса мусикадан кенг фойдалана олиши унинг жозибадорлигини оширади. Лекин радио оғзаки, онийлиги нуқтаи назаридан газета ва журналдан кейинда туради. У ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўрсатиш имкониятига эга бўлган телекўрсатувлар билан ҳам ўзаро рақобатда ютқизиши мумкин, аммо, телевидениега қараганда нисбатан тезкорлиги ва чегара билмаслиги билан ундан устун келади.

Республикамизда радио кенг тармоқли тузилишга эга. Бизда республика, вилоят, шаҳар, корхона ва муассасалар миқёсида радио эшиттиришлар олиб борилади. Республикамизда радио, телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат компанияси

томонидан бошқарилади. Радионинг раҳбари — компания раисининг ўринбосари ҳисобланади. Радиокомпания ижодий ва овозни ёзиб олиш хизмати ходимларига раҳбарлик қилади, радио техникаси алоқа воситаси сифатида махсус идораларга бўйсунди.

Марказий радиоэшиттиришлар турли каналларга бўлинади. Биринчи дастур, «Машғал», «Ёшлик» канали ва бошқалар. Шунингдек унда ижтимоий-сиёсий, «Ахборот», таълим ва тарбия, мусиқа, адабий-бадний эшиттиришлар ва бошқа таҳририятлар иш олиб боради.

Вилоят, шаҳар, туман ва корхона, муассаса радио эшиттиришлари ўз имконига қараб бир ва бир неча таҳририятлардан иборат бўлади.

Марказий радиоэшиттиришлар юқорида айтганимиздек, бир неча дастурларда олиб борилади. 1-дастур асосан расмий, ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар, 2-дастур эса маърифий, оммабоп, 3-дастур асосан дам олдириш характеридаги эшиттиришлардан ташкил топади. «Машғал» деб номланувчи махсус дастур эса ахборий-мусиқий эшиттириш ҳисобланади. Ёшлар учун махсус «Ёшлар канали» ҳам эшиттиришлар олиб боради.

Радио орқали бериладиган маълум мавзудаги эшиттиришлар мажмуи радиожурнал деб аталади. Республикамиз радиосида «Гулхан», «Аланга», «Дугоналар», «Табассум» ва бошқа радиожурналлар доимий равишда бериб борилади. Радиоэшиттиришнинг бу хилда турли мавзуда бўлиши журналистиканинг, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олиши, унинг ҳар тарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳар нарсадан хабардор бўлишидан келиб чиқади.

Радиоэшиттиришларнинг маъмурий, ҳудудий жиҳатдан бўлиниши эса аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари таснифида радионинг пайдо бўлиши билан радиожурналистика ҳам пайдо бўлди. Радиожурналистика – журналистиканинг радионинг ўзига хос хусусиятлари билан қўшилишидан ҳосил бўлган умумий фаолият

қоидаларидир. Радиожурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, унинг махсус электрон техникага асосланиши, овозни магнит тасмаларига ёзиб олиш ва эфирга узатиш билан иш кўриши, радио фаолиятида публицистика (сўз), техника (ёзиб олиш) ва узатишда нотиклик санъати, мусикадан фойдаланишнинг умумий бирлашмасидан иборат бўлган жамоа меҳнати қўлланилишини тақозо этади. Бу ҳол унинг жанрларида ҳам ўз ифодасини топади. Радионинг жанрлари журналистика (публицистика) жанрлари билан радионинг хусусиятлари қўшилмасидан келиб чиқади. Аввало шуни айтиш керакки, публицистика радио фаолиятида радиопублицистикага айланади. Яъни, матнга овоз ҳам қўшилиб публицистиканинг таъсири янада ортади.

Радиода ҳам публицистиканинг ҳар уч қисми – хабардор қилиш, таҳлилий ва бадий публицистика ўз ифодасини топади. Яъни, журналистикада қўлланиладиган хабар, репортаж, лавҳа ва бошқа барча ахборий жанрлар ҳамда суҳбат, шарҳ каби таҳлилий жанрлар ҳам радиода кенг қўлланилади. (Фақатгина таҳлилий жанрларнинг энг асосийси бўлмиш мақола радиода «радио чиқиш» деб номланади). Бадий публицистикага хос бўлган очерк, фельетон, памфлет каби йирик жанрлар ҳам радиода кенг қўлланилиши мумкин. Умуман олганда журналистиканинг барча жанрлари радио фаолиятида бемалол ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари радио, адабиёт ва театр санъати билан яқиндан ҳамкорлик қилиши боисидан радиоҳикоя, радиопьеса, радиоинсценировка каби жанрлардан ҳам фойдаланади. Радиода мусика санъати кенг ўрин олиши боисидан радиокomпозиция (матн ва мусиканинг ўзаро қўшилиши), радиоконцерт каби эшиттиришлар ҳам берилади. Радиодаги бу хилма—хил санъатлар жамламасида сўз, публицистика асосий ўринни эгаллайди, илло радио биринчи навбатда журналистиканинг техникага асосланган кўриниши, оммавий ахборот воситаларининг бир туридир.

Радиода ишлаш журналистиканинг газета ва журнал каби турларидан анча фарқ қилади. Радиода ишловчи журналист худди газета ва журналларда ишловчи журналистлардек ижод қилиши билан биргаликда овозни ёзиб олиш ва узатиш

техникасидан, радионинг бошқа ўзига хос хусусиятларидан яхши хабардор бўлиши шарт.

Радио бўйича рейтинг топшириқлари

1. Радио журналистика таснифига қачон кириб келди?
2. Биринчи бор радио ким томонидан, қачон ихтиро қилинди?
3. Радионинг ОАВ сифатидаги фаолияти нечанчи йилдан бошланди?
4. Радиодан ОАВ тўлақонли бир турига айлангунча қандай фойдаланилди?
5. Тошкентда биринчи радио эшиттиришлар қачондан бошланган?
6. Нодавлат эшиттириш тармоқларини биласизми?
7. Радио ижтимоий ахборат етказишдан ташқари яна қандай ижтимоий вазифани бажаради?
8. Марказий радио эшиттиришлар каналларини шарҳланг.

Радио бўйича назорат саволлари

1. Радионинг бошқа ОАВ дан афзаллигини изоҳланг.
2. Радио ўзининг ижтимоий вазифасидан ташқари яна нималардан фойдаланади?
3. “Наврўз”, “Пойтахт”, “Гранд”, “Ҳамроҳ”, “Водий садоси”, “Орият-доно” радиостанциялар фаолиятига тўхталинг.
4. Радио бошқа ОАВ дан қайси фаолияти билан устун туради?
5. Радиожурналлар фаолияти ҳақида нималар биласиз?

2.2.4. ТЕЛЕВИДЕНИЕ

XX асрнинг ўрталарига келиб журналистика таснифи яна бир кўриниш, яна бир шакл билан бойиди—уни телевидение (теле — юнонча — узок, видение — русча-кўриш) деб номланди. Телевидение журналистиканинг электрон техникага асосланган бир тури бўлиб, электромагнит тўлқинлари орқали овоз ва тасвирни узок масофага, кенг ҳудудга ёйиш орқали иш кўради. Телевидение ОАВ таснифининг алоҳида аҳамиятга ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган тури ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётни сўз билан тасвирлаш (газета ва журнал), овоз билан эшиттириш

(радио)гина эмас, балки, бевосита кўрсатиш имконига ҳам эгадир. Телевидение ихтиро этилиши билан журналистика таснифида жуда катта сифат ўзгариши, ҳақиқий инқилоб юз берди: кишилар ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўра олиш имкониятига эга бўлдилар, ижтимоий онг билан ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа йўл, энг қулай кўприк барпо этилди, инсон онгига таъсир этишнинг энг ишончли, энг қизиқарли усули топилди.

Телевидение фақат инсон онгига эмас, унинг ҳис-туйғусига ҳам фаол таъсир кўрсатадиган журналистика тури бўлди. Телевидение инсон ақл-заковати, тафаккурининг бемисл меваси, фан-техниканинг буюк ютуғи, инсон маданияти эришган оламшумул натижа, ҳамда уни янада тараққий этишида тенгсиз омил бўлиб қолди. Ана шу буюк кашфиёт туфайли XX аср — телевидение асри деб номланадиган бўлди.

Шуни айтиш керакки, одамзод қадим замонлардан бери узоқ-узоқлардаги манзараларни, оламда бўлаётган воқеаларни яқиндан кўришни орзу қилиб келган, шундай бир асбоб “ойнаи жаҳон” тўғрисида эртак ва афсоналар тўқиган. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий халқнинг орзу-умиди бўлган бу афсонани ўзининг машҳур «Хамса» асаридаги «Фарҳод ва Ширин» достонида тасвирлаб, бу ҳаёлий асбобни «жаҳон ҳолатини равшан» кўрсата олишини тасвир ва тавсиф этиб ўтган эди.¹¹ Бу ғоялар замонлар ўтиб бизнинг даврга келиб ҳақиқатга айланди.

Телевидениени яратиш бўйича ҳақиқий илмий-тадқиқот ишлари ўтган асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида бошланди. Бу даврда турли мамлакатларда бу соҳада ўнлаб илмий лойиҳалар ҳам тақлиф қилинди. Петербург университетининг профессори Б.Л. Розинг биринчи бўлиб нур таратувчи электрон трубкани яратди ва 1911 йилнинг 9 майида синаб кўрди. Бу билан у ҳозирги замон телевидениесига назарий асос солди. Телевидениени ихтиро қилишда Россиянинг Нижегород шаҳрида рус олими М.А. Бонч-Бруевич бошчилигида

¹¹ Бу ҳақда А.Каримовнинг “Бу кўзгуки эрур ҳикмат жаҳони” мақоласида (“Ўзбекистон матбуоти”, 1998, 4-сон, 34-бет) муфассал маълумот келтирилган.

радиони такомиллаштириш соҳасида иш олиб борган гуруҳнинг ҳам хизмати бор эди.

Албатта тўла маънодаги, мукаммал телевидениенинг вужудга келиши учун жуда кўплаб олимлар, мутахассислар узлуксиз изланишлар олиб бордилар. Улар орасида тошкентлик тадқиқотчилар Б.П.Грабовский ва И.Ф.Белянскийлар ҳам бор эдилар. Грабовский Туркистон давлат университетининг ходими, Белянский эса Ўрта Осиё алоқа илмий-текширув идорасининг ходими эди. Уларга профессор Н.Н.Златовратский ва В.И.Поповлар ёрдам беришди. Тадқиқотчилар 1923-26 йилларда ҳаракатдаги тасвирни узатувчи ва қабул қилувчи асбобни яратиш устида тинмай иш олиб боришди. Ихтирочилар ўзлари яратган трубкани Санкт-Петербургга олиб бориб Б.Л.Розингга кўрсатишади, олим тадқиқотчиларнинг ишини маъқуллаб, тегишли маслаҳатлар беради.

Ўзбекистон ҳукумати ёш тадқиқотчиларнинг ишини қўллаб-қувватлайди ва моддий-маънавий кўмак бериб туради. Ниҳоят, 1928 йилнинг 28 июлида улар яратган аппарат синовдан муваффақиятли ўтади: Грабовский ва Белянскийлар ясаган мўжазгина экранда Белянскийнинг юриб турган ҳолати, бош кийимини бир неча марта ечиб кийгани ҳам кўринади. Бинобарин, телевидениенинг дастлабки кўриниши ихтиро этилган эди. Ихтирочиларнинг Халқаро конвенцияси томонидан Грабовский ва Белянскийларнинг мазкур ишига берилган ҳужжатлар Ўзбекистоннинг телевидение ватанларидан бири, Тошкент эса телевидениенинг туғилган жойи дейишимизга асос беради.¹²

Телевидениенинг мунтазам кўрсатувлари асосан 1930 йилдан кейин бошланди. 1931 йили Парижда, худди шу йили Москвада телекўрсатувлар йўлга қўйилди. 1936 йилда эса Англия радиоэшиттириш корпорацияси-“Би-Би-Си” ўзининг мунтазам телевизион кўрсатувларини намоиш эта бошлади. Бу орада авж

12 Тошкентлик телевидение ихтирочилари Б.П. Грабовский ва И.Ф.Белянскийлар ҳақидаги маълумот А.Каримовнинг “Ойнаи жаҳон тарихидан” (“Мухбир”, 1973, 7-сон), “Бу кўзгуким зарур ҳикмат жаҳони” (“Ўзбекистон матбуоти”, 1998, 4-сон) мақолаларида анча батафсил баён этилган.

олиб кетган иккинчи Жаҳон уруши телевидение соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг боришига тўсқинлик қилди. Урушдан кейин Европанинг барча йирик мамлакатларида, 1946 йил Москвада оммавий телекўрсатувлар бошланди.¹³

Тошкент телевизион маркази қурилиши 1954 йил май ойида бошланиб, 1956 йил 5 ноябрда ишга туширилди. Шу кун кечқурун Тошкентда зангори экраннинг чироғи ёнди ва биринчи телевидение диктор (сухандон)лари Иқбол Олимжонова (ўзбек тилида) ва Юнона Столярова (рус тилида) телекўрсатувларни олиб бордилар.¹⁴

1962 йилдан бошлаб Тошкент телестудияси икки дастурда кўрсатувлар бера бошлади. 1967 йилдан бошлаб Москва телевидениеси ва 1971 йилдан бошлаб Тошкент телевидениеси рангли тасвирга ўтди.

Ҳозирги дунёда телевидение юксак даражада ривож топди ва инсоният маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Барча ривожланган мамлакатлар ўз телевидениесига эга. Масалан АҚШда унга умуммиллий телетармоқ: "Эй-Би-Си", «Си- Би -Эс» ва «Эн-Би-Си» фаолият кўрсатмоқда. Англияда «Би-Би-Си», Францияда ТФ, Россияда ОРТ, РТР, НТВ ва бошқа йирик телестудиялар мавжуд. Ўзбекистонда Тошкент телестудиясидан ташқари элликдан ортиқ телестудия иш олиб бормоқда. Ўзбек телевидениеси ўз салоҳияти, миллий қиёфаси билан жаҳоннинг етакчи телевидениелари қаторида туради.

Телевидение жаҳон тараққиёти билан қадамба-қадам ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Кабелли телевидениенинг вужудга келиши ҳамда телевизион сигналларни тарқатиш ва қабул қилишда Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланиш телевидениенинг техник имкониятларини янада кенгайтди.

¹³ Телевидение тарихига доир маълумотлар проф.Ф.А.Мўминовнинг "Журналистика ижтимоий институт сифатида" китобида (Т., "Университет" нашриёти, 1998, 65-76 бетлар) анча батафсил берилган.

¹⁴ Мазкур сатрлар муаллифи Тошкент телевидение марказий қурилишининг биринчи кунидан бошлаб телеинора қад кўтариши ва биринчи кўрсатувларнинг олиб борилишига гувоҳ бўлганлиги билан фахрланади. У пайтда муалифлардан бири Ўрта Осиё давлат университети журналистика бўлимининг талабаси эди.

Фан-техниканинг ўсиши, лазер нурларидан фойдаланишнинг янги усуллари ихтиро қилиниши натижасида телевидение янада такомиллаштириш, ҳажмли кўрсатиш усуллари йўлга қўйиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Инсониятга ижтимоий ҳаётни бевосита кўрсатиб берувчи бу оммавий ахборот воситаси турининг келажаги порлоқдир.

Телевидение гарчи туб маънода журналистика бўлмаса-да, яъни, сўзни босма усул билан кўпайтирмаса-да (яъни, у ижтимоий ҳаётни оғзаки сўз ва тасвир воситасида акс эттириши маълум), у оммавий ахборот воситаларининг бир тури ҳисобланади ва журналистика қонун-қоидалари асосида иш кўради. Журналистиканинг бош қонуни эса, маълумки, ижтимоий борлиқни акс эттириш, уни билиш, тадқиқ қилиш ва жамиятга қайтадан таъсир кўрсатишдир.

Телевидение бу қонунларнинг барчасини адо этади. У журналистиканинг ижтимоий ахборот йиғиш ва тарқатишдек вазифасини, унинг уч қирраси бўлмиш – тасвир, таҳлил ва таъсирдан иборат бўлган уч ижтимоий вазифасини ҳам тўла бажаради. Яъни, у ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тасвирлайди, Шу билан баргаликда, уни таҳлил ҳам қилади ва ҳаётга ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир этади. Журналистиканинг бош тамойиллари ҳам телевидение фаолияти учун қонундир. Анъаналарга амал қилиш ва янги омиллар яратиш, жамоатчилик фикрининг ифодачиси бўлиш қонуниятлари ҳам телевидение учун тааллуқлидир.

Шу билан баргаликда телевидение оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос, алоҳида бир туридир. У ўз ижтимоий вазифасини бажаришда, ижтимоий ҳаётни акс эттиришда сўз билан тасвир қўшилмасига эришади, публицистика билан бир қаторда оғзаки нутқ санъати, театр санъати, тасвир, кино санъати, мусиқа санъати, фотожурналистика кабилардан кенг фойдаланади, шу боисдан унинг жозибаси, кишиларни ўзига тортиш хусусияти журналистиканинг бошқа турларига қараганда ортиқроқдир. Шу боисдан телевидениенинг тасвир, таҳлил ва таъсир ижтимоий вазифалари билан бир қаторда кишиларга эстетик завқ бериш, дам олдириш, маърифий ижтимоий

вазифалари ҳам мавжуд. У ижтимоий ҳаётни бевосита кўрсата олиш ҳамда қатор санъат турларидан фойдаланиш имкони билан оммавий ахборот воситалари ўртасида энг биринчи ўринга даъвогар. Бу жиҳатдан у газета ва журналлардан юқори туради, лекин онийлиги, эфирга тарқалиб кетиши нуктаи назаридан уларнинг ўрнини боса олмайди.

Телевидение радио билан доимий рақобатда бўлади ва юқорида келтирилган қатор хусусиятлари билан юқори туради, лекин радиога қараганда масофада чекланиши, материалларни тайёрлаш ва эфирга узатиш жараёни бироз мураккаблиги билан ундан орқада туради.

Барча ОАВ турлари сингари телевидение ҳам айрим гуруҳлар, табақалар, синфлар қўлида ғоявий таъсир воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунга мисол сифатида мамлакатимизнинг яқин тарихида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келган коммунистик телевидениени кўрсатиш мумкин. Ҳозирги ўзбек телевидениеси эса умумхалқ манфаатларига, мустақиллик мафкурасига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда телевидениенинг ташкилий тузилиши турли хилдир, бизда давлат телекомпанияси билан бир қаторда нодавлат телевидение студиялари ҳам иш кўрмоқда. Тошкент телевидениеси тўрт – «Ўзбекистон» деб номланувчи 1- канал, 2- «Тошкент» канали, 3-«Ёшлар канали», 4-Спорт канали бўйича кўрсатувлар олиб борилади. Тошкент телестудиясида «Сиёсат», «Иқтисодиёт», «Маърифат», «Ахборот», «Умид», «Муסיқа», «Кино» ва бошқа ички студиялар фаолият кўрсатмоқда. Теледастурларнинг ранг-баранглиги мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш имкониятини беради.

Худди радиоэшиттиришлар сингари телекўрсатувлар ҳам олдиндан режалаштирилади ва дастурномаларда босиб чиқарилади.

Телевидениенинг ўзига хослиги, унинг ўз ижтимоий вазифаларини бажаришда сўз ва тасвир бирлигидан, публицистика билан бир қаторда санъатнинг турли

кўринишларидан фойдаланиши сабабли унда меҳнат жамоа тарзида курилади, яъни журналистлар, тасвирга олувчилар, санъат талабларини бажарувчи - режиссёрлар ҳамда оғзаки нутқ усталари - дикторлар, шарҳловчилар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Телевидение пайдо бўлиши билан тележурналистика ҳам пайдо бўлди. Тележурналистика - журналистика қонун-қоидалари билан телевидение хусусиятларининг бирлашмасидан иборат.

Тележурналистика жанрлари ҳам журналистика жанрлари билан телевидение хусусиятларининг қўшилишидан келиб чиқади. Журналистиканинг, яъни, публицистиканинг уч ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик қисмларига хос бўлган деярли барча жанрлари телевидениеда ҳам кенг қўлланилади. Булар телевидение хусусиятлари қўшилгач, телеахборот, телерепортаж, телелавҳа, телесуҳбат (телеинтервью), телешарҳ, телеочерк, телефельетон ва бошқаларга айланади. (Газета ва журналга хос бўлган мақола жанри «телечикишлар» номи билан берилиши мумкин). Маълум мавзуга бағишланган кўрсатувлар йиғиндиси тележурнал деб номланади. Телевидение жанрлари булар билан чекланиб қолмасдан телевидение ўз фаолиятида қўлланадиган санъат турларига доир ҳам бўлиши мумкин. Масалан, адабиёт ва унинг бир тури бўлган драматургиянинг телевидениедаги кўриниши сифатида теленовелла (телевизионлаштирилган ҳикоя), телеспектакль, телеинсценировка, телеминиатюра, мусиқа санъати билан боғланиб кетувчи телеконцерт кабилар шулар жумласидандир.

Телевидение шунингдек кино санъати имкониятларидан кенг фойдаланади. У аввало кинофильмларни ўз экрани орқали доимий кўрсатиб бориши билан бу санъатни оммага етказишда махсус канал бўлиб хизмат қилса, иккинчидан кино санъатига асосланган телефильмлар, ҳужжатли кино асарлари яратилади. Кино санъатининг публицистика билан бевосита қўшилиши натижасида вужудга келувчи ҳужжатли фильмлар ижтимоий ҳаёт воқеаларини ёритишда, инсон онгига таъсир кўрсатишда ҳамда жамоатчилик фикрини уйғотишда катта хизматни бажаради.

Буларнинг ҳаммаси тележурналистика имкониятларининг кенглигидан далолат беради.

Телевидение ўз фаолиятида турли санъат соҳаларидан қанчалик кенг фойдаланмасин, у аввало журналистика, тўғрироғи оммавий ахборот воситасидир. Шунинг учун ҳам унда телепублицистика асосий ўринни эгаллайди. Телепублицистика дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни оммага етказишда, ҳозирги замоннинг муҳим масалалари бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбек телепублицистикаси республикамизда олиб борилаётган улкан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маданий-маънавий ислохатларни амалга оширишда, кишиларимиз онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдиришда, истиклол мафкурасини шакллантириш ва ҳаётга тадбиқ этишда катта хизмат қилмоқда.

Телевидение бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистика таснифида XX аср ўрталаридаги буюк ўзгаришни айтинг.
2. Ҳозирги замон телевидениесига ким ва қачон асос солди?
3. Телевидениенинг мунтазам кўрсатувлари қачондан бошланди?
4. Тошкент телевидениеси рангли тасвирга қачон ўтди?
5. Телевидениенинг ижтимоий вазифаларини айтинг.
6. Тележурналистика қачон пайдо бўлди?
7. Тележурналистика жанрларини биласизми?
8. Ўзбек телепублицистикасининг ўрни.

Телевидение бўйича назорат саволлари.

1. Қайси аср телевидение асри деб эътироф этилди?
2. Ким биринчи бўлиб нур таратувчи электрон трубкини яратди ва уни қачон синовдан ўтказди?
3. Телевидение туғилган ҳудудни айтинг.
4. Тошкентда телекўрсатувлар қачон бошланди?
5. Биринчи телевидение суҳондонларини биласизми?
6. Тележурналистика имкониятларини сананг.

2.2.5. АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ

Маълумки, оммавий ахборот воситалари газеталар, журналлар, радио ва телевидениедан иборат бўлиб, ташқи кўриниши, оммага таъсир этиш шакли турлича бўлган бу журналистика турлари журналистиканинг қонун-қоидалари асосида иш кўради. Улар бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўладилар, бир-бирларини тўлдирадилар ва шу тахлит яхлит бир тасниф –журналистика, оммавий ахборот воситалари тизимини ташкил этиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларини бус-бутун, тўлиқ акс эттирадилар.

Аммо журналистика таснифи юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Унда ахборот агентликлари ҳам ўзига хос ўрин тутати. Ахборот агентликлари (агент сўзи лотинча — хизмат қилувчи, агентлик эса хизмат кўрсатиш идораси деган маънони билдиради), гарчи журналистиканинг алоҳида бир тури ҳисобланмаса-да ва ўз кўринишига эга бўлмаса-да, журналистика таснифида муҳим роль ўйнайди, бу тасниф ахборот агентликларисиз ўз ижтимоий вазифасини тўла бажара олмайди.

Ахборот агентликлари нима? Ахборот агентликлари оммавий ахборот воситаларини ахборот билан таъминлаб турувчи махсус канал, муассасадир. Бу агентликлар оммавий ахборот воситаларининг ўз ижтимоий вазифаларини тўла бажаришларида ёрдам беради, ижтимоий ҳаётни бутун тўлалиги билан қамраб олишда хизмат қилади, оммавий ахборот воситалари ўртасидаги бир бутунликни таъминлайди.

Хуллас, ахборот агентликлари оммавий ахборот воситалари ишининг мукамаллигини таъминлаш учун инсоният томонидан кашф этилган муҳим воситадир. Яъни, инсониятнинг ахборотга бўлган, ҳаётни билиб туриш учун бўлган чексиз эҳтиёжи оммавий ахборот воситаларига қўшимча равишда ахборот идораларининг дунёга келишига сабаб бўлди. Ахборот агентликлари инсон онгининг уфқларини янада кенгайтиради, дунёни тўлароқ ва мукамалроқ билдиради, ижтимоий фаолиятни янада фаоллаштиради. Ахборот агентликлари бўлмаганда газеталар, журналлар, радио ва телевидение дунё

воқеаларидан тўлиқ хабар бера олмас ва инсоният дунёдан етарли, тўлиқ воқиф бўла олмас эди.

Ахборот агентликлари ахборот йиғиш ва ўзаро алмашиш ҳамда оммавий ахборот воситаларига етказиб беришда алоқанинг турли воситаларидан жумладан, телеграфдан кенг фойдаланадилар. Кейинчалик эса улар алоқанинг телефон, факс, компьютер техникаси ва бошқа замонавий воситалар ёрдамида иш кўра бошладилар.

Ахборот агентликларининг келиб чиқиш тарихи журналистиканинг келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ. ХҲІ асрда Венецияда, дастлабки қўлёзма варақалар пайдо бўлганда уларга янгиликлар етказиб берувчи махсус бюро — идоралар ҳам пайдо бўлди. Ўша даврда газета чиқарувчиларни газеттантлар, янгилик етказиб берувчиларни эса новеллантлар деб аташган. Улар янгиликларни турли йўллар билан (хабарчилар юбориш, каптарлар орқали хат жўнатиш ва ҳ.к.) йиғишарди. Кейинчалик телеграф ихтиро қилиниши билан янгиликлар ана шу восита орқали йиғилиб тарқатила бошланди ва дастлабки ахборот агентликлари телеграф агентликлари деб юритилди.

Биринчи телеграф агентлиги 1825 йилда Парижда Шарль Гавас томонидан ташкил этилди. Бу агентлик турли янгиликлар йиғар, чет эл газеталаридан таржималар қилар ва тарқатарди. 1848 йилда Америкада АП (Ассоиэйтед Пресс) агентлиги ташкил топди. 1849 йилда Германияда Вольф агентлиги тузилди. 1851 йилда эса Англияда Рейтер агентлиги иш бошлади. 1894 йилда Россияда РТА агентлиги юзага келди.

Ҳозирга келиб дунёда 200 дан ортиқ ахборот агентликлари иш олиб бормоқда. Шулардан 5 таси энг йирик ахборот агентликлари бўлиб, улар ер куррасини ўз таъсир доирасига бўлиб олган. Улар қуйидагилар:

1. Ассоиэйтед Пресс (АП) – АҚШ.
2. Юнайтед Пресс Интернейшнл (ЮПИ) – АҚШ.
3. Рейтер (Англия).
4. Франс-Пресс (Франция).
5. ИТАР-ТАСС – (Россия).

Мазкур ахборот агентликлари дунё бўйлаб ахборот йиғади ва таркатади. Булардан ташқари Англиянинг ЮСИА, Германиянинг ДПА, Япониянинг Киодо Цусин, Хитойнинг Синьхуа, Ҳиндистоннинг ПТИ (Пресс Траст оф Индия) каби ахборот агентликлари ҳам йирик агентликлар ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистонда иш кўраётган ЎЗА — Ўзбекистон Ахборот агентлиги, Ташқи ишлар вазирлигига қарашли «Жаҳон» ҳамда мустақил «Туркистон —Пресс» ахборот агентликлари миллий агентликлар сифатида иш олиб борадилар. Ахборот агентликлари ўртасида ахборотлар тарқатиш ва айрибошлаш махсус битимлар асосида амалга оширилади ва халқаро валюта —пул системаси билан ҳисоб китоб қилинади. Жаҳондаги миллий ва йирик ахборот агентликлари ўртасида биринчи бўлиб ахборот олиш ва кўпроқ тарқатиш, ахборот бозорида эркин ҳаракат қилиш соҳаларида ўзаро рақобат мавжуд. Шунинг учун ҳам йирик ахборот агентликларида кўпроқ ахборот йиғиш, янгиликларни биринчи бўлиб эълон қилиш учун барча техникавий ва бошқа имкониятлар ишга солинади.

Ахборот агентликлари гарчи журналистиканинг алоҳида бир тури бўлмаса-да, оммавий ахборот воситаларининг таркибий қисмини ташкил этади ҳамда журналистика қонуниятлари асосида иш кўради. Улар ОАВнинг бошқа турлари сингари ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни билади, таҳлил қилади ҳамда ҳаётга таъсир қилади. Яъни, журналистиканинг ижтимоий вазифалари бўлмиш тасвир, таҳлил ва таъсир этиш, ахборот агентликларининг ҳам асосий вазифалари ҳисобланади. Ахборот агентликлари фаолиятида журналистиканинг ижтимоий вазифаларидан биринчиси, яъни, тасвир ижтимоий вазифаси устивор бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда таҳлил ижтимоий вазифаси ҳам маълум даражада амалга оширилади. Таъсир ижтимоий вазифаси эса газета ва журналларга қараганда бироз чекланган бўлади. Журналистиканинг бош тамойиллари ҳам ахборот агентликлари ишида асосий қоидалик ролини бажаради. Ахборот агентликлари ишида айниқса, ҳаққонийлик тамойили бош тамойил даражасига кўтарилади, чунки агентликлар томонидан тарқатилган ҳар қандай хабар, ҳар бир

ахборот аввало ҳаққонийлик талабига тўла жавоб бериши лозим. Акс ҳолда ахборот агентликлари ўз ижтимоий вазифаларини бажара олмайди. Жамоатчилик фикрини шакллантириш, анъанавийлик ва янги омиллар яратиш қонуниятлари ҳам ахборот агентликлари учун тааллуқдир.

Лекин ахборот агентликлари журналистиканинг алоҳида бир тури эмаслиги, ўз кўринишига эга бўлмаганлиги боисидан бу қонуниятлар уларнинг фаолиятларида ўзига хос бир тарзда амалга оширилади.

Биз бу қонуниятларни Ўзбекистон Ахборот агентлиги фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. ЎЗА агентлиги мустақил давлат – Ўзбекистон республикасининг расмий ахборий агентлиги бўлиб, республикамиз оммавий ахборот воситаларига ички ва ташқи ахборот етказиб бериш манбаи ҳисобланади. ЎЗА ахборотлар йиғиш ва тарқатишда алоқанинг телеграф, телефон ва бошқа воситаларидан фойдаланади.

ЎЗА республикамиз журналистикаси, радио ва телевидениесини ички ва ташқи ахборотлар билан таъминлашда ўз ички мухбирлари ҳамда бошқа ахборот агентликлари хизматидан фойдаланади. Агентликнинг республиканинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасида ўз мухбирлари бўлиб, улар агентликни кундалик ахборотлар билан таъминлаб туришади. Ташқи ахборотлар эса бошқа чет эл ахборот агентликларидан махсус битим орқали олинади ва республикамиз оммавий ахборот воситаларига етказиб берилади.

ЎЗА ўзининг ички ахборотларида мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётимиздаги янгиликларни, юз бераётган воқеаларни акс этиради. Ташқи ахборотларда эса дунёда бўлиб турган воқеалар ўз аксини топади. Айрим ташқи ахборотлар ЎЗАнинг чет элларга юборилган мухбирлари томонидан тайёрланади. Республикамизда фаолият кўрсатаётган «Жаҳон» ахборот агентлиги ҳам мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ташқи ахборот билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. ЎЗА агентлиги шунингдек, республикамиз ҳаётида юз

берган муҳим янгиликларни чет эл ахборот агентликлари ва ОАВ га етказиб беради.

ЎЗА шунингдек Ўзбекистон Республикасининг расмий ахборот органи сифатида мамлакатимизда бўлиб ўтаётган муҳим воқеалар тўғрисида биринчи бўлиб, расман хабар бериш ва шарҳлаш, халқаро воқеаларга доир ҳукуматимиз раҳбар доираларининг фикрини баён қилиш, чет эл журналистикаси ва ахборот агентликлари хабарларида республикамиз ҳукумати олиб бораётган сиёсатга нисбатан нотўғри, тухмат тарзидаги хабарларни рад этиш вазифаларини ҳам бажаради.

ЎЗА агентлиги ахборотдан ташқари фотосуратлар олиш ва оммавий ахборот воситаларига етказиш билан ҳам шуғулланади. Агентликда республика ахборот таҳририяти, таржима бюроси, фотохроника таҳририяти ва бошқа хизмат бўлимлари мавжуд.

Ўзбекистонда кейинги йилларда вужудга келган «Жаҳон» ва «Туркистон Пресс» ахборот агентликлари мамлакатимиздаги ахборот йиғиш ва тарқатиш тизимини янада кенгайтирди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан таъсис этилган «Жаҳон» ахборот агентлиги асосан ташқи ахборот олиш учун мўлжалланган. Мазкур агентлик дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш, чет эл ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ахборот айрибошлаш, чет элларга махсус мухбирлар юбориш йўли билан ахборотлар йиғиш ва республикамиз оммавий ахборот воситаларини таъминлаш вазифасини бажармоқда.

Мустақил республикамизнинг бошқа чет эл мамлакатлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳамкорлиги, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятлардаги фаол иштироки, Ўзбекистон давлат раҳбарининг чет эл мамлакатларига сафарлари, чет элда таълим олаётган ёшларимизнинг ҳаёти, ўқишлари, чет эл мамлакатлари ҳаётида юз бераётган воқеалар ва янгиликлар «Жаҳон» ахборот агентлиги ахборотларининг асосий мавзусини ташкил этади.

Республикамизда ташкил этилган мустақил ахборат агентлиги- «Туркистон Пресс» эса мамлакатимизда юз бераётган муҳим янгиликларни чет эл ахборот агентликлари ва оммавий ахборот

воситаларига етказиб бериш учун хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Туркистон Пресс» ахборот агентлиги мухбири билан қилган «Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда» деб номланган суҳбати Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди ва жаҳон афкор оммасига етказилди. Тошкентда 1999 йил 16 февралда рўй берган воқеаларнинг моҳияти, мамлакатимизда виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалга оширилиши, ислом динига кенг йўл очилганлиги ҳамда республикаимизнинг минтақа ва дунёда тинчлик, барқарорликни сақлаш йўлида олиб бораётган изчил тинчликсевар сиёсати мазкур суҳбатда ўз ифодасини топди.

Республикаимиз ахборот агентликлари оммавий ахборот воситаларининг таркибий қисми сифатида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ахборот агентликларида ишлаш ахборот воситаларининг бошқа турларидан маълум даражада фарқ қилиб, журналистдан чуқур билим, юқори даражадаги касбий малака, тезкорликни талаб қилади.

Ахборот агентликлари бўйича рейтинг топшириқлари

1. Ахборот агентлиги деган иборани шарҳланг.
2. Ахборот агентликлари қачон пайдо бўлган?
3. Янгилик етказиб турувчиларни қандай ном билан аташган?
4. Биринчи телеграф агентлиги қачон ва ким томонидан ташкил этилган?
5. Ахборот агентлигининг асосий вазифасини шарҳланг.
6. Ўзбекистонда фаолият юритаётган агенликларни сананг.
7. "Жаҳон" ахборот агентлигининг асосий вазифаси.

8. Ахборот агентликлари бўйича назорат саволлари

1. Ахборот агентликларининг илк куртаклари қачон пайдо бўлган?
2. Ўзбекистондаги қайси ахборот агентликларини биласиз?
3. Ўзбекистонда фаолият юритаётган мустақил ахборот агентлигини айтинг.
4. ЎЗА фаолиятида ҳаққонийлик тамойилининг бажарилишини шарҳланг.
5. "Жаҳон" ахборот агентлиги муассисини айтинг.

2.2.6. КИТОБ ВА КИТОБ НАШРИЁТЛАРИ

Журналистика таснифида китоб ва у нашр этиладиган китоб нашриётлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Китоб гарчи вақтли журналистика тури бўлмаса-да, умуман журналистика - босма маҳсулот кўриниши сифатида оммавий ахборот воситалари таснифига тааллуқлидир. Яъни, у сўзни босма усул билан кўпайтириш маҳсули сифатида журналистика таснифига киради ва ўзига хос, алоҳида ўрин тутади.

Китоб нима? Китоб сўзи, арабча бўлиб, «ёзилган нарс», «ёзма маҳсулот» деган маънони билдиради. Китоб-жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаёти, инсонларнинг дунё ҳақидаги қарашлари, реал воқеликни билиш борасидаги тажрибалари, билимлари, ҳис-туйғуларини ўзида акс эттирувчи журналистика туридир. Китоб - инсониятнинг буюк кашфиёти, унинг ақл - тафаккур ривожининг бебаҳо меваси, билим манбаи, кишилиқ жамияти маданиятининг буюк таркибий қисми, уни янада тараққий эттирувчи тенги йўқ воситадир.

Инсон ўз ақлини танибдики, кўрган-билганлари, бошдан кечирганлари, тажриба ва изланишлари, дунёдан олган ҳайрат ва мушоҳадалари, орзу-умидлари, ички кечинмалари, қувонч ва шодлиги, дард - аламларини ёзув орқали баён қилади, китоб ҳолида кўпайтиради ва барча инсонларга, авлодлардан авлодларга етказди. Инсон китоб орқали оламни билади, тадқиқ қилади ва унга ўз таъсирини ўтказди. Китоб инсон учун битмас-туганмас маънавий озуқадир. Инсониятнинг бутун ҳаёти секин-аста китобга кўчганлиги ҳақида ёзган эди рус мутафаккири А.И.Герцен. Унинг фикрича кишилар, қабилалар, давлатлар йўқ бўлиб кетади, аммо китоб қолаверади. Китоб инсоният билан бирга ўсади, унда ақлларни ҳайратда қолдирган барча таълимотлар, қалбларни ларзага солган барча эҳтирослар кристаллашади.

Китоб пайдо бўлибдики, инсониятга хизмат қилган, унга дунёни тушунтирган, билим берган, касб-ҳунар ўргатган, маънавиятини оширган. Олимларнинг кашф ва ихтиролари, шоир ва адибларнинг бадиий асарлари, даҳоларнинг таълимотлари

инсонларга китоб ҳолида етиб келган. Бинобарин, китоблар ҳар доим илм-фан, маданият ва маънавият йўлида, умуминсоний мақсадлар учун хизмат қилган. Шу боисдан ҳам китобларнинг аксарияти умуминсоний, умумбашарий хусусиятга эга. Бизга тарихдан мерос бўлиб қолган жуда кўп илмий, бадиий, тарихий, касбий китоблар бунга мисол бўла олади. Шу билан биргаликда, айрим китоблар муайян мафкурага, айрим шахслар, табақалар ва синфларнинг манфаатларига хизмат қилади. Масалан, феодал ҳукмронлиги даврида уларнинг фаолияти мадҳ этиб ёзилган, айрим диний ва бошқа таълимотлар баён этилган китоблар шулар жумласидандир.

Тарихдаги турли шахслар, табақалар, синфлар китобга турлича муносабатда бўлганлар. Жаҳолатга берилган айрим феодал ҳукмронлар китобга салбий тарзда қараб, ўз манфаатларига зид деб топган китобларни ёндирганлар, йўқ қилганлар. Кейинчалик ҳукмронликни ўз қўлига олган буржуазия синфи китоб нашр этишга катта аҳамият берди, чунки бу иш унга ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий фойда келтирди. Ишчилар синфи ва унинг партияси бўлмиш коммунистик партия китобдан ўз таълимоти, сиёсатини оммага етказиш воситаси сифатида кенг фойдаланди. Фақат демократик жамиятдагина китоб ҳақиқий умуминсоний аҳамият касб этади.

Китобнинг журналистика таснифидаги ўрни ўзига хос бўлиб, унда вақтли журналистиканинг барча хусусиятлари мавжудлигини кўриш мумкин. Китоб ҳам худди газета ва журнал сингари босилади ва у ташқи кўринишидан кўпроқ журнални эслатади. Китоб ҳам журналистиканинг бошқа турлари каби ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради, уни билади, тадқиқ қилади ва борлиққа қайтадан таъсир кўрсатади. Яъни, журналистиканинг ижтимоий вазифалари китобда ҳам ўз ифодасини топади, у ҳам ҳаёт воқеаларини тасвирлайди, таҳлил қилади ва унга таъсир кўрсатади. Журналистика тамойиллари ҳам китоб учун тааллуқлидир. Китоб ҳам умуминсонийлик, халқчиллик, миллийлик, Ҳаққонийлик қонуниятларига бўйсунди.

Анъанавийлик ва янги омиллар яратиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳам китоб ва у тайёрланадиган

нашриётлар фаолияти учун тааллуқлидир. Бу ҳоллар китобнинг журналистика таснифида ўзига хос ўрин тутишини кўрсатиб турибди. Аммо, китобни бевосита вақтли журналистика тури деб бўлмайди, унинг ижтимоий вазифаси кенгроқ. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг вақтли журналистикага сиғмай қолган барча кенг ва чуқур қизиқиш ва манфаатлари китобда ўз аксини топади.

Китоб тарихи инсоният тарихи билан, кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тилга ва унинг шаклий ифодаси бўлган ёзувга эга бўлиши билан боғлиқ. Инсонлар дастлаб ерга, тошларга ёзганлар, машхур Урхун Енисей битиклари, Эрон шоҳи Доронинг Бехустун тоғига ўйдирган ёзуви ва бошқа кўпгина тарихий осори - атиқалар шулар жумласидан. Кейинчалик сополга, идишларга ёзилган ёзувлар ҳам топилди. Бу битикларни китобларнинг дастлабки, ибтидоий кўринишлари дейиш мумкин. Кейинчалик ҳайвонлар терисига битилган дастлабки китоблар пайдо бўлди. Жумладан, эрамиздан олдинги VII—VI асрларда вужудга келган Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш «Авеста» 200 кийик терисига ёзилган эди. Ҳиндистонда ҳам қадим-қадимдан «Веда» деб номланган қўлёзма китоблар мавжуд бўлган.

Кейинчалик эрамизнинг VII-VIII асрларига келиб қоғоз ихтиро қилинди ва қўлёзма китоблар вужудга келди. Қўлёзма китобчилик узоқ вақт — ўн асрлар мобайнида давом этди. Ўрта асрнинг буюк алломалари Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий, маърифатгўй шоирлар Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуғ аجدодларимизнинг ўлмас асарлари қўлёзма ҳолида бизгача етиб келди.

XV асрнинг биринчи ярмида Европада — Германияда Иоган Гутенберг китобни босма тарзда кўпайтириш усулини ишлаб чиқди. Бу усул бўйича 1445 йилда дастлабки таквимлар, варақалар, 1452 йилда эса «Инжил» китоби нашр этилди. 1455 йилда И.Гутенберг «Туркларга қарши-насроний дин вакиллари чорлаш» деган китобни нашр этади. Унда насроний диниДА ги кишиларни салб юришига чорланади. Бу эса дастлабки китобларнинг ҳам сиёсий восита сифатида хизмат қилганлигини

кўрсатиб турибди. 1475 йилда инглиз тилида биринчи китоб нашр этилди. Бу — «Троя тарихига оид ҳикоялар тўплами» эди. И.Гутенбергнинг ихтироси Европа бўйлаб кенг тарқала бошлади. Россиядаги биринчи босма китоб рус матбаачиси Иван Фёдоров томонидан 1564 йилда нашр этилган «Апостол» китоби эди. 1846 йилда Майнц шаҳрида араб ҳарфларида биринчи китоб — «Илоҳий шаҳар Иерусалимнинг муқаддас жойларига ҳаж қилиш» деган китоб нашр этилди.¹⁵

Ўлкамизда биринчи босма китоблар XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Ўлкамизда биринчи босмаҳона 1867 йилнинг 14 июнидан иш бошлади. Биринчи нашр этилган босма китоб эса 1868 йилда дунё юзини кўрган «Заметки о горной стране у вершин Чу и Нарына и о путях через нее в (бывший) Китайский Туркестан» деб аталиб у рус географ олими ва сайёҳи Н.А.Северцев қаламига мансуб эди. Туркистон генерал — губернаторлигининг ҳарбий округи штаби ҳузурида очилган босмаҳонада босилган ўзбек тилидаги биринчи китоб — 1871 йили Ш.Иброҳимов томонидан тайёрланган ўзбекча «Солнома» тақвими эди. Худди шу даврдан бошлаб, Туркистонда тош босма — литография усули билан ўзбек (араб-форс) тилларида китоблар нашр этила бошланди. Ана шундай илк босилган китоблардан бири 1882 йилда нашр этилган «Хулосаи фикҳи Кайдоний» китоби эди. 1883 йилда Тошкентда Семён Лахтин босмаҳонасида Сўфи Оллоёрнинг «Китоби сабот-ул -ојизин» китоби, 1884 йили эса, шу босмаҳонада Алишер Навоийнинг «Девон»и нашр этилади. Худди шу йиллари қўқонлик Азим ҳожи Марғилоний Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳридан босма ҳарфлар олиб келиб, ўзбек тилида китоблар нашр эта бошлайди. У жумладан, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр», «Табирномаи Хорун ар-Рашид» ва бошқа китобларни нашр этди. 1874 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳам тошбосма босмаҳона ташкил этади. Кейинчалик бу хилдаги босмаҳоналар кўпаяди. Тошкентда ташкил топган шундай босмаҳоналардан

¹⁵ Проф.Ф.А.Мўминовнинг “Журналистика ижтимоий университет сифатида”(Т.,” Университет “ наشريёти, 1998) китобида бу ҳақда кенг маълумот берилган. (35-40 бетлар)

бири – Ғулом Ҳасан Орифжоновнинг «Ғуломия» деб аталувчи босмахонасида 1908 йилда буюк форс шоири Абулқосим

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си нашр этилади. Мазкур босмахонада Алишер Навоийнинг «Девон»и, Ғузулийнинг «Ғазалиёт»и, шоир Муқимийнинг «Баёз»и босилиб чиқади. Шунингдек, бу босмахонада «Қуръони карим», «Ҳафтияк» ва бошқа муҳим диний китоблар ҳам чоп этилган. Наманганнинг Тўрақўрғон шаҳрида Исроқхон тўра Иброт ҳам ўзининг «Исроқия» босмахонасини йўлга қўйган эди.

Тошбосма китоблар бир неча минг нусхада босилиши мумкинлиги, қўлёзмаларга қараганда тиниқ, ўқиш учун осон шаклга эга бўлиши билан кўпчиликка манзур бўлди, турли мавзуларда асарлар, дастлабки дарсликлар нашр этилди. Бу босмахоналарда босилган китобларни турли безаклар билан безаш, яхши муқовалаш, ички муқова ва бошқа зарур жиҳатлар бериш мумкин эди. Шу боисдан ҳам тошбосма китоблар қисқа давр ичида кенг оммалашиб кетди. Бу китобларнинг мавзулари ранг-баранглашди, рус ва бошқа тиллардан таржима этилган китоблар ҳам пайдо бўлди. 1887 йилда атоқли рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг «Одамлар нима билан тирик» китоби ўзбек тилига таржима этилиб нашр қилинди.

1917 йил октябрь ўзгаришидан сўнг Туркистондаги барча нашриёт ва босмахоналар мусодара этилди ва китоб нашр этиш ишлари ҳукумат (яъни коммунистик партия) қўлига ўтди. Совет тузуми даврида китоб нашр этиш сон жиҳатидан ўсган бўлса-да, нашриётчилик ишида ғоявий яқка ҳокимлик тартиби жорий этилиши натижасида китобларнинг мазмуний бир ёқламалиги, синфий-сиёсий чекланганлигига олиб келди. Коммунистик ғояга мос келмайдиган барча диний, тарихий, илмий ва бадий китоблар, умуман нашр этилмади, босилган айрим бу хилдаги китоблар эса, коммунистик мафкура «чиғириғи»дан ўтказилгандагина дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришгач бошқа барча ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳалар қаторида китоб нашр этиш ишида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси 1996 йил 30

августда қабул қилган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралда қабул қилган «Ўзбекистон республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда ноширлик ва матбаачилик ишларини йўлга қўйишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол туфайли эски марказлашган буйруқбозлик тизимига барҳам берилиши, коммунистик мафкуравий якка ҳокимликнинг тугатилиши республикамизда нашр этилаётган китобларнинг мазмун ва сифатига ҳам катта таъсир кўрсатди ва бизда умуминсонийлик, халқчиллик, илмий холислик ва ҳаққонийлик талабларига тўла жавоб берадиган, халқимиз суйган, ардоқлаган китобларнинг кўплаб нашр этилишига йўл очиб берилди. Улуғ аждодларимиз бўлган алломалар, мутафаккир шоир ва адибларнинг асарлари, тарихий - илмий аҳамиятга эга бўлган ўтмишимизга оид ва замонавий китоблар кўплаб нашр этила бошланди. Давлат нашриётлари билан бир қаторда хусусий нашриётларнинг ҳам фаолият кўрсатилишига йўл очилиши натижасида китоб нашр этиш ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсди. Республикамизда китоб нашриётларининг кенг тармоғи мавжуд. Бизда нашриёт ва матбаачилик ишларига Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарлик қилади. Бутун дунёда жорий этилган тизимга асосан, республикамизда ҳам китоб нашриётлари уч турга бўлинади.

1. Универсал нашриётлар. Бу типдаги нашриётларда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид китоблар чиқарилади. Турли ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий китоблар нашр этаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, Қорақалпоғистон давлат нашриёти ҳамда айрим хусусий нашриётлар ҳам универсал хусусиятга эга.

2. Ихтисослаштирилган нашриётлар. Бу турдаги нашриётлар ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётнинг муҳим бир соҳасига бағишланган китобларни нашр этади. Бунга мисол қилиб, турли ижтимоий-сиёсий соҳадаги китоблар нашр

этиладиган «Ўзбекистон», адабий-бадий асарлар нашр этишга мўлжалланган Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт ва санъат нашриёти, дарсликлар ва таълим-тарбияга доир асарлар босиладиган «Ўқитувчи», илмий асарлар нашр этишга қаратилган «Фан», турли ижтимоий мавзулардаги китоблар чоп этиладиган «Меҳнат», маънавий хусусиятга эга бўлган асарлар учун тузилган «Маънавият», болалар ва ёшлар учун асарлар босиладиган «Чўлпон» ва бошқа нашриётларни кўрсатиш мумкин.

3. Тармоқ нашриётлари. Бу турдаги нашриётларга бирор тармоқ соҳасига доир китоблар нашр этувчи нашриётлар киради.

Нашриётлар, шунингдек, марказий ва маҳаллий вилоят ва айрим муассаса нашриётлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган «Насаф» ва Тошкент давлат университетида қарашли «Университет» нашриёти ва бошқалар.

Нашриётларнинг ички тузилиши газета ва журналлар таҳририятига ўхшаб кетади. Нашриёт ишларини унинг директори бошқаради, бош муҳаррир ва унинг ўринбосарлари эса нашр этилаётган китобнинг мазмуний йўналиши ва сифати учун масъул ҳисобланадилар. Нашриётларда маълум соҳалар бўйича таҳририятлар ва ишлаб чиқариш, таъминот бўлимлари мавжуд бўлади.

Китоб нашриётларининг иши маълум режа асосида ташкил этилади. Ҳар бир нашриёт ўз фаолиятида уч хил режа:

1. Яқин йиллар режаси;
2. Таҳрир режаси;

3. Нашр режаси билан иш кўради. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳозирги даврда нашриётларнинг иқтисодий — таъминот, ўз-ўзини қоплаш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда нашриётларда китоблар давлат — бюджет йўли, нашриётларнинг хўжалик ҳисоби асосидаги маблағи ва ҳомийлик асосида тўланган маблағлар асосида нашр этилиши мумкин. Нашр этилган китобларни сотиш, реклама қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда китоб нашриётлари ишлари тобора ривожланиб, жаҳон андозалари даражасига ўсиб бормокда.

Китоб нашриётларида ишлаш, гарчи, газета ва журналлар таҳририятларида ишлашга ўхшаб кетса-да, журналист (муҳаррир)дан ҳар тарафлама чуқур билим, малака, услубий таҳрир усталигини талаб қилади.

Китоб ва китоб нашриётлари бўйича рейтинг топшириқлари

1. Китоб сўзининг маъносини биласизми?
2. Китобнинг аҳамиятини шарҳланг.
3. Буржуазия синфининг китобга эътибори.
4. Коммунистик партия ҳукмдорлиги даврида китоб.
5. Қандай жамиятда китоб ҳақиқий умуминсоний аҳамиятга эга бўлади?
6. Китоб тарихи билан боғлиқ масалалар изоҳи.
7. Ўлкамизда биринчи босма китоб нашри ҳақидаги фикрингиз.
8. Ўзбек тилидаги биринчи босма китобнинг номини айтинг.
9. 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунни изоҳланг.

Китоб ва китоб нашриётлари бўйича назорат саволлари

1. Китобнинг журналистика таснифидаги ўрни.
2. Китобнинг умуминсоний, умумбашарий хусусиятлари.
3. Китобнинг ибтидоий кўринишларни айтинг.
4. 1871 йили Ш.Иброҳимов томонидан қайси китоб чоп этилди?
5. Совет тузуми даврида китоб ва китоб нашриётлари фаолияти.
6. Нашриёт турларига изоҳ беринг.

2.2.7. ИНТЕРНЕТ

Маълумки, журналистика – ижтимоий ахборот йиғиш ва тарқатишнинг асосий воситаси сифатида инсониятнинг маданий тараққиётга эга бўлган ҳаётида доимо муҳим ўрин тутиб келади. Шу боисдан у инсоният билан бирликда ривожланиб, тараққий этиб бораверади. Бу оммавий ахборот воситаларининг турли-

турли янги кўринишлари вужудга келишида ҳам ўз ифодасини топади.

Инсоният ақл-тафаккурининг янада ўсиши, фан ва техниканинг ривожланиши билан XXI асрга келиб оммавий ахборот воситалари таснифига яна бир тур, унинг яна бир кўриниши келиб қўшилди ва у интернет деб аталди. Интернет-лотинча (Inter)-ро ва net-(Work)- тармоқ маъносини англатадиган катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутун жаҳон компьютер тизимидир. Бу - инсониятнинг яна бир мўъжизавий кашфиёти 1969 йил сентябрида америкалик ҳарбий мутахассислар гуруҳи томонидан биринчи компьютер тармоғи бўлиб, ишга туширилган.

XX асрнинг охирига келиб электрон технологиялар асосида матн ёзиш ва ҳисоблаш учун ихтиро қилинган махсус қурилмалар кейинчалик алоқа воситаси сифатида ҳам ишлатила бошланди. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер дунёнинг исталган нуқтасидаги бошқа компьютерга уланиши мумкин бўлди. Натижада халқаро интернет тармоқлари вужудга келди. Вақт ўтиши билан ундан бошқа илмий ташкилотлар ҳам кенг фойдалана бошладилар ва бу тармоқ илмий ахборот алмашиш ижтимоий вазифасини ҳам бажара бошлади.

Секин-аста бу тармоқдан хусусий компьютерлар эгалари ҳам фойдалана бошладилар, шу заминда компьютерлаштирилган барча мамлакатлар ва ўз компьютерига эга бўлган барча шахслар ўртасида ўзаро ахборот алмашинув мумкин бўлди. Бинобарин, компьютерлар ёрдамида бошқа (шахсий, илмий) ахборотлар қаторида ижтимоий ахборотлар тарқатиш имконияти тузилди ва бу эса Интернет тармоғини (ва компьютер асбобларини) оммавий ахборот воситаларининг бир тури бўлишига олиб келди.

Интернет – оммавий ахборот воситаларининг алоҳида, ўзига хос бир туридир. Унда ижтимоий ахборотнинг барча турлари - сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий-маънавий, спорт ва бошқа турлари бир вақтнинг ўзида ўрин олиши ва ҳар бир кўрувчи, ўқувчи (яъни компьютердан фойдаланувчи шахс) ўзига керакли ахборотни излаб топиб, ундан баҳраманд бўлиши мумкин. Бу

интернет ахборот ҳажмининг ниҳоятда кенг, беҳудуд эканлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда, интернет ахборотлари электрон тармоқ орқали тезлик билан тарқала олиши жиҳатидан унинг ниҳоятда тезкор, ҳозиржавоб бўлишини ҳам таъминлайди. Бу якка шахс-инсоннинг бутун дунё билан бевосита боғланиши, уни дунё воқеаларидан, илм-фан, адабиёт-санъат, спорт ва бошқа соҳалар янгиликларидан тўла хабардор бўлишига хизмат қилади. Интернетда янгиликлар ижтимоий ҳаёт, илм-фан, адабиёт-санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги ахборотлар махсус сайтлар (бўлимлар, қисмлар) орқали жойлаштирилади ва улар маълум ички тузилишига эга бўлади. Интернетдаги ахборотлар асосан электрон ёзув-матн, фотосуратлар, турли чизма шакллар ва айрим ҳолларда овоз-мусиқа асари сифатида намоён бўлади, аммо унда матн асосий ўрин тутати.

Шундай қилиб, Интернет – оммавий ахборот воситаларининг алоҳида, электрон техникага асосланган бир тури бўлиб, у турли мавзулардаги ахборотларни йиғиш ва уларни компьютерлар тармоғи орқали тарқатиш билан иш кўради. Гарчи уни бевосита журналистика - яъни босма сўз воситаси деб бўлмаса-да, у оммавий ахборот воситаси сифатида журналистика қонунларига асосланиб иш кўради.

Интернетнинг пайдо бўлишида ҳам кишиларнинг ахборотга, ўзаро мулоқатга бўлган доимий эҳтиёжи асос бўлиб хизмат қилади ва шу билан биргаликда унинг бевосита келиб чиқишига ижтимоий, иқтисодий ва маънавий сабаблар бевосита туртки бўлган.

Интернет ҳам бошқа оммавий ахборот воситалари сингари ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни билади, тадқиқ қилади ва унга қайтадан таъсир кўрсатади. Бинобарин, интернет ҳам журналистиканинг ижтимоий вазифаларини бажаради, яъни у аввало ҳаётни тасвирлайди, хабар беради, таҳлил қилади ва шу билан биргаликда унга қайтадан таъсир кўрсатади. Интернет газета, журнал, радио, телевидениедан ҳаётни ёритишдаги серкўламлиги, серкамровлиги, тезкорлиги билан ажралиб туради. У ахборот агентликларига ўхшаб кетса-да, бевосита ўз кўринишига эгалиги билан (компьютер шаклида) юқори туради.

Ахборот агентликлари эса ўз ахборотларини тарқатишда интернетдан фойдаланиши мумкин. Фақат компьютер ускуналарининг ҳали нисбатан қимматлиги ва ҳамма ҳам ундан бемалол фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги жиҳатдан интернет ҳозирча газета, журнал, радио, телевидениедан бироз орқароқда бўлишига олиб келади.

Журналистиканинг бош тамойиллари интернет фаолияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Интернет – инсониятнинг ахборот тарқатиш борасидаги буюк кашфиётларидан бири экан, у ҳам биринчи навбатда инсониятга хизмат қилмоғи, унга зарур, фойдали ахборотларни етказиб бermoғи шарт. Интернетнинг инсониятга жуда катта кўламда ахборот етказиб беришида умуминсонийлик тамойили асосий мезон бўлмоғи керак.

Ҳозирги замон интернетини ўз фаолиятида бу талабга асосан риоя қилиб келмоқда. Шу билан биргаликда, унда айрим бир ёклама, олди-қочди, унча тўғри бўлмаган хабарлар, беҳаё матн ва суратлар ҳам берилиши журналистиканинг ушбу тамойилига зиддир, бу унинг инсониятга кенг кўламда, зарур ахборотлар етказиб беришдек масъулиятли ижтимоий вазифасини бажаришда монелик қилади. Шунингдек, журналистиканинг халқчиллик, миллийлик тамойиллари ҳам интернет фаолияти учун тааллуқли ҳисобланади. Интернет халқаро-глобал характерга эга бўлганлиги учун мазкур тамойиллар унинг фаолиятида ўзига хос кўриниш касб этади.

Интернет фаолияти учун зарур бўлган энг муҳим тамойиллардан бири-ҳаққонийликдир. Бутун дунёга, бутун дунё воқеалари, инсоният ҳаёти ҳақида янгиликлар, ахборот ва бошқа маълумотлар етказиб берувчи бу оммавий ахборот воситаси фақат ҳаққоний, текширилган, тўғри ахборотлар, маълумотлар етказиши шарт. Акс ҳолда у ўз ижтимоий вазифасини бажара олмай қолади, инкирозга учрайди.

Интернет юқоридаги журналистика тамойилларига тўла амал қилгандагина у оммавий бўлади, кўпчиликка манзур келади. Дунёда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони тобора ошиб бораётганлиги унинг янада оммалашиб бораётганлигидан далолат беради.

Интернет асосан дунё миқёсида иш кўриши нуқтаи назаридан унда партиявийлик тамойили кенг ўрин ололмайди. Айрим партиялар, синфлар интернет орқали ўз қарашлари, ғояларини баён этишлари мумкин. Аммо интернет тармоғининг бирор синф, партия, тузум қарашларига хизмат этиши унинг табиатига бутунлай зид. Шу боисдан айрим партиялар, ҳукуматлар томонидан интернетни ўз манфаатлари йўлида хизмат эттиришга уриниш унинг фаолиятига фақат зарар келтириши мумкин. Партиялар, синфлар интернет орқали ўз фикр ва қарашларини баён этишлари, инсониятга билдиришлари мумкин.

Анъанавийлик ва янги омиллар қонунияти ҳам интернет фаолияти учун тааллуқли. Инсоният ижтимоий-маънавий ҳаётида янги воқеа бўлган интернет қўллаган энг яхши, ижодий омиллар, иш усуллари замон синовларидан ўтгач келгуси даврлар учун анъана бўлиб қолиши мумкин. Барча журналистика нашрлари, оммавий ахборот воситалари учун бўлганидек интернет фаолиятида ҳам жамоатчилик фикри муҳим ўрин тутди. Интернет доимий равишда жамоатчилик фикрига энг янги, серкўлам, серқирра ахборотлар ва турли маълумотлар етказиб берувчи оммавий ахборот воситаси ҳисобланади.

Интернет бошқа оммавий ахборот воситалари каби ўз фаолиятида публицистикадан кенг фойдаланади. Унда публицистиканинг ахборий, таҳлилий ва айрим ҳолларда бадиий публицистика жанрлари қўлланилади. Интернетда ахборот жанри турли кўринишларда кенг ўрин олади. Шу билан биргаликда унда корреспонденция (кенгайтирилган хабар), ҳисобот, суҳбат (интервью), мақола каби жанрлар доимий қўлланилади. Юқорида айтилганидек айрим ҳолларда лавҳа, эссе, очерк, фельетон ва бадиий публицистиканинг бошқа жанрлари ҳам ундан ўрин олиши мумкин.

Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар қатори мустақил республикаларда ҳам интернет тармоғидан кенг фойдаланилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бу, ўзига хос кўринишининг келажаги порлоқдир.¹

Интернет бўйича рейтинг топшириқлари

1. "Интернет" атамасининг изоҳи.
2. Қайси тамойил интернет учун энг муҳим ҳисобланади ва нима учун?
3. Интернетнинг инқирозга учрамаслиги учун қайси тамойилларни тўла бажариши керак деб ҳисоблайсиз?
4. Интернет табиатига зид хизматларни биласизми?
5. Интернет ва аъъавийлик ҳамда янги омиллар қонуниятини изоҳланг.
6. Интернет журналистикасининг журналистика оламида тутган ўрни.

Интернет бўйича назорат саволлари

1. Интернет нечанчи аср меваси?
2. Интернетдаги ҳаққонийлик тамойилига муносабатингиз.
3. Журналистиканинг қайси жанрлари интернет фаолиятида қўлланилади?
4. Интернетнинг эртанги куни ҳақидаги фикрларингизни айтинг.
5. Интернетга қай усулда кирасиз?

3-БОБ. Журналистик фаолиятни ташкил қилиш

3.1.Журналистика назарияси ва унинг ижтимоий вазифалари.

Журналистика назарияси - ижтимоий ахборотнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳамда бу борада асосий ўрин тутувчи оммавий ахборот воситалари - газеталар, журналлар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари ва интернет фаолиятини ўрганувчи фандир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур курс оммавий ахборот воситалари ёки журналистика ҳақида, унинг илмий-объектив қонуниятлари ҳақида баҳс юритади.

Журналистика сўзи арабча “табаа”(босмоқ) сўзидан олинган бўлиб, “босма маҳсулот” деган маънони билдиради. Яъни, босма усулда чиқариладиган, кўпайтириладиган барча маҳсулот журналистикани ташкил этади. Ана шу журналистиканинг асосий қисмини вақтли, тўғрироғи даврий журналистика ташкил этади. Бу маълум вақтларда, даврий тарзда доимий чиқиб турадиган журналистика нашрларидир.”Оммавий ахборот воситалари” атамаси билан бир қаторда журналистика атамаси ҳам ишлатилади. Бу сўз французча “journal” сўзидан олинган бўлиб, “кундалик” деган маънони билдиради. Журналистика атамаси ўз навбатида бир неча маънода ишлатилади:

1. Ижтимоий ахборот йиғиш ва уни журналистика, радио, телевидение ва бошқа воситалар орқали тарқатиш билан боғлиқ бўлган фаолият;

2). Босма маҳсулотлар ва оммавий ахборот воситаларининг йиғиндиси яъни журналистика нашрларининг йиғиндиси;

3). Журналистика оммавий ахборот воситаларини чиқариш, уларга материаллар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган касб;

4). Журналистика ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ички қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида қўлланилади.

Кейинчалик, вақтли журналистиканинг таркибига босма усулда чиқариладиган газета ва журналлар билан бир қаторда унинг техникага асосланган янги турлари — радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар келиб қўшилгач,

буларнинг умумий мажмуасига оммавий ахборот воситалари (ОАВ) деб ном берилди. Оммавий ахборот воситаларининг асосини журналистика ташкил этади, улар журналистика қонуниятлари асосида иш кўрадилар, шу боисдан буларни қисқача журналистика деб юритиш мумкин.

Журналистика инсоният жамиятида муҳим ўрин тутиб келган. Цивилизациялашган ҳар қандай жамиятда ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракат журналистикасиз бўлиб ўтиши мумкин эмас. Жамият ҳаётини акс эттириш, уни билиш ва тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатиш воситаси бўлган журналистика ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўз фаолиятида маълум ички–объектив қонуниятлар асосида иш кўради. Журналистика назарияси фани ана шу қонуниятларни ўрганади. Яъни, у журналистиканинг келиб чиқиши, унинг моҳияти, ижтимоий вазифа ва тамойиллари ҳамда ички хусусиятларини ўрганувчи фандир.

Журналистикани ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганишда турлича қарашлар, фикрлар мавжуд. Шу пайтгача бизда жамиятдаги ижтимоий ҳодисалар қаторида журналистика ҳам марксча-ленинча таълимот асосида ўрганилиб келинди. Мамлакатимизнинг миллий мустақилликка эришуви натижасидагина ижтимоий фанлар қаторида журналистика назарияси соҳасида ҳам янгича, холис, умуминсоний қарашлар қўлланила бошланди. “Бизларнинг эндиги вазифамиз – маънавий ҳаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини, изланишларимизни эски мафкура қолипларидан халос этиш, тафаккуримизни куллик исканжасидан фориғ қилишдан иборат бўлмоғи зарур”, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов.¹

Шу муносабат билан журналистика фанининг асосий таркибий қисми бўлган Журналистика назарияси курси ҳам эндиликда илмий холисликка асосланган умуминсоний қарашлар асосида қайта ишлаб чиқилмоқда. Натижада у тобора ижодий ривожланиб, эски, ўз умрини яшаб бўлган кўникмалардан халос бўлиб бормоқда. Журналистика назарияси фани журналистика ҳақидаги бошқа фанлар билан, жумладан журналистика тарихи

билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, журналистика назарияси журналистика нашрлари тарихий тажрибасининг умумлашмасидир. Мазкур фан шу билан биргаликда амалий аҳамият ҳам касб этади. Яъни, у журналистиканинг тарихий тажрибасидан унинг шу кунги фаолияти учун зарур бўлган, унда кенг қўлланиладиган амалий, ижодий хулосалар чиқаради. Бинобарин, журналистика назарияси журналистиканинг моҳияти, журналистик ижод ва маҳорат ҳақидаги фандир. Журналистика назарияси ижтимоий воқеликни акс эттиришнинг алоҳида бир қонуниятга асосланувчи тури бўлган публицистика назарияси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Журналистика назарияси курси ижтимоий фан сифатида фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, санъатшунослик каби фанлар билан ҳам ўзаро алоқада бўлади. Ижодий хусусияти жиҳатидан адабиётшунослик, тил нуқтаи назаридан эса тилшунослик фанлари билан ҳам боғланиб кетади. Журналистика назарияси фани университетлар ва институтларнинг журналистика факультетлари ва бўлимлари учун асосий, етакчи фан саналади. Унинг вазифаси талабаларга журналистика асосларини чуқур, ҳар тарафлама ўргатиш, назарий билим бериш ҳамда уларни журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситаларида ишлашлари учун касбий малакалар ҳосил қилдиришдан иборат. Яъни бу курс журналистларнинг касбий тайёрланишида марказий ўринни эгаллайди. Курсда илмий маърузалар ўқилади, савол–жавоб тарзида амалий машғулотлар олиб борилади.

Талабаларнинг бу курсдан олган билимлари рейтинг ва тест усуллари ҳамда курс ишлари ёзиш асосида текшириб борилади. Журналистика назариясида унинг ижтимоий вазифалари масаласи алоҳида ўрин тутди, чунки бу тушунча оммавий ахборот воситаларининг моҳиятини, асосий йўналишини ташкил этади.. Журналистиканинг ижтимоий вазифалари деганда биз журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг доимий ва қонунийлик тусини олган фаолиятини, унинг мақсад ва йўналишларини

тушунамиз. Журналистиканинг ижтимоий вазифалари ҳақида турлича қарашлар мавжуд.

В.И. Ленин журналистиканинг ижтимоий вазифаларини “коллектив тарғиботчи, коллектив ташвиқотчи ва коллектив ташкилотчи”, деб кўрсатган эди. Бу таъриф коммунистик журналистика фаолиятида қонун тусини олиб, кенг қўлланилиб келинган бўлса-да, унинг синфий - партиявийлик нуқтаи назарга асосланганлиги ва чекланганлиги кўриниб турибди. Илло журналистиканинг вазифаси юқорида даъво қилинганидек фақат бирор ғояни тарғиб ва ташвиқ қилишдан иборат бўлмасдан оммага ҳолис, объектив ижтимоий ахборот етказиб беришдир. Шундай экан, журналистиканинг вазифасини бундай чеклаб қўйиш ҳатодир.

Ҳозирги замон рус журналистикашуноси Е.П. Прохоров ўзининг “Журналистика назариясига кириш” (“Введение в теорию журналистики”, М., 1980) китобида журналистиканинг ижтимоий вазифаларини ижтимоий, мафкуравий, маданий-маърифий ва бевосита ташкилотчилик кабиларга бўлади. (98-118 бетлар). Гарчи бу таърифларда маълум бир илмий ёндашиш мавжуд бўлса-да, мазкур бўлинишни тўла қабул қилиш қийин. Чунки журналистиканинг вазифаси юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ижтимоий ахборот йиғиш, ишлаш ва тарқатишдан иборат бўлгани боис, бу вазифани ўта мураккаб тарзда, юқоридаги алфозда баён этиш тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз.

Хўш, шундай экан, журналистиканинг асосий ижтимоий вазифалари нималардан иборат?

Унга қандай таъриф бериш мумкин? Биз қуйида ана шу асосий масалани кўриб ўтамыз.

Биз олдинги мавзуларимизда журналистикага берган таърифимизда журналистика ижтимоий ҳаётни акс эттириш шаклларида бири, реал воқеликни билиш тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси, деган эдик. Худди ана шу таъриф журналистиканинг ижтимоий вазифаларини белгилашда ҳам асос бўлади. Демак, журналистиканинг бош вазифаси ижтимоий ҳаётни акс эттириш,

яъни ижтимоий ахборот йиғиш ва оммага етказиб беришдан иборат.

Журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситалари доимий равишда жамият ҳаётини ёритиш, уни тадқиқ қилиш ва унга қайтадан таъсир этиш вазифасини бажариб келадилар. Бу таърифдан шу нарса кўриниб турибдики, журналистиканинг ижтимоий вазифалари уч таркибий қисмга, қирраларга бўлинади. Биз бу қисмларни шартли равишда тасвир, таҳлил ва таъсир деб оламиз ҳамда журналистиканинг ижтимоий вазифаларини шу нуқтаи назардан ўрганиб чиқамиз.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики журналистиканинг ижтимоий вазифаларидан асосийси **тасвир**, яъни ижтимоий ҳаётни акс эттириш, хабардор қилишдир. Журналистика нашрлари - газеталар, журналлар ва оммавий ахборот воситалари таснифидаги радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари, интернет бу вазифани аввало босма сўз, сўнг сўзнинг овоз тарзи, сўз ва тасвир бирлиги воситасида доимий равишда бажариб келадилар. Сўзлар эса ҳаётдан олинган факт, воқеа, ҳодисаларни ўзида ифода этувчи хабарга айланади. (хабар сўзи – арабча бирор янгиликни етказиш, маълумот бериш, деган маънони билдиради). Кўпчилик учун мўлжалланган хабарларга оммавий ахборот ёки ижтимоий ахборот дейилишини биз юқорида кўриб ўтган эдик.

Ахборот, хабар деганда журналистика нашрларида босиладиган ёки радио, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари томонидан бериладиган ҳажм жиҳатидан кичик хабар тушунилади. Албатта журналистиканинг хабардор қилиш ижтимоий вазифасини бажаришда бу кичик жанрлар, хабарлар асосий роль ўйнайди. Лекин журналистиканинг бу ижтимоий вазифаси фақат хабарлар билан чекланиб қолмайди, аксинча турли жанрларни ҳам ўз ичига олади. (хоҳ мақола, хоҳ очерк, хоҳ фельетон ва бошқалар). Бошқача қилиб айтганда, журналистиканинг тасвир, яъни хабардор қилиш ижтимоий вазифаси унинг барча томонларини қамраб олади.

Немис олими К. Маркснинг журналистика “ҳар тарафлама, ҳар ерда ҳозир, ҳар нарсадан хабардор” деган машҳур сўзлари

аввало журналистиканинг ана шу ижтимоий вазифасида ўз ифодасини топади. Яъни ижтимоий ҳаётнинг журналистикада ўз аксини топмаган бирорта соҳаси қолмайди. Журналистиканинг тасвир, хабардор қилишлик ижтимоий вазифаси жамият ҳаётининг ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий-ишлабчиқариш, ҳам маданий, маънавий ҳаётини қамраб олади.

Демак, тасвир, яъни ижтимоий ҳаёт воқеаларини оммага кенг тарзда, тўла етказиб бериш – журналистиканинг асосий ижтимоий вазифаси, доимий равишда бажарадиган энг муҳим ишидир. Журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситалари - газеталар, журналлар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари ва интернет ҳар куни, ҳар соат ана шу иш билан шуғулланадилар. Бу вазифани бажаришда журналистиканинг турли кўринишлари ўз хусусиятлари ва имконларига қараб турлича иштирок этадилар. Бу борада газеталар асосий ўрин тутати, ҳар қандай газета фаолиятининг асосий қисми, унинг саҳифаларидаги асосий ўрин тасвир, хабардор этишга бағишланади. Бошқача қилиб айтганда газетанинг асосий вазифаси шу куннинг тарихини бутун тўлалиги билан акс эттиришдан иборат.

Бу ижтимоий вазифани бажаришда журналлар ҳам иштирок этадилар, аммо журналлар ўз хусусиятлари билан (кўпроқ муддатларда чиқиши, ижтимоий ҳаётни ёритишга мўлжалланиши ва ҳоказо.) журналистиканинг бундан кейин баён этиладиган ижтимоий вазифасини кенгроқ бажаради, аммо журналлар фаолиятида ҳам тасвир ижтимоий вазифаси мавжуд.

Бу ижтимоий вазифани бажаришда радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар асосий ўрин эгаллайди. Радио хабардор қилишда ўзининг ҳозиржавоблиги, тезкорлиги, чегара билмаслиги билан алоҳида ўрин тутати. Телекўрсатувлар эса ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита тасвирлаш, яъни жонли олиб кўрсата олиши билан муҳим тутати. Оммавий ахборот воситаларининг муҳим бир бўлаги бўлган ахборот агентликлари фаолиятида ҳам тасвир, яъни хабардор қилишлик бош вазифа ҳисобланади. Жаҳондаги барча ахборот агентликлари ҳар куни ҳар соатда, ҳар

дақиқада кўп, турли ижтимоий, дунё хабарларини йиғиб, тарқатиб турадилар.

Журналистиканинг тасвир ёки хабардор қилиш ижтимоий вазифасини бажаришда публицистиканинг ахборий жанрлари асосий ўрин тутди. Буларга ахборот (хабар), кенгайтирилган хабар, репортаж, ҳисобот, суҳбат (интервью), корреспондентия кабилар киради. Публицистиканинг ушбу жанрлари асосан ижтимоий ҳаётдаги факт (лотинча *factum* – қилинган иш), воқеа ва ҳодисаларни хабар қилиш, тасвирлаб, кўрсатиб бериш билан боғлиқ. Аммо бу ижтимоий вазифа юқоридаги жанрлар билан чекланиб қолмайди. Публицистиканинг таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлари бўлмиш мақола, шарҳ, очерк, эссе, фелъетон, памфлет каби жанрлари ҳам гарчи бирор муаммони, ҳаётни акс эттиришга мўлжалланган бўлса-да, аслида уларнинг асосида ҳам хабардор қилиш ётади. Оммавий ахборот воситалари - радио ва телекўрсатувлардаги публицистиканинг юқоридаги жанрлари кўринишларида ҳам тасвир элементи бўлади.

Журналистиканинг тасвир, яъни хабардор этишлик ижтимоий вазифаси унинг келиб чиқишига асос бўлган табиий ижтимоий вазифа. Аммо, журналистиканинг келиб чиқиши ва фаолият кўрсатишида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Жамиятдаги кучлар, ҳукмрон синф ёки гуруҳлар журналистиканинг бу ижтимоий вазифасини бажаришда ҳам маълум – ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадилар. Масалан, журналистиканинг илк даври - авторитар журналистика даври нашрлари гарчи оммани турли янгиликлардан хабардор қилиб турган бўлса-да, бу нашрлар ҳукмрон шахсни улуғлаш, унинг манфаатлари учун хизмат қилиш билан шуғуллаганлиги боисидан бу ижтимоий вазифа маълум даражада чекланган эди.

Эркин дунё журналистикасида эса журналистиканинг бу ижтимоий вазифаси ўзининг энг юқори даражасига эришади, яъни бу журналистиканинг вазифаси хабардор қилиш, янгиликлар йиғиш ва сотишдан иборат бўлади. Эркин дунё мамлакатлари журналистикаси, радиоси, телекўрсатувлари,

ахборот агентликлари ҳар куни, ҳар соатда жуда кўплаб янги-янги хабарлар йиғиб, тарқатиб туради. Бунинг учун катта репортерлар армияси, ахборот йиғувчилар аппарати иш олиб боради.

Аммо эркин дунё журналистикасининг капиталга қарамлиги, асосий нашрлар, оммавий ахборот воситаларининг айрим шахслар, монополиялар қўлида хусусий мулк, фойда олиш манбаи эканлигидан унинг салбий хусусиятлари ҳам келиб чиқади. Даврий матбуот нашрлари ўртасидаги ўзаро рақобат, фойда кетидан қувиш натижасида газета ва журналлар саҳифалари, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, ахборот агентликлари берадиган хабарларда объектив хабарлар билан бир қаторда сенсацион (шов-шувли) материаллар, дезахборот (атайлаб тескари ахборот бериш ҳоллари), порнографик (беҳаё мазмундаги ва кўриниш)даги материалларнинг ҳам кенг ўрин олиши, рекламага кўп ўрин берилиши ҳам журналистика мазкур ижтимоий вазифасининг бузилишига олиб келади.

Ўлкамизда салкам бир аср ҳукм сурган коммунистик журналистикада эса бу чекланишнинг бошқача кўриниши мавжуд эди. Коммунистик журналистикада тасвир, яъни хабардор этишлик ижтимоий вазифаси якка мафкура ҳокимлигига бўйсундирилган эди. Коммунистик журналистика нашрлари, радио ва телекўрсатувларда қандай хабарни бериш (ёки бермаслик) большевистик партия қарор ва кўрсатмалари асосида ҳал этилар эди.

Юқорида айтганимиздек, журналистиканинг мазкур ижтимоий вазифасини коллектив агитаторлик (ташвиқотчилик) дан иборат, деб эълон қилинган ва бу ҳол коммунистик журналистика нашрлари, радио, телевидение учун қонун тусига кирган эди. Яъни, совет газеталари, радиоси ва телекўрсатувлари ижтимоий ҳаётни холис, объектив ёритмай, балки муайян ғояларни ташвиқ қилиш ва унгагина мос келадиган фактлар, воқеа ва ҳодисаларни қидириб ёки ўйлаб топиш билан банд эдилар.

Демак, инсониятнинг энг олий орзуси – демократик тузумдагина журналистика ва унинг тасвир, хабардор этишлик

ижтимоий вазифаси эркин иш кўра олади. Мустақилликка эришган республикамизда бу борада катта ишлар олиб борилмоқда. Истиқлолдан кейин янгиланаётган ва ривожланаётган оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаётни холис ва тезкор ёрита бошладилар, газета ва журналларимиз қизиқарли, ўқишли бўлиб бормоқда, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар мазмунли бўлиб, мундарижаси кенгайиб, шакли ранг-баранглашяпти.. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги қонунлар оммавий ахборот воситалари ишини яхшилашда муҳим аҳамият касб этди.

Республикамизда журналистика ва оммавий ахборот воситалари ишини яхшилаш, улар фаолиятини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида журналистикамизнинг тасвир ижтимоий вазифаси тобора ривожланиб, ранг-баранг бўлиб бормоқда. Газета ва журналларимиз, радио эшиттиришларимиз ва телекўрсатувларимиз дунё хабарларини, шунингдек республикамизда юз бераётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ўзгаришларни ёритиб келаётган бўлсада, бу борада ҳали камчиликлар ҳам йўқ эмас, кўпгина журналистика нашрлари, радио эшиттиришлар ва телекўрсатувларда бир ёқламалик, бир хиллик ҳоллари мавжуд. Аммо журналистикамиз бу камчиликлардан аста-секин қутилиб, тасвир ижтимоий вазифасини тўлароқ бажарилишига эътибор қаратмоқда. Бу ижтимоий вазифанинг моҳиятини, унинг талабларини яхши билиш ҳар бир бўлажак журналистнинг асосий вазифаси саналади.

Қайси бир нашр, оммавий ахборот воситаси бу ижтимоий вазифани ижодий ҳал этар экан, унинг муваффақияти таъминлангандир.

Биз юқорида журналистиканинг бош ижтимоий вазифаларидан бири – унинг ижтимоий ҳаётни акс эттириш хусусияти, яъни тасвир ижтимоий вазифасини кўриб ўтдик.

Аммо журналистика ҳаётни оддийгина қайд этиш билангина чекланиб қолмайди, балки ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини ҳам очиқ беради, ўқувчиларига тушунтиради, таҳлил қилади, баҳолайди, хулосалар чиқаради, маъқуллайди ёки инкор қилади. Яъни, юқорида, журналистиканинг таърифида келтирилган – журналистика ижтимоий ҳаётни билади (ўрганади маъносида), тадқиқ қилади, деган тушунчалар журналистиканинг иккинчи бош ижтимоий вазифасининг асосини ташкил этади.

Журналистика ижтимоий ҳаёт воқеаларини тасвирлаш билан бирликда бу факт ва воқеаларни таҳлил қилиши ҳам лозим. Бинобарин, журналистиканинг иккинчи бош ижтимоий вазифаси – **таҳлил** ҳисобланади. Журналистиканинг тасвир ижтимоий вазифаси ижтимоий ҳаётнинг устки, кўзга кўриниб турган қатламларини акс эттирса ва онгнинг устки қатламига таъсир қилса, таҳлил ижтимоий вазифаси ижтимоий ҳаётнинг чуқур қатламларини ўзида акс эттиради ва инсон онгининг чуқур қатламларига таъсир кўрсатади. Бу ижтимоий вазифа орқали журналистика ўқувчиларига ҳаётдаги фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг ички сабабларини очиқ беради, тушунтиради, изоҳлайди, билим беради, оламни билдиради, зарур тажрибалар билан қуроқлантиради.

Журналистиканинг хабардор қилиш ижтимоий вазифаси сингари бу ижтимоий вазифа ҳам жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Жамият ҳаётининг журналистиканинг бу ижтимоий вазифаси аралашмайдиган бирор бир соҳаси йўқ. Журналистиканинг таҳлил ижтимоий вазифаси ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим муаммолари ечимини топишда, иқтисодий-ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришда, маданий-маънавий ҳаётни янада тараққий этишида муҳим роль ўйнайди.

Журналистиканинг таҳлил ижтимоий вазифасини бажаришда журналистика нашрлари – газета ва журналлар, оммавий ахборот воситалари – радио ва телекўрсатувлар доимий равишда фаолият кўрсатадилар.

Журналистика турлари ўртасидаги ўзаро меҳнат тақсимотига мувофиқ газеталар тахминан 75 фоиз тасвир ижтимоий вазифасини бажарса, ўз навбатида журналлар тахминан 75 фоиз таҳлил ижтимоий вазифасини бажарадилар.

Журналларнинг – ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-бадий, ҳажвий, суратли ва тармоқ турлари мавжуд бўлиб улар ижтимоий ҳаётни чуқур акс эттириш ва уни таҳлил қилиш каби асосий вазифаларни бажарадилар. Бу – журналларнинг таҳлил ижтимоий вазифасини бажаришда асосий ўрин тутишини кўрсатади. Аммо бу – газеталарда таҳлил ижтимоий вазифаси бажарилмайди, деган маънони билдирмайди. Аслини олганда ҳар иккала ижтимоий вазифа бир-бирини тўлдириб келади, ҳар қандай тасвирий материалда ҳам муайян таҳлил унсури бўлади, таҳлил материалларида ҳам тасвир иштирок этади. Радио ва телекўрсатувларда тасвир ҳамда таҳлил ижтимоий вазифалари ўзаро мутаносиб равишда (50-50 фоиз) жой олади.

Журналистиканинг бу ижтимоий вазифаси унинг маърифий, эстетик завқ бериш, дам олдириш хусусиятлари билан ҳам боғланиб кетади.

Журналистиканинг таҳлил ижтимоий вазифасини бажаришда мутахассис журналистлар, публицистлар, олимлар, жамоат арбоблари, сиёсатчилар иштирок этадилар.

Агарда журналистиканинг хабардор қилиш ижтимоий вазифасини бажаришда унга публицистиканинг ахборий жанрлари хизмат қилса, таҳлил ижтимоий вазифасини адо этишда эса аналитик-таҳлилий жанрлари хизмат қилади. Буларга корреспонденция (французча *correspondente* – жойлардан юборилган маълумотнома), мақола (арабча – айтилган гап), рецензия-такриз (лотинча ва арабча – баҳо бермоқ), шарҳ ҳамда бадий публицистиканинг очерк, фельетон (французча – варақа), памфлет (инглизча - танқидий асар) каби жанрлар киради.

Маълумки бу жанрлар ҳажми ва жанр талаблари билан ахборий жанрлардан ажралиб туради ва улар ҳаётни акс эттирадилар. Бу жанрларда шу билан биргаликда илм-фан тадқиқоти усуллари – фактларни солиштириш, умумлаштириш,

хулосалар чиқариш каби анализ усули, бадиий публицистика жанрларида эса адабий-бадиий усуллар – образлилик, жонлантириш, типиклаштириш, сюжет, композиция кабилар кенг қўлланилади. Бу усуллар ҳаёт воқеаларини чуқур таҳлил этишда ёрдам беради.

Журналистиканинг бу ижтимоий вазифаси маълум ғояларни тарғиб этишда ҳам муҳим ўрин тутди. Таҳлил ижтимоий вазифаси журналистдан ҳаётни чуқур билишни, унинг у ёки бу соҳасига махсус ихтисослашишни талаб қилади.

Таҳлил ижтимоий вазифаси ҳам журналистиканинг табиатидан келиб чиқувчи унинг табиий хусусиятидир. Илло журналистика инсонга олами билдириш, унинг онгини ўстириш, ҳаётий ва ижтимоий тажрибасини ошириш учун хизмат қилади. Аммо айрим тузум, ҳукмрон синф ва табақалар мазкур ижтимоий вазифанинг бажарилишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, коммунистик журналистика барча нарса ва ҳодисаларни фақат коммунистик ғоялар нуқтаи назаридангина изоҳлагани бунга мисол бўла олади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон журналистикасида тасвир ижтимоий вазифаси билан бир қаторда таҳлил ижтимоий вазифаси ҳам тобора такомиллашиб бормокда. Журналистикамизнинг таҳлил ижтимоий вазифаси ҳам замонамизнинг энг муҳим, долзарб масалаларини ёритишда, омманинг онгига мустақиллик, тараққиёт ғояларини сингдиришда фаол хизмат қилмокда.

Журналистикамиз ўлкамизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ўзгаришларни амалга оширишда, истиқлол, ривожланиш ғояларини оммага тушунтиришда, дунё воқеаларининг моҳиятини англаишда кенг фаолият кўрсатмокда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, жамият тараққиётини жадал суръатлар билан олиб боришда журналистика хусусан оммавий ахборот воситаларининг ролига катта баҳо берган эди. Журналистиканинг таҳлил ижтимоий вазифаси иқтисодий ислохотларнинг тараққиётдаги роли ва аҳамиятини чуқур

тушунтириш билан бирликда маънавиятимизнинг тикланиши ва кишилар онгидан чуқур жой олишини таъминлашда ҳам беқиёс хизмат қилмоқда. Биз мустақиллик журналистикасининг таҳлил ижтимоий вазифаси кўрсатган фаолият натижасида ўзлигимизни танидик, ўз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизни билдик, келажагимизнинг улкан ва порлоқ режаларига эга бўлдик.

Бу газеталаримиз, журналларимиз, радио ва телекўрсатувларимизнинг доимий равишда олиб бораётган таҳлил ижтимоий вазифаси натижасидир. Журналистика ҳаётдаги факт, ҳодиса ва воқеаларни бемалол, монеликларсиз, умуминсоний нуқтаи назардан, холис, илмий-объектив таҳлил қилар экан, унинг ҳаётга таъсири ҳам шунчалик ортади. Ўзбек журналистикаси ана шу йўлдан бормоқда. Бу ижтимоий вазифани яхши билиш, унга тайёр бўлиш ҳар бир бўлажак журналистнинг бурчи ва вазифасидир.

Журналистика ижтимоий ҳаёт воқеаларини тасвирлаб ва уни таҳлил этибгина қолмасдан ижтимоий ҳаётга бевосита таъсир ҳам қилиши керак. Журналистиканинг бу хусусияти унинг ижтимоий вазифаларидаги учинчи қиррани, яъни **таъсир** ижтимоий вазифасини белгилаб беради. Яъни журналистика ижтимоий онг кўриниши сифатида ижтимоий борлиқни тасвирлаб, уни билиб, тадқиқ этиш билан чекланмасдан унга қайтадан таъсир ҳам кўрсатиши лозим. Илло журналистика материаллари ёзилиб, босилиб, ўқилиб, эшитилиб, кўрилибгина қолмасдан ҳаётда ўзгариш ҳам ясаши керак.

Журналистиканинг таъсир ижтимоий вазифаси унинг тасвир ва таҳлил ижтимоий вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир, яъни у мазкур икки ижтимоий вазифанинг мантиқий давоми ҳисобланади. Қайси журналистика нашри, оммавий ахборот воситалари ҳаётни кенг, холис ва керакли даражада ёритса, худди шу тарзда чуқур таҳлил қилса унинг таъсири ҳам етарли даражада бўлади. Аксинча, ҳаёт саёз, бир ёқлама, шунчаки, мажбуран ёритилса, таҳлил ҳам юзаки бўлса таъсир ҳам шунга яраша бўлади.

Журналистиканинг ҳаётга таъсири икки хил: бевосита ва билвосита бўлади. Бевосита таъсир ҳаёт воқеаларининг тасвири таҳлил орқали ўқувчилар онгига, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишдир. Бу ҳолат журналистика материалларининг таъсирчанлиги, муҳимлиги, қизиқарлилиги, факти, тузилиши, маҳорат билан ёзилганлиги натижаси. Бу эса, тасвир ва таҳлил ижтимоий вазифаларининг етарли бажарилишидан келиб чиқади. Журналистиканинг таъсир ижтимоий вазифасини бажаришда жамоатчилик фикрини шакллантириш асосий ўрин тутди.

Жамоатчилик фикри – журналистиканинг ва унинг асоси бўлмиш публицистиканинг бош масаласидир. Журналистиканинг ҳаётга билвосита таъсири эса журналистика материалларининг самарадорлиги, яъни натижа бериши билан ўлчанади. Яъни журналистикада кўтарилган бирорта муаммо ҳал этилса, танқидий чиқишлар ўз самарасини берса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти аралашуви натижасида ҳаётга татбиқ этилса ана шу ижтимоий вазифа бажарилган бўлади.

Ҳаётга билвосита таъсир этишда журналистика нашрларининг, журналистларнинг ташкилотчиликлари ҳам асосий роль ўйнайди.

Журналистиканинг тасвир, таҳлил ва таъсир ижтимоий вазифалари журналистика фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Улар бир-бирлари билан узвий бирликда доимо такомиллашиб борадилар. Шу билан баргаликда журналистиканинг маданий-маърифий, кишига завқ бериш, дам олдириш, турли хизматлар кўрсатиш (реклама ва эълонлар) каби ижтимоий вазифалари ҳам мавжуд. Бу ижтимоий вазифалар ҳам бош ижтимоий вазифалардан келиб чиқади ҳамда уларни тўлдиради.

Журналистиканинг ижтимоий вазифалари ҳаёт билан биргаликда тараққий этиб, такомиллашиб, янгидан-янги қирраларга эга бўлиб бораверади.

Журналистика назарияси ва унинг ижтимоий вазифалари бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистика назарияси фани нимани ўргатади?
2. Журналистика атамасининг маъноларини айтинг.

3. Журналистика хусусиятларини изоҳланг.
4. Журналистиканинг умумий мажмуасига қачондан бошлаб ОАВ деган ном берилди?
5. Журналистиканинг ижтимоий вазифалари ҳақидаги қарашларни изоҳланг.
6. Журналистиканинг тасвир яъни хабардор қилиш ижтимоий вазифасини бажаришда публицистиканинг қайси жанрлари асосий ўрин тутди.
7. Журналистиканинг тасвир, таҳлил ва таъсир ижтимоий вазифаларининг бир—бирига боғлиқлигини шарҳланг.

Журналистика назарияси ва унинг вазифалари бўйича назорат саволлари

1. ОАВнинг асосини изоҳлаб беринг.
2. Журналистика назариясининг журналистика нашрлари тарихий тажрибасининг умумлашмаси экани.
3. Журналистиканинг ижтимоий вазифалари бўлган тасвир, таҳлил, таъсир ҳақидаги билимингиз.
4. Таҳлил ижтимоий вазифасини бажаришда публицистиканинг қайси жанрлари асосий ўрин тутди?

3.2. ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ БОШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Журналистика ўз зиммасига юкланган ижтимоий вазифаларни бажаришда маълум тамойил (принцип) ларга амал қилади. Журналистиканинг тамойиллари журналистика ўз фаолиятида доимий амал қилиши керак бўлган қоидалар, йўналишлардир. Журналистика тамойиллари ҳам журналистика назариясида муҳим ўрин тутди, илло у журналистиканинг моҳиятини, ички қонуниятларидан энг муҳимини ташкил этади.

Журналистиканинг ижтимоий вазифалари унинг тамойиллари каби инсоният жамияти ва унинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ.. Журналистика қайси бир давр, қайси бир тузумга тегишли бўлса, яъни қайси ижтимоий борлиқнинг

онг кўриниши бўлса ўша жамиятга, мос келувчи хусусиятларга, яъни тамойилларга эга бўлади. Буни биз инсоният тарихида фаолият кўрсатган ва кўрсатиб келаётган журналистика кўринишлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Феодализм журналистикаси авторитар, яъни якка шахс ҳокимлигини тан олиш, унга хизмат қилиш хусусиятига эга эди.

Бу давр журналистикаси ўз ижтимоий вазифаларини бажаришда яъни хабардор қилиш, таҳлил этиш ва ҳаётга таъсир кўрсатишда (бу ижтимоий вазифаларнинг дастлабки кўринишлари феодализм журналистикасида ҳам мавжуд эди) юқоридаги қоида асосий ўрин тутар ва журналистиканинг баъзи қоидалари – халқчиллик, ҳаққонийлик тамойиллари тўла бажарилмас эди.

Эркин дунё ёки буржуа журналистикаси эса феодализм журналистикага қараганда бир мунча ижобий хусусиятларга эга бўлганлиги маълум. Унда авторитарлик ўрнини маълум даражада тенглик, демократиклик эгаллаган эди.

Аммо буржуа журналистиканинг бош моҳияти - пул ҳокимияти, капиталга бўйсунуши, унга хизмат қилиши унинг тамойилларини ҳам белгилаб беради. Буржуа журналистикаси ўзаро рақобат, устакорлик, маълум даражада олғирлик билан иш кўради. Шу билан биргаликда эркин дунё журналистикаси объективизм (лотинча *objectum* нарса, объективизм эса нарсаларни аниқ акс эттириш) ва маълум даражада субъективизм (лотинча *subjektum* – одам) хусусиятларига ҳам амал қилади.

Буржуа журналистикасига ўхшамаган коммунистик журналистика ўз фаолиятида якка ғоя ҳокимлиги натижасида туғилган тамойилларга амал қилади ҳамда жамият ҳаётини синфий - партиявий нуқтаи назардан ёритади.

Марксизм-ленинизм арбоблари журналистиканинг бош тамойилини коммунистик ғоявийлик ва партиявийликдан иборат, деб кўрсатган эдилар. Бу тамойил коммунистик журналистика фаолияти даврида қатъий, мажбурий қонун сифатида қўлланилиб келинди. Партия сўзи инглиз, француз ва лотин тилларида бир қисм, гуруҳ деган маънони билдиради. Бутун бир жамиятга, қолаверса инсониятга тегишли бўлган,

кишиликнинг буюк кашфиёти саналувчи журналистиканинг, хатто адабиётнинг синфий, партиявий деб эълон қилиниши ва журналистиканинг бутун фаолиятини якка бир ғояга мажбурий бўйсундирилиши коммунистик тушунчаларнинг тор ва чекланган эканлигини кўрсатиб турибди.

Журналистиканинг бош тамойиллари, ўз фаолиятида амал қилиши шарт бўлган асосий қоидалари нималардан иборат?

Журналистиканинг бош тамойиллари унинг асл моҳиятидан, бош ижтимоий вазифаларидан келиб чиқади. Журналистика инсоният томонидан дунёни билиб, хабардор бўлиб туриш, ижтимоий ахборот олиш учун кашф этилган экан, демак мана шундай мақсад – фаолиятига мос келувчи тамойилларга, қоидаларга амал қилиши лозим. Демак, журналистиканинг бош вазифаси умуминсониятга хизмат қилишдан иборат бўлганлиги учун унинг бош тамойили ҳам партиявийлик эмас – умуминсонийлик бўлмоғи керак. Бу тамойилнинг назарий асоси шундан иборатки, инсоният – табиатнинг гултожи, онгли жамиятнинг, тарихнинг, цивилизацияларнинг ижодкоридир. Инсоният бор экан ер юзида онгли, уюшган жамият, ҳаёт мавжуддир.

Цивилизациянинг, инсоннинг онгли, маданий ҳаёти ва фаолияти белгиларидан бўлмиш журналистиканинг вужудга келиши, иш кўриши ҳам инсоният фаолияти билан чамбарчас боғланган. Инсониятдан ташқарида маълум даражада онгли ҳаёт бўлса-да цивилизация йўқ, журналистика ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам журналистика умуминсониятга тегишли бўлмоғи, унинг мақсад ва вазифаларига хизмат қилмоғи керак. Инсоният журналистикадан ҳаққоний, холис ижтимоий ахборот олиши керак, дунёдан хабардор бўлиши, уни ўқиб, эшитиб, томоша қилиб ҳордиқ чиқариши, дам олиши керак. Ана шу эҳтиёж журналистиканинг бош ижтимоий вазифаларини белгилаганидек унинг етакчи қоидалари учун ҳам асос бўлади. Яъни, ҳар бир журналистика нашри – газеталар, журналлар, ҳар бир оммавий ахборот воситаси – радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари ва интернет умуминсонийлик тамойилига қатъиян амал қилиши, яъни

умуминсониятга хизмат қилиши, унинг мақсад ва манфаатлари, қизиқиш ва интилишлари, хоҳишига қараб иш тутиши лозим.

Умуминсоният неча-неча асрлар давомида ишлаб чиққан ва шакллантирган олижаноб қадриятлар – тинчлик, эзгулик, ҳақиқат, адолат, поклик, меҳнат, яратиш, ўзаро ҳурмат каби қоидалар ҳар бир журналистика нашри, оммавий ахборот воситалари фаолиятида бош қоида, асосий ғоя бўлиб хизмат қилиши лозим. Яъни, ҳар бир журналистика нашри, оммавий ахборот воситалари айрим якка шахслар ёки партияларга эмас, инсониятга хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоғи, инсониятга фойда келтирмоғи, унинг ҳаёти доимо эркин, фаровон кечиши учун, дунёда тинчлик ҳукмрон бўлиши учун, озодлик, тенглик, демократия учун, ер юзида алдов, зулм, уруш бўлмаслиги учун, поклик ва олижаноблик учун, доимо ҳақиқат қарор топиши учун, тараққиёт учун курашмоғи, шу йўлда фаолият кўрсатмоғи лозим.

Умуминсонийлик тамойилининг бузилиши – журналистиканинг айрим шахслар манфаатига хизмат қилишига (агар бу инсониятга зарар келтирса), зулм-зўровонлик воситачиси бўлишга, ҳақиқатдан қўз юмишга, ёлғон, хабарлар тарқатишга, миллий, ирқий ва диний низоларни келтириб чиқаришга, урушни ташвиқ қилишга олиб келади. Бундай журналистика нашри, оммавий ахборот воситаси ўз ижтимоий вазифасини бажара олмайди ва ундан инсоният юз ўгиради.

Умуминсонийлик тамойили ҳар бир журналист, публицист ва ижодкор учун унинг ижтимоий - сиёсий ва касбий даражасини белгиловчи, ижодий маҳсулининг пировард баҳосини берувчи, унинг керак - ноқераклиги, фойда-зарарини, қимматини белгиловчи бирдан - бир ҳолис мезондир. Журналистнинг ҳар бир ахбороти, публицистнинг фикри, ижодкорнинг ҳар бир сатри, асари инсониятга нима бера олиши билан ўлчанади. Бунга буюк ижодкорлар, публицистларнинг фаолияти, ёзган асарлари мисол бўла олади. Яратилган ҳар бир асар инсониятга бирор янгилик, янги фикр, янги ғоя, янги завқ-шавқ, ҳис-ҳаяжон берсагина бу асар ўлмайди, умр боқий бўлиб қолади. Аксинча, шунчаки, ўз шахсий манфаати учун, бирор шахсга ёқиш учун, ёинки юзаки,

хом-хатала ёзилган бўлса бундай асарнинг умри қисқадир. Шундай экан – умуминсонийлик журналистиканинг ҳам, адабиёт ва санъатнинг ҳам бош тамойили, ижод ва фаолият қондаси бўлмоғи керак.

Журналистиканинг бош тамойилларидан бири халқчилликдир. Халқчиллик – умуминсонийликнинг таркибий қисми, мантикий давоми, муайян кўринишидир. Бу тамойилнинг назарий асоси шундан иборатки, халқ тарихнинг яратувчиси, дунёдаги барча моддий-маънавий бойликлар ижодкоридир. Умуминсоният ўз навбатида халқларга бўлинади. Халқ (арабча - яратилмиш деган маънони билдиради) маълум ҳудудда яшовчи, ўз тарихи, тақдири, манфаати билан бирлашган одамларнинг катта йиғиндисидир. Масалан, ўзбек халқи, рус халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқлари ва ҳоказо. Халқ бир миллатдан ёки бирнеча миллатдан иборат бўлиши мумкин.

Барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, жуғрофий, экологик муаммолар ва масалалар шу ҳудудда яшовчи халққа тегишлидир. Халқ инсониятнинг бир бўлаги сифатида умуминсоний ва ўзигагина тегишли бўлган манфаатларга эга.

Бинобарин ана шу ҳудудда яшовчи халққа тегишли бўлган журналистика халқчиллик тамойилига амал қилиши, яъни ўша халқ манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қилиши лозим. Бу тамойилнинг талаби шундан иборатки, ҳар бир журналистика нашри, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз халқининг манфаати, тарихи, маданияти, тараққиёти масалаларини кенг ёритиши, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий юксалишига хизмат қилмоғи шарт. Бу журналистиканинг ўз ижтимоий вазифаларини бажариши, яъни ижтимоий ҳаётни, халқ ҳаётини тўла акс эттириш, таҳлил қилиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатишининг асоси ҳисобланади.

Журналистика халқнинг кундалик фикр ва туйғуларининг аниқ ва янғроқ ифодаси бўлиши лозим. У халқ орасида бўлиши ҳамда халқнинг умид ва ташвишлари, қувонч ва дардини тенг баҳам кўриши шарт. Ҳар бир журналистика нашри, оммавий ахборот воситаси халқдан ажралмаслиги, унинг ҳаётий муаммоларини очик, холис баён қилиши, халқ орзу-умиди, фикр-

туйғуларининг ҳақиқий ифодачиси бўлмоғи керак. Халқ ҳаётини бузиб, хаспўшлаб ёритиш, якка шахс, якка ғояга хизмат қилиш каби ҳоллар журналистиканинг ўз ижтимоий вазифаларини бажара олмаслигига, халқнинг норозилиги ва инкорига сабаб бўлади. Ундай журналистика нашрини халқ ўқимайди, оммавий ахборот воситаларидан юз ўгиради.

Халқчиллик тамойили ҳар бир журналистдан, публицистдан, ҳар бир ижодкордан ўзининг бутун ижоди, қалб кўрини халқига бағишлашни, бутун умр халқига хизмат қилишни талаб этади. Ҳар бир қалам соҳиби ўз асарларида халқнинг ҳаёти, меҳнати, ташвиши, қувончи, орзу-умидларини кенг, ҳаққоний тасвирлаши лозим. Халқчиллик публицистика ва бадиий ижоднинг энг муҳим талаби, ҳар қандай асарнинг ҳаётийлиги, умрбоқийлигини белгиловчи асосий ва бемурса мезондир. Халқ руҳи, унинг дилидагиларни ифода этувчи ва юксак маҳорат билан ёзилган асарларгина умрбоқий бўлиши мумкин. Агар журналист, публицист, ижодкор халқчилликка эриша олмас экан, ҳеч қачон халқ назарига тушмайди, халқнинг ҳурмат-эътиборини қозона олмайди.

Халқчиллик тамойилининг аниқ кўринишларидан бири – миллийликдир. Бинобарин журналистика миллийлик тамойилига ҳам амал қилиши лозим.

“Миллат–кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлид ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги”(“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Т., 2006, 2-жилд, 593-бет) Масалан, ўзбек миллати, рус миллати ва ҳоказо.

Миллийлик халқчилликнинг, умуминсонийликнинг муштарак бир таркибий қисми, муайян кўриниши экан, шу миллат ҳудудида, шу миллат тилида чиқувчи журналистика ўз миллатининг манфаати, орзу-умиди, тараққиёти учун хизмат қилиши керак. Барча журналистика нашрлари, оммавий ахборот воситалари кундалик фаолиятларида шу миллатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётини кенг ёритиши, миллатнинг дарди билан нафас олиши лозим. Ҳар бир журналист,

публицист, ижодкор ўз асарларида шу миллатнинг ҳаёти, руҳи, фикр - ўйлари, қувонч ва ташвишларини акс эттириши, миллий қадриятларга суяниши шарт. Бунинг учун миллатнинг тили ва дилини, руҳини яхши идрок эта билиши лозим. Шу билан биргаликда миллийлик, миллат манфаатлари умумхалқ манфаатларига, умуминсоният манфаатларига зид келмаслиги, ўзаро муштарак бўлиши талаб этилади.

Миллийликни менсимаслик манқуртликка, космополитизмга олиб келганидек бир миллат манфаатларини халқ манфаати, умуминсоният қадриятларидан юқори қўйиш миллий маҳдудликка, миллий зўравонликка олиб келиши мумкин. Ҳар бир журналист, публицист, ижодкор ўз миллатини севиши билан бир қаторда бошқа миллатларни ҳам ҳурмат қилиши, уларнинг манфаатларини тушуниб, шу аснода ижод қилиши лозим. Яъни, журналист, ижодкор миллийлик, ўз миллатига хизмат қилиш орқалигина халқчиллик ва умуминсонийликка хизмат қила олади.

Журналистиканинг энг муҳим қонуни, тамойилларидан бири – унинг ҳаққонийлигидир. Ҳаққонийлик – мутлақ ҳақиқатга интилиш инсоннинг дунёни билишдаги бош талаби, иш усулидир. Инсон пайдо бўлиб, онги ривожлана бошлаган пайтдан бошлаб ўзини ўраб турган нарса ва ашёларнинг, юз бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг асл, туб моҳиятини билиб олишга интилади. Бунда унга ҳаққоний билим ва аниқ тажрибагина қўл келади. Аммо тажрибасизлик туфайли нотўғри хулосалар ҳам келиб чиқади, бир инсоннинг иккинчи инсондан манфаат қидириши, ўзаро муносабатлар натижасида ёлғон ҳам келиб чиққан. Инсоният ўзининг неча асрлик ҳаёти, фаолияти давомида ана шу рост ва ёлғон ўртасида қолиб, ҳақиқатни, яъни ростни излаб келади. Инсониятнинг маънавий маҳсули бўлган журналистика инсониятга хизмат қилар экан ҳақиқатга асосланмоғи, рост сўзламоғи керак. Шундагина у инсоният интилган эзгуликка, адолатга, тараққиётга хизмат қилади. Аксинча журналистика ёлғон хабарлар тарқатса, ҳаётни бир ёқлама, нотўғри ёритса, ёлғон сўзласа инсониятга катта зарар етказади. Уни инқирозга етаклайди.

Шундай экан барча журналистика нашрлари, ҳаққонийлик тамойилига амал қилиши шарт. Бундан заррача чекиниш унинг ўз ижтимоий вазифаларини бажаришида монеълик қилади. Бу тамойил ҳар бир журналист, публицист ва ижодкордан фақат ҳақиқатни, айти ҳақиқатни ёзишни талаб этади. Ҳаққонийлик публицистик ва бадиий ижоднинг бош мезони, асосий талабидир. Ҳаёт ҳақиқатларини очиб бера олган, ўз миллати ва провард натижада умуминсоният учун қадрли бўлган асарларгина умрбоқийдир. Бу тамойилнинг заррача бўлса-да бузилиши, ўз манфаати ёки яққа ғоя, шахс талаби билан ҳаёт ҳақиқатидан кўз юмиш ижодкорнинг инқирозига сабаб бўлади.

Олдинги давр – коммунистик давр журналистикаси хусусан, ҳаққонийлик тамойилига риоя қилмаганлиги боисидан инқирозга учради. Мустақил Ўзбекистон журналистикасида ҳаққонийлик тамойили тобора такомиллашиб бормоқда.

Журналистиканинг асосий тамойилларидан яна бири – оммавийликдир. Оммавийлик ҳар бир журналистика нашрининг ва оммавий ахборот воситасида кўпчиликнинг доимий иштирок этиши, унинг кўпчилик томонидан яхши кутиб олиниши, оммалашувидир. Оммавийлик тамойили умуминсонийлик, халқчиллик, миллийлик ва ҳаққонийликнинг мантикий давоми бўлиб, юқоридаги тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда ўз ижтимоий вазифаларини тўла бажара олган журналистика нашри, оммавий ахборот воситасигина кенг оммалашуви, ўқувчилар, радиотингловчилар ва телетамошабинларга манзур бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда бу тамойил ҳар бир журналистика нашри ва оммавий ахборот воситасидан юксак савияда иш олиб боришни, ҳар бир журналист, публицист ва ижодкордан катта меҳнат ва маҳоратни, доимий изланишни талаб қилади. Оммавийликка эриша олмаган журналистика нашри, журналист муваффақият қозона олмайди.

Журналистика фаолиятида партиявийлик тамойили ҳам мавжуд. Коммунистик журналистикада бу тамойил барча журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситалари учун бош, мажбурий қоида қилиб қўйилганди. Аслида эса партиявийлик – умуминсонийлик, халқчилик, ҳаққонийлик билан

ўлчанувчи тушунча ҳисобланади. Партиявийлик тамойили жамиятдаги айрим партиялар, уюшмалар, ташкилотлар томонидан нашр этиладиган журналистика органлари учун қўлланиладиган қоида бўлиб, ўша партия, уюшма, ташкилотнинг дастури, йўл-йўриқлари асосида иш кўриш демакдир. Бу – табиий бир ҳол. Аммо партиявийлик тамойили юқорида таъкидлаб ўтилганидек умуминсонийлик, халқчиллик ва миллийлик, ҳаққонийлик тамойилларига зид бўлмаслиги керак. Акс ҳолда у жамиятга зарарли ҳодисага айланади.

Мустақил Ўзбекистонда қатор партия газеталари – Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нашри “Ўзбекистон овози”, Адолат социал-демократик партиясининг нашри “Адолат”, Ўзбекистон Миллий тикланиш партиясининг нашри “Миллий тикланиш”, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг нашри “XXI аср” газеталари юқоридаги тамойиллар асосида иш кўриб келмоқда.

Журналистика тамойиллари жамият тараққиёти билан бирликда ривожланиб, такомиллашиб, янги-янги қирралари очилиб бораверади. Истиқлол даври ўзбек журналистикаси ва оммавий ахборот воситалари фаолиятида юқоридаги тамойиллар кенг қўлланилиб келинмоқда. Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” каби ва бошқа қонунлар ўзбек журналистикаси нашрлари ва оммавий ахборот воситалари ишини янада такомиллаштириш, уларнинг журналистиканинг бош тамойилларига амал қилган ҳолда асосий ижтимоий вазифаларини бажаришлари учун катта имкониятлар яратиб берди. Ўзбек журналистлари, публицистлари, барча ижодкорлар ўз фаолиятларида журналистиканинг бош тамойилларига оғишмай амал қилиб келмоқдалар.

Журналистиканинг бош тамойиллари бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистика ижтимоий вазифаларни бажаришда қайси тамойилларга амал қилади.

2. Феодал даври журналистикаси қандай хусусиятларга эга эди?
3. Эркин дунё яъни буржуа журналистикасининг хусусиятлари.
4. Коммунистик журналистиканинг бош тамойилини нега партиявийлик деймиз?
5. Журналистиканинг бош тамойилини шарҳлаб беринг.
6. Умуминсонийлик тамойили бузилса нима бўлишини шарҳланг.
7. Журналистикадаги миллийлик тамойилини тушинтириб беринг.

Журналистиканинг бош тамойиллари бўйича назорат саволлари

1. Авторитар яъни якка шахс ҳокимлиги журналистикасини изоҳлаб беринг.
2. Бош моҳияти-пул ҳокимияти, капиталга бўйсиниш, унга хизмат қилиш журналистикаси даврини тушинтириб беринг.
3. Журналистика фаолияти якка бир ғояга мажбурий бўйсиндирилган давр ҳақида гапириб беринг.
4. Ҳар бир журналист, ижодкор учун холис мезонни тушинтириб беринг.
5. Халқчиллик тамойилини изоҳланг.
6. Журналистикадаги ҳаққонийлик тамойилини шарҳланг.

3.3. Журналистикада эркинлик масаласи ва унинг ғоявий-назарий моҳияти

Журналистика назариясида журналистика эркинлиги масаласи муҳим ўрин тутди. Чунки бу муаммо ҳам журналистиканинг моҳиятини, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилайди. Журналистика эркинлиги – сўз эркинлиги, шахс эркинлиги, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, журналистиканинг эркин фаолият

кўрсатиши, кишиларнинг журналистикадан эркин фойдалана олиши, унда фикр ва туйғуларини ифода эта олиши эркинлиги, ахборот йиғиш ва тарқатиш эркинлигидир.

Журналистика эркинлиги масаласи журналистика пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлиб, турли жамиятда турлича адо этиб келинмоқда.

Эркинлик сўзининг туб маъноси ҳар қандай тўсик, ғов, монеликдан ҳоли бўлиш, бемалоллик, мустақиллик, озодлик деган маънони беради. Аммо эркинлик аслида анланган заруриятдир. Инсон ўз олдида турган тарихий, иқтисодий, сиёсий заруратни англаб етгандагина эркин бўлади, эркин фикрлай олади. Журналистика эркинлиги ҳам ана шундай хусусиятга эга. Яъни, жамият тараққиётига, унинг қонуниятларига жавоб берувчи журналистикагина эркин журналистика бўлади. Жамият тараққиётига боғлиқ қонунларни чуқур тушунган, унга жавоб бера оладиган журналистгина эркиндир. Бунинг аксича, эскирган, ўз умрини яшаган ижтимоий тартиблар ва қарашларга хизмат қилувчи журналист эркин бўла олмайди.

Журналистика эркинлигининг уч асоси мавжуд бўлиб, булар-унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларидир. Журналистика эркинлигининг ижтимоий-сиёсий асоси муайян жамиятдаги журналистиканинг қайси ижтимоий борлиқда, қандай тузумда фаолият кўрсатиши, қайси ижтимоий онгнинг кўриниши эканлиги, қайси мафкура ва ғояларга хизмат қилишидан келиб чиқади. Журналистика эркинлигининг бу бош асоси унинг ҳуқуқий имкониятлари билан ифодаланади. Ҳар бир жамият, ҳар бир тузум журналистика эркинлиги ҳуқуқини белгилар экан, унинг фаолиятини маълум қонунлар, кўрсатмалар, бу борада олиб бориладиган сиёсат билан белгилаб қўяди.

Журналистика эркинлигининг иқтисодий асоси эса журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг ким томонидан, қайси маблағлар эвазига чиқарилиши билан белгиланади. Яъни, журналистика кимнинг маблағи эвазига, иқтисодий қўллаши натижасида чикса ўша учун эркин бўлади.

Журналистика эркинлигининг маънавий асоси эса уни чиқараётган шахс, гуруҳ, унда ишловчи журналистларнинг

дунёқараши, эътиқоди, маслак ва мақсадлари билан ўлчанади. Юксак маънавиятли, эътиқодли, инсоният олдидаги, жамият олдидаги ўз масъулиятини чуқур англаб олган, умуминсоний ва миллий қадриятларга хизмат қилувчи, эзгуликка интилувчи журналист доимо эркин бўлади. Бунинг аксича қолоқ, қотиб қолган тушунчалар, ақидалар асосида фаолият юритадиган журналист эса ҳеч қачон руҳан эркин бўла олмайди.

Журналистика эркинлиги масаласи журналистика пайдо бўлган пайтдан бошлаб мавжуддир ва турли даврларда турлича ҳал этиб келинган. Журналистиканинг илк даври ҳисобланган ва якка ҳукмдорлар томонидан бошқарилган авторитар журналистика кенг омма учун эркин бўла олмади, халқнинг фикр-туйғуларини ўзида ифода эта олмади. Бу журналистиканинг

эгалари бўлган якка ҳукмдорлар манфаатига зид эди. Шу боисдан ана шу даврдаёқ журналистика эркинлиги талаби пайдо бўлди. Янги ўсиб чиқаётган тараққийпарвар кучлар ўзлари учун, ўз фикрларини эркин баён этиш учун журналистика эркинлигини талаб қилдилар. Бунинг яққол мисоли сифатида XVII-XVIII асрларда Франция, Англия каби мамлакатларда юз берган инқилобий воқеалар давридаги журналистика эркинлиги учун курашни келтириш мумкин.

Англияда яшаб ижод этган Джозеф Аддисон, Ричард Стил, Францияда Камиль Демулен, Жан Поль Марат ва бошқа тараққийпарвар журналистлар ўз асарларида халқ оммасининг фикр ва туйғуларини ифода этиб, журналистика эркинлиги учун курашдилар. Россияда А.С.Пушкин, Н.А.Некрасов, Н.Г.Чернышевский, А.И.Герцен каби илғор фикрли, ўз асарларида халқ оммасининг фикр ва туйғуларини ифода этган адиблар, публицистлар чор ҳукумати томонидан доимий равишда журналистикани ўз тақиб остида олиб келган цензурага қарши курашиб келдилар.

Асримизнинг бошида Туркистонда вужудга келган жаид журналистикаси намояндалари ҳам мустамлакачи чор ҳукуматининг журналистика эркинлиги борасидаги қаттиқ зулмига қарши чиққан эдилар.

«Ҳозирда ижтимоий калом, журналистика учун берилган хурриятлар тўшак устида, оғзига сув томизилиб турилган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар», деб ёзган эди “Тараққий” газетасининг муҳаррири И.Обидов газетанинг 1-сониди (1906, 14 июнь) босилган “Биз мусулмонларни хурриятда ҳақлари борми? Йўқ! Қариндошлар, юз марта йўқ!” сарлавҳали публицистик мақоласида. Бу даврда журналистикада публицистика соҳасида ижод қилган М.Беҳбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний ва бошқалар ҳам чор Россияси генерал-губернаторлигининг журналистика эркинлигидан маҳрум қилувчи сиёсатиға қарши кескин фикрлар айтган эдилар.

Кейинчалик, дунёдаги қатор ривожланган мамлакатларда ҳокимият ўзгариб буржуазия ҳукмронлиги бошлангач, журналистика эркинлиги нисбатан кенгайди. Бу даврда чиққан журналистика нашрларида ахборот олиш ва тарқатиш яхшиланди, кишиларнинг журналистикадан фойдаланиш имкониятлари анча ошди. Умуман олганда буржуазия журналистикаси эркин журналистика деб ном олди. Бунда маълум даражада ҳақиқат бор эди.

Буржуа ҳукуматлари журналистикаға оид қонунларида журналистикани ҳамма учун эркин, деб эълон қилдилар, бу қонун маълум даражада амалға ошди, иқтисодий жиҳатдан имконияти бор шахслар, гуруҳлар учун журналистика нашрлари чиқариш, ахборот йиғиш ва тарқатиш эркинлиги пайдо бўлди. Шу билан биргаликда буржуа журналистикасида эркинликнинг иқтисодий асоси катта аҳамиятға эга бўла борганлиги боисидан журналистиканинг капиталға қарамлиги ҳам ошди, журналистика эркинлиги ундан хоҳлаганча фойдаланиш эркинлигига, бойлик орттириш эркинлигига айлана борди. Журналистикада шов-шувли материалларға, реклама ва эълонларға ҳаддан ташқари кенг ўрин берилди бошланди. Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Гапур” шеърисидаги:

*Қўй ондин-мундин хабар, эълон керосин ёйма қўп,
Исми журноли китоб, яхши рўмонлардан гапур,*

каби мисралар “Садойи Фарғона” газетасида жуда кўплаб босиладиган реклама ва эълонларни танқид қилишга бағишланган эди. (“Садойи Туркистон” газетаси, 1914, 20 май).

1917 йил октябрь ўзгаришидан кейин ҳукмронликни ўз қўлига олган большевиклар партияси журналистика эркинлиги масаласига синфий нуқтаи назардан ёндашишини эълон қилди ва бу борада бир ёқлама, синфий-партиявий зўравонликдан иборат сиёсатни ўтказишга бошлади. Большевикларнинг буйруғи билан Россиянинг ўзида ва унга тобе бўлган ўлкаларда ўша давргача мавжуд бўлган барча оммавий ахборот нашрлари ёпилди, босмахоналар мусодара қилинди ва уларнинг ўрнига коммунистик партиянинг нашрлари чиқарила бошланди. В.И.Ленин “Г.Мясниковга хат” асарида журналистика эркинлигини фақат синфий нуқтаи назардан ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиб берди ва коммунистик таълимотга зид ҳар қандай қарашлар, фикрларни журналистикада эълон қилиниши мумкин эмаслигини таъкидлади.

Журналистика “фақат пролетарлар ва кенг меҳнаткаш омма” учунгина эркин деб эълон қилинди ва коммунистик партиянинг сиёсатига мос тушмайдиган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, миллий, диний ва бошқача қарашлар ман этилди, журналистика яқка ғоявий ҳукмронлик қўлига айлантирилди. Бундай ҳолат ўлкамизда етмиш йилдан кўпроқ давр мобайнида ҳукм суриб келди. Бу қонунга бўйсунмаган ёки ўзича, эркин фикрлашга уринган қатор адиблар, жумладан А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва неча юзлаб журналистлар, публицистлар жисмонан йўқ қилинди, сиёсий қатағон этилди.

Ўз миллий мустақиллигига эришган, демократик ва ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролар жамияти тузиш йўлидан бораётган республикамизда журналистика эркинлиги масаласи ҳуқуқий тўла ҳал этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67 - моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Цензурага йўл қўйилмайди”, деб ёзиб қўйилган.

Журналистика эркинлигининг бу ижтимоий-сиёсий ва ҳукукий асоси яна бир муҳим қонун - “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Олий мажлис томонидан 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган ҳужжатда янада ойдинлаштирилиб, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, ҳар бир фуқаро ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларида цензурага йўл қўйилмаслиги таъкидлаб ўтилади.

Ўзбекистонда бу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ўзбек журналистикасининг ҳақиқий эркин, ривожланган журналистика даражасига етиб, жаҳон эркин журналистикасининг ажралмас таркибий қисмига айланиши учун, журналистикамизнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларидан кейинги “тўртинчи ҳокимият”га айланиши учун қатор амалий тадбир ва чоралар кўрилмоқда. “Журналистика ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиш ҳукукий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан биридир”,- деган эди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов.¹⁶ Бизнинг журналистикамиз, оммавий ахборот воситалари кишиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда, миллий мустақиллик, тинчлик, барқарорлик, демократия ва адолат ғояларини, умуминсоний ва миллий қадриятларни уларнинг онгига синдиришда, миллий мафкурамизни вужудга келтиришда кучли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу мамлакатимизда бошқа ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлар қаторида журналистика эркинлиги ҳуқуқининг ҳам оқилона ҳал этилганлиги натижасидир.

Журналистика эркинлиги масаласи жамият тараққиёти билан биргаликда ривожланиб боради. Жамиятимиз тараққий этиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақият билан амалга ошиши

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 12-бет.

жараёнида журналистика эркинлиги борасидаги айрим муаммо ва нуқсонлар ҳам ўз ечимини топиб бораверади.

Журналистикада эркинлик масаласи ва унинг ғоявий-назарий моҳияти бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистика назариясида журналистиканинг моҳиятини, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини қайси масала белгилайди?
2. Журналистика эркинлиги деганда нимани тушунасиш?
3. Инсон қачон эркин бўлади?
4. Эркин журналистика қачон пайдо бўлади?
5. Журналистика эркинлигининг уч асосини айтиш.
6. Журналистика эркинлигига оид қайси қонунларни биласиз?
7. Қандай журналистни эркин журналист деймиз?
8. Журналистика эркинлиги учун курашган тараққийпарвар журналистлардан кимларни айтаоласиз?
9. Қайси даврда журналистика эркинлигига синфий нуқтаи назардан ёндошилди?
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасини шарҳлаб беринг.

Журналистика эркинлиги масаласи ва унинг ғоявий-назарий моҳияти бўйича назорат саволлари

1. Матбуот эркинлиги атамасини шарҳлаб беринг.
2. Жамият тараққиётига, унинг қонуниятларига қандай матбуот жавоб бераолади?
3. Журналистика эркинлигининг ижтимоий-сиёсий асосини изоҳланг.
4. Журналистика эркинлигининг иқтисодий асоси ҳақида нималарни биласиз?
5. Журналистика эркинлигининг маънавий асосини шарҳланг.
6. Қайси даврда журналистика эркинлиги нисбатан кенгайди?
7. Журналистиканинг қарамлиги қачон ошди?
8. Матбуот эркинлигига оид қонунларимизни шарҳлаб беринг.

3.4. Паблик рилейшнз

Паблик рилейшнз ибораси ўзбек журналистикасида мавжуд бўлишига қарамай унча оммалашмаган эди. Ваҳоланки, мазкур атама биринчи бор қўлланилганига 200 йилдан ошди.

Бу атаманинг ривожини асосан XX асрдан бошланди.

Кўпгина ўз матбуоти йўқ вазирлик ва ташкилотларда матбуот хизмати барпо этилди. Унинг ходимлари, аксари ҳолда ёзишни, фикр юритишни, таҳлил қилишни биладиган ва ўзлари ҳаққоний маълумотлар тайёрлайоладиган ва ОАВга тақдим этадиган журналистлар эди.

Бу матбуот хизмати ходимлари яъни пиарменлар ёзган ва тарқатган материаллари аудиторияда салбий ҳиссиётлар келтириб чиқармаслик керак.

Паблик рилейшнз ёки PR ходимларини журналистлар касбдош деб биладилар ва ҳамкорликда фаолият юритишади. Аслида шундай бўлиши керак.

Паблик рилейшнз борасида гап борганда ҳеч иккиланмай PR журналистика негизида пайдо бўлганлигини эътироф этиш керак. У худди ОАВ сингари демократик жамият шароитидагина ҳақиқий бўлиши мумкин.

XX аср ўзбек журналистикасига назар солинса, деярли етмиш йил мобайнида матбуот хизмати ёлғон-яшиқ ахборотлар тайёрлаганини биламиз. Чунки авторитар жамият матбуот хизматида ҳам ҳукмронлик қилган, улар тайёрлаган материаллар цензура қилинган. Шу боисданмикин, Паблик рилейшнз ходимларига салбий муносабат сақланиб қолган. Ҳозирда ҳам баъзи матбуот хизмати ходимларига нисбатан ишончсизлик бор.

Шу ўринда таниқли журналист, олим Тўлқин Эшбекнинг “Мақсад: ахборот тарқатиш” мақоласига бироз тўхталамиз. (Мақола “Ўзбекистон матбуоти” журналининг 2005 йил 6-сонига чоп этилган.) “... Даг Ньюсом, Алан Скотт, Жади Туркнинг ”PR бу: жамоатчилик билан алоқаларнинг самарадорлиги” китобидаги PR ходимларига мўлжаллаб ёзган фикрларидан матбуот котиблари учун муҳим хулосалар чиқаришимиз керак деб ёзади ва уларни бирма-бир келтиради. Улар қуйидагича:

-- _____ матбуот котиби ҳар бир далилнинг аниқ ва тўғрилигини билишга эришиши лозим;

Формат: Список

-- _____ жамоатчилик билан алоқалардан асосий мақсад - идоравий манфаатлар эмас, жамоатчилик манфаати. Агар PR ходими идоравий манфаатларни кўзлаб иш қилса, жамоатчилик эътиборидан четда қолади. Аслида, жамоатчилик шу идоранинг информациясини эшитади, қабул қилади;

-- _____ матбуот хизмати шундай иш қилиши керакки, унинг дастури одамларда катта қизиқиш уйғотсин. Фуқаролар шу ташкилот фаолиятига қизиқсагина унга эътибор беради. Акс ҳолда, у ҳақда етарлича ахборот ё маълумотга эга бўлмаса, жамоатчилик унга бепарво бўлади;

- аслида, матбуот хизмати билан ОАВ ходимларининг умумий вазифаси битта, яъни ахборот тарқатиш. Бу жиҳатдан уларни рақобатдош, дейиш ҳам мумкин. Албатта, ҳар бирининг ўз функциялари бор; матбуот хизмати ходими ОАВ ходимларига эътибор билан муносабатда бўлиши зарур. Айтайлик, ОАВ ходими матбуот хизмати ходимини бирор жойга таклиф этса, кечикмасдан етиб бориши лозим;
- Айтайлик, ОАВ ходими матбуот хизмати ходимини бирор жойга таклиф этса, кечикмасдан етиб бориши лозим;

-- _____ матбуот хизмати ходими ОАВ ходимларига эътибор билан муносабатда бўлиши зарур. Айтайлик, ОАВ ходими матбуот хизмати ходимини бирор жойга таклиф этса, кечикмасдан етиб бориши лозим;

Формат: Список

- жамоатчилик билан алоқа самарали бўлиши учун жамоатчиликнинг ижтимоий фикрини муттасил ўрганиб бориш керак. PR ходими ижтимоий фикрнинг ичига кириши зарур. Бу борада ҳаёлпарастлик, паришонхотирлик қилиш, ҳар хил ҳис-ҳаяжон ва бошқа ҳавойи гаплар кетмайди. Аниқ илмий ёндашув керак;
- аудитория турли тоифа кишиларидан, жумладан, мактаб ўқувчилари, талабалар, зиёлилар, ишчилар, фермерлар ва бошқа касб эгаларидан иборат бўлиши мумкин. Уларнинг савияси, тушуниш даражаси ҳар хил. PR ходими ҳаммага

тушунарли, оммабоп сўзлар, иборалар билан халқона тилда гапириши, ахборот тарқатиши зарур;

- матбуот котиби ҳар қандай вазиятда маданиятли бўлиши, тўғри гапириши зарур. Шу тариқа у жамоатчилик фикрини ўргана олади; матбуот хизмати ходими бошқарув тизими, функциялари, тегишли ташкилотнинг фаолиятига оид қонунлари, муҳим норматив ҳужжатлари, дастур ва режаларини ҳамда бошқа маълумотларни мукамал билиши лозим”.Шундагина матбуот котиби ОАВ ходимлари билан баҳамжиҳат ишлай олади. Назариётчилар фикрича, матбуот хизмати учун журналист – таъсир ўтказишнинг энг самарадор ёрдамчиси, воситачиси ва шу билан бирга унинг яқин дўстидир.

Муаллиф тўғри кўрсатишича, матбуот хизмати ходимлари ОАВ ходимлари билан ҳамкорлик қилишлари иккала томон учун фойдалидир.

PR МДХ давлатлари жумладан Ўзбекистонда ҳам сиёсат, бизнес, ҳокимият учун кураш жараёнларида янги самарали қуролга айланган. Охирги йилларда PR анча мураккаблашиб бугун унинг таркибига ташкилий-бошқарув фаолият хизматлари ҳам киради. Бу дегани турли лойиҳа ва тадбирларни ўтказишни ташкил қилиш, уларни ахборий таъминлаш, уларни ўтказишга маблағ излаш дегани. Бу билан PR чекланмайди. У яна преатив фаолият ҳам юритади. Бу дегани мижоз топиш, мавқе яратиш, банк, тахририят, реклама агентлиги, фирма тарихини яратиш каби ишлар билан банд бўлиш дегани.

Яна PR консалтинг ва ахборот-таҳлилий хизматлар билан ҳам шуғулланади. Паблик рилейшнзни замонавий касбий фаолият турига киритиш мумкин.

2006 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат ва хўжалик бошқарув органларида жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш бўйича тадбирлар тўғрисида” 203-сонли қарор қабул қилди. Бу қарорга биноан вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар ҳокимликлари хўжалик бошқарув органлари таркибида ахборот хизматларини ташкил этиш кўзда тутилган.

**Паблик рилейшнз бўйича рейтинг
топшириқлари**

1. PR атамаси қачондан бери қўлланилиб келинади?
2. Нима сабабдан PR ходимларини журналистлар билан касбдош дейишади?
3. Авторитар жамиятда матбуот ва PR кимга хизмат қилган?
4. Матбуот хизмати ходими нималарга эътибор бериши керак?
5. PR МДХ давлатларида қандай қуролга айланганини изоҳланг.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сонли қарорини шарҳлаб беринг.
7. Паблик Рилейшнзнинг ўзбекча муқобилини изоҳлаб беринг.

**Паблик рилейшнз бўйича
назорат саволлари**

1. Паблик Рилейшнз иборасини шарҳланг.
2. Матбуот хизмати қайси ташкилот ва давлат органларида фаолият юритади?
3. PR қайси негизда пайдо бўлди?
4. Қандай жамиятда у ҳақиқий фаолият юритаолади?
5. XX аср сўнги ўн йиллигигача PR кимга хизмат қилган?
6. PR ходимларига нега салбий муносабат сақланиб қолган?
7. Даг Ньюсом, Алан Скотт, Жади Туркнинг “PR бу: жамоатчилик билан алоқаларнинг самарадорлиги” китобидаги фикрларни шарҳлаб беринг.

4-БОБ. Журналистик таълим ва кадр тайёрлаш сиёсати

4.1.Ўзбек журналистикаси таълимининг юзага

келиши ва ривожланиши

“Журналистиканинг баъзи назарий саволларига жавоб беришдан олдин, унинг ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт мажмуини акс эттиришини инобатга олиб журналистик маълумот тарихига назар ташлаш ўринли бўлади. Чунки бу соҳага қизиққан, шу соҳада ўқиётганлар учун бу муҳимдир. Ўзбекистонда журналист кадрлар тайёрлаш зарурати борми? Ахир бугунги кунда ҳам, ўтган вақтларда ҳам таҳририятларда махсус журналист маълумотиغا эга бўлмаган қанчадан – қанча ходимлар ишлаган эди, ҳозир ҳам ишлайди. Шундай бўлса, махсус маълумотлар беришнинг зарурати йўқ – ку деган фикрлилар ва бу фикрга қаршилар ҳам ҳаётда мавжуд. Журналист кадрлар тайёрлаш кимнингдир истак – хоҳиши билан эмас, балки ҳаёт тақозаси билан пайдо бўлди. Буни эътироф этиш керак.

Оммавий ахборот воситалари пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида таҳририятларга умумий савияси ва касбий маҳорати юксак журналист кадрлар кераклигини ҳаёт кўрсатиб қўйди. Ана шу эҳтиёж тақозоси турли мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам махсус журналистика таълимини юзага келтирди. Аниқроқ қилиб айтсак, журналистика юзага келтирди. Аниқроқ қилиб айтсак, журналистика тизимининг юзага келтирди. (Луғат.Журналистика.Реклама.Паблик Рилейшнз. Маълумотнома. 1700 та атама. Т., 2003, 169-173 бетларга қаранг.)

Аниқроқ қилиб айтсак, журналистика тизимининг шаклланиш жараёни Ўзбекистонда биринчи босма нашр бўлган ва 1870 йилда ўлкадаги мустамлакачи ҳукмронлар ташкил этган “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” нашр қилина бошлаган даврдан бошланган бўлса – да, жадиидчилик ҳаракати давомида у шаклланди ва анча ривожланди.

Аммо, махсус журналист кадрлар тайёрлаш 1949 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий

университети) нинг филология факультети қошида олий маълумотли журналистлар тайёрлайдиган махсус бўлим ташкил этилгани билан бошланди. Бу бўлим 1967 йилда мустақил факультетга айлантирилди. Журналистларни Нукус давлат университети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети, 1993 йилдан бошлаб Тошкент давлат санъат институти, Ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат институти), 1997 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳам тайёрлай бошлади.

Жадидлар (арабчада. “янги” деган маънони англатади) матбуотида ўша даврнинг эркин руҳдаги зиёлилари жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шукурий, Исмоил Ғаспиринский, Исмоил Обидов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳ.Ниёзий, Чўлпон, Фитрат, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов ва бошқалар бор эди. Лекин бундай кадрлар ўта кам, талаб эса катта эди. 1905 – 1906 йиллардан бошлаб жадидларнинг Тошкентда “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Садои Туркистон”, “Кенгаш”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Нажот”, “Турк сўзи”, “Турк эли”, Самарқандда “Хуррият”, “Самарқанд”, Қўқонда “Тирик сўз”, “Эл байроғи”, “Садои Фарғона”, Бухорода “Бухорои шариф”, “Турон”, газеталари билан бир қаторда Самарқандда “Ойина”, Тошкентда “Ал – ислоҳ”, Қўқонда “Кенгаш”, “Юрт” журналлари чоп этилган. Бу газета ва журналларда фаолият кўрсатадиган журналист кадрлар зарурлиги ўз – ўзидан кўриниб турарди. Журналист кадрларни тайёрлашга 1918 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон матбуоти” журнали ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшди ва қўшиб келмоқда.

1999 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори журналистиканинг ривожланишига чинакам туртки бўлди.

Бундан ташқари, журналист кадрлар тайёрлашда таҳририятлардаги штатсиз мухбирлар фаолияти ҳам диққатга сазовор. Бўлажак журналист курслари, мактаблари, тўғарақларининг ишларини санаб ўтса бўлади. Узоқ йиллардан

бери “Тошкент оқшоми” - “Вечерний Ташкент” газетаси қошида жамоатчи таҳририят иш олиб бораётгани эътиборга моликдир. Бундай ишлар бошқа таҳририятларда, хусусан “Ўзбек адабиёти ва санъати” ва бошқа газета-журналларда ҳам олиб борилади. Кейинги йилларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Зарафшон” каби газеталарда маҳорат мактаблари фаолият юритмоқда.

Журналист бўлмоқчи бўлган ҳар бир талабани бугунги кунда журналистиканинг илмий – назарий, амалий ва техник асоси қизиқтириши табиий, чунки ўқитиш услубияти, дарсликлар мавжудлиги олий ўқув юртларининг журналист мутахассисларни тайёрлашдаги зарур техника воситаларига эгаллиги муҳим роль ўйнайди.

Аммо журналистика таълимида бугунги кунда ҳали ҳам ҳал этилмаган ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар етарлича. Ҳалигача журналистикага оид адабиётлардан, улар жуда кам, журналистика таълими тушунчасининг таҳлил этилганини топа олмаймиз. Журналист, айниқса, санъатшунос журналистлар тайёрлаётган олий ўқув юртида ҳам яхлит тартибга туширилган, ўқитиш услуби (методикаси) тўла ишланмаган. Қайси қоидалар асосида ўқитилиши керак, талабаларнинг ўзлаштиришини қайси йўсинда текшириб кўриш мумкин, талабалар қайси мавзуларни қабул қилишини ўрганиш, уни таҳлил қилиш каби кўрсаткичларни аниқлаш тартиблари илмий асосда ҳали тўла шакллангани йўқ. Институт талабалари учун ўзбек тилида ўқув адабиёти деярли йўқ. Тўғри, билимларини текшириш механизми сифатида тест саволлари ишлаб чиқилган, курс ишлари ёздирилади.

Ҳозир оммавий ахборот воситаларини, янада кенгроқ айтсак, умуман журналистикани демократлаштириш жараёни давом этмоқда. Бу жараён нималарда ўз аксини топган:

Биринчидан, журналистик фаолиятга оид қабул қилинган ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиб, бу Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларида ўз ифодасини топган;

Иккинчидан, журналистика ижтимоий фикрни шакллантириш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла амалга оширишга таъсир кўрсатаётганини эътироф этиш зарур;

Учинчидан, кадрлар етиштиришга таъсир ўтказаяётганини айтиб ўтиш жоиз.

Шу андозалар асосида қаралса, журналистикани демократлаштириш жараёнида талайгина долзарб муаммолар мавжуд эканлиги маълум бўлади – деб ёзади таниқли журналист Саъдулла Ҳакимов. Муаллиф журналистлар “Ҳаёт қозонида қайнашлари” зарурлигини ва воқеаларга муносабатда бир ёқламалик, оммавий ахборот воситаларида бир хиллик борлигини эътироф этади. Журналист кадрлар тайёрлаш яъни журналистик таълим бобида журналистларнинг ихтисослашуви муҳим аҳамият касб этмоқда. Лекин шу йўлда ўзбек тилида таҳлилий яхлит намунавий дастур афсуски ҳали йўқ.

Журналистика таълимига оид рус тилида ҳамда ўзбек тилида чоп этилган баъзи куйидаги адабиётлар мавжудлигини айтиб ўтиш ўринли бўлса керак:

1. Ворошилов В.В. Журналистика. СПб, 2001
2. Корконосенко С.Г. Основы теории журналистики СПб, 1995
3. Корконосенко С.Г. Основы журналистики. М., 2001
4. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики М., 2000.
5. Ф.Мўминов.А.Нурматов. Жаҳон журналистикаси тарихи.(дарслик) Т.,2005.
6. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. Т., “Университет”, 1998.
7. Абдуазимова Н.А.Миллий журналистика тарихи.Т;”Шарқ” НМАҚ, 2009.
8. Худойкулов М. Матбуот ва жамият. Т., “Ўзбекистон”, 1976.
9. Пидаев Т. Матбуот – Миллат чироғи Т., 1999.
10. Сулаймонов И. Мен –журналистман. Т., 2001.
11. Матбуот фидойилари (3 жилдли; тузувчи ва нашрга тайёрловчи З. Есенбоев) 1-2-жилдлар. Т., 1991, 1993.
12. Ф.П. Нестеренко, Ш.А. Миралимов. Журналистика профессия ответственная Т., 2003.

13. Тўлқин Қозоқбоев. Журналистика асослари. Т; Муסיқа нашриёти, 2007.
14. Ф.П.Нестеренко, Ш.А. Миралимов Ижтимоий – иқтисодий муаммолар ва матбуот. Т., 1990.
15. Лугат. Маълумотнома. Журналистика. Реклама. Паблик Рилейшнз. 1700 та атама (Муаллифлар ҳайъати:) Т., 2003.

Бундан ташқари таниқли олимларимиз Қ.Эрназаров, Х.Н.Дўстмухамедов, Т.Пидаев, А.Мелибоев, Я.М.Маматова, С.Суяров, Б.А.Дўстқораев, С.У.Умиров, А.Каримов, Д.Рашидова, Р. Абдусатторов, Ю.Ҳамдамов, Тўлқин Эшбек ва бошқаларнинг китоблари, мақолалари ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

“Ўзбекистон матбуоти” журналида ҳам журналистика назариясига доир мақолалар чоп этилади.

Лекин бугунгача касбий журналистикага доир ўқув дарслиги кам чоп этилганини юқорида айтдик. Лекин бу етишмовчилик бобида иш олиб борилмоқда. Қўлингиздаги дарсликни ютуқ ва камчиликлари билан ўзбек тилида илк марта яратилган қўлланма деб қабул қилинишига ва келажакда мукаммаллашиши учун ҳар бир ўқувчи ўз фикр – мулоҳазаларини билдиради, деб умид қиламиз.

Талабада синчковлик, фикрлаш қобилиятини шакллантирилгандан сўнг матн тузишга ўргатиш кераклигига фаолиятимиз даврида ишонч ҳосил қилдик..

Шу ўринда яна бир муаммо, у ҳам бўлса, журналистика таълимида журналистика фаолиятини таҳлилий танқид қилаоладиган кадрлар етишмаслиги бўлиб, уларни тайёрлаш ҳам жуда муҳим. Яна журналистшунос тайёрлаш бугунги кун талабига айланиб қолди. Бу масалаларни талабалар ўртасида дарс вақтида ҳамда мустақил муҳокама қилиш, юқорида айтилган муаммоларни тезроқ ҳал этилишига замин тайёрлайди, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек журналистикаси таълимининг юзага келиши бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистик маълумот тарихини эсланг.

2. Сизнингча Ўзбекистонда соҳа журналист кадрлар тайёрлаш зарурати борми?
3. Таҳририятларга қандай журналистлар керак?
4. Ўзбекистонда махсус журналистика таълими қачон юзага кела бошлади?
5. Журналистика қачон шаклланди ва ривожланабошлаган даврни айтинг.
6. Махсус журналист кадрлар тайёрлаш қачондан бошланди?
7. Журналист демократлаштириш жараёни нималарда сўз аксини топмоқда?

Ўзбек журналистикаси таълимининг юзага келиши бўйича назорат саволлари

1. Таҳририятларда журналист мутахассислиги бўлмаган кадрлар ишлайдими?
2. Ўзбекистонда қайси олий ўқув юрлари журналист кадрлар тайёрлайди?
3. Қайси журнал журналист кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келади?
4. Кадрлар тайёрлаш масаласида сизнингча қандай камчиликлар бор?
5. Журналистика таълимига оид қандай адабиётлар бор?

4.2. Маҳаллий кадрлар тайёрлаш зарурати.

Президентимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақидаги ибратли сўзлари ҳозир ҳам ўзининг муҳимлиги, долзарблигини йўқотмаган. Уларнинг таъкидлашларича, бу борада бошланган ишларимизни изчил давом эттириш ва кучайтириш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Малакали кадрлар тайёрлаш масаласи бугун ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Миллий университетдан ташқари Ўзбекистон Жаҳон тиллари давлат университетида халқаро

журналистлар, Ўзбекистон давлат санъат институтида эса санъатшунос журналистлар тайёрланмоқда. Бу кам. Бизга бугун ҳуқуқшунос- журналист, муҳандис- журналист, ҳуқуқшунос- журналист, иқтисодчи-журналист ва бошқа касб журналистлар керак.

Журналистларнинг соҳа бўйича ихтисослашуви масаласи бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ОАВ ни эркинлаштирмай туриб, жамиятни эркинлаштириб бўлмаслигини яхши англамоғимиз керак.

Журналист кадрларни профессионаллашувини тўла амалга оширишни илмий асосда йўлга қўйиш керак. Журналистика бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар, илмий тавсияларга муҳтожлик сезилади. Бу ишларни замонавий илмий асосга қўйиш масаласида ҳам ҳали орқадамиз. Бу ишлар ҳам замон талабига жавоб бераолмайди.

Мустақил Ўзбекистон журналистикасининг шаклланиши ва ривожланишида кадрлар масаласи катта аҳамиятга эга эканлиги айниқса ХХІ аср-маърифат асри ёки глобаллашув асри номини олган бугунги кунда ўта сезиларли даражага етди.

Журналистикамиз ахборотнинг глобаллашув жараёнида нафақат журналистларга, балки ихтисослашган журналистларга ва уларнинг холис ва ҳаққоний ахборотларига эҳтиёж сезмоқда.

Демак, бугун оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини эркинлаштиришни давом қилиш керак. Бу мамлакатда ахборот макони яратилаётганини кўрсатади.

Жамиятнинг ахборотланиши деган ибора шу мамлакатда демократия борми ёки йўқми деган саволга ҳам жавоб бераолади.

Ўзбекистонда эркин ахборот муҳити вужудга келаётганлигини ахборот технологияларининг ўрнини билиш, улар ривожига иқтисодий томондан ёндошиш заруратини келтириб чиқаради.

Агар ахборот шўро даврида фақат тарғибот ва ташвиқот воситаси бўлиб иқтисодий эркин бўлгани боис, у бу ахборотдан ўз манфаати йўлида фойдаланган, бошқача айтганда ОАВ ягона мафкурага хизмат қилган. Ахвол ўзгарди. Энди ахборот эркин

фаолият кўрсатишга ўтди. Бугун ахборот сўзининг луғавий маъноси ҳам тубдан ўзгарди. Ахборот товарга айланди. Энди у иқтисодий қарамликка дучор бўлди. Шундан Президентимиз 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Олий Мажлисининг қўшма мажлисидаги маърузасида: “... авваломум ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак. Бу уларнинг мустақил фаолият юритиш ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим...” деб бежиз айтмаганлар. Демак нафақат тарғибот-ташвиқот билан шуғулланиб қолмай, эндиликда журналистика иқтисод билан ҳам шуғулланишга мажбур.

Худди шу жараёнда фаолият юритаоладиган нашр демократияга ҳолис хизмат қилаолади. Бугун журналистларимиз фаолияти учун барча имкониятлар мавжуд. Деярли барча таҳририятларимизда телефондан тортиб уяли телефонгача, компьютердан тортиб факс рақамли фотоаппарату, диктафону лазерли принтир, ксерокс каби техник воситаларгача бор. Кўпгина таҳририятлар интернетга уланган. Ҳуқуқий асослар тўлалигича журналистга хизмат қилади. Фақат ҳалол, баракали меҳнат керак.

Журналистлар шу вазифаларни тўла-тўқис уддаладими, демак у фаолият юритаётган ОАВ ҳолис воситачи ролини бажараолади. Ҳақиқий сиёсий савияси баланд, маънавий дунёси бой журналистгина ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатаолади ва ҳақиқий мафкура тарғиботчисига айланади. У шу билан бир қаторда ўз нашрининг иқтисодий қарамликдан чиқишига замин яратади.

Демократик жамият қураётган эканмиз, демак шунга мос ва хос журналистика керак. Бу журналистиканинг асосий вазифаси жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатадиган, ҳолис ва ҳаққоний ахборот бераоладиган журналистика бўлиши керак.

Бугунги журналистикамиз фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиши керак.

Бу мафкура курашида журналистлар ҳар томонлама билимли, топқир бўлиши лозим. Шу ўринда Президентимизнинг: “Сиёсат ҳақида гапирганда — сиёсатчи, иқтисод ҳақида —

иктисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий – фалсафа муаммолар хусусида файласуф бўлиб бахсга киришишни мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда”, деган фикрларини келтириш бугунги кун талабига айланди.

Санъат ҳақида санъатни чуқур эгаллаган санъат журналистигина бахсга киришиши, тўғрироғи шу ҳақда материал ёзиши талаб қилиниши ҳам давр талабига айланди.

Ўзбекистон давлат санъат институти юқорида айтганимиздек, 1993 йилдан бошлаб санъатшунос журналистлар тайёрлаб келмоқда.

Энди бундай ишларни давом эттиришнинг долзарблигини эсдан чиқармаслик керак. Журналистика ижодий касб бўлгани боис унга эътибор ҳукуратимиз томонидан катта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қабул қилган қарори журналистлар тайёрлаётган ўқув юртлари фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар яратди. Янги замонга мос келадиган ўқув режалари тузилди. Домлалар аттестация қилинди.

Тест синовлари билан бир қаторда ижодий имтиҳонларга катта эътибор берилди бошланди. Бу тадбирлар журналист кадрлар тайёрлашга ижобий таъсир кўрсатди.

Матбуотимиз ривожига Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг фаолияти сезиларли даражада. Фонд 2005 йилда Президентимиз фармони билан ташкил этилди.

Шу ўтган давр ичида фонд “ Маъсулият ва юксак профессионал маҳорат, холислик ва ҳаққонийлик, ошқоралик ва очиқлик, мустақил фикр ва эркин сўз” шиори остида Ўзбекистонда мустақил, ўзини-ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик ва стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш жараёнини қўллаб-қувватлаб келмоқда ҳамда уларнинг моддий-техника базасини ва

ходимлари салоҳиятини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жумладан, Фонд бир нечта муҳим йўналишларни ўз фаолиятининг асоси деб билади. Хусусан, журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, журналист маҳоратини ошириш, уларнинг тажриба алмашуви, билим – иқтидорини бойитишга кўмаклашишдан иборат.

Фонд яна марказда ва вилоятлардаги етакчи газеталар қошида журналистик маҳорат марказлари ташкил қилди. Улар ижобий фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси, таниқли журналист Фирдавс Абдуҳолиқов таъкидлаб “Ўзбекистон матбуоти” журналида 2007, 5-сон, 9-бет) ёзишича: “Ҳозир қайси газета ёки журнални қўлга олсангиз, у марказий нашр бўладими ёки чекка туман газетасими, Фонд рамзига кўзингиз тушади. Бу – Фонд мана шу нашр ҳаётига кириб келгани улар билан ҳамкорлик қилаётгани, биргаликда лойиҳаларни амалга ошираётганидан далолат беради”.

Шу ўринда бир муҳим масалага ҳам эътибор қаратиш лозим. Бўлажак журналист талабалар учун соф журналистика назариясига оид ўзбек тилида адабиётларнинг камлиги соҳа ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу дарслик ўша бўшлиқни бироз бўлсада тўлдиришга хизмат қилар деган умиддамиз.

Маҳаллий кадрлар тайёрлаш зарурати бўйича рейтинг топшириқлари.

1. Малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳукумат томонидан эътибор.
2. Бизга бугун қандай касб журналистлари керак деб ўйлайсиз?
3. Журналистикага бўлган талабдан мавжуд имкониятлар орқада қолаётганини изоҳланг.
4. Мамлакатимизда ахборот макони тўла яратилиши учун малакали журналистлар зарурати.
5. Жамиятнинг ахборотланиши нимага олиб келади?

6. Журналистикамизга керакли кадрлар “Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди”нинг роли.

**Маҳаллий кадрлар тайёрлаш зарурати бўйича
назорат саволлари**

1. Нега бугун журналистларнинг соҳа бўйича ихтисослашуви масаласи долзарб бўлиб қолди?
2. Демократик жамиятга қандай журналист кадрлар кераклигини изоҳлаб беринг.
3. Журналистик маҳорат марказларининг фаолияти ҳақида нималар биласиз?
4. Соҳа журналистикаси ривожига салбий таъсир кўрсатаётган масалалар борми, фикрингизни айтинг.

5-БОБ. Журналистнинг ҳуқуқий, ижтимоий – лавозимий мақоми ва ахборот алмашинуви.

Журналист ким? деган саволга жавоб беришдан олдин Ўзтелерадиокомпаниясининг собиқ раиси, журналист Абдусаид Кўчимовнинг ХХІ юз йиллик телевидение асри бўлажак!” деб номланган мақоласидан эҳтибос келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

... – Журналист асли ким? – дедилар Ислон ака (И.Каримов – Т.Қ.) суҳбатни давом эттириб, - деб ёзади А.Кўчимов – у суд ҳам эмас, прокурор ҳам эмас, мелиса ҳам эмас. У – журналист. У кўрсатув тайёрлаганда масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб холисона фикр юритиши керак.

Мисол учун, бугунги қарорни олиб кўрайлик. Қарор нон ҳақида, ғалла ҳақида, ризқ – рўзимиз ҳақида. Ота – боболаримиз кўчадан битта нонушоқ топиб олса, аввал кўзига суртиб, сўнг ариқдаги сувга ташлаганлар. “Холиқ билади, холиқ билмаса балиқ билади”, деганлар. Нонни азиз билиб, шундай эъзозлаганлар.

Биз нега экинни, нонни оёқости қияпмиз? Нима учун ўз нонимизни ўзимиздан ўзимиз кўриқлашга мажбур бўляпмиз?

Президент ўрнида бир кўзғалиб олиб, давом этдилар:

- Бунинг асосий сабаби шўродан қолган психологияда. Бу колхозники, бу меники деган шўро мафкурасидан қутулиш керак. Энди ҳамма бойлик, ҳамма нарсa халқимизники – ўзимизники. Агар мен журналист бўлсам, биласанми, таҳлилий мақолани қандай ёзган бўлардим? Энг аввал пайҳон бўлган дастурхондек жойни кўз олдимга келтириб, ўша ерга сепилган бир ҳовуч донни кафтимга олардимда, масалани тўрт қисмга бўлиб ўрганиб чиқар эдим.

Биринчи. Дастурхондек жойни шудгорлашга, экишга, парваришлашга қанча ёқилғи, қанча техника кучи, қанча ўғит, қанча сув, қанча деҳқон меҳнати сарфланди? Буларнинг ҳаммасини ҳисоблаб чиқардим.

Иккинчи. Дастурхондек майса пайҳон бўлмай пишиб етилса, донга, нонга айланса, у нечта одамнинг қорнини тўйдирган бўларди? Айтайлик, битта тракторчининг қорнини

тўйдирса, тракторчи шу ноннинг кучи билан қанча гектар ерни ҳайдаши, экиши, ҳосилини йиғиштириб олиши мумкин эди? Бир йилда неча юз гектар майса пайҳон қилиняпти. Бу экинзорлар пайҳон қилинмай, тонна – тонналаб буғдойга айланса, бундан халқимиз қанча фойда кўради? Нечта боғча, шифохона ва бошқа муассасаларни неча кун нон билан таъминлаш мумкин эди?

Суҳбат чоғида Президентимиз гўё журналист эдилар. Қизариб, у кишининг сўзларини оқизмай – томизмай ёзиб ўтирардим.

- **Учинчи**, - дедилар Ислом ака кулимсираб. – Дунёда дон, нон муаммоси қай аҳволда? Қўшни давлатларда, айтайлик, Россияда, Тожикистонда бу масала қандай ҳал қилиняпти? Ўзимизда – чи? Донни қандай қийинчиликлар билан чет эллардан сотиб олаяпмиз, қанча маблағ, қанча валюта сарфлаяпмиз. Нима учун биз дон мустақиллигига эришиш мамлакатдаги энг асосий вазифалардан бири деяпмиз. Агар ўзимизни ғалла билан таъминласак, четдан дон келтиришга сарфланаётган маблағга қанча завод, фабрика, чиройли шаҳарлар барпо қилиш мумкин бўларди?

Тўртинчи. Республикамиз аҳолиси нуфузи ҳар йили 400 – 500 мингга кўпайиб борапти. Келажакда халқни нон билан таъминлаш қандай бўлади? Ана шу масалаларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиб чиққанимдан кейин ёзишга ўтирар эдим...

Орадан йиллар ўтди, на матбуотда, на телевиденида, на радиода ханузгача ана шу мавзуда бирорта теран мантикий таҳлилга асосланган кўрсатув ёки эшиттириш чиққани йўқ. Ҳар гал ўша суҳбатимизни эсласам, ўзимда катта қарздорлик ҳиссини сезаман¹⁷. Шу эҳтибосдан Президентимизнинг журналист ким? деган саволга жуда ажойиб ибратли жавоб берганликларини кўрамиз.

Журналист ким? Бу масала дунё миқёсида журналистика ҳақида гап кетганда кўтариладиган масала, чунки журналист стресс ҳолатининг пайдо бўлиши, шахтёр билан полициячидан кейин, аммо такси хайдовчиси, ёнғин ўчирувчиси, ҳарбий

¹⁷ “Ўзбекистон матбуоти” журнали 1999, 4-сон, 9-бет.

хизматчи каби ўта хавфли касб эгаларидан ва бошқалардан юқорида тураркан. Айниқса, ўта юқори ва ҳаётига тўғридан – тўғри хавф соладиган “Оловли нуқта” да бўлиш оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳаётини таҳликага солади. Буни аниқлайдиган ва эълон қиладиган “Репортёрлар чегара билмас” халқаро ташкилотининг - маълумотларига қараганда ҳар йили юздан ортиқ журналистнинг ўлдирилгани ва номаълум йўқолгани ҳақида ахборот ёритади. Бу рақамга калтакланган, соғлиғига путур етганлар, террор ва тазйиқ қилинганларни ҳам қўшиш адолатдан бўлади. Лекин афсуски, ҳалигача журналистларга милиция, фавқулотда вазиятлар, ҳарбийлар ва бошқа шу каби давлат тасарруфидаги ходимларга бериладиган имтиёзлар берилмайди.

Шуни эътироф этиш керакки, баъзи мамлакатларда журналистларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш йўлида ташкилий ишлар амалга оширила бошланди. Жумладан, Туркияда репортерларга нисбатан зўрлик ишлатиш содир бўлаётгани учун Миллий хавфсизлик органи таркибида оммавий тадбирлар вақтида оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳимоя қилиш бўлинмаси тузилди.

Журналист касбининг ўзига хослигини эътиборга олиб, унинг ижтимоий – касбий мақомини аниқ белгилашга зарурат пайдо бўлди. Буни нафақат мамлакат ичида, балки халқаро муносабатларда ҳам ишлаб чиқиш керак. Биз мавжуд бўлган кўплаб таърифдан иккитасига тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда “Журналист Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир”¹. деб ёзилган.

Демак, бу мақом талабларига турли хил ахборот хизмати ходимлари (вазирликлар қошида тузилган матбуот маркази ходимлари, реклама агентлари, “Тасвирий ойина” ходимлари, матбуот марказлари, китоб нашриётлари ва матбуот тарқатувчи

ва бошқа жамиятлар, жамғармалар ходимлари) жавоб бермайди, улар журналист мақомига эга бўла олмайдилар. Шу ўринда айтиш ўринлики, баъзи мамлакатларда журналистнинг реклама – тижорат ишлари билан шуғулланмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бизда бундай чеклаш йўқ.

Журналистикамизнинг янада ривожланиши учун, энг аввало, журналистикага оид Қонунларни яна бир марта чуқур ўрганиб чиқиш ва унга баъзи тўлдиришлар киритиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, албатта қонун ижросини амалга оширувчи ва уни назорат қилувчи қатъий ҳужжат қабул қилиниши лозим.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари ходимлари фақат Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг ҳужжатисиз, яъни Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг аъзоси деган гувоҳномасиз журналист мақоми ҳуқуқларидан фойдала олмаслиги керак.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақоми ҳақида мустақил қонун ишлаб чиқиш вақти келди.

Қонунда оммавий ахборот воситаларига киритилган соҳалар сони мингга етди. Киритилмаган аммо журналистикага алоқадор соҳалар ҳам анча. Уларда ишловчилар сони ҳам анча юқори.

Шу масалалар Ўзбекистон қонунчилигида ўз ифодасини топиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида ишлашга қандай журналистлар жалб этилиши лозим?

Биринчидан, мустаҳкам ғояга, юксак ахлоққа эга бўлган журналистлар, бу дегани ўз манфаатини жамоат манфаатидан кейинга қўйиш, жамият ва халқ олдидаги масъулиятини тўла англаш, ҳатти – ҳаракатида қатъий туриш, виждонли бўлиш, демакдир;

Иккинчидан, ишчанлик қобилияти борлар. Бунга ақл – заковатли ҳамда қобилиятли бўлиш киради;

Учинчидан, нутқ маданиятини эгаллаган бўлиши, адабий тилни чуқур ўзлаштирган, тўғрироғи адабий тилда ёзиш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;

Тўртинчидан, жисмоний томон, тўғрироғи журналистнинг соғлиғи катта аҳамиятга эга. Журналист учун жисмоний, рухий соғлом бўлиш ва бардошли бўлиш жуда зарур.

Бундан ташқари, қайси журналистга қандай топшириқ беришни билиш, бунда адашмаслик керак. Руҳияти дилгир, яъни ғамгин журналистга қандай топшириқ бериш, иродали аммо табиати оғир журналистга қандай топшириқ бериш кераклигини билиш ҳам жуда муҳим.

Журналистнинг мувафақиятида кўпчилик олдида унинг мақташ ва рағбатлантиришга эътибор қаратиш катта аҳамиятга эга. Шу ўринда журналистларнинг меҳнатига қараб ҳақ тўлашда ҳам адолат меъёри бузилмаслиги лозим.

Журналистларнинг рағбатлантиришга оид конкурслар афсуски, “Хўжа кўрсинга” ўтказилади. Жюри ўқиб – ўқимай жюри раиси ёки конкурс эълон қилган ташкилот раҳбарининг истак – хоҳишига қараб, ғолиблар аниқланади.

Конкурсда кимлар ва қайси асарлари билан қатнашди ва шулардан қайси асарлар ғолиб бўлди. Бунда жюри аъзоларидан кимлар кимга қандай балл қўйишди (бокс спорти ҳакамларига ўхшаб) каби муҳокама натижалари матбуотда эълон қилинмаслиги адолатсизлик деб ҳисобланиши керак. Шундай қилинса жюрига аъзо бўлганлар маъқул деб қўл кўтаравермайди. Ўз масъулиятини сезади.

Журналист ҳаётида энг яхши ҳодимларга “Элита” сўзи ишлатилади. Кўп ҳолларда “катта”, яъни республика миқёсидаги газеталарнинг ёки ахборот агентликларининг журналистларига бу ибора қўлланилади. Бу ҳол айниқса ҳукумат газеталарининг таниқли журналистларига ҳамда бош муҳаррирларига кўпроқ қўлланилади. Улар оддий журналистлардан ўз билимлари, ёза олиш маҳоратлари, иш соатлари, даромадлари, ҳаёт тарзлари билан ажралиб туришади. Бу масалалар журналистиканинг ҳали ўрганилмаган соҳаси десак бўлади.

Даврий матбуотнинг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида ҳам ёзадиган журналист, ҳам таҳририятга пул топадиган тадбиркор бўлишлари керак. Бу бугуннинг талабига айланди. Энди “Элита” сўзини шундай журналистларга қўлласак бўлади.

Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси – газета, журнал, телевидение, радиоэшиттириш, ахборот агентликлари ва нашриётларда ишловчи профессионал журналистларнинг кўнгилли ижодий жамоат ташкилоти.

Уюшма 1959 йилда тузилган. Биринчи таъсис қурултойи 1959 йилнинг 20 – 22 апрелида Тошкентда ўтказилган.

Кейин журналистлар уюшмаси тарқатилиб, 1996 йил 30 августда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб – қувватлаш, ижтимоий – сиёсий жамғармаси ташкил этилди.

2004 йилнинг 26 мартда журналистларнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси қайтадан ташкил топди. Жамғарма ўз фаолиятини тугатди. Унинг барча мол – мулки уюшма тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг асосий вазифаси “Журналистларнинг жамиятдаги тутган ўрни ва мавқени кўтариш, мулкчилик шаклидан қатъий назар турли газета – журналлар, теле ва радио каналларда, нашриётлар ва ахборот агентликларида ишлаётган, шунингдек, эркин ижодкорларнинг ижтимоий – иқтисодий, ижодий ҳамда муаллифлик ҳуқуқларини шаъни ва қадр – қимматини, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг муассислари ва нашрлари олдида ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат” деб белгиланган.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг, шу жумладан, журналистлар ижодий уюшмасининг аъзоларини бирлаштирган жамоат ташкилоти – оммавий ахборот воситалари ходимлари касаба уюшмаси тузиш мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси халқаро журналистлар уюшмаси (ХЖУ) билан алоқани ривожлантириши зарур. Маркази Прагада жойлашган бу ташкилот 1946 йилда ташкил бўлган бўлиб, у бугунги кунда демократия, тинчлик ва ижтимоий ривожланиш байроғи остига юздан ортиқ мамлакатнинг юз минглаб профессионал журналистларини бирлаштирган уюшмадир.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси тасарруфида ўзининг даврий матбуоти, жумладан газетаси ҳам бўлиши ҳамда телевидение ва радиода ўз каналига эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу журналист кадрларни тайёрлаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Журналист ақлий меҳнат кишиси. Оммавий ахборот воситаларида ишлаш ақлий меҳнат соҳасига киради. У ҳар куни ёзиши унга тайёр бўлиши талаб қилинади. Бугина эмас, у тезкор ҳам серунум ишлашга мажбур. Чунки таҳририят иши ижтимоий – ишлаб чиқариш характериға эға. Ишлаб чиқариш узлуксиз ишлайди. Демак, журналист ҳам узлуксиз фаолият кўрсатишға мажбур.

Бозор иқтисодиёти журналистлар меҳнати янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Компьютер тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши журналист фаолиятиға катта таъсир кўрсатмоқда. Журналист нафақат ёзиш, балки ўз матнини териш, тузатиш каби ишлар билан ҳам шуғулланишға мажбур бўлмоқда. Яна чет муаллифларнинг мақолаларини таҳрир қилиш ва чоп этишға тайёрлашдан қутилган эмас.

Журналистлар меҳнати жамоат ишлаб чиққан маҳсулот билан белгиланади ва баҳоланади. Журналист ёзган мақола бир неча кўлдан ўтади. Уни таҳрир қилишади, рақамлар текширилади, мусахҳиҳ ўқишидан ўтади, рассом дизайн ёки масъул котиб уни саҳифада жойлаштиради ва ҳ.к.. Демак, энг аввало таҳририятда ҳар бир ишни оқилона тақсимлаш керак.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларида икки асосий гуруҳ фаолият кўрсатади. Биринчиси, журналистлар, булар асосан ахборот маҳсулоти берувчилар, иккинчи гуруҳ шу маҳсулотни истеъмолчилар учун тайёр холға келтирувчилар. Бунға техника, молия ишлари билан шуғулланувчилар, ишлаб чиқаришни ташкил қилувчилар, мусахҳиҳлар ва бошқалар киради.

Таҳририятлар бошқарувчилар ва бажарувчилар гуруҳиға бўлинади. Бошқарувчилар гуруҳиға асосан бўлим мудирлари (бўлим муҳаррирлари), бош муҳаррир ўринбосари, масъул

котиблар киради. Бажарувчи гуруҳга эса мухбирлар, катта мухбирлар, шарҳловчилар ва бошқалар киради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда журналистлар ичида соҳа бўйича ихтисослашиш амалга оширилмоқда. Бировлари сиёсат билан, иккинчилари иқтисод, учинчилари спорт, тўртинчилари санъат соҳалари билан шуғулланишга ихтисослашишмоқда.

Таҳририятларда яна бош муҳаррир, телерадиода раис, нашриётларда бош директор каби юқори лавозимлар бор. Улар охириги сўзни айтувчи, жамоа фаолиятини юргизувчилардир. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қандайлиги кўпинча шу юқори лавозимни эгаллаган бошлиқларга боғлиқ бўлади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига қараб, газета ва журналларда махсус мухбир, ўз мухбири, реклама менеджери, телерадиода режиссёр, овоз оператори, муסיқа муҳаррири ва бошқа лавозимлар бўлиши ҳам мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг барча турларида таҳририятлар бўлиб, улар тасдиқланган ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатишади. Улар ҳар хил, лекин марказий ўринда оммавий ахборот воситаларининг ҳар бирида ўз устави бор. Даврий матбуот таҳририятларида яна муассис билан таҳририят ўртасида тузилган таъсис шартномаси мавжуд. Бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги қарорида акс эттирилган.

Таҳририятлар фаолияти уларнинг ички ҳужжатларида, ходимлар билан тузадиган меҳнат шартномаларида, лавозим қўлланмаларида, бош муҳаррир буйруқлари орқали бошқарилади.

Мавжуд таҳририятлар режа тузади ва шу турли хил режалар асосида иш олиб боради.

Ахборот алмашинуви. Ахборот алмашинувида икки томон иштирок қилиши ҳаммага маълум. Бир томони ахборот манбаи бўлса, иккинчи томонида ахборот олувчи туради. Журналистикада шу иккинчи томонни аудитория деб номланади. Бу сўзнинг асл маъноси бугун, тингловчи, томошабин, ўқувчи гуруҳи ёки омма деганидир. Бу гуруҳ ёки омма икки тоифага бўлинади.

Биринчиси, фаоллар (унга тўғридан тўғри таҳририятларга хат билан мурожаат қилувчи ёки телерадио дастурлари ҳақида ўз фикрларини билдирувчилар), иккинчиси, фаол бўлмаган султ тоифадагилар (унга таҳририятлар маҳсулотини қабул қилувчилар) дир. Аудитория – бу оммавий онгни одатий етказувчиси деган фикрга келиш мумкин. У аниқ бир тартибга, ўзини равшан белгиларига, у ташкил этган қисмлар орасида бирон бир “тўсиққа” эга эмас. Худди шу хусусиятлари билан у гуруҳий онгдан кескин фарқланади.

Аудитория қайси ахборотни қабул қилиши масаласи чуқур ўрганилиши лозим бўлган муаммо. Чунки нашр ёки эшиттиришни ишга туширишдан олдин, у кимга қаратилгани, уни қандай қабул қилишлари, у қандай таъсир этиши мумкинлиги каби саволларга аниқ жавоб топиш лозим бўлади. Буларни таҳририятларнинг бизнес режасига киритиш керак. Тадқиқотлар натижасига кўра, таҳририятларнинг энг асосий муаммоси ўқувчилар ёки томошабинлар билан ўзаро алоқасига эришишдан иборат. Журналистика учун аудитория билан жонли алоқа жуда ҳам муҳим. Ҳар бир телевидение ва радио ҳатто ўз маҳсулотининг сотилиши билан ҳисобланадиган газета, журнал ва нашриётлар фаолиятини аудитория билан ўрнатилган алоқага қараб баҳо бериш ўринли бўлади.

Эшиттиришу кўрсатув, китобми ёки газета – журнал халқ ҳаёти, унинг муаммолари, орзу – истаги, дардини ёритсагина, уни омма халқчил оммавий ахборот воситалари деб атайти ва уни қўллаб – қувватлайди. Лекин бунинг учун оммавий ахборот воситаларининг халқ билан қайта боғланишига эришиш йўли кўп. Тажриба асосида қуйидаги шаклларга тўхталамиз.

- Эпистоляр, яъни тахририятларга келадиган хатлар, телефон орқали мурожаатлар;

- Тезкор, яъни телефон орқали теле ёки радио орқали берилаётган кўрсатув ёки эшиттиришга ўз муносабатини айтиш аудиториядан тўғридан – тўғри эшиттириш қилиб, халқ фикрини билишга ҳаракат қилиш, ҳатто газетачилик тажрибасида бўлган “Қайноқ телефон” орқали суҳбатлар уюштириш;

- Ҳаммуассисларни, навбатдаги нашр сонини ёки телерадио дастурини тайёрлашга жалб қилиш;

- Тест яъни тахририят ишини ёки оммавий ахборот воситалари кўтарган бирон бир мавзу бўйича аудитория қарашларини варақа, шахсий мулоқат, телефон орқали аниқлаш;

- Консультатив яъни тахририят фаолиятини ўқувчи ва томошабинлар анжуманлари, очик хат кунлари ва бошқалар орқали маслаҳат олиш;

- Эксперт қилиш яъни оммавий ахборот воситалари ишини журналистика тажрибаси ҳақида тадқиқот ва илмий – танқидий материалларни, мутахассис экспертлар фикрини ўрганиш;

- Тадқиқот ўтказиш яъни нашр ёки дастур бўйича реал аудитория рейтингни ўсишини ҳисоблаб чиқиш ҳамда аудиторияни чуқур ўрганишдан иборат. Бу шаклларнинг биронтаси ҳам бир – бирининг ўрнини боса олмайди.

- Улардан унумли фойдаланган нашрлар ҳам, телерадио ҳам мувафақиятга эришиши мумкин.¹⁸

Журналистнинг ҳуқуқий, ижтимоий– лавозимий мақоми ва ахборот алмашинуви бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналист ким ва уларга давлат тасарруфидаги ходимларга бериладиган қандай имтиёзлар берилган?
2. Журналистнинг ижтимоий – касбий мақомини аниқланг.
3. “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунида журналистга қандай таъриф берилган?
4. Журналистикамиз ривожига оид янги қонунлар керакми?

¹⁸ С.Г.Корконосенко “Основы журналистики” М., 2001, 155-156 бетлар.

5. Қандай журналистлар ОАВ таҳририятларида ишлашга жалб қилиниши керак?
6. Журналистларни рағбатлантириш борасида қандай ишлар ўтказиляпти?
7. “Элита” сўзи қандай журналистларга қўлланилади?
8. Журналистларнинг кўнгилли ижодий жамоат ташкилоти ҳақида нималарни биласиз?
9. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг асосий вазифаларини шарҳланг.
10. Журналистга нега ақлий меҳнат кишиси мақоми берилган?
11. ОАВ таҳририятларида фаолият кўрсатаётган икки гуруҳни сананг.
12. Журналистларни соҳалар бўйича тайёрлаш керакми?
13. Таҳририятларда мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни изоҳланг.
14. Аудиторияга тавсиф беринг.
15. Журналистикада жонли алоқа нега керак?
16. ОАВ нинг халқ билан қайта боғланиши шакллари сананг.

**Журналистнинг ҳуқуқи, ижтимоий – лавозимий
мақоми ва ахборот алмашинуви бўйича назорат саволлари**

1. Журналист қандай касб эгаси?
2. Журналист касбининг ўзига хослиги нимада?
3. Турли хил ахборот хизмати ходимлари ҳам журналист деган мақомга эгами?
4. Журналист мақоми ҳақида қайси қонунда қандай ёзилган?
5. Журналистга қандай талаблар қўйилади?
6. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси нега зарур бўлиб қолди?
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасига қўйилган асосий талаблар.
7. Журналист нега ақлий меҳнат кишиси рўйхатига киритилган?
8. Ахборот маҳсулоти берувчилар таҳририятнинг биринчи гуруҳига кирса, иккинчи гуруҳига қимлар қиради?
9. ОАВ таҳририятларидаги раҳбарлар қандай номланади?
10. ОАВ да меҳнат қилувчиларни қандай номлар билан аталади?

11. Газета ва журналларимиз фаолиятини таъминловчи энг зарур ҳукукий ҳужжатларни айтинг.
12. Ахборот алмашинувида аудиториянинг тутган ўрни.
13. Қайси матбуотни халқчил деб атаймиз ва у қандай шаклларга эга бўлиши керак?

6-БОБ. Журналистика амалиётини бошқариш

6.1. Матбуот эркинлиги масаласи

Журналистика амалиётини бошқариш оммавий ахборот воситалари тизимида ҳам ички, ҳам ташқи томондан амалга оширилади. Оммавий ахборот воситалари нимани ва қандай ёритиш мумкин ёки мумкин эмас деган саволнинг жавоби матбуот эркинлиги билан белгиланади. Бу масала неча асрлар ўтибдики, кун тартибидан тушмай келади.

Матбуот эркинлиги ибораси тараққиётнинг буюк қадриятлари бўлган фикр, виждон, онг эркинлиги билан бир қаторда туради. Инсониятнинг маданий ривожланишида эришган барча ютуқлари ахборот воситалари иштирокида амалга оширилган. Бу ўзаро алоқа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон Ҳуқуқлари умумий Декларациясида ҳам ўз ифодасини топган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган бу Декларацияда “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр – қимматни, уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш – эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик негизи” эканлиги эълон этилган.¹⁹ Декларацияда инсоннинг фикрлаш, виждон, дин эркинлиги, эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифодалаш ва бошқа ҳуқуқлар ифодаланган.

Ушбу Декларация мустақил Ўзбекистон Республикаси имзолаган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчлари” деб аталган 2-бўлими мазкур Декларация талабларига тўла мос келади. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”²⁰, дейилади.

Матбуот эркинлиги иборасига ҳозир ҳам турли қарашлар мавжуд. Чунки, цензурага йўл қўйилмайди, деган

¹⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2001, 2 – жилд, 57 - бет

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 1992, 21 – бет.

конституциявий ҳуқуқ бор бўлишига қарамай цензура фаолияти бир – неча йил давом қилгани, ҳатто ҳозир ҳам кўпгина муассислар томонидан таҳририят ишига тўғридан – тўғри аралашуш ва мақолаларни цензура қилиш давом этаётгани, ўша бошлиқларнинг қонунга лоқайд қарашлари, ўз лавозимларини суистеъмол қилаётганликлари деб қаралмоғи керак. Чунки матбуот эркинлиги сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, матбуотнинг эркин фаолият²¹ кўрсатишини, кишиларнинг матбуотда ўз фикр ва туйғуларини тўсиқларсиз ифода эта олишини ифодалайди. Аслида эркинлик англаган зарурат эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Матбуот эркинлигининг 3 асоси мавжудли тўғрисида фикр юритамиз.

Биринчиси, матбуот эркинлигининг ижтимоий – сиёсий асоси. Бу бош асос матбуотнинг қайси ижтимоий борликда, қандай тузумда фаолият кўрсатиши, қайси ижтимоий онгнинг кўриниши эканлиги, қайси мафкура ва ғояларга хизмат қилишидан келиб чиқади.

Иккинчиси, матбуот эркинлигининг иқтисодий асоси, бу асос матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг ким томонидан, қайси маблағлар эвазига чиқарилиши билан боғлиқ, яъни матбуот кимнинг маблағи эвазига, иқтисодий қўллаши натижасида чиқса ўша учун эркин бўлади.

Учинчиси, матбуот эркинлигининг маънавий асоси, бу асос уни чиқараётган шахс, гуруҳ, унда ишловчи журналистларнинг ички дунёси, дунёқараши, эътиқоди билан боғлиқ.¹²

Ўзбек журналистикасида матбуот эркинлиги ҳақида тарихий шиор XX аср бошида Туркистонда вужудга келган жаҳид матбуотида кўтарилган эди. Бу матбуот 1906 йилдан то 1916 йилгача бўлган даврда халқни ўзлигини англашга, уюлишга чақиради. Ўлканинг моддий ва маънавий бойликлари талон – тарож қилинаётганганини ошкор қилади.

²¹ Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. Т., 2003, 7-8 бетлар

²² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2003 йил, 5-жилд, 508-бет

Сирожиддин Аҳмедов ҳамда Қаҳрамон Ражабовларнинг жадиличликка оид мақолаларида “Жадид матбуоти” ўз вакилларининг фикрларини эълон қилар экан, халқни “Ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи”, “Миллий онгининг очкичи” эканлигини намоён этиш билан бирга Туркистон халқини хур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди... деган фикрни айтишади.

Жадид матбуоти намояндалари ҳам мустамлакачи чор ҳукуматининг матбуот эркинлиги борасидаги қаттиқ зулмига қарши чиққан эдилар. Бундай журналист - публицистлар сафида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва бошқалар бор эди.

Кейинчалик матбуот эркинлиги масаласида катта ўзгаришлар содир бўлди. Буржуа матбуоти эркин матбуот деб ном олди. Маълум даражада бу гапда ҳақиқат бор эди. Шу билан бирга матбуотнинг сармояга қарамлиги ҳам ошди.

Матбуот эркинлиги ундан хоҳлаганча фойдаланиш эркинлигига, бойлик орттириш эркинлигига айлана борди. Матбуотга шов – шувли, олди – қочди материалларга, рекламаларга ҳаддан ташқари кенг ўрин берила бошланди.

Аммо шўро тузуми даврида Ўзбекистонда ҳам матбуот эркинлиги “Таъмин этилган” бўлсада (СССР Конституциясининг 125 – моддаси), амалда оммавий ахборот воситалари фаолияти партиявий назорат остида бўлиб, коммунистик партия мафкурасига хизмат қилдирилди.

Мустақил Ўзбекистонда матбуот эркинлиги масаласи жамият тараққиёти билан биргаликда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.²³

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қаролат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда.

23 Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Т; 2003, 5-жилд, 509-бет.

Журналистика амалиётини бошқариш.
Матбуот эркинлиги масалалари бўйича рейтинг
топшириқлари

1. БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясида журналистик фаолиятга оид қандай фикрлар айтилган?
2. Матбуот эркинлиги тўғрисида Ўзбекистонда қандай ҳуқуқий ҳужжатлар бор?
3. Матбуот эркинлигининг уч асосини шарҳлаб беринг.
4. Жаҳид матбуотида матбуот эркинлиги масаласи қандай бўлган?
5. Шўро тузуми даврида ва ҳозирда матбуот эркинлиги масаласини изоҳлаб беринг.
6. Матбуот тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларини сананг.
7. Муаллиф ҳуқуқи ҳақида қонунда нималар дейилган?

Журналистика амалиётини бошқариш.
Матбуот эркинлиги масалалари бўйича назорат саволлари

1. ОАВ нимани ва қандай ёритиши мумкин ёки мумкин эмас деган саволнинг жавоби нима билан белгиланади?
2. Ахборот воситалари иштирокида амалга оширилган ютуқлар таъсирини айтинг.
3. Қайси ва қачон қабул қилинган ҳужжатда “Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр – қимматни, уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш – эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик негизи” эканлиги эълон қилинган?
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб аталган 2 – бўлимини шарҳлаб беринг.
5. ОАВ нинг эркинлиги Ўзбекистоннинг қайси ҳужжатларида ўз ифодасини топган?
6. Матбуот эркинлигининг уч асоси бор. Шуларни изоҳлаб беринг.
7. Матбуот эркинлиги масаласида қандай қарашлар мавжуд?

6.2. Ахборот тизими ҳуқуқлари мазмуни

Бу ҳақда гап кетганда, энг аввало, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунга мурожаат қиламиз. Қонун давлат оммавий ахборот воситаларини эркин бўлиб фаолият юритишларини, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланишларини кафолатлайди.

Муассис цензурани амалга ошириши, мақолаларни рецензиядан ўтказиши ёки таҳририятнинг ижодий фаолиятига аралashi мумкин эмас. Бу ҳуқуқ қонунда ўз ифодасини топган.

Қонунда таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида муаллиф мақоласи мазмунини бузмаслик ҳам кўрсатиб ўтилади.

Бу қонундан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантирган яна бир нечта қонунлар қабул қилинди улар: “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлардир.

Шулардан бири “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунни қисқача шарҳлаб ўтсак.

Қонун 1996 йил 30 августда кучга кирган. Унда “Умумий қоидалар” бўлимида 3 та модда, “Муаллифлик ҳуқуқи” бўлимида 44 та модда, “Турдош ҳуқуқлар” бўлимида 15 та модда, жами 61 та модда бор.

Муаллифлик ҳуқуқи мавзунинг умумий режасида адабий асарлар (адабий – бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар) бор. Бундаги адабий асарлар деган иборани таҳлил этиб кўрсак.

Муаллифлик ҳуқуқи мавзусида саналган асарлар рўйхатида журналистик асарлар деган ибора ишлатилмаган. Ваҳоланки, унда драматик ва сценарий, матнли ва матнсиз мусиқа, мусиқали – драматик, хореография, аудиовизуал, тасвирий санъат, сахна безаги, архитектура, шаҳарсозлик ва боғ – парк барпо этиш санъати, фотография ва ҳ.к. асарлар саналган бўлсада, ҳуқуқшунос олимлар фикрича, “адабий асарлар” ибораси кенг

маънода қўлланилгани ва бунга илмий, ўқув публицистик ва бошқа ишларни ҳам қўйиш мумкинлиги айтилади.

Ўз ҳуқуқини ҳимоя қилмоқчи бўлган муаллиф асарнинг ҳар бир нусхасида айлана ичига олинган лотинча “С” ҳарфи билан ўз номи (исм шарифи) ни ва асар биринчи марта эълон қилинган йилни ёзиб қўйиши лозим.

© (*copyright*) Копирайт деярли “семиз” журналлардаги мақолалар, телефильмлар ва эшиттиришларда қўйилади. Газета материалларида, радио тўлқинлари орқали берилган эшиттиришларда негадир бу копрайт қўйилмайди.

Журналистика фаолиятида бирон – бир муаллифнинг эълон қилинган ёки эълон қилинмаган асаридан фойдаланилган вақтда агар унинг розилигини олиш шарт бўлмаган бўлсада, барибир муаллифнинг номини кўрсатиш шарт. Буни талабалар чуқур билишлари ҳатто назорат ишими, курс ишими, диплом ишими, барибир ёзаётганда бошқа муаллифларнинг мақолаларидан фойдаланганда, албатта унга ҳавола қилиниши, яъни изоҳини саҳифа остига ёзиб қўйиши лозим.

Ахборот тизими ҳуқуқлари мазмуни бўйича рейтинг топшириқлари

1. Ахборот тизими ҳуқуқлари қайси ҳужжатда ифода этилган?
2. ОАВ таҳририятлари ва уларнинг муассислари ўртасидаги муносабатни шарҳланг.
3. Жамият ва давлатнинг ОАВ га муносабати қайси қонунда ифода этилган.
4. ОАВ таҳририятлари ва муаллифлар ҳуқуқлари.
5. Ахборот тизими ҳуқуқларини белгиловчи яна қандай ҳужжатлар қабул қилинган?
6. Плагиат яъни адабий ўғирлик деган атамани шарҳлаб беринг.

Ахборот тизими ҳуқуқлари мазмуни бўйича назорат саволлари

1. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонунда ахборот тизими ҳуқуқлари қандай таърифланган?
2. ОАВ муассислари учун нималар таъқиқланган?
3. Давлат ОАВ ходимларининг қайси ҳуқуқларини кафолатлайди?
4. Таҳририят келган хатлардан қандай фойдаланади?
5. “ОАВ тўғрисида” ги қонуннинг мазмунини конкретлаштирган ва уни ривожлантирган қонунларни сананг.
6. Қонундаги “Адабий асарлар” иборасини шарҳланг.
7. Коперайт дегани нима ва у қайси асарларга қўйилади?
8. Кимларни плагиат яъни адабий ўғри деймиз?

6.3. Ошкоралик ва унинг қўлланилиши

Ошкоралик мавзуси матбуот эркинлиги ҳақидаги масала билан узвий боғлиқ. Ошкоралик – демократиянинг зарур бўлган шартларидан бири – Демократия деб, фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузумга айтилиши Ўзбекистон миллий энциклопедиясида таъкидланган. Демократик давлат ўз – ўзини бошқариш, кўп партиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма – хиллигига шароит яратади.

Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, цензурага йўл қўймаслик билан ошкораликни таъминлаш мумкин.

Шу ўринда “Бухоро ахбори” газетасига муҳаррирлик қилган Чўлпон “Матбуот кучли бир давлатдир”¹ деб номланган дастурий мақоласида (мақола таҳририят номидан берилган) газетанинг асосий вазифасини қуйидагича белгилайди:

- газета халқ тушуниши қийин бўлган узун – узун материаллар ўрнига кўпроқ хабарларни ёритади, содир бўлган воқеалар тўғрисида маълумот беради, яъни янгиликларни бериб боради;

- газета муҳим воқеаларнинг моҳиятини англатиш учун шарҳ хусусиятидаги мақолалар chop этиб боради;
- матбуот – халқнинг тили, сўзи сифатида иш кўради. Шу сабабли хатто ёш жумҳуриятнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб, бу билан уларни тузатишга ёрдам беради;
- газета ҳукуматнинг ҳам тилидир. Шунинг учун ҳукумат муассасаларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида халққа маълумот бериб боради.¹²⁴

Худди шу сўнги жумлаларга эътибор қаратинг. Чўлпон худди шу ерда газетанинг ошкоралик тамойилларига амал қилишни ҳам алоҳида таъкидлаган эди.

Ошкоралик шароитида ахборот фаолиятининг фойдали ижтимоий таъсири биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Унга биринчи навбатда яшаётган жамиятимизни чуқур билиш киради.

Иккинчидан, ижтимоий ҳаракат таъсирини ҳам алоҳида кўрсатиш муҳим.

Ошкоралик самарасига бошқариш органларининг оддий фуқаролар билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳам таъсир қилади. Худди шунда бошқарув тизимини жамоатчилик назоратида ушлаб туриш имконияти туғилади. Яна шу билан бир қаторда ахборотнинг “пастдан” доимий оқиб келишини таъминлайди.

Ошкораликни фақат айтиш, ёзиш имконияти деб ўйламаслик балки уни “тепа” эшитиши ва хулосалар чиқаришига эришиш ҳаракати деб ҳам тушунмоқ лозим.

Ошкоралик ҳар хил қарашлар, фикрлар мавжудлигидир. Ошкоралик яшаши учун табиийки, унга қафолат керак. Яна ахборот тизимида қонунчилик базасининг ривожлангани ҳам зарур.

Ошкораликнинг амалга ошиши учун демократик йўналишда ахборот алмашинувида иштирок этаётган одамларнинг сиёсий, ахлоқий ҳамда касбий маданияти юқори бўлиши ҳам талаб қилинади.

²⁴ “Ўзбекистон матбуоти” “журнали, Т., 2001, 6-сон, 40-бет

Президентимизнинг “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ижодий жамоасига юборган табригида (2001 йил) “... биз демократик давлат озод ва том маънода эркин ҳаёт қурмоқчи эканмиз, бу ўзгаришларни авваламбор матбуотдан бошлашимиз даркор” – деган сўзларини ёддан чиқармаслигимиз керак. Шу ўринда Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров “Нозик тушунчаларга нозик муносабат” мақоласида шундай воқеани ёзади:

“...ватанимиз фуқаролиги ҳақида қонун юзасидан муҳокамалар давом этаётган эди. “Литературная газета” мухбири А. Кружилин қонун лойиҳасидаги «Ушбу мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаро ўзбек халқининг урф одатлари ва анъаналарини ҳурматлаши керак» деган мазмундаги жумлага “ёпишиб” олади, уни ўзича талқин этади. Талқин шу даражага етадики, йўқ ердан, икки эътиқод, икки анъана, икки қадриятлар асосида яшовчи икки халқ орасига совуқчилик тушуришгача боради. Мухбирнинг ёзишича, кишилар қонунни ҳурматласа кифоя, улар маҳаллий халқ урф-одатини ҳурматлашга мажбур эмас. Мисол тариқасида у ўғил болани қўлини ҳалоллаш, кўп хотинлилик, қурбонлик қилиш, қалин сингари одатларни санаб ўтади ва насронийлар бундай одатларга риоя қила олмасликларини айтади... Бу ўринда биз учун муҳими – журналистнинг нуқтаи назари ва ҳолислигида! Эътиқод ва тушунчаларга дахлдор ўта нозик масалалар ҳусусида сўз юритганда юксак профессионал маҳорат билан, шахсий заифликлару ҳусуматларни четга суриб қўйган ҳолда ёзиш ҳақида бормоқда сўз!¹²⁵

1906 йилнинг 14(27) июнидан чиқа бошлаган “Тараққий” газетасининг биринчи сонидан эълон қилинган бош мақолада Туркистон халқларининг ўз миллий мустақиллиги учун, сўз, матбуот эркинлиги ва бошқа сиёсий ҳуқуқларга эришиш учун кураш олиб бориши лозимлиги таъкидланган эди.

Ҳур фикрли нашрларнинг биринчиси бўлган “Тараққий” газетаси ўзбек миллий журналистикаси тарихида алоҳида

¹²⁵ Ўзбекистон матбуоти “ журнали, 2002, 8-бет.

аҳамиятга эга бўлиб қолди. У туғилган кун ўзбек миллий матбуоти туғилган кун сифатида нишонланадиган бўлди. Бу ҳақда юқорида айтган эдик.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ошкоралик ўта мураккаб ва кўп жиҳатли ҳодиса бўлиб, унга эришиш зарур ва бизда бунга ҳамма шароитлар яратилган.

Ошкоралик ва унинг қўлланилиши бўйича рейтинг топшириқлари

1. Ошкораликни нима учун демократиянинг зарур шартларидан бири деймиз?
2. Демократия дегани нима ва у нимага шароит яратади?
3. Қачон ошкораликни таъминлаш мумкин?
4. Чўлпон газетанинг асосий вазифасини белгилаб, унда ошкоралик тамойилларига амал қилишни қайси машҳур мақоласида таърифлаб берган?
5. Ошкораликка таъсир қиладиган кучларни айтинг.
6. Ошкоралик амалга ошиши учун қандай шароит бўлиши керак?

Ошкоралик ва унинг қўлланилиши бўйича назорат саволлари

1. Ошкораликни айтиш, ёзиш имкониятигина деб қаралса бўладими?
2. Демократиясиз ҳам ошкоралик бўлиши мумкинми?
3. Ошкоралик бўлиши учун қандай шароит яратилиши керак?
4. Ошкораликни таъминлаш мумкинми?
5. Чўлпоннинг “Бухоро ахбори” газетасига муҳаррирлик қилган пайтида ёзган “Матбуот кучли бир давлатдир” деб номланган мақоласида ошкоралик ҳақида қандай фикрни айтган?
6. Ошкораликка таъсир этувчи кучларни биласизми?

6.4. Журналист одоби ва ахлоқи

Ахлоқ – одоблар мажмуи. Ҳар бир халқнинг ўзига хос ахлоқи билан бир қаторда, умумбашарий ахлоқ меъёрлари бор.

Ўзбекистонда шўролар истибдоди даврида ахлоққа бир томонлама, яъни синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошилди ... Бу билан иттифокда яшовчи турли халқларнинг ўзига хос хулқ-одоб, муалиф журналист этиқоди, одоби, ахлоқи ҳақида тўғридан-тўғри сўз айтилмаса ҳам, журналистдан ҳамиша юқори маданият, бағрикенглик ва билим талаб қилиниши ва шунга эътибор берилиши ҳақида айтилди.

Одобли, ахлоқли журналист халқнинг урф одати, маросимларига ҳурмат билан қарайди. Уни бажармаслиги мумкин, лекин унга қарши фикр билдирмайди.

Таниқли ёзувчи, журналист Эркин Аъзам Асқад Мухтор ҳақидаги хотирасида шундай дейди: “Гулистон” журналида адабиёт бўлимида ишлардим. Бош муҳарриримиз Асқад ака бир куни хонамга кириб, кўлимга бир даста шеър тутқазди: “шуни бир кўриб беринг”(бошқа раҳбарларга ўхшаб у киши ходимларни ҳузурига чақириб ўтирмас, гапи бўлса, мана шундай ўзи кириб келаверарди...) қарасам-ўзларининг шеърлари. Хайрон бўлдим: буни нега менга бердилар? Буларни “бир кўриб бериш” га менинг ҳаддим сиғармиди-шоир бўлмасам, қолаверса, шеърлар кимсан Асқад Мухторники?! Хўп кўрдим, ўқиб чиқдим ҳам дейлик, кейин нима?... Гап шундаки, ўша кезлар ўзингиз бош бўлган нашрда асарингизни бостириш одобдан саналмас эди.¹

Журналистлар отахони Зиёд ака Есенбоевнинг масъулият ва бурч борасидаги суҳбатлари эсимизда. Улар оммавий ахборот таҳририятларини муқаддас даргоҳ деб ҳисоблайдилар. Аҳоли бу жойни ҳақиқат ва адолат рамзи деб тушунади. Шундай экан ҳозирги даврда ҳар бир журналист адибимиз Асқад Мухтор сингари ахлоқ – одоб, пок маънавий қиёфага ва албатта муомаланинг юксак маданиятига эга бўлиши керак, деган фикрни айтадилар.

Худди шундай талаб Президентимиз томонидан қўйилган эди. “Биз журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг

ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор”²⁶ деган эди Ислон Каримов.

Демак, ҳар бир журналист аввало одоб-ахлоқли бўлиши керак, бунинг учун у ўз ишининг мураккаблигини ва масъулиятини англаган ҳолда касб маҳоратини ошириб бориши ва журналист деган сўзнинг салмоғини янада кўтариши лозим бўларкан.

Касбий бурч деганда журналистнинг аввало, қалам тебратиб, эл-юртни янгиликлардан хабардор этиши, халқимиз кўнглидаги ўй мақсадларни, режаларни янада теранроқ англаб ифода қилиш бахти насиб этганлигидан фахрланиши бу юксак ишончни оқлаши, қаламини янада чархлаши керак.

Республикага таниқли журналистлардан бири, раҳматли Исмоил Сулаймонов «Ўзбекистон матбуоти» журналининг 1999 йил 1 – сонидagi “Ҳаётда тенги йўқ бахт” мақоласида шундай деган эдилар: “Халқ журналистларга ишонади. Бу эса айни пайтда зиммамизга катта масъулият юклайди. Унутма, деймиз доимо бир-биримизга, журналистнинг қадам олиши, ўзини тутиши, сўз билан иш бирлиги неча ўн минглаб кишилар никоҳида. Бу катта бахт, лекин унинг шунга яраша талаби ҳам бор. Навоий бобомиз сўзи билан айтганда: “Осон эмас бу майдон ичра турмоқ”²⁷. Таҳририятга келган бир шикоятнинг изидан бориш, одамлар билан учрашиш, эшитганларини иймон ва диёнатнинг холис торозига солиш, оқнинг оқ, қоранинг қора эканлигини аниқлаб олиш, тўғри тўхтамга келиш ва ниҳоят бутун масъулиятни зиммага олиб, матбуотда чиқиш қилиш сўнг унинг натижаси учун курашмоқ-буларнинг бари айтишгагина осон”²⁸

Ҳар бир журналист ўз касбига бурчли қолиши истаги, матбуотнинг бош принциплари яъни тамойиллари асосида фаолият кўрсатиши лозим. Бу принциплар билан қисман танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Матбуотнинг бош вазифаси умум инсониятга хизмат қилишдан иборат бўлгани

²⁶ “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2003, 6-сон, 29-бет.

²⁷ “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 1999, 3-сон, 19-бет.

²⁸ Ўзбекистон матбуоти “ журнали, 1999, 1-сон, 28-бет.

учун ҳам умуминсонийлик принципи унинг бош принципи ҳисобланади. У инсониятга хизмат қилиши, унинг ҳаёти доимо эркин фаровон кечишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Умуминсонийлик принципига итоат этган журналист ҳақиқат қарор топиши учун курашади.

Матбуотнинг халқчиллик принципи умуминсонийлик принципнинг таркибий қисми бўлиб, шу ҳудудда фаолият кўрсатувчи, шу халққа тегишли бўлган матбуот принциpidир. У ўша халқ манфаатлари ва мақсадларини ифода этади, унга хизмат қилади. Журналист ўзини халқчил журналист деб билса, демак у бутун ижоди, қалб қўрини халққа бағишлайди. Халқнинг кундалик фикр ва туйғулари билан яшайди, унинг умид ва ташвишлари, меҳри ва нафрати, қувонч ва дардини тенг баҳам кўради. У бу принципнинг миллийлик кўринишига амал қилиши лозим. Аммо миллийлик миллат манфаатлари умумхалқ манфаатларига зид келмаслиги лозим.

Матбуотнинг ҳаққонийлик принципига барча оммавий ахборот воситалари амал қилиши шарт. Демакки, бу принцип талаби фақат ҳақиқатни яна бир бор ҳақиқатни ёзишдир. Чунки бу принцип публицистиканинг бош мезони, асосий талаби ҳисобланади.

Матбуотнинг оммавийлик принципи деганда матбуотнинг халқ томонидан оммалашувини тушунамиз. Бу принцип юқорида айтилган умуминсонийлик, халқчиллик, принципларининг мантикий давоми бу принципларга риоя қилган матбуот халқ меҳрини қозонади, уларга манзур бўлади.

Матбуот фаолиятида партиявийлик принципи ҳам бор, аммо у юқоридаги принципларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади. Жумладан, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана”, Адолат социал демократик партиясининг “Адолат”, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг “XXI аср”, Ўзбекистон мусулмонлар диний бошқармасининг “Ислом нури” газеталари партиявийлик принципида фаолият кўрсатишади. Бу принцип улар учун қўлланиладиган қоида бўлиб, ўша партия, уюшма,

ташкiлотларнинг дастури, йўл-йўриқларида кўрсатилганича иш кўриши табиий бир ҳолдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, 70 йил ҳукмрон бўлган коммунистик матбуот якка гоя ҳокимлигини жорий этган партиянинг асосий қуролига айланиб, жамият ҳаётини синфий-партиявий нуқтаи назардан ёритиб келгани учун ҳам у инқирозга юз тутди.

Журналист одоби ва ахлоқига оид рейтинг топшириқлари

1. Ахлоқ қоидалари ҳақида нима биласиз?
2. Ахлоқ меъёрларига қандай қарашлар мавжуд?
3. Таҳририятни нега муқаддас даргоҳ дейишади?
4. Касбий бурч деганда нимани тушунаси?
5. Одоби ва ахлоқли журналист матбуотнинг қайси бош принципларига риоя қилиши керак?

Журналист одоби ва ахлоқига оид назорат саволлари

1. Ахлоқли бўлиш журналистга нега керак?
2. Ўтмишда қандай ахлоқлар бўлганини биласизми?
3. Журналист бурчли бўлиши учун нималарга риоя қилиши керак?
4. Умуминсонийлик, халқчиллик, ҳаққонийлик, оммавийлик, партиявийлик принципларини сўзлаб беринг.

6.5. Журналист масъулияти

Журналистика ва оммавий ахборот воситаларининг моҳияти, унинг ички, объектив нашрлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида ишлаш, журналистика материалларини ёзиш ва тайёрлаш, нашрлар ва ахборот воситаларини чиқариш (эфирга узатиш) ва тарқатишда бевосита иштирок этиш, фаолият кўрсатиш демакдир. Яъни, журналист журналистиканинг ижтимоий вазифаларини бажаришда бевосита иштирок этувчи шахсдир. Бизга маълумки, журналистика ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни ўрганади, таҳлил қилади ва унга қайтадан таъсир

кўрсатади. Бу эса биринчи навбатда сўз воситаси билан амалга оширилади. Шундай экан, журналистика касби ижтимоий ҳаётни сўз орқали тасвирлай билиш, хабарлаш, таҳлил қилиш, сўз сиёсати бўлмиш публицистика билан шуғулланишни талаб этади. Табиийки, бу касб кишидан ёза билиш, ижтимоий ҳаёт воқеаларини сўз воситасида (шу билан биргаликда микрофон, камера, фотоаппарат каби техник воситалар ёрдамида) тасвир эта билиш қобилиятини талаб қилади. Демак, журналистика касби аввало адабий фаолият, адабий ва ахборий ижоднинг бир кўринишидир. Бу мазкур касб кишисидан ижодий салоҳиятни, истеъдодни талаб қилади. Журналист лаёқати, қизиқиши, ижодий имконияти билан журналистиканинг маълум бир соҳаси (газета, журнал, радио, телевидение) да ишлаши, маълум бир мавзулар ва жанрларда ижод қилиши лозим. Бу касб доимий меҳнат, ижодий маҳоратни талаб қилади. Ана шу талабларга жавоб берган кишигина бу касбда етарли даражада фаолият кўрсата олади. Аксинча бўлса - муваффақият қозониши мумкин эмас.

Журналистика касби фақат бу билангина чекланиб қолмайди, балки у журналистиканинг ижтимоий табиати, ижтимоий вазифа ва тамойилларидан келиб чиқувчи талабларига ҳам бўйсунди. Яъни, журналистика касби фақат адабий ижод фаолиятидангина иборат бўлиб қолмасдан ижтимоий-сиёсий фаолият ҳамдир. Яъни журналист ижтимоий воқеликни шунчаки, беэҳтирос қайд этувчи эмас, балки ўз жамияти, ўз халқи, ўз миллати, ўз ватанининг манфаат учун курашчи, фаол сиёсатчи, жамоат арбоби ҳам бўлиши шарт.

Журналист меҳнати унинг қайси жамиятда яшаши, қандай кучларга хизмат қилиши, қандай дунёқарашга эгаллиги ва қандай ғояларга содиқ бўлиши нуктаи назаридан ўлчанади ҳамда у ё тараққийпарвар ёки тескаричи бўлиши мумкин. Ҳамма даврларда ҳам қотиб қолган, эскирган ғоялар ва тескаричи кучларга хизмат қилувчи журналистлар оммадан узоқ, унга ёт реакцион ғояларни тарғиб қилганлар. Фақат ўсиб келаётган ва тарихий тараққиётга жавоб берувчи кучлар тарафдорлари бўлган журналистларгина

халқ оммасининг туб манфаатларини ифода этади, яхшиликка, тўғрилиқка, адолатга, тараққиётга хизмат қилади.

Жаҳоннинг мутафаккир кишилари журналистика касбига катта баҳо берганлар ва журналистикани жамиятга хизмат қилишнинг энг юксак намунаси деб билганлар. Рус журналистикасининг атоқли намояндалари: буюк шоир А.С.Пушкин, атоқли олим М.В.Ломоносов, халқпарвар публицист Н.Г.Чернышевский, А.И.Герцен ва бошқалар ҳақиқий журналист, халқ манфаати учун, озодлик учун, эзгулик учун толмас курашчи бўлиши лозимлигини таъкидлаган эдилар.

Туркистонда журналистиканинг касб сифатида шаклланиши масаласига келсак ўтмишда ҳали журналистика шаклланмаган пайтларда унинг ижтимоий вазифасини ҳам ёзма адабиёт бажариб келганлигини кўрган эдик. Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли вакиллари Алишер Навоий, Бобур, кейинчалик Муқимий, Фурқат ва Завқийлар асарларида ўз даврларининг муҳим муаммоларини кўтариб чиқдилар. Шу муносабат билан уларни ўзбек публицистикасининг бошловчилари дейишимиз мумкин. Журналистика касби журналистика нашрларининг пайдо бўлиши билан боғлиқлигини назарда тутсак бу касбнинг ўтган асрнинг охирида пайдо бўлганлигини кўрамиз.

1870 йилдан нашр этила бошланган “Туркистон вилоятининг газети” да шоир Фурқат, Исҳоқхон тўра, Нодим Намангоний ва бошқалар ҳамкорлик қилдилар. XX асрнинг бошларида вужудга келган Туркистон миллий уйғониш журналистикасида эса бу ҳаракатларнинг атоқли намояндалари М.Абдурашидхонов, М.Бехбудий, А.Авлоний, Ҳамза, С.Айний ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Бу атоқли ижодкорлар журналистика касбини халққа, миллат манфаатларига, тараққиётга хизмат қилиш деб билдилар. Кейинчалик уларнинг анъаналарини Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар давом эттирдилар. Кейинчалик адибларимиз Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқалар журналистика касби билан самарали шуғулландилар. Атоқли ўзбек журналистларининг бой ва сермазмун анъаналарини ҳозирги замон ўзбек журналистлари давом эттириб келмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, журналистика касби энг қадимий касблардан бири бўлиб, журналистика пайдо бўлиши билан вужудга келди ва ривожланди. Журналистиканинг дастлабки куртаклари пайдо бўлган даврда унда ишловчиларни “газеттант”, махсус янгиликларни етказиб берувчиларни эса “новеллант” деб аташган. “Журналист” атамаси журналлар келиб чиқиши билан қўлланила бошланди ва унинг мазмуни кенгайиб, журналистиканинг барча турлари билан шуғулланувчи кишиларга ҳам тегишли бўлди.

Журналистика тараққий этиши билан бу касбнинг турли қирралари, хиллари пайдо бўлди. Журналистика нашрларини хабардор қилувчи журналистлар – мухбир, репортер деб, кейинчалик журналистика ва адабий ижод ривожланиши билан публицист, шарҳловчи, журналистиканинг маълум жанрлари бўйича ижод қилувчиларни – фельетончи, очеркчи деб аташ одат тусига кирди. Журналистика нашрларини бевосита тайёрлаш ва чиқариш билан боғлиқ бўлган муҳаррир, мусахҳих, (корректор), матбаачи кабилар келиб чиқди. Оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши билан фотожурналист, тележурналист, диктор, оператор каби касблар ҳам пайдо бўлди. Журналистика ва оммавий ахборот воситалари тараққий эта бориши билан бу тармоқланиш яна давом этаверади.

Журналист меҳнатининг уч асоси ва уч таркибий қисми мавжуд. Журналист меҳнатининг ижтимоий-сиёсий асоси унинг қайси жамиятда, қандай мафкура ва дунёқарашга хизмат қилишидан келиб чиқади. Ўз миллий мустақиллигига эришган Ўзбекистонда журналистика касбининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари тўла кўрсатиб берилган. Бу ўз халқи, ўз ватанининг равнақи учун, мустақилликни янада мустаҳкамлаш, миллий тараққиётга эришиш, адолат ва демократия йўлида ижод қилишдан иборат. Журналист меҳнатининг ҳуқуқий асослари парламентимиз томонидан қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” каби қонунлар ва Ўзбекистон Конституциясида

белгилаб берилган. Бизнинг жамиятимизда журналистика касби улуғланади ҳамда унга юксак талаблар қўйилади.

Журналист меҳнатининг иқтисодий асосига унинг меҳнатига мувофиқ тўловлар – маош, қалам ҳақи, мукофотлар киради. Бизда истеъдодли, ўз касбининг ҳақиқий эгаси бўлган журналистлар учун етарли даражада иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда. Энг яхши журналистлар давлатимизнинг мукофотларига сазовор бўлишмоқда, эл орасида ардоқланишмоқда. Журналист меҳнатининг маънавий асосини журналистнинг ички дунёси, эътиқоди, мақсади белгилайди. Ўз сўзи билан халққа, ватанга, эзгуликка, адолату ҳаққонийликка хизмат қилиш ҳар бир журналистнинг олий бурчидир.

Журналист меҳнатининг уч таркибий қисмига келганимизда журналист биринчи навбатда муаллиф, ёзувчидир.

Журналист меҳнатининг иккинчи муҳим таркибий қисми эса муҳаррирлик, таҳрирчиликдан иборат.

Журналистнинг иш фаолиятида унинг ташкилотчилик қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Бу – журналистиканинг бош ижтимоий вазифаларидан, унинг ҳаётга бевосита таъсир этиш хусусиятидан келиб чиқади. Журналист журналистика материалларини уюштириш, уларнинг таъсирчанлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш учун курашиши ҳам лозим. Бу эса журналистдан ижтимоий ҳаётга бевосита аралаша билиш, катта салоҳиятга эга бўлиш, тадбиркор ва ишбилармон, ҳозиржавоб бўлишни талаб қилади.

Мустақил республикаимизда журналистика касбига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Бизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатишлари, ватанимиз келажаги, халқ бахт-саодати, миллатимиз камолати йўлида ижод қилишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Кенг тармоқли журналистика нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг ижодий ходимлари ўз касбларини улуғлаб, мустақил республикаимизга муносиб хизмат қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва бошқа

ижодий ташкилотлар бу касб эгаларининг ижодий камолотларини оширишда, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мунтазам иш олиб бормоқдалар.

Журналистнинг масъулияти бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистика касби журналистдан нималарни талаб қилади?
2. Қандай журналист халқига, Ватанига хизмат қилаолади?
3. Журналистика касби ўлкамизда қачон пайдо бўлди ва унда журналистлар масъулияти.
4. “Журналист” атамаси қачон пайдо бўлди?
5. Журналист меҳнатидаги уч асос ва уч таркибий қисмни айтинг.
6. Журналист меҳнатининг иқтисодий асосини шарҳланг.
7. Журналистнинг бош вазифаси нима?
8. Мухаррирлик, таҳрирчилик дегани журналист меҳнатидаги таркибий қисмни изоҳланг.

Журналист масъулияти бўйича назорат саволлари

1. Журналистика касби қандай фаолият турларини бирлаштиради?
2. Журналистика касби тарихини биласизми?
3. Журналистларни яна қандай номларда айтишади?
4. Журналист меҳнатининг ҳуқуқий асосларини айтинг.
5. Журналист меҳнатида маънавий асос нима?
6. Журналист ўзи ёзибгина қолмай яна материаллар уюштириши унинг масъулиятига кирадими?

2-БЎЛИМ. ПУБЛИЦИСТИКА

7-БОБ. Публицистиканинг турлари ва жанрлари

Журналистиканинг ўз ижтимоий вазифаларини бажариши, ижтимоий борлиқни ўзида акс эттиришида публицистика муҳим роль ўйнайди. Яъни, журналистика ижтимоий ҳаётни тасвирлаш, таҳлил этиш ва унга қайтадан таъсир қилишда публицистикадан кенг фойдаланади. Бошқача қилиб айтганда публицистика журналистиканинг моҳиятини, унинг ички мазмунини, журналистика материалларининг ўзагини ташкил этади.

Публицистика латинча “publicus” сўзидан олинган бўлиб “ижтимоий”, “жамиятга оид” деган маънони беради. Публицистиканинг моҳияти ҳақида турлича қарашлар, турлича таърифлар мавжуддир. Айрим луғатларда у ижтимоий, сиёсий масалаларни ёритувчи адабиёт деб қаралса, айрим мутахассислар томонидан унга ижоднинг бир тури деб таъриф берилади.

Бизнингча бу ҳар иккала таърифда ҳам публицистиканинг хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Публицистика бу — ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида бир йўли, усули, ижод туридир. У жамият ҳаётининг шу кундаги, айни замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларни акс эттириб оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ечилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади, шу кунги, айни замондаги кишилар учун хизмат қилади. Публицистика шу замон воқеа ва ҳодисаларидан шу замон кишиларини хабардор қилиш, шу кун учун зарур масала ва муаммоларни таҳлил этиш ва уларнинг ечилиши борасида жамиятга таъсир кўрсатиш воситасидир. Публицистиканинг бош вазифаси ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, масала ва муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат.

Публицистика асл маънода – айтилган гап, ёзилган матн, маълум бир кўринишдаги асар бўлиб, у журналистика саҳифаларига кўчган, радио, телевидение, интернетдан ўрин олган тақдирдагина ғоявий сиёсий ва маънавий

кучга айланади, оммага етиб боради. Гарчи публицистик рух, яъни айни замон муаммоларини кўтариб чиқиш ва айни

замон кишиларига етказиб бориш ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бўлмиш бадиий адабиётда ва санъатнинг барча турларида мавжуд бўлса-да публицистика кенг ва ҳартарафлама иш кўра оладиган майдон – журналистикадир. Илло, журналистика ҳам худди ана шу ижтимоий вазифани бажаради, яъни ижтимоий ҳаётни тасвирлайди, таҳлил этади, унга ўз таъсирини кўрсатади ва у ўзининг бу ижтимоий вазифасини публицистика орқали амалга оширади. Бу эса журналистика билан публицистиканинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Журналистикасиз публицистика ва публицистикасиз журналистика иш кўролмайди.

Публицистика инсониятнинг ҳаётни билиши, уни идрок этиши, оламда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиши ва улардан ўзи учун тегишли хулосалар чиқариши воситасидир. Шу боисдан ҳам у инсоннинг ҳаётни кузатиш, тадқиқ этиш натижаси, тажрибаларидан келиб чиққан фан билан ҳамда ташқи дунёнинг эстетик инъикоси бўлган адабиёт ва санъат билан чамбарчас боғлиқдир.

Публицистика ҳаётдаги факт ва воқеаларни қайд этиш, уларни тадқиқ этиш, моҳиятини, ички қонуниятларни очишда фанга хос қатор усул ва имкониятлардан фойдаланади. Шу боисдан ҳар қандай публицистик асарда маълум даражада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий тадқиқот мавжуд бўлади. Шу билан биргаликда публицистика дунёни билиш ва акс эттиришда асосан сўздан фойдаланганлиги боисидан у бадиий адабиётга яқин туради ва унинг таркибий қисмига айланади.

Публицистика сўз санъати бўлмиш бадиий адабиётдан образ ва образлилик, сюжет, композиция ва бошқа зарур тасвирий воситаларни олади. Бу адабий-бадиий унсурлар публицистик асарларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳаётни жонли, қизиқарли тасвир этиш учун қўлланилади. Аммо публицистиканинг асосий вазифаси шу кунги ижтимоий ҳаётни шу кун учун тезкорлик билан ёритиб беришдан иборат бўлганлиги боисидан унда юқоридаги адабий-бадиий воситалардан фақат зарур ҳоллардагина, маълум даражада фойдаланилади. Яъни, худди журналистика сингари публицистика ҳам сўз сиёсатидир. Худди

журналистика сингари публицистика ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади ва ҷамият ҳаётининг қайси қирраларини ёритишга қараб турли хилларга бўлиниб кетади. Масалан, ҷамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ҳаётининг бош масалаларини ижтимоий-сиёсий публицистика ёритса, унинг иқтисоди, ишлаб чиқариш масалаларини эса иқтисодий публицистика ўзида акс эттиради. Илмий публицистика илм-фан соҳасидаги муаммоларни ёритади.

Публицистика фақатгина ҷамият ҳаётининг барча қирраларини ёритишда ўзига хос восита ва усуллардан фойдаланади. Жумладан, адабий-бадiiй публицистика ўзида ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирса-да, бунда у алоҳида адабий-бадiiй воситаларга таянади. Яъни, бадiiй публицистика ҳаётга бадiiй адабиёт нуқтаи назаридан ёндошади ҳамда журналистика билан адабиёт ўртасида туради, уларни бир-бирларига узвий боғлайди.

Ҳажвий публицистика эса ижтимоий ҳаётни ёритишда алоҳида ижтимоий-бадiiй восита бўлган ижтимоий кулгига, яъни сатира ва юморга асосланади. Фотосуратлар ёрдамида иш кўрадиган фотопублицистика ҳам публицистика таркибига киради.

Публицистика журналистика, оммавий ахборот турларига қараб ҳам турли хилларга бўлиниб кетади. Масалан журналистика, яъни газета ва журнал саҳифаларидан жой оладиган публицистик материаллардан ташқари радиопублицистика, телепублицистика ҳам мавжуддир. Телевидениедан жой оладиган ва кино санъати билан боғлиқ бўлган кинопублицистика ҳам умумий публицистика билан бирлашиб кетади.

Ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим томонлари, бош қирраларини акс эттириш бўлган публицистика ана шундай кенг қамровга ва ранг-баранглик хусусиятига эга. Юқорида келтириб ўтилган хусусиятлар публицистиканинг мазмуний ва услубий томонларига тааллуқлидир. Шу билан биргаликда публицистика ўзининг ички хусусиятлари, ижтимоий ҳаётга қай тарзда ёндашиш ва акс эттириш қирралари нуқтаи назаридан ҳам турли

хилларга бўлиниб кетади. Ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан хабар берувчи, ҳаётнинг кўзга кўриниб турган устки қатламларини ёритувчи публицистика — ахборий, ёки хабардор этувчи публицистика дейилса, воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини очиб берувчи, ҳаётнинг чуқур ички қатламларини ўзида акс эттирувчи публицистикани таҳлилий публицистика деймиз.

Ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, кишилар фаолиятини адабий-бадий воситалар билан ёритувчи, бошқача қилиб айтганда ҳаётни бадий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилиб баҳоловчи бадий публицистика мазкур ижод турининг энг мукаммал, юқори шаклини ташкил этади. Публицистиканинг мазкур уч хили бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиб бир-бирини тўлдириб келади ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини ўзида ҳар тарафлама, ранг-баранг акс эттирувчи ижтимоий-ижодий ҳодиса сифатида инсониятга хизмат қилади. Яъни, публицистика ҳаёт ҳақида хабар бериш, уни таҳлил этиш билан чекланиб қолмасдан уни ранг-баранг, турли жилоларда тасвирлайди. Бу-инсон онгининг буюк кашфиётларидан биридир.

Публицистика тур ва хилларга бўлинишдан ташқари ички-таркибий жиҳатдан турли жанрларга ҳам бўлинади. Маълумки, жанр сўзи французча хил, тур маъносини билдиради ҳамда адабиёт ва санъат асарларининг маълум мазмуний ва шаклий турини билдиради. Масалан, бадий адабиётнинг насрий туридаги ҳикоя, қисса, роман, шеърӣ туридаги шеър, ғазал, баллада, достон, тасвирий санъатдаги натюрморт, портрет, пейзаж ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Инсон ижодининг бир тури бўлган публицистика ҳам худди шу каби ўз жанрларига эга бўлади ва бу жанрлар публицистиканинг вазифаси, изчил хусусиятларидан келиб чиқади. Жумладан, ахборий публицистика хабар (ахборот), репортаж, интервью, ҳисобот каби жанрларга эга.

Бу жанрлар ҳаётдаги факт ва ҳодисаларни, янгиликларни тезкорлик билан ёритишга хизмат қилади. Мазкур жанрларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор қилиш ҳисобланади. Таҳлилий

публицистика ҳам ўзи учун зарур жанрларга эга. Булар кенгайтирилган хабар (корреспонденция), суҳбат, мақола, тақриз кабилар бўлиб уларда ҳаёт воқеаларидан хабар беришдан ташқари уларни таҳлил этиш, ички моҳиятини очиб бериш асосий ўрин тутати.

Таҳлилий публицистика жанрлари ҳаётнинг ички қатламларига кириб боради, уларни тадқиқ этади ва ўқувчи онгининг ички қатламларига таъсир кўрсатади. Таҳлилий публицистика ҳаётнинг муҳим, зарур масалалари ва муаммоларини кўтариб чиқишда ва уларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотишда кенг миқёсда хизмат қилади.

Ҳаётни адабий-бадиий нуқтаи назардан ёритишга хизмат қилувчи бадиий публицистикага лавҳа, очерк, эссе кабилар ҳамда улар қаторига ҳажвий публицистикага оид бўлган фельетон, памфлет каби жанрлар киради. Шу билан биргаликда ҳажвий публицистика ахборий ва таҳлилий публицистика жанрларидан ҳам (ҳажвий ахборот, ҳажвий мақола ва б.) фойдаланиши мумкин.

Публицистика турлари ва жанрларининг хилма-хиллиги унинг ижтимоий ҳаётни кенг ва ҳар тарафлама акс эттиришдан иборат ижтимоий вазифадан келиб чиқади. Публицистика орқали инсоният ўзини ўраб турган ташқи дунёдан хабардор бўлади, уни англайди ва ўз манфаати йўлида фойдаланади. Бинобарин, публицистика инсониятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-иждодий қуроли, яшаш воситаси ҳисобланади. Инсоният ҳар тарафлама тараққиётга эришган ҳозирги даврга келиб журналистиканинг, публицистиканинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Қуйида биз публицистиканинг юқорида келтирилган уч таркибий қисми ва уларга кирувчи жанрлар билан батафсил танишиб чиқамиз.

**Публицистиканинг турлари ва жанрлари
бўйича рейтинг топшириқлари**

1. Публицистика нима?
2. Публицистика ва матбуот.
3. Публицистиканинг мавзу жиҳатидан хиллари.
4. Публицистиканинг таркибий кўринишлари.
5. Ахборий публицистика нима?
6. Ахборий публицистиканинг жанрларини санаб беринг.
7. Ахборий публицистика ва матбуот қонуниятлари.
8. Республикамиз матбуотида ахборий публицистика.

**Публицистиканинг турлари ва жанрлари
бўйича назорат саволлари**

1. Публицистика қандай маънони билдиради?
2. Публицистиканинг бош вазифасини айтинг.
3. Публицистика қачон ғоявий-сиёсий ва маънавий кучга айланади?
4. Публицистика кенг ва ҳар тарафлама иш кўраоладиган майдон нима?
5. Публицистика бадий адабиётган қандай тасвирий воситаларни олади?
6. Публицистиканинг хусусиятларини таърифланг.
7. Публицистикани нима сабабдан инсон онгининг буюк кашфиёти деймиз?

8-БОБ. АХБОРИЙ ПУБЛИЦИСТИКА

Публицистиканинг илк қисми бўлган ахборий, хабардор қилиш публицистикасининг асосида ахборот, хабар ётади. Хабар арабча бўлиб бу сўз ҳам юқоридаги маънода ишлатилади. Фалсафий маънода ахборот тирик модданинг яшаш хусусиятларидан асосийси саналиб, табиат ва ҳайвонот оламида ҳам мавжуд. Инсониятнинг ўзини ўраб турган ташқи оламни билишида ҳамда ўзаро мулоқотида ахборот муҳим роль ўйнайди. Кишилиқ жамиятида ахборотнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими ижтимоий ахборотдир. Ижтимоий ахборот жамият учун жамият ҳақидаги хабарлар, маълумотлардир.

Ахборий публицистика жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Жамият ҳаётида ахборий публицистикада акс этмайдиган бирор соҳа йўқ. Жамият учун зарур ҳисобланадиган, кишиларни қизиқтирадиган барча факт, воқеа ва ҳодисалар ахборий публицистикада ўз ифодасини топади. Журналистиканинг ҳар тарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳар нарсадан хабардор деган машхур қоидаси аввало ахборий публицистикада зоҳир бўлади.

Ахборий публицистика журналистика ва оммавий ахборот воситаларининг газета, журнал, радио, телевидение, интернет каби барча турларида асосий ўринни эгаллайди. Ахборий Ахборий публицистика журналистиканинг бирор тури ёки хилсиз иш кўра олмайди. Журналистикани ахборот билан таъминлаб туришда журналистика нашрлари, радио ва телевидение компанияларидан ташқари махсус ахборий агентликлар ҳам иш олиб борадилар. Дунёдаги барча ахборот агентликлари узлуксиз равишда ахборот йиғиш ва тарқатиш билан шуғулланадилар. Улар журналистика ва радио, телевидение доимий равишда ахборот билан таъминлаб туради. Ахборий публицистика барча оммавий ахборот воситалари фаолиятида кенг ва ҳар тарафлама қўлланилади.

Ахборий публицистиканинг тарихий илдизлари жуда чуқур бўлиб, инсоният пайдо бўлишининг илк даврларига бориб

тақалади. Ахборий публицистиканинг асосини ташкил этувчи ахборот ер юзидаги бирдан-бир онгли мавжудод бўлган одамзоднинг илк ҳамроҳи ҳисобланади. Инсонларнинг бир-бирлари билан мулоқотлари натижасида тилнинг ва ёзувнинг пайдо бўлиши ахборий публицистиканинг асосини ташкил этади. Кейинчалик, одамлар жамоа-жамоа бўлиб яшайбошлагач ахборотнинг роли янада ошди.

Жамият синфларга бўлингач ахборот ҳам маълум синфлар учун хизмат қила бошлади. Якка ҳукмронликлар даврида ижтимоий ахборот асосан ҳукмдорлар манфаати учун хизмат қилган бўлса, кейинчалик у кўпроқ иқтисодий манфаатларга хизмат қила бошлади, фойда орттириш манбаига айланди. Коммунистик тузум даврида у якка ҳукмрон ғоянинг оммага таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Фақат ҳақиқий демократик тузум, юксак иқтисодий ривожланган жамиятдагина ахборот кенг халқ оммасига хизмат қилади, ахборий публицистиканинг эркин фаолият кўрсатиши учун имконият яратилади.

Ахборий публицистика асосан журналистикада, оммавий ахборот воситаларида кенг зуҳур топади. Ҳали журналистика шаклланмаган даврларда унинг ижтимоий вазифаларини жарчилик, хабарчилик каби воситалар бажариб келган. Бадиий адабиётда ахборий публицистиканинг айрим элементлари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, айрим тарихий мемуар ёхуд шу кун воқеалари акс этган асарларда ахборий хусусият ўрин олади.

Фанда ҳам ахборий хусусият ўз ифодасини топади, илмий кузатишлар тадқиқотлар ҳаётдан олинган факт ва воқеа-ҳодисаларга асосланади. Аммо фанда факт ва воқеалар бирор илмий ҳулоса, кашфиёт, тадқиқотларни исботлаш, қайд этиш учун қўлланилади. Ахборий публицистика ҳам ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларни танлаб олишда, тадқиқ этишда фанга доир воситалардан илмий-мантиқий мушоҳадалардан фойдаланади. Аммо у ана шу факт, воқеа ва ҳодисалар ҳақида жамиятга тезкорлик билан хабар бериш, жамоатчилик фикрига ҳавола этиш вазифасини бажариши билан фандан фарқ қилади.

Яъни, ахборий публицистиканинг вазифаси ҳаёт фактлари, воқеа ва ҳодисаларни текшириш, уларни турларга бўлиш ва илмий хулосалар чиқариш эмас, балки улардан одамларни хабардор қилишдир.

Ахборий публицистика ижтимоий борлиқни асосан сўз ёрдамида ёритганлиги боисидан адабиёт ва санъатга ҳам яқин туради. Аммо у адабиёт ва санъат сингари ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаш билан ўқувчи (тингловчи, томоша қилувчи)ларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш эмас, бевосита онгига кириб бориш, хабардор қилиш ижтимоий вазифасини бажариши билан фарқ қилади. Шу билан биргаликда ахборий публицистика ҳаёт воқеаларини акс эттиришда адабиёт ва санъатнинг жонлантириш, образлилик каби воситаларидан фойдаланади. Аммо унинг бош вазифаси юқорида айтганимиздек ахборот бериш, хабардор қилиш бўлганлиги боисидан бу воситалар чекланган даражада, зарур ҳоллардагина қўлланилади.

Ахборий публицистика таркибида қатор жанрлар мавжуд. Булар – ахборот (хабар), кенгайтирилган хабар, репортаж, лавҳа, интервью, ҳисобот кабилардан иборат. Бу жанрларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлади ва бир-бирини тўлдириб келади. Шу билан баргаликда ҳар бир ахборий жанр ўзининг ички хил ва турларига бўлинади – бу публицистиканинг муҳим таркибий қисми, бош кўриниши бўлган ахборий публицистиканинг ҳам хилма-хил ва серкирралигидан далолат беради.

Ахборий публицистика бўйича рейтинг топшириқлари

1. Ижтимоий ахборот деган атаманинг маъносини айтинг.
2. Ахборий публицистиканинг асосини санаб беринг.
3. Ижтимоий ахборот жамият синфларга бўлингач ҳамда якка ҳукмронлик даврида кимларга хизмат қилган?
4. Ахборий публицистика қачон эркин фаолият кўрсатаолади?
5. Ахборий публицистиканинг асосий бош вазифасини айтинг.
6. Ахборий публицистика жанрларини шарҳланг.

7. Лавҳа, интервью, ҳисобот каби журналистика жанрлари ахборот публицистика таркибига кирадими?
8. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

Ахборий публицистика бўйича назорат саволлари

1. Жамият учун жамият ҳақидаги хабарлар, маълумотларни қайси ахборот тарқатади?
 2. Ижтимоий ахборот қачондан бошлаб фойда ортириш манбаига айланди?
 3. Ахборий публицистиканинг ижтимоий вазифаларини ҳали журналистика шаклланмаган даврда қайси воситалар бажарган?
 4. Ахборий публицистиканинг адабиёт ва санъатдан фарқли томонини айтинг.
- Ахборот (хабар), кенгайтирилган хабар, репортаж жанрларини изоҳлаб беринг.

Формат: Список

8.1. ХАБАР

Хабар ахборий публицистиканинг асосий, бош жанри ҳисобланади. Ахборотнинг асосий вазифаси – жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида ўқувчилар (тингловчилар, томоша қилувчилар)га хабар бериш, маълумот етказишдир. Ахборот жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётнинг барча қирраларини камраб олади. Жамият ҳаётини, инсон ижтимоий фаолиятининг ахборотда акс этмайдиган бирорта ҳам соҳаси йўқ. Юқорироқда айтиб ўтганимиздек ахборотнинг тарихи инсониятнинг дунёга келиши, одамларнинг ўзаро мулоқоти, тил ва ёзувнинг пайдо бўлиши билан бошланган.

Журналистика-ижтимоий ахборот учун энг муҳим майдон, канал ҳисобланади. Журналистикага бўлган даврда ахборот махсус хабарчилар, жарчилар орқали тарқатилганлиги маълум. Журналистиканинг пайдо бўлишига эса ахборот, одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи сабаб бўлган. Ахборот журналистиканинг тарихий тараққиёти даврида унинг асосий

жанри бўлиб келган. Бу жанр журналистикага унинг бош ижтимоий вазифаси – тасвирлаш, хабардор этиш вазифасини бажаришда хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки ахборот жанри журналистиканинг турли тарихий кўринишларидан турлича ўрин олиб келган. Авторитор журналистика гарчи бу жанрни журналистикада қўллашни бошлаб берган бўлса-да, ундан фойдаланиш маълум даражада чекланган ҳолда бўлган. Чунки бу журналистикада унинг ҳомийси бўлган ҳукмдорларнинг манфаатларига зид ахборотларнинг босилишига йўл қўйилмаган. Эркин дунё журналистикасида ахборот жанри асосий ўрин тутиб, кенг қўлланилиб келинади. Аммо бу хил журналистикада иқтисодий фойда олиш учун баъзан бу жанрни суистеъмол қилиш, “шов-шув”лари кенг ўрин бериш ҳоллари ҳам учрайди. Яъни, унда бу жанрдан керагидан ортиқ даражада фойдаланилади. Бунга қарама-карши равишда коммунистик журналистикада эса ахборот чекланган бўлиб, ундан якка ғоя ҳокимлиги йўлида фойдаланиб келинган. Фақат чинакам демократик журналистикадагина ахборот жанри кенг, ҳар тарафлама ўрин олиши мумкин.

Инсоният, жамият юқори даражадаги техник тараққиётга эришган ҳозирги даврга келиб ахборот жанри янада ривожлани ва у газета, журнал, радио, телевидениедан ташқари ахборот агентликлари ва интернетда ҳам бош ўринни эгаллаб келмоқда. XXI асрни ахборот асри деб айтиш мумкин.

Ахборот жанрининг асосида биринчи ўринда факт туради. Факт лотинча “*factum*” сўзидан олинган бўлиб, қилинган иш деган маънони билдиради. Ахборотнинг асосида ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса туради, лекин ҳар қандай факт воқеа ва ҳодиса ҳам ахборот учун асос бўла олмайди. Аввало бу фактнинг ижтимоий аҳамияти, асос бўла олмайди. Аввало бу фактнинг ижтимоий аҳамияти, яъни, жамият учун, шу кун, шу давр учун керак-нокераклиги муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётига тааллуқли, ўз моҳияти билан керакли, типик бўлган факт, воқеа ва ҳодисагина ахборот учун асос бўла олади. Бунда ана шу факт,

воқеа ва ҳодисанинг янгилиги биринчи даражали аҳамият касб этади.

Янгилик – илгари маълум бўлмаган, эндигина юз берган воқеа, ҳодисадир. Бундай воқеа ва ҳодисанинг ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтганлиги – факт ҳисобланади. Жамият ёки дунёда эндигина юз берган ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий аҳамияти билан кўпчиликда қизиқиш уйғотувчи воқеа ва ҳодиса, факт ёки фактлар йиғиндиси янгилик ҳисобланади. Бу фактлар албатта текширилган, аниқ бўлиши шарт. Шу боисдан ахборотнинг ишончли бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Журналистиканинг асосий тамойилларидан бири ҳаққонийлик бўлганидай унда босиладиган, эълон этиладиган, кўрсатиладиган ҳар қандай воқеа ва ҳодиса, келтирилган фактлар ҳаққоний бўлиши шарт.

Ахборот жанрига қўйиладиган талаблардан бири унинг аудитория — ўқувчилар, эшитувчилар, кўрувчилар учун тушунарли бўлишидир. Аниқ фактларга асосланган ва тушунарли бўлган ахборотгина ўз ижтимоий вазифасини бажара олади. Аксинча, текширилмаган фактлар устига қурилган, пала-партиш, тушунарсиз ахборот журналистиканинг фаолиятига футур етказди. Бирор воқеа ва ҳодисани кечикиб, эскиртириб берилиши журналистика ижтимоий вазифасининг бажарилишига монелик қилади. Электрон техника юқори даражада тараққий этган ҳозирги даврда дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг ўша жойнинг ўзида, ўша пайтда бевосита эфирга узатилиши, телевидениеда тўғридан-тўғри олиб берилиши, журналистикада тезкорлик билан ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Ахборот ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларнинг тафсилотини ўрганишда илм-фанда қўлланиладиган услубга таянади. Яъни, мазкур факт, воқеа ҳодисанинг моҳиятини очиб беришда мантикий мулоҳаза унга асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда ахборот ҳаёт воқеаларини акс эттиришда асосан сўздан (радиода товушдан, телевидениеда сўз ва тасвир бирлашмасидан, фото хабарда эса фотосуратдан) фойдаланади. Шу нуқтаи назардан ахборотда адабий ижод, санъат элементлари

ҳам иштирок этади. Аммо у – соф бадий, санъат жанри бўлмасдан, ижоднинг ўзига хос кўриниши бўлмиш публицистик тасвирга, хабардор этишга асосланади. Чунки ахборотда публицистик рух, тасвир биринчи ўринда туради. Публицистиканинг бошқа жанрлари каби ахборот ҳам жамоатчилик фикрига янги факт, воқеа, ҳодиса тафсилоти, янги фикр етказди ва уни уйғотади. Бу ахборотнинг бош хусусиятидир.

Жамоатчилик фикрини уйғотмайдиган курук, юзаки ахборот журналистиканинг ижтимоий вазифаларининг бажарилишига тўсқинлик қилади. Ахборот журналистика тамойилларини ҳам ўзида акс эттиради ва умуминсоний, халқчил, миллий, ҳаққоний бўлиши шарт.

Ҳозирга келиб жаҳон журналистикаси юксак даражада тараққий этиб, ахборот йиғиш ва тарқатишнинг умумжаҳон бозори пайдо бўлди. Бу эса ахборот жанри олдига рақобатбардошлик талабини ҳам қўяди. Бунда ахборотнинг янгилиги, солмоғи, долзарблиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги асосий аҳамият касб этади.

Ахборот жанри журналистика, оммавий ахборот воситаларининг барча кўринишларида — газета, журнал, радио, телевидение ва интернетда асосий ўрин эгаллайди. Дунёдаги ахборот агентликлари оммавий ахборот воситаларини ахборот билан таъминлаб туради. Ахборот қайси оммавий ахборот воситасида берилишига қараб алоҳида хусусият касб этади. Масалан, газета ва журнал ахбороти, радио ахбороти, телевидениедаги ахборий кўрсатувлар, интернетдаги сайдлар бунга мисол бўлади.

Ахборот жанри ижтимоий ҳаётни ёритиш нуқтаи назаридан турли хилларга бўлиниб кетади. Аввало ахборотлар ички ва ташқи ахборотларга бўлинади. Ички ахборотлар мамлакатнинг (ёки ўша журналистика нашри чиқадиган ҳудуднинг) ички воқеалари ҳақида бўлса, ташқи ахборотлар мамлакат ташқарисида юз берган воқеалар ҳақидадир. Ички ахборотлар журналистика нашри мухбирлари томонидан тайёрланса, ташқи ахборотлар бошқа журналистика нашрларидан, ахборот

агентликларидан, шу нашрнинг чет элдаги мухбирларидан (агар бор бўлса) олинади. Ҳозирги даврга келиб ташқи ахборотларни бевосита интернетдан ҳам олиш мумкин.

Ахборотлар шу билан биргаликда расмий ва норасмий (оддий, кундалик) ахборотларга ҳам бўлинади. Расмий ахборотлар одатда расмий идоралар томонидан ва ахборот агентликлари орқали берилади. Норасмий ахборотлар эса мухбирларнинг материаллари, таҳририятга келган хатлар, журналистика материаллари асосида тайёрланади. Ахборотлар шу билан биргаликда кичик (қисқа) ва кенгайтирилган ахборотларга ҳам бўлинади. Қисқа ахборотларда ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларнинг энг асосий моҳияти ҳақида қисқа шаклда хабар берилади. Бундай ахборотлар газеталарда сарлавҳасиз ёки “Янгиликлар”, “Шу куннинг хабарлари”, “Оламда нима гап?”. “Республикамиз ҳаётдан” каби рукнлар остида берилиши мумкин. Радио ёки телевидение орқали эса “Янгиликлар”, “Хабарлар”, “Ахборот” рукнлари остида кўрсатилади. Россия телевидениеси томонидан бериб бориладиган “Вести” («Хабарлар»), “Новости” («Янгиликлар»), “Время” («Вақт») каби ахборот кўрсатувлари шулар жумласидандир. Мазкур ахборотлар оммавий ахборот воситаларининг қайси ҳудудда чиқишига қараб “Вилоят хабарлари”, “Туманимизда” каби рукнлар остида берилиши мумкин.

Кенгайтирилган хабарлар эса факт, воқеа ва ҳодисаларнинг асосий моҳияти билан бир қаторда унинг муҳим тафсилотларини ҳам ўзида акс эттиради. Бундай хабарлар ўзига тегишли сарлавҳа билан берилади. Радио ва телевидениега ҳам бундай хабарларга кенг вақт ажратилади.

Хабарлар шу билан баргаликда тематик ёки нотематик бўлиши мумкин. Тематик хабарлар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳаси ҳақида ахборот беради. Бундай ахборотлар газеталарда “Вилоятлардан дараклар”, “Маданият хабарлари”, “Тиббиёт янгиликлари”, сингари рукнлар остида берилади.

Нотематик хабарлар эса бир неча мавзуга бағишланган бўлиши мумкин. Бундай хабарлар “Ҳар соҳадан бир шингил”, “Кеча ва бугун” ва бошқа рубрикалар остида берилиши мумкин.

Хабарлар ижобий ва танқидий бўлиши ҳам мумкин. Ижобий хабарлар юқоридаги каби кўринишларда бўлса, танқидий хабарлар “Таҳририятга хатлар”, “Луқма”, “Ташвишли сигнал” сингари рукнлар остида берилади. Айрим газета ва журналларда ҳар бир хабарга, шу жумладан танқидий хабарга мос келадиган алоҳида рукн ҳам берилиши мумкин. Ҳажвий журналларда эса бир неча ҳажвий (танқидий) хабарлар умумий рукн остида босилиши ҳам мумкин.

Ахборотнинг тили ва услуби ҳам ўзига хос бўлиб, ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисалар ҳақида қисқа, лўнда, ёрқин ва тушунарли тилда ёзилиши лозим. Унда узундан узоқ жумлалар, фикр-мулоҳазалар, ноаниқ фикрларнинг бўлиши асло мумкин эмас. Шунингдек, ахборотда ортиқча ўхшатиш, муболаға ва бошқа адабий воситалар ишлатилмайди. Айрим образли иборалар, бадиий-ижодий сўзлар фақат жуда зарур ҳоллардагина (масалан ҳажвий ахборотларда) ишлатилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари учун ахборот олиш манбалари хилма-хил. Аввало – ижтимоий-сиёсий ҳаёт, расмий идоралар, иқтисодий-ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, маданият муассасалари ахборот олиш манбаи ҳисобланади. Шу билан биргаликда ўтказиладиган журналистика анжуманлари, расмий мажлислар, идораларнинг журналистика хизмати томонидан тарқатиладиган ахборотлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ахборий агентликларнинг ахборотлари ҳам бу ўринда асосий манба ҳисобланади. Шунингдек, интернет ва бошқа журналистика нашрлари ҳам ахборотни кенгроқ олинishiга хизмат қилади. Таҳририятга келган хатлар, жамоатчи мухбирларнинг материаллари ҳам ахборот учун қимматли манбадир.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот жанри журналистикани ҳаёт билан боғлаб турувчи асосий восита ҳисобланади.

Қуйида ахборотнинг айрим турларига доир мисоллар келтирамиз:

Расмий ахборот:

Сенат сайлови якунланди.

Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат аъзоларининг сайлови ниҳоясига етди. 20 январь куни Наманган,

Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш Қонунда ва Марказий Сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Таъкидламоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда Сенатга бўлиб ўтган илк сайлов юксак савияда ташкил этилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сафларидан олий давлат вакиллик қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлисга тегишли ҳудуд манфаатларини муносиб намоён этишга лаёқатли вакилларни сенатор этиб сайладилар.

Халқимизнинг икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги хоҳиш–иродасини рўёбга чиқаришга қаратилган ушбу улкан ижтимоий–сиёсий тадбир мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим кадам бўлди.

ЎЗА

«Халқ сўзи» газетаси,
2005 йил, 21 январь.

Ички ахборот:

«Шарқ» йўлга тушди

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбектемирйўлйўловчи» очик акциядорлик жамимяти Мустақиллик байрами шодиёналари давом этаётган кунларда яна бир хайрли ишга қўл урди. Шу йилнинг 5 сентябридан «Шарқ» тезюарар поезди «Тошкент–Бухоро» йўналиши бўйлаб қатнай бошлади. Энди республикамиз меҳнаткашлари ҳамда унинг меҳмонлари саккиз соат ичида қадим Бухоро шаҳрига етиб бориш имкониятига эга бўлишди. «Шарқ» тезюарар поезди ҳар куни йўлга чиқади. Замонавий, қулай ва шинам вагонлар тўрт юз эллик нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

«Халқ сўзи» газетаси,
2005 йил, 7 сентябрь.

Ташқи ахборот:

Халқаро энергетика агентлиги раҳбари Клод Мандиль Дунё бўйича энергетика инқирози бошланаётганлигини маълум қилди. Саноатлашган мамлакатлар ўз нефть захираларидан кунига 2 миллион баррель нефтни бозорга чиқаришга қарор қилган. Душанба куни Дунё биржаларидаги нефть нархи 1 баррель учун 67,57 долларга етган.

«Халқ сўзи» газетаси,
2005 йил, 6 сентябрь.

Мустақилликка эришган республикаимиз журналистикаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ахборот жанри кенг қўлланилиб келинмоқда. Мазкур жанр мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ислохотларнинг бориши, жамиятимизнинг ички ҳаётини ҳамда дунё воқеаларини ёритишда хизмат қилмоқда. Республикаимизда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” каби қонунлар ахборот жанрининг кенг қўлланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хабар бўйича рейтинг топшириқлари

1. Ахборий публицистиканинг асосий, бош жанрини айтинг ва уни изоҳлаб беринг.
2. Журналистика пайдо бўлгунча ахборот қандай тарқатилган?
3. Хабар қандай вазифани бажаради?
4. Авторитар журналистика даврида хабарнинг ўрни.
5. Ахборот жанрининг асосида биринчи ўринда факт туришини шарҳлаб беринг.
6. Ахборотга нималар асос бўлади?
7. Ахборотнинг бош хусусиятини айтинг.
8. Ахборат журналистиканинг қайси тамойилларини ўзида акс эттиради?
9. Ахборот хилларини шарҳлаб беринг.
10. Расмий ва норасмий ахборотларни изоҳланг.

Хабар бўйича назорат саволлари

1. Хабар жанрини суистеъмол қилиш қачон бошланган эди?
2. Хабар қачон чекланган даражада фаолият юритган?
3. Ахборот жанри қачон эркин фаолиятга эга бўлади?
4. Ахборотнинг ижтимоий вазифасини айтинг.
5. Ахборотда тезкорлик нима учун керак?
6. Ахборотга бугун нега рақобат бардошлик талаби қўйилади?
7. Ички ва ташқи ахборотларни изоҳланг.
8. Тематик ва нотематик хабарларга мисол айтинг.

8.2. ҲИСОБОТ

Ахборий публицистиканинг асосий жанрларидан бири ҳисоботдир. Ҳисобот сўзи арабча бўлиб, ҳисоб бериш, яъни ўз ишлари, топшириқнинг бажарилиши ва шу кабилар ҳақида ўзидан юқорида турувчи бошлиққа, ташкилот ва жамоатчиликка оғзаки ёки ёзма равишда бериладиган расмий ахборот деган маънони билдиради. Журналистика ҳисоботи эса бўлиб ўтган бирор муҳим йиғин, анжуман ёки оммавий байрам ва бошқа тадбирлар, воқеа ва ҳодисалар, жумладан, суд мажлиси, журналистика конференцияси ҳақида ёзилган ахборотдир. Унда мазкур йиғин, анжуман ёки оммавий тадбир, воқеа ва ҳодисанинг асосий мазмуни, моҳияти, тафсилоти ўз ифодасини топиши керак.

Одатда ҳисобот парламент мажлиси, ҳукумат идоралари ва жамоат ташкилотларининг муҳим йиғинлари ҳақида, шунингдек, ўтказилаётган оммавий байрамлар, санъат анжуманлари, спорт мусобақалари ва шу сингари йирик, аҳамиятли воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилади. Ҳисобот худди ахборот сингари кўпчилик учун қизиқарли, янгилик бўлган тадбир, воқеа ва ҳодисаларни ўзида акс эттириши лозим. Яъни, у ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши, жамоатчилик фикрини қўзғата олиши керак. Арзимаган, кўпчилик учун аҳамиятсиз бирор йиғин ҳақидаги, умумий гаплардан иборат бўлган ҳисоботлар журналистика нашрининг обрўсини туширади, ўқувчини зериктиради.

Ҳисобот ҳам худди хабар сингари шаклан икки хил - қисқа ва батафсил бўлиши мумкин. Қисқа ҳисоботда ўша анжуман, тадбир ёки воқеа-ҳодисанинг бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар қилинса, батафсил ҳисоботда эса юқорида қайд этилганлар тўлалигича ёритилади. Ҳисобот шу билан биргаликда расмий ёки муаммоли, таҳлилий ҳам бўлиши мумкин. Расмий ҳисобот расмий идоралар томонидан (ёки расмий ахборот агентлиги орқали) тарқатилади. Норасмий ҳисобот эса мазкур анжуман, тадбир, воқеа-ҳодисани ёритиш учун махсус юборилган оммавий ахборот воситасининг муҳбири – журналист томонидан ёзилади. Унда қатнашчиларнинг сўз ва фикрлари ҳам берилиши мумкин.

Бундай ҳисоботлар ўқувчи (эшитувчи, кўрувчи)да мазкур анжуман, тадбир ёки воқеа, ҳодисалар ҳақида тўла тушунча ҳосил қилиши лозим. Ҳисоботнинг иккинчи хили – тематик, яъни бирон-бир мавзуга қаратилган турида эса журналист томонидан муҳим, биринчи даражали деб топилган бирор мавзу, ҳамда у муаммоли, таҳлилий бўлиши мумкин. Бундай ҳисоботлар асосан уч турга – умумий ҳисобот, бирор мавзуга қаратилган ёки шарҳли ҳисоботга бўлинади. Умумий ҳисоботда хабар берилаётган анжуман, оммавий тадбир, воқеа ва ҳодисалар хронологик тартибда — бир бошдан, батафсил баён этилади.

Бунда анжуман, тадбир, воқеа, ҳодиса қандай бошланганлиги, кимлар иштирок этганлиги, анжуман бўлса унда кимлар сўзга чиққанлиги, қандай ҳужжатлар қабул қилинганлиги, оммавий тадбир ва спорт мусобақалари бўлса қандай ўтганлиги, нималар бўлганлиги, кимлар қандай натижаларга эришилганлиги тўла баён этилади. Айрим анжуманлардан ёзилган ҳисоботларда у ерда сўзга чиққан нотикларнинг нутқи ва маърузалари тўлалигича келтирилиши, байрам, тадбир иштирокчилари, спорт мусобақалари масала, муаммо биринчи ўринга қўйилади ва ўша анжуман, тадбир, воқеа ва ҳодисада бу масала қандай аҳамият касб этганлиги, қандай муҳокама этилганлиги, қандай ечимини топганлиги ҳақида фикр юритилади, ўз мулоҳазалари айтилади, ижобий ёки танқидий нуктаи назардан таҳлил қилиниб, публицистик хулосалар чиқарилади.

Бундай ҳисобот у ёки бу муаммо бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишда муҳим роль ўйнайди. Учинчи хил ҳисобот – шарҳли ҳисобот бўлиб, унда анжуман, воқеа ёки ҳодисанинг тафсилоти баён этилиши билан бир қаторда унинг у ёки бу томони, муаммо ва масалаларига алоҳида шарҳлар ҳам илова қилиниши мумкин. Бу ҳам юқоридаги – маълум мавзуга бағишланган таҳлилий ҳисоботга яқин туради.

Ҳисобот оммавий ахборот воситаларининг қайси бир турида ёритилишига қараб газета ҳисоботи, журнал ҳисоботи, радиоҳисобот, телеҳисобот бўлиши мумкин. Турган гапки журналистика — газета ва журнал ҳисоботидан фарқли равишда радио ва телеҳисобот бевосита овоз ва тасвир қўшилиши билан

Ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Оммавий ахборот воситаларининг қайси бир турида бўлмасин ҳисобот ёзиш ва тайёрлаш журналистдан катта меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Ҳисобот ёзувчи, тайёрловчи журналист аввало мазкур анжуман, тадбир, воқеа ва ҳодисанинг мазмуни, моҳиятини англаб олиши, уни тўлалигича қамраб, фактларни, исмларни, қарор ва ҳужжатлар, натижаларни аниқлаб олиши керак. Шундан сўнггина у тўплаган факт ва маълумотларни тушунарли ва лўнда қилиб баён этиб бериши лозим. Ҳисоботнинг ички тузилиши унинг қайси турда ёзилишига боғлиқ. Умумий ҳисобот маълум шаклга эга бўлиб, у бошидан охиригача бирма-бир баён этилади. Маълум мавзуга бағишланган ҳисобот эса эркин тарзда ёзилиши, асосий эътибор кўтарилаётган муаммога қаратилиши мумкин. Шарҳли ҳисобот ҳам шундай хусусиятга эга.

Ҳисоботнинг тили ва услубига келсак у асосан жиддий, публицистик услубда ёзилади. Ҳисоботда айрим ўхшатиш, жонлантириш, образлилик ҳам жой олиши мумкин. Аммо бу воситалар ҳисоботнинг умумий мазмуни, ундан чиқариладиган публицистик хулосага хизмат қилади. Шунингдек, айрим ҳолларда адабий-бадний ёки ҳажвий услубда ёзилган ҳисоботлар ҳам учрайди.

Ҳозирги давр ўзбек журналистикаси, радио ва телевидениесида ҳисобот жанри кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу жанр мамлакатимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-иқтисодий воқеалар, Олий Мажлис сессиялари, ҳукумат идоралари, вазирликлар, жамоат ташкилотларида бўлиб ўтадиган муҳим анжуманлар, оммавий тадбирлар ва бошқа муҳим воқеа ва ҳодисаларни ёритишда хизмат қилмоқда. Қуйида биз ҳисоботнинг айрим кўринишлари бўйича мисоллар келтирамиз:

Расмий ҳисобот:

Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур комиссиянинг 2005 йилги режаси асосида миллий радиочастоталар ресурсларидан самарали фойдаланиш ишлари тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Шунингдек, давлат алоқа инспекциясининг 2005 йил биринчи ярмидаги иш якунлари, телерадиодастурлар тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар мониторингининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этилган натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳукуматимизнинг оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва телерадио кўрсатувлари соҳасида радиочастоталар спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама этди. Муҳокама чоғида бу борадаги ижро интизомини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этди. Телерадио дастурларини тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиш ҳамда эшиттиришларнинг ҳудудий кўламини кенгайтириш ҳақидаги аризалари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

В.Николаев,
ЎзА мухбири.

Хулоса қилиб айтганда, ҳисобот жанри ҳаётнинг шу кундаги энг муҳим воқеаларини, бўлиб ўтган муҳим анжуман ва бошқа ҳодисаларни ёритишда газеталар, журналлар ҳамда радио ва телевидение учун қўл келувчи долзарб жанр сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Ҳисобат бўйича рейтинг топшириқлари

1. Журналистика ҳисоботи деган иборани шарҳланг.
2. Ҳисобот шаклан неча хилга бўлинишини таърифлаб беринг.
3. Расмий ёки муаммоли, таҳлилий ҳисобот ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ҳисоботлар турларини сананг.
5. Шарҳли ҳисоботга мисол айтинг.
6. Газета-журнал ҳисоботи билан телевидение ва радио ҳисоботи орасидаги фарқни биласизми?
7. Адабий-бадий ёки ҳажвий услубдаги ҳисоботларни шарҳланг.

Ҳисобат бўйича назорат саволлари

1. Қисқа ва батафсил ҳисоботни тушунтириб беринг.
2. Расмий ва норасмий ҳисоботга мисол келтиринг.
3. Ҳисоботларнинг умумий ҳамда бирор мавзуга қаратилган турлари ҳақида айтиб беринг.
4. Радио ва телеҳисоботнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

8.3. ИНТЕРВЬЮ

Оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланиладиган ахборий жанрлардан бири интервьюдир. Бу сўз инглизча бўлиб «сўраб олиш, суриштириш» деган маънони билдиради. Мазкур жанрнинг журналистикада кенг учрашининг сабаби шундаки ҳаётдаги ҳар бир факт, воқеа ва ҳодисанинг қандай бўлиб ўтганлиги, тафсилоти одатда шу фактдан хабардор бўлган, воқеа, ҳодисани кўрган-билган одамлардан сўраб-суриштириб билинади, кейингина бирор жанрдаги журналистика материалига асос бўлади. Шу боисдан сўраш, суриштириш аввало, ҳаётни билиш воситаси бўлса, унинг журналистикадаги акси эса ахборий публицистиканинг энг муҳим, кенг тарқалган, оммабоб жанри ҳисобланади.

Бу жанр жамият ҳаётининг барча — ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилади. Шу билан баргаликда у оммавий ахборот воситалари – газеталар, журналлар, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернетдан доимий жой олиб келади. Аввало интервью расмий ва норасмий хилларга бўлинади. Расмий интервьюлар асосан ҳукумат раҳбарларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бирор муҳим воқеа – расмий учрашув, сафар, йирик анжуман ва зарур саналарга ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирларга бағишланиб ўтказилган пресс-конференциялардан берилади.

Норасмий интервью эса журналистлар томонидан у ёки бу воқеа, ҳодиса ҳақида ёзилади.

Интервью шакл жиҳатидан икки хил — ахборий ва таҳлилийга бўлинади. Ахборий интервьюда сўров, суриштирув натижасида олинган факт, аниқланган воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар қилинади ҳамда бу хабар, ахборот ким томонидан айтилганлиги, факт ва маълумотлар кимдан олинганлиги айтилиб, қисқача тарзда берилиши мумкин.

Бу жиҳатдан у хабар жанрига яқин туради. Таҳлилий интервью эса суҳбат деб аталади ва унда таҳлилий публицистика хусусиятлари асосий ўрин эгаллайди. Шунини таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда интервьюнинг ахборий ва таҳлилий хусусиятлари

бирлашиб кетиши, яъни у орқали ҳам хабар ва маълумотлар берилиши ва фикр—мулоҳазалар билдирилиши ҳам мумкин.

Ўз тузилиши жиҳатидан интервью икки хил- интервью диалог ва интервью монолог шаклида ҳам бўлиши мумкин. Интервью диалогда мухбир ва суҳбатдош ўзаро савол-жавоб қилишади. Бу савол-жавоб тайёрланиш жараёнида тўғридан-тўғри оғзаки кўринишда ёки ёзма савол-жавоб тарзида олиб борилади. Республикамизнинг машҳур кишилари, фан арбоблари, ёзувчилар, санъаткорлар, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлардан олинган интервьюлар журналистикамизда, радио ва телевидениеда турли рукнлар остида тез-тез бериб борилади.

Кўриниб турибдики, интервью жанрининг бу асосий кўриниши жамият ҳаётининг барча муҳим томонлари ҳақида хабар беришда кенг қўлланилади.

Интервьюнинг иккинчи бир кўриниши интервью монолог бўлиб, унда мухбир берган биргина саволга суҳбатдош томонидан берилган жавоб ўз аксини топади. Бундай интервью одатда ҳаётдаги бирорта муҳим ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий масала ёки муаммони ёритиш учун қўлланилади. Бунда суҳбатдошнинг жавоби унинг тилидан ёки журналистнинг тилидан, шарҳланиб берилиши мумкин. Бундай интервью одатда ҳажм жиҳатдан диалог-интервьюдан кичикроқ бўлади.

Интервьюнинг яна бир шакли журналистика анжумани — пресс-конференциялардан олинади ва уларда оммавий ахборот воситалари мухбирларига ҳаётнинг муҳим масала ва муаммоси ҳақида маълумот берилади ҳамда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилади. Бу усул умумжаҳон миқёсида кенг қўлланилиб келинади. Республикамизда ҳам ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича пресс-конференциялар мунтазам равишда ўтказиб турилади.

“Тўғридан-тўғри мулоқот” рукни остида бериладиган интервьюларда эса бирор бир давлат арбоби кўпчиликнинг саволларига жавоб беради. Бундай ўзига хос интервью кўпинча радио ва айниқса телевидение орқали ўтказилади. Бирор мавзу бўйича кўча-кўйда ўткинчилардан фикр сўраш, суд жараёнида

интервью олиш ҳам ана шулар жумласидандир. Шунингдек, таҳририятга келган хатлар, махсус сўровномалар тарқатиш орқали саволларга жавоб олиб бориш ҳам мазкур жанрнинг муҳим кўринишлари ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, интервью жанри турли, ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётни кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт, воқеа ва ҳодисалардан ўқувчиларни хабардор қилиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади. Энг оммабоп, тезкор ва таъсирчан бу жанр журналистдан жуда катта меҳнат, топқирлик ва маҳорат талаб қилади. Журналист аввало ҳаётни муттасил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотадиган факт, воқеа ва ҳодисаларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгроқ маълумот бера оладиган одамларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши, ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим. Интервьюни ёзиш (тайёрлаш) чоғида журналист аввало фактларнинг аниқлиги, воқеа, ҳодиса тафсилотларининг ҳаққонийлигига эътибор бериши лозим.

Интервьюнинг қайси шаклда ёзилиши унинг қайси мавзу, масала ва муаммога бағишланганлиги, ижтимоий аҳамиятига боғлиқ.

Журналист интервью олишда маълумот олаётган одамга ўша воқеа, ҳодисанинг моҳиятини очиш учун зарур бўлган саволларни ўз вақтида бера олиши ва уларга тегишли жавоб ола билиши лозим. Журналист мўлжалга урадиган, қисқа, лўнда саволлар бериб, суҳбатдошдан ҳам шундай жавоб олишга эришиши муҳим. Кераксиз тафсилотлар, ортиқча сўзлар интервью учун тўғри келмайди, унинг аҳамиятини пасайтиради. Энг муҳими кўпчиликка, жамоатчиликка янгилик, янги факт, янги маълумотлар етказишдир.

Интервьюнинг композициясига келсак унинг қай тарзда тузилиши юқорида айтганимиздек унинг мавзусидан ва журналист томонидан танланган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Интервьюнинг тили ва

услуги масаласига келсак у одатда жиддий, публицистик тилда ёзилади.

Интервью жанри жаҳон журналистикасининг асосий жанри ҳисобланади. Дунёда чиқиб турадиган деярли барча газеталар, журналлар саҳифаларида бу жанрга оид материалларни қўплаб ўқиш мумкин. Ўтган асрнинг охирларида рус журналистикасида фаолият кўрсатган машҳур журналист В.Песков интервью жанрининг устаси эди. Унинг «Комсомолская правда» газетасининг деярли ҳар сониди босиладиган қисқа, лўнда, аммо сермазмун интервьюларини газетхонлар қизиқиб ўқирдилар. Журналистнинг 1962 йил 12 апрелда коинотга учирилган биринчи космонавт Ю.Гагариндан олган интервьюси инсоннинг коинотга чиқишидек тарихий воқеанинг буюк моҳиятини очиб берган қисқа, ёрқин асар сифатида журналистика тарихида қолган эди.

Ўзбек журналистикасида ҳам интервью жанри ўзига хос ўринга эга бўлиб, бу жанрнинг ҳам усталари мавжуд. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида «Қизил Ўзбекистон» газетасида фаолият кўрсатган журналист Абдулла Пўлатов ҳам бу жанрнинг устаси саналар эди. У ҳар куни газета учун бирор қизиқарли, «теша тегмаган» янгилик топиш учун тинмай изланар, тер тўкарди. У газета саҳифаларида ёритилган ана шундай ижодий ёрқин интервьюлари, хабарлари учун ўз касбдошлари томонидан «ахборот кироли» деб ном олган эди.

Мустақил Ўзбекистон журналистикаси, радио ва телевидениесида шу кунда ҳам интервью жанридан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу оммабоп жанр республикамиз оммавий ахборот воситалари учун ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий соҳалардаги энг долзарб, қизиқ ва керакли факт ва маълумотларни ўқувчига етказишда муҳим роль ўйнайди.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 31 август сониди журналист У.Ҳакимжоновнинг машҳур ўзбек боксчиси Муҳаммадқодир Абдуллаевдан олган интервьюси ўрин олган. Унда мухбир боксчига қисқа–қисқа саволлар беради ва шу хилда жавоблар олади. Бу материалда ўзбек спорт устасининг чет эллардаги бокс бўйича бўлган «жанг»ларда эришган юксак

натижалари ва унинг келгусидаги режалари ёрқин баён этиб берилган. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 30 июль сонидида босилган «Санъаткор билан учрашув» деб ном олган интервьюси эса санъат масалаларига бағишланган. Журналист Ф.Файзиев таниқли санъаткор Муяссар Раззоқовадан унинг ижодидаги янгиликларни сўраб билади ва газетхонларга маълум қилади.

Интервью радио ва телевидениенинг ҳам энг кўп қўлланиладиган, доимий жанри ҳисобланади.

Интервью бўйича рейтинг топшириқлари

1. Интервью сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Интервьюнинг хилларини биласизми?
3. Интервьюнинг шакл жиҳатига бўлиниши ҳақида нима биласиз?
4. Интервьюнинг тузилиши жиҳатидан бўлинишини айтинг ва уларни шарҳланг.
5. Пресс-конференциялардан олинган интервьюлар ҳақида сўзлаб беринг.
6. “Тўғридан-тўғри мулоқат” рукни остидаги интервьюга мисоллар келтиринг.
7. Нега интервьюни энг оммабоп, тезкор ва таъсирчан жанр деймиз?
8. Ўзбек журналистикасида интервьюга мисоллар айтинг.

Интервью бўйича назорат саволлари

1. Расмий ва норасмий интервьюга мисол айтинг.
2. Ахборот ва тахлилий интервью ҳақида фикрингиз.
3. Интервью-диалог ҳамда интервью монологни шарҳланг.
4. Бирор мавзу бўйича кўча-кўйда ўткинчилардан фикр сўраш, суд жараёнида интервью олиш ҳақида фикрингиз.
5. Махсус сўровнома тарқатиш орқали саволларга жавоб олишнинг кўринишлари.
6. Интервьюнинг тили ҳақида нима дейсиз?

8.4. РЕПОРТАЖ

Ахборий публицистиканинг асосий жанрларидан бири репортаждир. Репортаж сўзи лотинча *reportare* – етказиб бериш деган маънони билдиради. Репортаж – воқеа, ҳодисаларни бевосита, жонли акс эттирувчи, тезкор ёритиб берувчи ахборий жанр. Унинг оддий хабардан фарқи шуки, хабарда ҳаётдан олинган факт, воқеа, ҳодисалар умумий, яъни қайд этиш тарзида баён этилса репортажда факт, воқеа ва ҳодисалар ҳақида бевосита, ўша воқеа, ҳодиса бўлиб ўтаётган пайтда, шу воқеа ва ҳодисалар юз бераётган жойдан тўппадан-тўғри хабар берилади, бошқача қилиб айтганда ҳаёт воқеалари қайд этилмайди, балки ҳаракатда, жонли тасвирланади, ҳамда бу жараёнда журналист бевосита иштирок этади. Қисқача қилиб айтганда репортаж — жонли ахборотдир. Ахборотнинг бу оммабоп жанри билан шуғулланувчи, яъни репортаж ёзувчи (олиб борувчи) кишиларни репортёр (ёки шарҳловчи) дейилади.

Репортаж ахборотнинг ўзига хос, жонли кўриниши бўлганлиги боисидан унда ахборот бериш, хабардор қилиш билан бир вақтда тасвирлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш каби хусусиятлар ҳам мавжуд. Яъни, репортажда хабар, ҳисобот жанрларининг кўринишлари ҳам ўз ифодасини топади. Шу билан баргаликда унда факт, воқеа ва ҳодисалар ҳақида уларнинг иштирокчиларидан сўраб-суриштириш, фикрларини билиш ҳам талаб этилади. Бу эса репортажда суҳбат (интервью) жанри хусусиятлари ҳам бўлишини кўрсатади. Воқеа, ҳодисалар ҳақида бевосита, тўппадан-тўғри хабар бериш, тасвирлаш талаби эса мазкур жанрда бадиий адабиётнинг ҳикоя жанрига хос бўлган тасвирий воситалар ҳам қўлланилишини талаб этади. Бу эса ўз навбатида журналистика билан адабиётнинг бир-бирига яқинлиги, иккаласи ҳам ҳаётни тасвир этишда сўздан фойдаланишидан келиб чиқади.

Аммо журналистиканинг бошқа жанрлари каби репортажнинг бош хусусияти, унга қўйиладиган асосий талаб унинг публицистиклигидир. Журналист (репортер) репортажда аввало жамиятнинг шу куни, айна замони учун ижтимоий аҳамиятли факт, воқеа ва ҳодисани танлаб олади ҳамда унга шу

кун, айна замон нуқтаи назаридан ёндошади, тасвирлайди, таҳлил қилади ва ҷамият учун зарур, керакли публицистик хулосалар чиқаради. Бу эса репортажда ахборий, хабардор қилиш хусусияти билан бирликда унда маълум даражада таҳлилий томонлари ҳам борлигини кўрсатиб туради. Яъни, репортаж шарҳ билан яқин турганлиги боисидан репортёрларни шарҳловчилар ҳам деб юритилади.

Репортаж ҷамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши, ўзида акс эттириши мумкин. Яъни, репортаж муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар юз бераётган жойлардан, пахта далаларидан, саноат корхоналаридан олиб борилиши, оммавий маданий-маънавий тадбирлар, масалан, байрамлар, спорт мусобақалари ҳақида ҳикоя қилиши мумкин. Шу билан биргаликда репортаж кундалик, оддий воқеалар ҳақида эмас, ўз ижтимоий аҳамият жиҳатидан янгилик бўлган, энди воқеа бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни акс эттиради.

Репортаж акс эттираётган объекти нуқтаи назаридан воқий репортаж, мавзуй (тематик) репортаж, муаммоли репортаж, репортаж – шарҳ кабиларга бўлинади. Воқий (воқеабанд) репортаж ҳаётда юз берган бирор муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ёки маданий-маънавий воқеа ва ҳодиса ҳақида ҳикоя қилади. Бунга мамлакат ҳаётида юз берган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар — парламент мажлиси, ҳукумат раҳбарларининг расмий сафарлари ва учрашувлари, йирик анжуманлар ҳақидаги репортажлар мисол бўла олади. Шунингдек мамлакат ҳаётида ёки чет элларда юз берган муҳим ғавқулодда ҳодисалар – уруш кўринишлари, террористик ҳодисалар, табиат ҳодисалари ва бошқалар ҳақидаги репортажлар ҳам шу турга киради.

Мавзуй репортажлар эса маълум мавзуга бағишланган бўлади. Масалан, журналист (репортер) ҷамият ҳаётидаги бирор бир мавзу, масалан, бирор шиғохонанинг фаолияти, илмий муассасаларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, ёки болаларнинг ёзги дам олишлари каби ва бошқа мавзуларни ўрганиб, ўша жойлардан репортаж олиб бориши мумкин. Бундай

репортажлар шу соҳада олиб борилаётган ишларни ёритади, турли илмий, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида ҳикоя қилади. Албатта, бу хил репортажларда ҳам бу жанрнинг асосий хусусиятлари, шу жумладан публицистик тадқиқот асосий ўрин тутади.

Муаммоли репортаж эса ҳаётнинг маълум бир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ёки маданий-маънавий муаммоларни ёритишга бағишланган бўлади. Масалан, журналист ҳаётда учрайдиган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ёки бирор бошқа ноҳуш ҳоллар ҳақида махсус репортажлар тайёрлаши мумкин. Бунда у шу соҳадаги факт, воқеа ва ҳодисаларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб бу муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиши мумкин. Репортаж – шарҳ бирор воқеани бошдан-оёқ тасвирлаш, кўрсатишга бағишланади ва ўша воқеани шарҳлаб беради. Бунга спорт эшиттиришлари, футбол шарҳини мисол келтириш мумкин.

Репортаж қайси оммавий ахборот воситасида берилишига қараб газета репортажи, журнал репортажи, радиорепортаж ва телерепортаж каби хилларга бўлинади. Бунда репортажнинг асосий жанр хусусиятлари сақланган ҳолда ўзида оммавий ахборот воситаларнинг турли кўринишларга хослик ҳам мавжуд бўлади. Газета репортажи ҳажм жиҳатидан журнал репортажидан фарқ қилиши мумкин. Журнал репортажида эса газета репортажи сингари тезкорлик талаб этилмайди, у бирор воқеа ва ҳодисанинг ички моҳиятини очиб беришга, яъни, чуқур таҳлилга асосланиши мумкин.

Газета ва журнал репортажи журналист (репортер)нинг юз берган воқеа ва ҳодисани ўз кўзи билан кўриб, воқиф бўлиб кейин уни сўз билан тасвирлаб беришни талаб қилса радио ва телерепортаж кўпинча тўппадан-тўғри эфирга узатилади. Ҳаётни суратлар воситасида ёритувчи фоторепортаж ҳам ўзига хосликни, факт, воқеа, ҳодисаларни синчковлик билан топиб, акс эттиришни талаб этади.

Репортажнинг қайси хили бўлмасин унда журналистнинг бевосита иштироки, “мен”и сезилиб туради. Чунки у реал воқелик билан ўқувчилар (тингловчилар, тамошабинлар)

ўртасидаги воситачи, ўзига хос “канал” ҳисобланади. Яъни, ўқувчи, радиотингловчи, телетомошабин бўлаётган ва ҳикоя қилинаётган воқеаларни журналист (репортер) кўзи билан кўради, идрок этади. Бу эса журналистдан катта масъулият ва касбий маҳорат талаб этади.

Репортер воқеа ва ҳодисалар ҳақида оддий хабар берувчи эмас, балки уларни таҳлил этувчи, баҳоловчи ҳамдир. Шу боисдан репортаж олиб борувчи журналист ўзи хабар қилаётган, тасвирлаётган воқеанинг моҳиятини яхши билиши, барча тафсилотларидан хабардор бўлиши лозим. Масалан, ҳукумат раҳбарларининг расмий сафарлари, учрашувлар, йирик анжуманлар ва бошқа ижтимоий-сиёсий мавзулардаги репортажларда зарур маълумотлар олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим.

Фавқулодда воқеалар, табиат ҳодисалари ҳақидаги репортажларда эса гарчи тасвирланаётган воқеаларнинг қандай ривожланиши, қай хилда тус олиши олдиндан маълум бўлмасадан, репортёр уларни зийраклик билан кузатиб бориши, бирор муҳим тафсилотни кўздан қочирмаслиги, ҳар бир айрим кўринишларни ўз вақтида шарҳлаб, таҳлил этиб бориши лозим. Байрамлар, оммавий тадбирлар ва айниқса спорт мусобақаларидан олиб бориладиган репортажларда ҳам журналист юз бераётган воқеалар, спорт мусобақаси ва ўйинларнинг бориши, жамоалар таркиби ва бошқаларни синчиклаб кузатиши, томошабинга шарҳлаб бориши керак. (Спорт ўйинидан олиб бориладиган бу хилдаги репортажларда шарҳга кенг ўрин берилиши боисидан бу ишни бажарувчи журналистлар спорт шарҳловчилари деб номланадилар). Репортажнинг барча хилларида юқорида таъкидланганидек, ҳаққонийлик, аниқлик биринчи ўринда туради.

Репортер учун ўзи олиб бораётган, ёзаётган репортажида фактлар, воқеалар ҳаққонийлиги, барча тафсилотлар маълумлиги билан бир қаторда яна бу факт, ҳодиса ва воқеалар тафсилотидан энг муҳимлари, асосийларини ажратиб олиш, уларни мушоҳада қила билиш ҳам талаб этилади. Бу эса журналистик топқирлик билан публицистик идрок орқали амалга оширилади.

Яъни, репортер ўзи тасвирлаётган воқеа ва ҳодисаларни ҳаққоний, умуминсоний ва миллий тамойиллар асосида, энг илғор инсоний туйғулар асосида баҳолай олиши, улардан энг тўғри ва зарур хулосалар чиқара билиши лозим. Бу ундан кенг билим, юксак маданият ва маънавиятни талаб қилади.

Репортердан юқорида келтирилган хусусиятлардан ташқари яна алоҳида кўра билиш ва кўрганларини мушоҳада қилгач жонли таъсирчан қилиб ёзабилиш, (ҳикоя қилабилиш) лаёқати, ўткир публицистик истеъдод ҳам талаб этилади. Бу — репортаж учун керакли, ўз ўрнидаги иборалар топабилиш, тушунарли тилда таъсирчан гапириб бериш, ҳикоя қилаолиш демакдир. Репортажнинг тили ва услуби унинг мазмуни, материал олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқади.

Расмий учрашувлар, анжуманлар ҳақидаги репортажлар асосан расмий-публицистик тилда олиб борилса, ғавқулодда воқеалар, табиат ҳодисалари ҳақидаги ва бошқа мавзулардаги репортажлар ана шу мавзу ва воқеалар учун лозим бўлган тарзда олиб борилиши (ёзилиши) мумкин. Бундай репортажларда керакли ўринларда образли тасвирий воситалар, ҳис-туйғули ўринлар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан спорт мусобақалари, футбол, теннис, бокс ва бошқа спорт ўйинларидан олиб борилаётган репортаж-шарҳларда ҳам шундай бўлиши мумкин. Бу — репортажнинг ранг-баранг жанрий хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

Шуни айтиш керакки, ҳаётни бевосита жонли тасвирлаш услуби публицистикада асосий ўрин эгаллаши билан бирликда адабиёт ва санъат асарларига ҳам кириб бориши мумкин. Бунга мисол сифатида репортаж усулида ёзилган роман, қисса, сахна асари ёки кинофилмларни кўрсатиш мумкин.

Репортаж жанри жаҳон журналистикаси тарихида кенг қўлланилиб келинган. Ўзбек журналистикасига бу жанр асосан ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида кириб келди. Мустақил республикаимиз журналистикасида репортаж жанри кенг ўрин олиб келмоқда. газета ва журналларимизда босилаётган, радио ва телевидение орқали бериб борилаётган репортажларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий,

иктисодий – ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ислохотлар, ҳаётимизнинг кенг жабҳаси, халқимизнинг яратувчилик меҳнати ўзининг ёрқин аксини топмоқда.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 1–сентябрь сонида ЎЗА мухбири Н.Очиловнинг «Мангуликка муҳрланган хотира» сарлавҳали репортажи босилган. Расмий тусда ёзилган бу репортажда пойтахтнинг Юнусобод мавзуида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида қатағон қурбонларини ёд этиш муносабати билан ўтказилган маросим ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф ўз репортажини бу маросимнинг ижтимоий тарихи ҳақидаги кириш сўзлари билан бошлайди:

«Истиқлол халқимизга ўзлигини англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада бойитиш, она–Ватанимиз ҳурлиги йўлида жон фидо қилган аجدодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконини берди,— деб ёзади у. — Мустабид тузум даврида қатағон қилинган минглаб ота–боболаримизнинг ноҳақ қораланган муборак номлари яна покланди. Ватанимиз истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатағон қурбонлари хотираси абадийлаштирилди».

Репортаж давомида мазкур анжуманнинг қандай ўтганлиги тасвирланади ва унда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг маросимда иштирок этган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, улар билан республикаimiz ҳаётининг муҳим масалалари бўйича ўз фикр–мулоҳазаларини билдирганлиги хабар қилинади.

Газетанинг шу сонида ЎЗА мухбири Ғулом Мирзонинг «Озод халқнинг улуғ байрами» сарлавҳали репортажи ҳам берилган. Унда муаллиф мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналари ҳақида сўз боради. Мазкур газетанинг 3–сентябрь сонида эса журналист Э.Болиевнинг «Осмони мусаффо юртга байрамлар ярашади» деган репортажи босилган. Унда мамлакатимиз вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида Мустақиллик байрамининг қандай нишонланганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф ўз репортажида интервью жанридан фойдаланади ва вилоятлардаги

мухбирларнинг байрам тантаналари қандай ўтганлиги ҳақидаги хабарларни умумлаштиради. Юқоридаги репортажлар бу жанрнинг воқеага бағишланган турига киради. Аммо негадир республикамиз журналистикасида жойлардан олинган ва ҳаётда бўладиган турли воқеаларга бағишланган репортажлар кам учрайди. Бу ачинарли ҳол, чунки бутун дунё журналистикаси саҳифаларида репортаж деярли биринчи ўринда туради, ўқувчилар ҳаётда шу кунда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар билан ана шу жанр воситасида танишадилар. Ўзбек журналистикасидаги бу камчилик тезда тузатилиши керак.

Репортаж бўйича рейтинг топшириқлари

1. Репортаж сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Репортажнинг бошқа журналистика жанрларидан фарқи нимада?
3. Репортажда ҳам хабар, ҳам суҳбат жанри хусусиятларидан ташқари яна қандай тасвирий воситалар иштирок қилади?
4. Репортаж-шарҳ жанрига мисол келтиринг.
5. Репортаж хилларини сананг.
6. Репортажнинг барча хилларига қўйилган талабларни изоҳланг.
7. Репортаж жанрининг усталарини сананг.
8. Сизнингча репортаж жанри қайси ОАВда кўп учрайди?

Репортаж бўйича назорат саволлари

1. Репортажнинг бош хусусиятини айтинг.
2. Репортаж жамият ҳаётининг қайси соҳаларини акс эттиради?
3. Репортажнинг қандай турларини биласиз?
4. Воқий репортаж билан мавзуй репортаж ўртасидаги фарқни айтинг.
5. Муаммоли репортажга мисоллар келтиринг.
6. Газета ва журнал репортажи билан радио ёки телевидение репортажи ўртасидаги фарқни айтинг.

9-боб. ТАҲЛИЛИЙ ПУБЛИЦИСТИКА

Маълумки, журналистика ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг бир кўриниши, уни билиш, тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир этишнинг муҳим воситасидир.

Журналистиканинг жамият ҳаётини билиш, тадқиқ этишида публицистиканинг таҳлилий қисми асосий роль ўйнайди. Таҳлилий публицистика ахборий – хабардор этиш публицистикасининг тадрижий давоми бўлиб, у инсониятнинг ўзини ўраб турган дунёни билишдаги иккинчи муҳим қадами, реал борлиқнинг инсон онгидаги инъикосининг иккинчи қатламидан келиб чиқади. Инсон ташқи дунёни англашда оддийдан мураккабга, яккадан умумийга қараб бориши табиий.

Бу дунёни билишнинг индуктив (кўрсатиш, мўлжалга олиш) усули бўлиб, фандаги илмий-тадқиқотларда бош ўринни эгаллайди. Инсон ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеа ва ҳодисаларни бошқаларга етказди, хабар қилади, ҳикоя қилиб беради, тасвирлайди. Бу ахборий публицистиканинг келиб чиқишига сабаб бўлган ижтимоий-тарихий ҳол. Аммо инсон бу билан чегараланиб қолмайди, у ҳаётда кўрган, гувоҳи бўлган айрим фактларни бир-бирига қўшади, бир-биридан ажратади, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва пировард оқибатларини билишга интилади, уларни баҳолайди, маъқуллайди ёки инкор қилади ва ҳоказо. Бу эса дедуктив (билмоқ, моҳиятни англамоқ) усул билан дунёни билиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришдан иборат бўлиб, фан назариясининг асосини ташкил этади, публицистикада эса унинг таҳлилий қисмини ташкил этади.

Агарда дунёда мавжуд бўлган факт, юз берган воқеа, ҳодисалар унинг ташқи, кўзга кўриниб турган юза қатламини ташкил этса бу фактларнинг асоси, воқеа ва ҳодисаларни асл моҳияти, объектив қонуният уларнинг кўзга кўринмайдиган ички, чуқур қатламларини ҳосил қилади, одамзод бу қатламга етиб бориш, англаш учун иккинчи бир, олдингисидан чуқурроқ билиш усули – таҳлил ва тадқиқни ишга солади. Ана шу қонуният таҳлилий публицистикада ўз ифодасини топади.

Агарда инсон ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни журналистикадаги ахборий публицистика жанрлари орқали

кўриб, билиб, ўқиб хабар топса, таҳлилий публицистика орқали ички моҳиятини билиб олади, англайди, ўзи учун зарур хулосалар чиқаради, ижтимоий фаолиятини белгилайди. Яъни, ахборий публицистика инсон онгининг устки қатламларига етиб келса, таҳлилий публицистика онгининг чуқур қатламларига кириб боради ва таъсир кўрсатади, инсонга оламни билдиради, уни зарур тажрибалар, назария, билимлар билан қуроллантиради.

Таҳлилий публицистика худди ахборий публицистика сингари ҳаётни тадқиқ этишда фан, илмнинг текширув-тадқиқот, умумлаштирув, юқорида келтирилганидек, индукция ва дедукция усулларида фойдаланади. Бу — фан билан журналистиканинг, публицистиканинг дунёни билишдаги бир-бирига яқинлиги, умумий хусусиятларга эга эканлигини яна бир бор исботлайди.

Аммо таҳлилий публицистиканинг фандан, илмий тадқиқотдан фарқи шундаки, у ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни умуман, илмий зарурат нуктаи назаридан эмас, балки жамиятнинг шу куни, айни замони манфаатлари нуктаи назаридан ўрганади, таҳлил этади. Шу билан баргаликда у фан сингари ўз соҳасига тегишли бўлган барча факт воқеа ва ҳодисаларни бир бошдан текширмайди, балки шу кун, шу замон учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган энг муҳимларини танлаб олади ва ўзида акс эттиради. Яъни, у шу кун, шу замонни шу кун, шу замон кишилари учун акс эттиради ва жамоатчилик фикрини уйғотишга ҳаракат қилади. Бинобарин, таҳлилий публицистиканинг бош талаби ижтимоий аҳамиятлилик, публицистикликдир.

Таҳлилий публицистика ижтимоий борлиқни акс эттириш кўринишларидан бўлмиш адабиёт ва санъат билан ҳам яқин алоқада бўлади, улардаги айрим тасвирий воситаларидан фойдаланади. Аммо у ҳаётни образлар воситасида тасвир этувчи адабиёт ва санъатдан ҳаётни тасвирлашда аниқ ва муайян фактларга асосланиши ҳамда маълум ижтимоий мақсадларга хизмат қилиши, бошқача қилиб айтганда публицистикага оидлиги билан ажралиб туради.

Таҳлилий публицистика ҳам худди ахборий публицистика каби жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. У ижтимоий-сиёсий публицистикада ҳам, иқтисодий-ишлаб чиқариш публицистикасида ҳам, илмий публицистикада ҳам ҳамда публицистиканинг бошқа соҳаларида ҳам асосий ўрин тутлади. Инсон фаолиятининг дунёни билиш, ижтимоий англаш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари, интилишларида таҳлилий публицистика ҳозир у нозирдир. Таҳлилий публицистика орқали инсон жамият қонуниятларини ўрганади, иқтисодиёт, фан-маданият, адабиёт ва санъат ва бошқа соҳаларда мавжуд бўлган турли масала ва муаммолардан огоҳ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, таҳлилий публицистика кишиларга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, илмий, тарихий, фалсафий, бадиий–эстетик билим беради, уларни тарбиялайди.

Ташқи дунёни билишда, унинг қонуниятларини англаб етишда билиш қуроли бўлган нуқтаи назар, ғоя ва мафкура ҳам асосий ўринни эгаллайди. Яъни, инсон дунёга қайси нуқтаи назардан, қандай таълимот, қайси бир ғоя, мафкура асосида ёндашади — ҳамма гап шунда. Барча фанлар, адабиёт-санъат сингари публицистика ҳам юқоридаги каби маълум бир дунёқарашга, таълимотга, ғоя ва мафкурага асосланади. Унинг муҳим қисми бўлган таҳлилий публицистика энг ҳаққоний, илғор тараққийпарвар таълимот, мафкура ва ғояларга асослангандагина ҳаётни тўғри, ҳаққоний ёрита олади ва ўз ижтимоий вазифасини муваффақиятли адо этади. Яъни, илғор, давр талабларига жавоб бера оладиган ғоя, мафкура ва таълимот таҳлилий публицистикани аниқ, равшан мақсадларга йўналтиради, унга нимани ва қандай таҳлил этишни белгилаб беради. Аксинча, қолоқ, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган ғоя ва қарашларга асосланган таҳлилий публицистика эса чекланган бўлади ва инқирозга учрайди. Бундай публицистик асарлар жой олган журналистикани омма рад этади, ўқимайди.

Таҳлилий публицистика журналистиканинг таҳлил ижтимоий вазифасини бажаришида хизмат қилади. Шу боисдан у оммавий ахборот воситаларининг барча кўринишларида кенг қўлланилади.

Аммо оммавий ахборот воситалари кўринишлари ўз хусусиятига қараб таҳлилий публицистикага у ёки бу даражада, кўпроқ ёки камроқ ўрин бериши мумкин. Масалан, газеталар жамиятнинг шу кундаги, айти замондаги ҳаётини ёритар экан, ўз саҳифаларида ахборий публицистикага нисбатан кўпроқ ўрин бергани ҳолда таҳлилий публицистикага нисбатан камроқ ўрин ажратади. Журналлар эса жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётининг чуқур қатламларини ёритар экан таҳлилий публицистикага газеталарга нисбатан кенг ўрин беради. Радиоэшиттиришлар, телевидение ва интернетда таҳлилий публицистика ахборий публицистика билан деярли тенг ўрин олади.

Таҳлилий публицистика ахборий публицистика билан узвий боғлиқ. Ахборий публицистика материалларида таҳлил элементлари мавжуд бўлганидек таҳлилий публицистикада ҳам ахборий, хабардор этишлик хусусиятлари ҳам мавжуд. Публицистиканинг бу ҳар икки тури бир-бирини тўлдириб келади. Бу таҳлилий публицистиканинг жанрларида ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳаётнинг чуқур қатламларини ёритишга мўлжалланган таҳлилий публицистика ўзига хос жанрларга эга. Булар корреспонденция (кенгайтирилган хабар), суҳбат, мақола, тақриз, шарҳ, хат кабилардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз жанрий хусусиятларига эга. Жумладан, корреспонденция ахборий публицистикани таҳлилий публицистика билан боғловчи жанр бўлиб, ҳаётдаги фактлар, воқеа ва ҳодисалар таҳлиliga бағишланади. Суҳбат жанри эса унинг бошланғич кўриниши бўлган сўраб–суриштириш – интервьюнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Таҳлилий публицистиканинг асосий жанри бўлмиш мақола эса жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги муҳим масала ва муаммоларини акс эттириш, ҳаёт воқеаларини кенгрок тушунтириш, шарҳлаб бериш вазифасини бажаради.

Тақриз жанри илм-фан, адабиёт ва санъат асарларига баҳо бериш, уларни таҳлил этишга мўлжалланган.

Хат жанри жамоатчилик фикрини уйғотишнинг муҳим воситаси сифатида иш кўради. Таҳлилий публицистиканинг бу хилдаги жанрий ранг-баранглиги унинг жамият ҳаётини барча соҳаларини қамраб олиш ва чуқур ижтимоий қатламларга кириб бора олишдан иборат ижтимоий вазифасидан келиб чиқади.

Таҳлилий публицистика шу билан биргаликда оммавий ахборот воситаларини турли кўринишларидан жой олишига қараб журналистика, радио ва телевидение таҳлилий публицистикасига бўлиниб кетади ва шунга биноан унинг жанрлари ҳам турлича тус олади.

Таҳлилий публицистиканинг ўз ижтимоий вазифасини муваффақиятли бажара олиши унинг қандай журналистикада иш кўришига, қайси мафкурага хизмат қилишига бевосита боғлиқдир. Якка ҳукмдорлар манфаатига хизмат қилувчи журналистикада таҳлилий публицистика чекланган бўлиб, ўша ҳукмдорлар манфаатига хизмат қилади. Коммунистик журналистикада эса у якка ҳокимлик воситасига айланди. Фақат демократик тузум ҳукм сурган жамият журналистикасидагина таҳлилий публицистика чинакам тараққиёт учун хизмат қилади. Ўз миллий мустақиллигига эришган ва демократик тузум, адолатпарвар фуқаролик жамияти тузиш йўлидан бораётган республикамызда таҳлилий публицистика умуминсоний кадриятлар, илғор қарашларни ўзида акс эттириб, жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини таҳлил этиб, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилиб келмоқда.

Газеталаримиз, журналларимизда босилаётган, радио ва телевидениеда эълон қилинаётган таҳлилий публицистика материалларида шу кунимизнинг энг долзарб масалалари ўз ифодасини топмоқда.

Таҳлилий публицистика бўйича рейтинг топшириқлари

1. Таҳлилий публицистика журналистикада қандай рол ўйнайди?
2. Қайси қонуният таҳлилий публицистикада ўз ифодасини топади?

3. 3.Таҳлилий публицистиканинг фандан, илмий тадқиқотдан фарқи нимада?
4. Таҳлилий публицистика адабиёт ва санъатдан нималарни олади ва нимаси билан фарқланади?
5. Таҳлилий публицистика қачон ўзининг ижтимоий вазифасини тўла бажараолади?
6. Таҳлилий публицистика жанрларини айтинг.
7. Мақола жанри ҳақида нималар биласиз?

Таҳлилий публицистика бўйича назорат саволлари

1. 1.Инсон ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисани билишда таҳлилий публицистика қандай рол ўйнайди?
2. 2.Таҳлилий публицистиканинг бош талаби, ижтимоий аҳамияти нимада?
3. 3.Таҳлилий публицистика кишиларга қандай билим бериб, уларни тарбиялайди?
4. 4.Корреспонденция, суҳбат, тақриз, шарҳ, хат жанрларини изоҳланг.
5. 5.Санъатда кўпроқ қайси таҳлилий публицистика жанри ишлатилади?

9.1. Корреспонденция

Таҳлилий публицистиканинг бошланғич жанри корреспонденциядир. Корреспонденция сўзи латинча *correspondance* деган сўздан олинган бўлиб, жойлардан юборилган хабар, почта-телеграф орқали жўнатиладиган хат-хабар, айрим идоралар ўртасидаги ёзишмалар деган маъноларни англатади. Таҳлилий публицистикада эса унинг биринчи маъноси, яъни жойлардан юборилган хабар, ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисалар ҳақида ёзилган (тайёрланган) журналистика материали сифатида қўлланилади.

Корреспонденция таҳлилий публицистиканинг ахборий публицистика билан боғлаб турувчи жанрдир. Чунки унинг асосида ахборот, хабар ётади. Фақат корреспонденцияда ҳаётдаги факт воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар қилибгина қолинмасдан ана

шу факт, воқеа ва ҳодиса ҳақида анча кенг, батафсил маълумот берилади. Шунинг учун ҳам корреспонденцияни кенгайтирилган хабар ҳам дейилади.

Корреспонденцияда шу билан биргаликда фақат бирор факт, воқеа ва ҳодиса эмас, маълум бир мавзуга доир бир неча факт, воқеа ҳодисалар акс этиши мумкин. Энг муҳими бу факт, воқеа ва ҳодисалар оддий тарзда қайд этилмасдан улар умумлаштирилади ва таҳлил этилади, бир-бирига солиштирилади, баҳоланади, маълум хулосалар чиқарилади. Яъни, бу ўринда журналистнинг ҳаётга, факт, воқеа ва ҳодисаларга муносабати асосий ўрин тутати. Шунинг учун ҳам бу жанр ахборий-таҳлилий жанр ҳисобланади. У орқали ҳаётда юз бераётган факт, воқеа ва ҳодисаларнинг ички сабаблари, моҳияти очиб берилади, публицистик хулосалар чиқарилиб, жамоатчилик фикрига ҳавола этилади.

Корреспонденциянинг асосий вазифаси ҳаётнинг бир парчасини жонли, таъсирчан тасвирлаш ва таҳлил этишдан иборат. Шу боисдан у лавҳа ва репортажга ўхшаб кетиши мумкин. Унинг бу жанрлардан фарқи — маълум мавзуга доир фактлар билан чегараланиши, таҳлилнинг ана шу фактларга қаратилишидир. Таъбир жойиз бўлса корреспонденцияни ҳаётнинг кўзга кўриниб турган томонларига асосланган ҳолда унинг ички қатламларини, чуқур моҳиятини ҳам билиб олишга ташланган илк қадам, разведка дейиш мумкин. Бунда фанда кенг қўлланиладиган индукция – оддийдан мураккабликка, яккадан умумийга бориш усули ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, корреспонденция муаллиф ҳаётдан олинган фактлар таҳлили асосида маълум бир мавзунини ёритиб берувчи публицистик жанрдир. Фактлар корреспонденциянинг асосини, пойдеворини ташкил этса публицистик таҳлил унинг умумий қиёфасини шакллантиради. Корреспонденция учун ҳаётдан шу кун, шу давр учун аҳамиятли, зарур ва долзарб мавзу ва фактлар танлаб олинади ва ундан шу кун, шу давр учун керакли хулосалар чиқарилади. Корреспонденцияда ҳаётдаги фактлар, воқеа ва ҳодисалар таҳлил этилар экан, уларга ижобий ёки салбий

ёндoshiш мумкин, бинобарин корреспонденция ижобий – маъқуллаш ёки танқидий – инкор қилиш хусусиятига эга бўлади.

Факт, воқеа, ҳодисаларга баҳо беришда, уларни таҳлил этиб, ҳулосалар чиқаришда журналистнинг билими ва дунёқараши муҳим ўрин тутди. Шу боисдан корреспондент ўз даврининг илғор ғояларини эгаллаши, юксак эътиқодга, тараққийпарвар дунёқарашга эга бўлиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, корреспонденция аввало ижобий ва танқидий хилларга бўлинади. Шу билан биргаликда корреспонденция ахборий корреспонденция ва таҳлилий корреспонденцияга ҳам бўлиниши мумкин. Бу хил корреспонденцияларнинг асосий хусусияти уларда ахборий ва таҳлилий элементларнинг қанчалик ўрин олганлигидадир. Ахборий корреспонденцияда фактлар билан таҳлилнинг нисбати биринчи компонент фойдасига ҳал этилса, таҳлилий корреспонденцияда эса таҳлил нисбатан кўпроқ ўрин эгаллайди.

Шунингдек, маълум мавзуга бағишланган корреспонденциялар туркуми ҳам мавжуд.

Корреспонденциялар ҳудудий жиҳатдан ички ва ташқи турларга ҳам бўлинади. Ички корреспонденцияларда мамлакатнинг ички ҳаёти акс этса, ташқиларида эса халқаро ҳаёт, чет элларда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар ўз ифодасини топади.

Корреспонденция жанри жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётнинг барча қирралари ўз аксини топади. Корреспонденцияда асосан инсон, унинг ижтимоий, яратувчилик фаолияти акс этади. Унда инсон, унинг манфаати билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар кўтарилиб чиқилади ва ҳал этилади. Корреспонденция журналистикада энг оммавий жанрлардан бири бўлганлиги боисдан ҳам бу жанр муаллифлари, корреспондентия ёзувчилар ва тайёрловчилар корреспондент — мухбир деган оммавий журналистик касб эгаси ҳисобланадилар.

Оммавий ахборот воситаларининг турли хилларида корреспонденция турлича кўринишга эга бўлади. Бу жанр асосан

газета ва журналларда кенг ўрин олади. Радио ва телевидениеда корреспонденция ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва кўпинча радиоахборот, телеахборот деб аталади. Оммавий ахборот воситаларининг электрон техникага асосланган бутунлай янги кўриниши – интернетда ҳам корреспонденция асосий ўрин тутди.

Корреспонденцияларнинг турли хиллари ўртасидаги чегара нисбий бўлиб, уларда бир-бирларининг хусусиятлари бир-бирларига ўтиши мумкин. Улардаги энг муҳим ва бош хусусият - ҳаёт фактларининг умумлаштирилиши ва публицистик таҳлил этилишидир. Энг муҳими – журналист томонидан мавзунини аниқлаб олиш, муаммо кўябилиш, исботлаш ва ишонтиришга эришишдир.

Корреспонденциянинг тузилишига келсак, одатда у мавзу — мақсадга кириш, фактлар, воқеалар баёни ва улар таҳлилидан келиб чиқувчи хулоса — фикрлар шаклида бўлади. Корреспонденциянинг иккинчи бир хилида эса журналист маълум бирор хулосани олдин келтириб, кейин бунга мос фактларни ҳам келтириши мумкин. Бу таҳлилий публицистиканинг кейинги бир жанри – мақолага яқин туради. Корреспонденцияда ҳаётни жонлантириш учун репортаж, лавҳага хос хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Корреспонденциянинг тили ва услуби масаласига келганда у жонли, публицистик тилда ёзилиши лозим. Образли иборалар ва бошқа тасвирий воситалар жуда меъёрда, ўта зарур ҳоллардагина қўлланилади.

Айрим ҳолларда журналист жиддий таҳлил билан бирликда ҳис-ҳаяжон, эҳтиросга ҳам ўрин бериши мумкин. Унда журналистнинг ички дунёси, “мен”и репортаждаги каби тўла эмас, энг зарур ўринлардагина ифода этилади. Бу жиҳатдан корреспонденцияни ҳаётни ўрганиш, унинг ички қатламларига кириб боришини жиддий разведкага қиёс қилса бўлади. Ҳажвий нашрларда босиладиган танқидий корреспонденцияларда эса кулги, фош қилиш элементлари ҳам иштирок этиши мумкин.

Корреспонденция жанри журналистика пайдо бўлгандан бери қўлланилиб келинади. Ўзбек журналистикасида ҳам у

дастлабки даврлардан бери кенгайтирилган хабар ёки кичик мақола шаклида кенг ўрин олиб келган. Ҳозирги ўзбек журналистикасида — газета ва журналларда ҳамда радио ва телевидениеда корреспонденция мамлакатимизда ўтказилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ислохотларни амалга оширишда, ҳаётдаги муҳим фактлар, воқеа ва ҳодисаларни оммага етказишда камарбаста бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси ўз саҳифаларида корреспонденция жанрига кенг ўрин беради, чунки бу жанр газетага республикамиз қишлоқлари ҳаёти, жойларда олиб борилаётган қишлоқ хўжалигига доир ишларни ёритишда жуда қўл келади. Газетанинг 2005 йил 5 август сонидида «Уйилажак хирмон салмоғи бугунги меҳнатимизга боғлиқ» сарлавҳали корреспонденция босилган, унга «Қашқадарёлик пахтакорлар айлани кунларда шундай азму қарор билан меҳнат қилишмоқда» деган кичик сарлавҳа қўйилган. Муаллиф — журналист Ф.Бозоров ўз корреспонденциясини шундай бошлайди:

«Бугун ҳар бир пахтакорнинг юраги жўш уриб, ғўзани суғориш, культивация, чилпиш ишларини алоҳида бир ишбилармонлик, алоҳида бир ғайрат–шижоат билан давом эттиришмоқда. Юртимизнинг жануб қуёшидан нур эмиб, ҳосилга ҳосил қўшаётган беадок далаларини айлансангиз кўнглингиз равшан тортади. Бу замин одамлари табиатига хос ишчанлик, куюнчаклик, даласига муҳаббат туйғулари яна ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Қашқа воҳаси деҳқонларининг август ойида — экинни ясатадиган палладаги ғайрат–шижоатига қиёс йўқ». Муаллиф корреспонденция давомида ўз фикрини исботлаш учун воҳадаги бир неча хўжаликларда бўлади ва уларнинг «Ўўза қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, ҳар туп ғўзани, ҳар дона кўсакни сақлаб қолиш учун» меҳнат қилаётганликлари ҳақида ҳикоя қилади.

Газетанинг шу сонидида босилган «Парваришни сусайтирмаган деҳқон ютади» сарлавҳали корреспонденция ҳам юқоридаги каби ижобий корреспонденциядир. Унинг муаллифи журналист Қ.Асқаров Андижон вилоятида ғўза парваришининг

қандай бораётганлигини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб беради. И.Тошевнинг «Қулай ва самарали» сарлавҳали корреспонденцияси эса («Қишлоқ ҳаёти», 2005, 2–август) жойларда ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантириш ишларининг аҳволи ҳақида ҳикоя қилади.

Газетанинг 2005 йил 5 сентябрь сонида босилган «Ер «банги»га айланмоқда» сарлавҳали материал эса танқидий корреспонденцияга мисол бўла олади. Журналист Т.Эргашев унда Жиззах вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилаётганлигини, ерга керагидан ортиқча сунъий ўғитлар солиниши туфайли ерлар ўзига хос «банги»га айланиб қолаётганлиги, яъни унга етарли даражада маҳаллий ўғитлар солинмаётганлиги сабабли ҳосилдорлик пасайиб кетаётганлигини ва бошқа камчиликларни жойлардан олинган аниқ мисоллар билан кўрсатиб беради. Бундай корреспонденциянинг мўлжалга бориб тегиши ва соҳада маълум ўзгаришлар ясалишига сабаб бўлиши турган гап.

Афсуски, кўпгина газеталар мазкур жанрга етарли эътибор беришмайди, жойлардан ёзилган, аниқ, ҳаётий фактлар асосига қурилган коррепонденциялар кам берилади. Ҳолбуки фақат қишлоқ хўжалиги эмас, саноат, савдо ва ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳаётини ёритишда, илғор намуналарни тарқатиш ва камчиликларга қарши курашда корреспонденциянинг ўрни беқиёсдир.

Корреспонденция бўйича рейтинг топшириқлари

1. Корреспонденция сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Корреспонденциянинг нега кенгайтирилган хабар деймиз?
3. Ахборот корреспонденцияси билан таҳлилий корреспонденцияни шарҳланг.
4. Корреспонденциянинг асосий вазифасини тушунтириб беринг.
5. Корреспонденция қайси жанрларга ўхшаб кетади ва нимаси билан фарқланади?

6. Фанда қўлланиладиган индукция- оддийдан мураккабликка, яккадан умумийга бориш усули корреспонденцияда қўлланиладими?
7. Корреспонденциянинг хилларини айтинг.
8. Корреспонденциянинг санъатдаги ўрни ҳақидаги фикрларингизни сўзлаб беринг.

**Корреспонденция бўйича назорат
саволлари**

1. Нега корреспонденцияни ахборий-таҳлилий жанр деймиз?
2. Корреспонденциянинг турларини айтинг ва уларни изоҳланг.
3. Корреспонденцияни қайси жанр билан солиштириш мумкин?
4. Корреспонденциянинг асосини нима ташкил қилади?
5. Корреспонденциянинг умумий қиёфасига изоҳ беринг.
6. Ижобий ва танқидий корреспонденцияларни шарҳланг.
7. Корреспонденция жанри қачон пайдо бўлган?
8. Корреспонденция жанридаги мақолалардан мисоллар айтинг.

9.2. СУҲБАТ

Таҳлилий публицистикада суҳбат жанри ҳам алоҳида ўрин тутати. у ахборий жанр – интервьюнинг мантикий давоми бўлиб, ёритилаётган мавзунинг мазмун–моҳиятини чуқур очиб бериши, таҳлилий мулоҳаза ва мушоҳадага асосланиши, ҳаётнинг чуқур қатламларини акс эттириши билан ундан ажралиб туради ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига доир масала ва муаммоларини акс эттиришда оммавий ахборот воситаларининг энг оммабоп, энг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади.

Суҳбат ҳажм жиҳатидан интервьюга қараганда кенгрок бўлиб, унда суҳбатдош томонидан айтилган факт, билдирилган маълумот ҳақида батафсил, кенгрок сўз юритилади, келтирилган факт, баён этилган воқеа, ҳодисалар чуқуррок таҳлил этилади.

Суҳбат жанри мавзу жиҳатидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Унда ижтимоий–сиёсий, иқтисодий–ишлабчиқариш, маданий–маънавий, фан–техника, адабиёт ва санъат, спорт ва бошқа барча ижтимоий соҳалар ўз ифодасини топади.

Оммавий ахборот воситаларининг барча турларида кенг тарқалган мазкур жанрда ижтимоий ҳаётнинг кичик бир масаласидан тортиб то энг муҳим масалаларини ҳам акс эттириши мумкин. Олимларнинг илмий ихтиролари, ёзувчи ва шоирларнинг яратган янги асарлари ва ижодий фаолиятлари, машҳур санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди, машҳур спортчилар эришган катта ютуқлар ва бошқалар мазкур жанр ёрдамида оммага етказилади. Давлат раҳбарлари, жамоат арбобларининг ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларига бағишланган фикр ва қарашлари, сиёсати ҳам кўпинча суҳбат жанри орқали ифода этилади. Масалан, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг республикамиз тараққиётининг энг бош масалалари ҳақида “Тафаккур” журнали муҳаррири, “Туркистон” газетасининг бош муҳаррири, “Туркистон- пресс” ахборот агентлиги ва бошқа журналистика нашрлари мухбирлари билан қилган суҳбатлари мазкур жанрга доирдир.

Суҳбат жанри ҳам худди интервью сингари турли кўринишларда бўлиши мумкин. У асосан икки хил – суҳбат

диалог ва суҳбат монолог шаклида кўп учрайди. Табиийки суҳбат диалог икки киши – мухбир ва суҳбатдошнинг ўзаро савол–жавоби тарзида бўлади. Бу оммавий ахборот воситаларида энг кўп учрайдиган кўриниши ҳисобланади. Бунда мухбирнинг суҳбатлашилаётган масаланинг моҳиятини илғаб олиши ва суҳбат оқими шунга қараб бошқариши, мавзуни иложи борида кенгрок ва чуқуррок очиб беришга қаратиши лозим бўлади.

Газета ва журналларимизнинг деярли ҳар бир сонларидан, радионинг кундалик эшиттиришларидан, телевидение экранларидан доимий жой олиб келаётган бу хилдаги суҳбатларда жамиятимиз ҳаётининг барча муҳим соҳаларида олиб борилаётган ишлар, илмий изланишлар, ижодий янгиликлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масала ва муаммолар ўз ифодасини топмоқда. Доимий равишда ўтказиб келинаётган журналистика конференциялари, янги асарларнинг тақдимотлари, турли муҳим мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари ва бошқаларни ёритишда ҳам суҳбат диалогдан кенг фойдаланилади.

Радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларда ҳам бу – мухбир ва «қаҳрамон» ўртасидаги суҳбат кенг қўлланилади. Расмий равишда ўтказиладиган журналистика анжуманлари, пресс–конференциялар ҳам суҳбат жанри учун асос бўлиб хизмат қилади. Бир ёки бир неча шахс билан олиб борилган фикр алмашиш натижасида кўпчилик билан олиб борилган суҳбат ҳам ёзилиши мумкин. Суҳбатнинг бу кўриниши ижтимоий–иқтисодий, маданий–маънавий ҳаётнинг турли масалаларига бағишланган бўлиб, оммавий ахборот воситаларида ”Юмалок стол атрофида”, “Баҳс, мунозара” каби ва бошқа рукнлар остида бериб борилади. “Тўғридан-тўғри мулоқот” рукни остида бериладиган суҳбатда эса бирор бир давлат арбоби кўпчиликнинг саволларига жавоб беради. Таҳририятга келган хатлар, махсус сўров варақалари, анкеталар тарқатиш орқали саволларга жавоб олиш ҳам мазкур жанрнинг муҳим кўринишлари ҳисобланади.

Суҳбатнинг якка шахс фикр–мулоҳазаларини ифода этувчи монолог шаклида эса мухбирнинг битта саволига суҳбатдош атрофлича жавоб бериши мумкин. Бунда ҳам шу куннинг муҳим

масалалари, жумладан, қабул қилинган янги қонунлар, амалга оширилаётган тадбирлар, ишлабчиқариш соҳасидаги янги тажрибалар ўз ифодасини топиши мумкин. Бундай шаклдаги суҳбат сўнгида мухбир шарҳи ҳам илова этилиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, суҳбат жанри турли, ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётни кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт, воқеа ва ҳодисалардан ўқувчиларни хабардор қилиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади. Бу жанр журналистдан жуда катта меҳнат, топқирлик ва маҳорат талаб қилади. Журналист аввало ҳаётни муттасил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотадиган масала ва муаммоларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгроқ маълумот бера оладиган одамларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши, ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим.

Суҳбатни тайёрлаш жараёнида суҳбатдошга ўша масала ва муаммоларнинг моҳиятини очиш учун зарур бўлган саволларни бериб, тегишли жавоб ола билиши лозим. Суҳбатда тилга олинаётган масалаларнинг моҳиятини очиб бера олиш, публицистик руҳини топа билиш, жамоатчиликка янги фикр ва мулоҳазалар айта билиш, зарур хулосалар чиқара олиш журналистдан ўзи сўз юритаётган соҳани чуқур билишни, шу билан биргаликда ўтқир сўз ва қалам эгаси бўлишни талаб этади.

Суҳбатнинг ички тузилиши унинг мавзусидан ва журналист томонидан танланган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Суҳбатнинг тили масаласига келсак у одатда жиддий, публицистик тилда ёзилади. Зарур ҳолларда, материалнинг таъсирчанлигини ошириш учун айрим ўхшатиш, жонлантириш, муқояса этиш каби тасвирий воситалардан, образли иборалардан фойдаланиш мумкин. Ҳажвий журналистика нашрларида қўлланиладиган ҳажвий-танқидий суҳбатларда эса ҳажвий тил ва услуб қўлланилади.

Жаҳон ва ўзбек журналистикасида суҳбат жанрининг усталари кўп. Ўтган асрнинг 70–80 йилларида рус журналистикасида фаолият кўрсатган В.Песков, Т.Тэсс, Г.Сагал

ва бошқалар суҳбат жанрининг усталари эдилар. Ўзбек журналистикасида суҳбат жанри билан кўпгина журналистлар шуғулланадилар. Булар орасида журналист Анвар Жўрабоев алоҳида ўрин тутди. У суҳбат жанрини ўзи учун асосий ижодий жанр қилиб олиб, турли машҳур кишилар билан суҳбатлашиш учун атайлаб узоқ сафарларга борар ва кўп қийинчиликлар билан бўлса-да улар билан учрашиб, қизиқарли суҳбатлар уюштирар эди. Унинг жаҳонга машҳур бўлган рус ёзувчиси Михаил Шолохов, Ўзбекистондан чиққан машҳур шоир Расул Ҳамзатов, Лотин Америкасининг таниқли адиби М.Маркес ва бошқалар билан қилган суҳбатларини кўпчилик қизиқиб ўқиган эди. Ҳозирги кунда ҳам суҳбат жанри журналистикамизда кўп учрайди. Атоқли адабиётшунослар О.Шарафуддинов, Н.Каримов ва бошқаларнинг адабий ижод ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларига доир суҳбат жанрида яратган асарлари бу борада алоҳида ўрин тутди.

Мустақил Ўзбекистон журналистикаси, радио ва телевидениесида суҳбат жанридан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу оммабоп жанр республикамиз оммавий ахборот воситалари учун ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий соҳалардаги масала ва муаммоларга жамоатчилик фикрини уйғотиб, уларни ҳал этишда кенг хизмат қилиб келмоқда. «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил февраль сониди Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон уюшмасининг фахрий раиси, Абдулла Ориповнинг ЎЗА мухбири билан қилган суҳбати босилган.

«Эл-юртингга муносиб бўл» деб номланган бу материалда адибнинг мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан олган таассуротлари баён этилади. Суҳбат монолог тарзида бўлиб, унинг қаҳрамони мухбир билан мулоқатда ўз фикрларини баён этади. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 9 август сониди журналист Б.Ҳасановнинг «Террорчиликнинг пайи қирқилиши лозим» деган мавзуда Республика Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг раиси С.Сафоев билан суҳбати босилган. Унда шу куннинг муҳим ижтимоий-сиёсий мавзуси –

террорчилик ва диний экстремизмга қарши кураш масалалари ҳамда республикаимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсати баён этиб берилади. Диалог–суҳбат тарзида ёзилган бу материалда мавзу ҳар тарафлама муҳокама этилган ва уни ўқиган газетхон бу мавзуда тўла маълумот олиши мумкин.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 7 январь сониди Б.Аҳмедовнинг «Пластик карточка ва ҳисоб–китоб» сарлавҳаси остида мазкур жанрга доир материали босилган. Унда мухбир Ўзбекистон банклар ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика процессинг маркази бошлиғи В.Ю.Тюрин билан суҳбат қилади. Диалог тарзида ўтган бу суҳбатда мутахассис мухбирнинг саволларига жавоб бераркан мамлакатимизда жорий этилаётган бу янги тизимнинг ўзига хос томонлари, афзалликларини очиб беради. Газетанинг шу йил 1 июль сониди «Асосий мақсад – жазо тизимини эркинлаштириш» сарлавҳаси остида материал босилган. О.Саидов қаламига мансуб бўлган бу суҳбат ҳам диалог тарзида ёзилган бўлиб, унда Республика Адлия вазири Б.Мустафоев мухбирнинг саволларига жавоб бериш жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд тизими ва ҳуқуқий ислохотларнинг қандай бораётганлигини баён этади. Мазкур материал таҳлилий суҳбатнинг яққол намунаси бўлиши мумкин. «Алло, сизга битта саволим бор» деб номланувчи материал эса суҳбат жанрининг ўзига хос тури – жамоа суҳбатига мисол бўла олади. Чунки «Бевосита мулоқот» рукни остида берилган бу материалда газета таҳририяига телефон орқали мурожаат қилган тадбиркорларнинг саволларига мутахассислар жавоб беришган ва уларни газета мухбирлари И.Ўтбосаров, Ҳ.Каримов, С.Ҳайдаровлар олиб боришган ва умумлаштиришган. Бу ижодий ташаббус натижасида вужудга келган материал кўпчиликка манзур бўлгани шубҳасиз.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 21–июнь сонидан жой олган «Бола – оиланинг гули, оила – жамиятнинг таянчи» деб номланувчи материал эса мазкур жанрнинг «Давра суҳбати» турига мансуб. Унда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Марказий кенгашида юқоридаги мавзуда ўтказилган анжуманда кўтарилган ва турли мутахассислар–

олимлар, жамоат арбоблари, оддий оила вакиллари билдирган фикрлар ўз ифодасини топган. Газета мухбири Саида Сайхун ҳам суҳбат жанридан унумли фойдаланувчи журналистлардан бири ҳисобланади. Унинг «Олам кифтида одам, одам кифтида олам» (Халқаро «Экосан» жамғармасининг президенти Ю.Шодиметов билан), «Диёнат дарддан асрайди» (Шифокор олим К.Ўлдошев билан) қилган суҳбатлари муҳим мавзуларга бағишланганлиги ва кенг камровлиги билан ажралиб туради. Республикамиз радиоаси ва телевидениесида ҳам суҳбат жанри доимий равишда бериб борилади. Бу –мазкур жанрнинг ижтимоий ҳаётни ёритишдаги энг зарур ва долзарб публицистик жанр эканлигини яққол исботлаб турибди.

Суҳбат бўйича рейтинг топшириқлари

1. Суҳбат жанри тафсилотларини сўзлаб беринг.
2. Суҳбат жанрида ижод этган устоз журналистларни биласизми?
3. Ўзбек журналистикаси суҳбат жанрида кўп ижод қилган Анвар Жўрабоев ижоди ҳақида тўхталинг.
4. Суҳбат қандай турларга бўлинишини шарҳланг.
5. Суҳбат жанрининг асосий вазифаси нималардан иборат?
6. Суҳбат жанрининг қайси турида суҳбат сўнгида мухбир шарҳи берилади?

Суҳбат бўйича назорат саволлари

1. Суҳбат жанридаги баъзи материалларни сананг.
2. Суҳбат-монолог ҳамда суҳбат-диалогга мисоллар келтиринг.
3. Радиосуҳбат қандай тайёрланади?
4. Телесуҳбат хусусиятларини айтиб беринг.
5. Суҳбат жанри ОАВ фаолиятида қандай роллар остида бериб борилишини биласизми?

9.3. МАҚОЛА

Таҳлилий публицистиканинг марказий жанри мақоладир. Мақола сўзи арабча бўлиб, айтилган сўз деган маънони билдиради. Мақола деб жамият ҳаётининг бирор соҳаси бўйича маълум бир масала, муаммо кўтариб чиқилган публицистик материалга айтилади. Мақолада муайян мавзу юзасидан ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш асосида маълум бир фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар олдинга сурилади, илмий, назарий, амалий ва публицистик — ижтимоий-сиёсий хулосалар чиқарилади.

Публицистиканинг бу жанри инсоннинг ташқи дунёни билишдаги энг муҳим назарий услуби – дедукция, таҳлил, тадқиқотга асосланади. Агарда ахборий жанрлар жамият ҳаётининг кўзга кўриниб турган ташқи жиҳатлари — юз берган воқеа ва ҳодиса, фактларни акс эттириш, таҳлилий публицистиканинг бошланғич жанри бўлган корреспонденция эса бу факт воқеа ва ҳодисаларнинг сабаби ва оқибати, яъни моҳиятини билиш учун олиб борилган дастлабки уриниш, ҳаётнинг чуқур қатламларига кириб бориш учун қўйилган дастлабки қадамдан иборат бўлса, мақолани ана шу факт, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тўла очиб бериш, ҳаётнинг энг чуқур қатламларига керагича, лозим даражагача кириб бориш, мақсадга имкон даражасида тўла эришишга қиёс қилиш мумкин. Яъни, мақола жанрининг асосий хусусияти ҳаёт воқеа, ҳодисалари, фактлар мажмуасини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, улардан зарур назарий, амалий ва публицистик хулосалар чиқаришдир. Бошқача қилиб айтганда мақола инсоннинг дунёни англашдаги муҳим куроли, бемисл воситасидир.

Мақола жанри жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётнинг барча муҳим масалалари ўз ифодасини топади. Мазкур жанрда жамиятнинг шу кундаги, айти замондаги ҳаёти борасидаги факт, воқеа ва ҳодисалар шу кун, айти замон учун ёритилади, бошқача қилиб айтганда мақола учун энг муҳим талаб унинг шу кун учун зарурлиги, публицистиклигидир.

Мақола ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирар экан, у ўз навбатида мавзу жиҳатидан турли хилларга бўлинади. Булар — ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалар, иқтисодий-ишлаб чиқаришга бағишланган мақолалар ва маданий-маънавий мавзуларга тегишли мақолалардир.

Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалар ўз навбатида ички ва ташқи мавзулардаги мақолаларга бўлинади. Ички мавзудаги мақолалар мамлакат ички ҳаётини ўзида акс эттирса, ташқи мавзулардаги мақолалар халқаро ҳаёт ва бошқа мамлакатларда юз берган воқеаларга бағишланади. Мақолалар яна ёзилиш нуқтаи назаридан назарий ва амалий мақолаларга бўлинади.

Назарий мақолалар ҳар бир соҳа, мавзу ёки масаланинг энг чуқур асосий-назарий масалаларини ўзида акс эттирса, амалий тарздаги мақолалар ана шу назарий масалаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Мақола учун мавзу қилиб олинган масалага қараш, журналистнинг ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларга муносабати нуқтаи назаридан мақолалар ижобий ёки танқидий бўлиши мумкин. Ёзилиш услуби бўйича эса мақолалар илмий, адабий-бадний, публицистик, ҳажвий ва бошқа хилларга бўлинади. Бу мақолаларнинг ҳар бири ўз навбатида юқорида зикр этилган мақолалар хилларига тааллуқли бўлиши мумкин.

Мақолалар ҳажмига қараб кичик ёки йирик мақола тарзида бўлиши мумкин. Маълум мавзуга бағишланган ва бир пайтда ёзилган мақолаларга эса мақолалар туркуми дейилади.

Мақолаларнинг бундай хилма-хиллиги публицистиканинг муҳим қисми бўлган таҳлилий публицистиканинг ўзида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши ва илмий-адабий–публицистик ижоднинг хилма-хил усулларида кенг фойдаланишини кўрсатади. Бинобарин, мақолада фаннинг, дунёни билишнинг умумлаштириш, тадқиқот каби йўллари билан бир қаторда адабиёт ва санъатнинг образ ва образлилик, сюжет, композиция ва бошқа тасвирий воситалари ҳам ўз ифодасини топади. Аммо унинг энг муҳим ва биринчи ўринда турувчи услубий-ижодий воситаси бу – публицистик тадқиқот ҳисобланади.

Мақола асосан оммавий ахборот воситаларининг газета ва журнал каби кўринишларида, шунингдек альманах, тўплам ва китобларда асосий ўрин олади. Назарий турдаги илмий, адабий-бадий ва бошқа мақолалар асосан журналлардан жой олади. Газеталарда кўпроқ публицистик мақолалар босилади. Оммавий ахборот воситаларининг радио ва телевидение каби кўринишларида мақола жанри радио чиқишлар ва телевизион кўрсатувлар деган ном билан ўз аксини топади. Ахборий агентликлар ҳам айрим ҳолларда мақола жанридан фойдаланадилар. Интернетда ҳам мақола берилади, у сайт деган ном олади.

Мақола қайси хил ва турда бўлмасин маълум бир умумий тузилишга, композицияга эга бўлади. Мақолада биринчи ўринда унда олдинга сурилаётган фикр, айтилмоқчи бўлган маъно туради. Яъни, журналист ҳаётнинг маълум бир соҳаси, маълум бир мавзу бўйича олиб борган кузатишлари, топган факт ва янгиликлари, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар асосида ўқувчига янги бир фикр, янги гап айтиши лозим. Бу эса муаллифнинг бу соҳани қанчалик яхши билиши, унинг барча томонларидан хабардор бўлиши, ўша соҳа учун қандай янгиликлар, янги ечимлар таклиф қила олишидан келиб чиқади. Бу эса журналистдан ўша соҳа бўйича чуқур ихтисосликка эга бўлишини талаб қилади. Масалан, саноат ҳақида мақола ёзиш учун шу соҳанинг етук мутахассиси даражасида билиш, иқтисод соҳасида ёзиш учун эса иқтисодчи, ҳуқуқ соҳасида ёзиш учун эса ҳуқуқшунос, санъатга оид мақола ёзиш учун санъатшунос бўлиш, ёки бу соҳани чуқур билиб олиш шарт. Бу талаб ҳаётнинг барча соҳалари учун ҳам тааллуқлидир. Аммо бу етарли эмас. Мақола ёзувчи журналист ўша соҳанинг мутахассиси даражасида билимга эга бўлиш билан бирликда мазкур масала ҳозирги давр учун, шу кун учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини, унинг ечими ҳаёт учун, тараққиёт учун қанчалик зарур эканлигини ҳам чуқур тушуниши, билиши, ҳис қилиши лозим. Бу эса – публицистиканинг бош талаби, шунинг учун ҳам мақола таҳлилий публицистиканинг асосий жанри ҳисобланади.

Мақола учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фикр, мулоҳаза эса ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш, таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида вужудга келади. Факт, воқеа ва ҳодисаларнинг таҳлили эса мақоланинг мавзуси, қайси соҳага бағишланганлиги яъни тур ва хилига боғлиқ. Чунончи, илмий мақолада асосан илмий тадқиқот, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолада эса ижтимоий-сиёсий тадқиқот, адабий-бадий мақолада адабий-бадий тадқиқот ва ҳоказо олиб борилади. Юқоридаги тадқиқот турлари орасида публицистик тадқиқот асосий ўрин тутди.

Кўриниб турибдики, ахборий публицистикада марказий ўрин тутувчи факт, воқеа ва ҳодисалар тафсилоти мақолада маълум бир фикр, ғояни тасдиқлаш учунгина хизмат қилади. Мақоланинг асосий мақсади ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу муаммоларини акс эттириш ва жамоатчилик фикрига ҳавола этишдир.

Мақоланинг тили ва услуби масаласига келсак у расмий, илмий, адабий-бадий, ҳажвий, публицистик услубда ёзилиши мумкин, бу мақоланинг мавзуси ва ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқади. Мазкур жанрда адабий-бадий воситалар ҳам ўз ўрнида қўлланилади, масалан, илмий мақолада бундай воситалардан фойдаланилмайди. Оммавий журналистика нашрларида босиладиган публицистик мақолаларда бу воситалардан маълум даражада фойдаланилса, адабий-бадий журналларда бериладиган, ижтимоий ҳаётни ёритувчи мақолаларда бу воситалар кенг қўлланилади.

Бинобарин, мақоланинг тил ва услуби, адабий-бадий воситалардан фойдаланиш мақоланинг типи ва хилига боғлиқдир. Мақола жанри журналистикада жуда қадимдан кенг қўлланилиб келади. Жаҳон журналистикаси, рус ва ўзбек журналистикасида мақола жанри ижтимоий фикрнинг шаклланиши ва тараққиётида, илм-фан, маданият ва маънавиятнинг ўсишида катта роль ўйнаб келган. Жумладан, Туркистон Миллий уйғониш даври журналистикасида мақола миллий мустақиллик ғоясининг шаклланиши, мустамлакачилик зулми, жаҳолат ва қолоқликка қарши кураш, маънавият ва маърифатнинг тараққий этишига хизмат қилган. Атоқли ўзбек

адиблари М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий ва бошқалар ватан мустақиллиги, халқ эрки учун курашда мазкур жанрдан кенг фойдаланганлар.

Коммунистик тузум даврида мақола жанри якка гоя ҳукмдорлиги учун хизмат қилиб келди. Шунинг учун ҳам бу даврда бу жанрнинг бош мақола, пропагандистик (тарғиб этувчи) мақола каби хиллари ўйлаб топилди ва кенг қўлланилди. Ўз миллий мустақиллигига эришган республикамызда мақола жанри мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ислохотларни амалга оширишда, миллий истиқлол мафкурасини оммага сингдиришда, маданият ва маърифат тараққиётида хизмат қилиб келмоқда.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 7–сентябрь сониде педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Қурбоновнинг «Баркамол авлод: Тарбия тизимининг масъулияти» сарлавҳали мақоласи босилган. Назарий мақола тарзида ёзилган бу материалда мамлакатимизда таълим–тарбия соҳасида олиб борилаётган катта ислохотлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиш жараёнлари ҳақида сўз боради. Муаллиф масалага чуқур ёндашиб, унинг моҳиятини очиб беради.

Газетанинг шу сониде босилган иккинчи мақола – журналист З.Ашурованинг «Бахт қўрғони дарз кетмасин» сарлавҳали материали эса амалий–ижодий мақола хилига киради. Унда оилани мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси масалалари ҳаётдан олинган факт ва мисоллар асосида очиб берилади. Журналист М.Холматованинг газетанинг 2005 йил 7–январь сониде босилган «Бир ҳовуч сув» сарлавҳали мақоласи ҳам юқоридаги каби маънавий мавзуда бўлиб, унда сувнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги ўрни, қиммати баён этилади. Муаллиф ўз фикрларини тасдиқлаш учун турли ҳаётий воқеалар, ривоятларга мурожаат қилади, образли воситалардан кенг фойдаланади. Тарихчи олим М.Исомиддиновнинг «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 4–апрель сониде «Мозий ибтидоси» рукни остида босилган «Биз билган ва билмаган тарих» сарлавҳали мақоласи эса илмий мақоланинг намунаси бўлиб, унда республика қадимшунос олимлари олиб бораётган ишлар, бу соҳада топилган янгиликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Мақола илмий–оммабоп услубда ёзилганлиги билан газетхонга маъкул бўлиши шубҳасиз.

Журналист О.Шодмоналиевнинг «Тутзорлар уволи – пиллачилик заволи» сарлавҳали мақоласи эса («Халқ сўзи», 2005 йил, 18 февраль) қишлоқ хўжалигининг муҳим муаммоларидан бири – республикамизда пилла қуртини боқиш учун зарур бўлган тут дарахтларини парвариш қилиш, асраб–авайлаш масаласига бағишланган. Шоир Сирожиддин Саййиднинг «Тажоввуз ёхуд яна Тожикистон алюмин заводи ҳақида» сарлавҳали мақоласи («Халқ сўзи» –2005 йил, 13 сентябрь) танқидий руҳда бўлиб, унда қўшни Тожикистон республикасининг Сурхондарё вилоятининг жанубий ҳудудларига туташ жойида ўрнашган алюмин заводидан чиққан захарли моддалар воҳа табиати ва аҳолисининг ҳаётига хавф солаётганлиги очиқ ташланади.

Журналист Б.Эгамқуловнинг газетанинг шу йил 22 февраль сонидан жой олган «Текшир–текшир ўйини» сарлавҳали танқидий мақоласи эса корхона ва муассасаларда ўтказилаётган ўринсиз текширишларнинг зарари масаласига бағишланган.

Мақоланинг яна бир тури «Журналист текшируви» деб номланади ва унда журналист ҳаётда учрайдиган бирор салбий воқеа, ҳолат ва масала тадқиқ қилиниб, ўз муносабатини билдирилган ҳолда ёритилади. Мазкур турдаги материалларни алоҳида бир жанр деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо унда ҳам мақола жанрига хос бўлган белгилар – ҳаётдаги факт ва воқеалар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилиши асосий ўрин тутиши нуктаи назаридан бу хилдаги публицистик асарлар ҳам мақола жанрига оид, деб ҳисоблаймиз. «Журналист текшируви» деганда мазкур материалнинг ёзилиш жараёнида қўлланилган усул ҳам тушунилиши мумкин, аммо бу ўринда бу усул натижасида вужудга келган ижодий маҳсулот назарда тутилаётир. «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 14 сентябрь сонидан журналист А.Ҳайдаровнинг «Ғат–ғат қилган карнайчи» сарлавҳали журналистик текшируви босилган. Унда Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги «Янги бозор» ширкат хўжалиги аъзоси Зиё Холиқовга хўжалик раҳбарлари кўрсатган ноҳақликлар ҳикоя қилинади. Зиё Холиқовни гидронасоснинг айрим қисмларини ўғирлашда айблайдилар ва у катта қийинчиликлар билан ўзининг ҳақлигини исботлайди. Материалда айрим ҳуқуқ ходимларининг масалага бир

томонлама ёндашиб адолатсизликка йўл қўйишлари ҳам очиб ташланган.

Х. Эшматовнинг газетанинг шу йил 10 январь сониди босилган «Қўл учида тузилган шартнома» журналистик суриштирувида эса Тошкент шаҳар «Яккасарой акциядорлик жамиятининг 3–минерал сув ишлаб чиқариш цех мудир Б.Мирзааҳмедовнинг жамият раиси С.Мусаев билан ўзи бошқараётган цехни ўз қарамоғига олиш бўйича шартнома тузганлиги, кейинчалик эса жамият раҳбарлари бу шартномага амал қилмаганликлари ҳақида сўз боради. Журналист масаланинг моҳиятини текшириб, ноҳақ сарсон қилинган ва ҳукукий камситилган фуқаро Б.Мирзааҳмедовни ҳимоя қилади.

Газеталарда «Журналист текшируви» рукни остида бериладиган мақолалар тез–тез учраб туради. Бу турдаги мақолаларнинг оддий мақолалардан фарқи шундаки уларда ҳар бир факт у катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз бўлмасин албатта текширилиши ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим. Журналистнинг бирор факт ёки маълумот ёхуд воқеани баён этишда йўл қўйган хато ва чалкашликлар кейинчалик ёмон оқибатларга – материалнинг текширилиш жараёнида тасдиқланмаслиги ва оқибатда журналистгина эмас, уни ўз саҳифаларида эълон қилган нашр ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, журналистиканинг ҳаққонийлик тамойили бошқа жанрлардаги материаллардан ҳам кўра бу жанрда аниқ ва тўла қўлланилиши талаб этилади.

Мақола жанри журналлар саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олиши ҳаммага маълум. Чунки ижтимоий ҳаётнинг чуқур қатламларини ёритувчи бу журналистика тури учун юз бераётган факт ва воқеаларнинг моҳиятини очиб берувчи бу жанр қўл келади. Мақола жанри журналларнинг барча турларидан доимий ўрин олади. Жумладан, ижтисодий–сиёсий журнал бўлмиш «Тафаккур» журналининг деярли ҳар бир сониди мамлакатимиз моддий ва маънавий ҳаётининг турли масалаларини акс эттирувчи, шу кун учун муҳим ва долзарб муаммоларни кўтариб чикувчи мақолаларни кўришимиз мумкин. Масалан, мазкур журналнинг биргина – 2005 йил, 1–сониди босилган мақолаларга кўз ташласак фикримизнинг яққол исботини кўришимиз мумкин. Журнал Республика Маънавият марказининг раҳбари, публицист Қ.Аъзамнинг «Миллий қадриятлар: тикланиш замони»

сарлавҳали мақоласи билан очилади. «Миллат ва маънавият» рукни остида берилган бу мақолада жамиятимизда юз бераётган улкан маънавий ислохатлар, барча соҳалардаги миллий қадриятларимизнинг табора тикланиб, ҳаётимизга сингиб бораётганлиги қатор мисоллар билан ёритиб берилади.

Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони О.Шарафутдиновнинг «Янги аср муаммолари» рукни остида босилган «Экология ва журналистика» сарлавҳали мақоласида эса шу даврнинг энг ҳаётий ва долзарб муаммоси бўлмиш табиатни асраш масаласи қаламга олинади. Адиб ўз мақоласида инсониятни уни кутиб турган катта экологик таназзул ва ҳалокатдан огоҳ қилади: «XXI аср инсоният тарихидаги фаровонлик ва бахтиёрлик асри эмас, балки одамзод яшайдиган сўнги аср бўлиб қолса ҳам ажаб эмас,– деб ёзади у.- Бунинг учун ер юзида ядро уруши бўлиши ёки бактериологик қуроолларни ишга солиш шарт эмас. Бунинг учун ҳозирги экологик таназзулнинг ўзи кифоя». Муаллиф бунга мисол қилиб Орол денгизининг қуриб қолиши, ҳавонинг ифлосланиши ва табиат устидан кенг миқёсларда ўтказилаётган зуғумларни мисолга келтиради.

Таниқли адабиётшунос Н.Каримовнинг журналнинг мазкур сонидан жой олган «Аср тенгдоши» мақоласи эса илмий–адабий мақола турига мисол бўлади. Унда давримизнинг атоқли адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг янги қирралари, у яратган асарларнинг маънавиятимизни юксалтиришдаги ўрни ҳақида сўз боради. Адабиёт тарихининг синчков мутахассиси И.Ҳаққулнинг «Руҳият сабоқлари» рукни остида босилган «Асрори Ҳаллож» мақоласи эса IХ асрда яшаб ўтган мутаваассуф арбоб, жоҳилуламолар томонидан ўлимга маҳкум этилган Мансур Ҳалложнинг ҳаёти ва қисмати ҳақида бўлиб, журналхонга бу ҳақда қатор янги маълумотлар беради. Журналдан шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг бошқа турли масалалари ҳақидаги мақолалар ҳам ўрин олган. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мақола жанри жамият ҳаётининг чуқур қатламларини акс эттириш, ундаги турли масалалар, муаммоларни ҳал этишда газета ва журналлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари учун ҳам қўл келадиган оммабоп, таъсирчан жанрдир. Фақат, юқорида айтиб ўтилганидек, радио ва телевидениеда

мақола жанри бошқачароқ – радио ва телевизион чиқишлар номи билан аталади.

Мақола бўйича рейтинг топшириқлари

- 1.Мақола сўзининг луғавий маъносини айтинг.
- 2.Мақола жанри нимага асосланади?
- 3.Мақола жанрининг асосий хусусиятини тушунтириб беринг.
- 4.Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолаларга мисоллар айтинг.
- 5.Мақолалар ёзилиш нуқтаи назаридан нечага бўлинади?
- 6.Мақоланинг хиллари ва турларини айтинг.
- 7.Мақола жанри радиога ҳамда телевидениеда қандай номда ўз аксини топади?
- 8.Мақолада биринчи ўринда нима туради?
- 9.Мақола тили ҳақида нима айта оласиз?
- 10.Қайси ўзбек адиблари мақола жанридан кенг фойдалданишган?

Мақола бўйича назорат саволлари

- 1.Айтилган сўз деган маънони билдирувчи журналистик жанрини биласизми?
- 2.Ижобий ва танқидий мақолаларни шарҳланг.
- 3.Мақоланинг энг муҳим ва биринчи ўринда турувчи услубий-ижодий воситасини айтинг.
- 4.Интернетдаги мақола қандай аталади?
- 5.Назарий турдаги илмий, адабий-бадиий мақолалар.
- 6.Шўро даврида мақола жанрининг қандай хиллари ўйлаб топилди?
- 7.Мақолада публистик тадқиқот.

9. 4. ОБЗОР (КУЗАТИШ)

Таҳлилий публицистиканинг муҳим жанрларидан бири – обзордир. Обзор русча обзреть сўзидан олинган бўлиб кўздан кечириш, кузатиш деган маънони билдиради. Публицистик жанр сифатида эса ҳаётдаги маълум мавзу билан ўзаро боғланган воқеа, ҳодисалар, фактлар ҳақидаги умумлаштирувчи материалга айтилади. Агарда ахборот ҳаётдаги айрим фактлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақида хабар қилса, мақола мазкур фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиқ беради, обзор эса уларнинг умумий манзарасини яратади, мазкур фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг воқе бўлиш оқимини, ривожланиб бориши жараёнини акс эттиради. Яъни, обзор жамият ҳаёти муайян соҳасининг шу кундаги, айни замондаги ҳолатини, манзарасини таҳлил ва тадқиқ этади, ундан шу кун, шу давр учун зарур, долзарб публицистик хулосалар чиқаради.

Обзорда ахборий ижтимоий вазифа билан таҳлилий мушоҳада уйғунлашиб кетади, у ўқувчига ҳаёт ҳақида ҳам хабар, ҳам публицистик фикр-хулоса етказади, жамоатчилик фикрини уйғотади. Таъбир жойиз бўлса обзорни инсоннинг ўзини ўраб турган ташқи – ижтимоий оламни билишдаги ўзига хос муҳим публицистик воситаси, оддийликдан мукаммаллик сарига қўйган яна бир зарур қадамига қиёс этиш мумкин.

Обзор публицистик жанрлар ичида шарҳга яқин туради, кузатилган ҳаёт воқеаларини тасвирлашда унинг изоҳлаш усулидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам обзор ёзувчи (тайёрловчи) журналист кўпинча шарҳловчи деб ҳам номланади.

Бошқа таҳлилий публицистик жанрлар сингари обзор ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзида акс эттириши, қамраб олиши мумкин. Шу боисдан ҳам у ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, адабий-бадний, маданий-маънавий ва бошқа мавзуларга доир обзорларга бўлинади. Ўзининг қаратилган объектига қараб обзорлар ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ташқи обзорларда халқаро ҳаёт, мамлакат ташқарисида юз бераётган воқеа, ҳодисалар акс этса, ички обзорлар мамлакатнинг ички ҳаётининг турли соҳаларига бағишланади. Бундан ташқари обзор

ижобий ёки танқидий характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Айрим ҳажвий нашрларда танқидий - ҳажвий обзор ҳам берилади.

Обзор жанри газета, журнал, радио, телевидение ва интернетда кенг қўлланилади. Газета обзори кундалик ҳаёт воқеаларини тезкорлик билан акс эттиришга мўлжалланган бўлса, журнал обзорларида таҳлил янада кенгрок, батафсилрок бўлиши мумкин. Радио ва телевидение доимий равишда бериб борадиган обзорларда эса ҳар икки хусусият ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Ўз шаклий хусусиятларига қараб обзорлар умумий ёки маълум мавзуга бағишланган бўлиши, шунингдек, таҳририятларга келган хатлар обзори ҳам бўлиши мумкин.

Умумий обзорларда ташқи ва ички ҳаётнинг умумий, доимийлик хусусиятига эга бўлган томонлари акс этади. Бу хилдаги обзорлар “Оламда нима гап?”, “Дунё ҳафта ичида”, “Иқтисодий обзор”, “Адабиёт оламида”, “Маънавият чорраҳаларида”, “Санъат сарчашмалари”, “Фан ва ҳаёт” каби рукнлар остида берилиши мумкин. Табиийки, бундай обзорлар радиода ўзига хос тарзда олинган интервьюлар билан қўшилиб, телевидениеда эса тасвирий воситалар орқали берилади. Умумий обзорлар ҳаётнинг турли соҳаларини доимий кузатиб бориш, фактлар тўплаш ва йиғиш, уларни публицистик мушоҳада этиш орқали амалга оширилади.

Бирор мавзуга доир обзорларда эса маълум бир мавзу акс эттирилади. Масалан, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган муайян воқеа ва ҳодисалар, чунончи, сайловлар, бирон бир расмий ҳужжат, тайёрланаётган қонунлар муҳокамаси, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг бориши ёки иқтисодий ҳаётдаги бирор муҳим мавзу — саноат корхоналарининг фаолияти, мулкчилик шаклининг ўзгариши, бозор иқтисодининг у ёки бу масаласи ёхуд бирор маданий-маънавий масалага бағишланган бўлиши мумкин. Бундай обзорларда, фактлар ҳар томонлама таҳлил этилади, уларга ижодий ёки танқидий ёндошилади, публицистик хулосалар чиқарилади. Тематик обзор умумий обзорга қараганда чекланган, аниқ, муайян мақсадга қаратилган бўлади. Спортнинг айрим турлари, масалан жаҳон футболли ёки мамлакат чемпионатининг бориши, кураш, теннис,

бокс ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақаларнинг бориши ҳақида ҳам мавзуга доир обзорлар бериб борилади.

Обзорнинг энг муҳим турларидан бири – матбуот обзори дир. Бунда матбуот нашрларининг фаолияти, уларда берилаётган материалларнинг умумий мундарижаси, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилади. Коммунистик тузум даврида матбуот обзоридан матбуот нашрлари устидан умумий мажбурий партиявий назорат ўрнатиб туриш учун фойдаланилди. Ҳозирги вақтга келиб матбуот обзори матбуот материаллари билан ўқувчиларни таништириш мақсадида тайёрланади. Жумладан, радио ва телевидение орқали доимий равишда бериб бориладиган матбуот обзорлари ана шу мақсадга хизмат қилади.

Обзор жанри журналистдан катта билим ва публицистик малака талаб этади. У ўзи обзор қилаётган соҳадан чуқур ва ҳар тарафлама хабардор бўлиши, бу соҳадаги факт, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериши, ижодий ёки танқидий баҳолаши, зарур публицистик хулосалар чиқара билиши лозим.

Обзорнинг ички тузилиши, тили ва услуби ҳам унинг публицистик хусусиятидан келиб чиқади. Илмий, адабий-бадий обзорларда ўзига хос тил ва услуб қўлланилади. Умумий, тематик ва бошқа турлардаги обзорларда фактлар, воқеа ва ҳодисалар таҳлили ўша соҳага хос тушунчалар, атама ва иборалар билан олиб борилади.

Обзорда илмий, мантиқий таҳлил билан ижтимоий-публицистик мушоҳада уйғунлашиб кетиши лозим. Обзор ҳаёт воқеаларини шунчаки қайд этишдан иборат бўлмаслиги керак. Адабий-бадий воситалар, ҳис-ҳаяжон уйғотадиган сўз ва иборалар ҳам ўрнида ишлатилиши лозим.

Ҳозирги ўзбек оммавий ахборот воситаларида обзор кенг қўлланилиб келинмоқда. Уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ислохотлар, кўп қиррали ҳаётимизнинг ёрқин манзаралари, масала ва муаммолари ўз ифодасини топмоқда. «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 6 сентябрь сониде журналист У.Файзиёвнинг «Дуога қўл очинг» сарлавҳали обзор-мақоласи босилган. Унда газетхонлардан келган хатлар асосида шу

қуниимизнинг энг муҳим масалалари – мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, она–Ватанни севиш, ва бошқа одамийлик хислатлари ҳақида сўз юритилади, муайян мисоллар келтирилади. Журналист газетхонлардан келган ҳар бир хатга меҳр билан қарайди, уларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. «Хуррият» газетасининг 2000 йил, 33–сонида босилган «Би–ир газитга чиғорсангиз...» деб сарлавҳа қўйилган обзор (муаллифи Н.Очилов) да ҳам газета таҳририятига келган хатлар ҳақида сўз юритилади. Бунда ҳаётнинг муҳим масалалари борасида фикр–мулоҳазалар юритилган хатлар билан бир қаторда сарлавҳага чиқарилган тарздаги енгил–елпи мазмундаги хатлар ҳам келиши бироз кулги остига олинади.

Журналист Н.Муҳаммадиевнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги байрами олдидан тайёрлаган «Воҳа тарихига бир назар» деб номланувчи туркум материали эса («Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 14,15 сентябрь сонлари) бу қадимий шаҳарнинг тарихига доир олиб борилган илмий–изланишлар, топилган янгиликларнинг умумий обзорида иборат. Филология фанлари доктори С.Содиқовнинг

«Хуррият» газетасининг 2000 йил, 27–декабрь сонида босилган «Эфирда «Гранд», «Сезам», «Водий садоси» ва бошқалар» сарлавҳали материали ҳам обзор жанрининг муайян намунасидир. Унда муаллиф кейинги пайтларда пайдо бўлиб эфирда иш кўраётган қатор нодавлат– хусусий радио каналларнинг фаолияти, улар олиб бораётган эшиттиришларнинг сифати ҳақидаги ўз фикр–мулоҳазаларини билдиради, уларни баҳолайди.

Обзор бўйича рейтинг топшириқлари

1. Обзор сўзининг луғавий маъноси нима?
2. Ахборот ҳаётдаги айрим фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беради. Обзор-чи?
3. Обзорда ахборот билан қайси мушоҳада уйғунлашиб кетади?
4. Обзор қайси жанрга яқин туради ва нега?
5. Обзорнинг шу хиллари ва турларини айтинг.
6. Обзорнинг энг муҳим тури матбуот обзорини шарҳланг.
7. Обзор жанри журналистдан нимани талаб қилади?
8. Обзорнинг тили ва услуби ҳақида айтинг.

Обзор бўйича назорат саволлари

1. Нега обзор ёзувчини кўпинча шарҳловчи деб айтишади?
2. Ташқи ва ички обзорларга мисол айтинг.
- 4.3. Умумий обзорни изоҳланг. Обзорлар қайси рукнларда берилади?
4. Обзорга мисоллар келтиринг.
5. Радиообзор, телеобзорга мисоллар айтинг.

Формат: Список

9.5. ХАТ

Публицистиканинг ўзига хос жанри – хатдир. Хат сўзи арабча бўлиб бирор одамдан иккинчи одамга ёзма шаклда йўлланган матн, маълум маълумотларни ўз ичига олган ёзувдир. Бу сўз худди юқоридаги маънони билдирувчи мактуб, нома деб ҳам юритилади.

Хат инсониятнинг илк ихтироларидан бири бўлиб, ёзув пайдо бўлгандан сўнг одамлараро алоқанинг асосий тури бўлиб хизмат қилган ва қилиб келмоқда. Хат алоқа воситаси сифатида почта орқали, ҳамда телеграф, факс, интернет сингари электрон алоқалар орқали жўнатилади ва қабул қилиб олинади. Бундай хатларни шахсий хатлар дейилади. Жамият учун у ёки бу даражада қизиқиш уйғотадиган, аҳамиятга эга бўлган хатлар эса ижтимоий аҳамиятли хатлар сифатида қадрланади. Бундай хатлар ёзма адабиёт, журналистика орқали кўпчиликка — оммага етказилади. Жамиятнинг у ёки бу соҳадаги факт, воқеа ва ҳодисаларни акс эттирган, жамоатчилик фикрига бирон-бир янгилик берувчи, фикр уйғотувчи бундай хатлар шунингдек публицистика билан, журналистика билан ҳам боғлиқдир. Яъни, бирор шахс журналистика воситасида ўз хати орқали ҳаётдаги бирон-бир факт, воқеа, ҳодиса ҳақида хабар беради, уларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради, ёки бирон-бир масала юзасидан ёрдам сўрайди, шикоят қилади ва ҳоказо. Бинобарин хат шахсни жамият билан ва ўз навбатида жамиятни шахс билан боғловчи муҳим воситадир.

Хат публицистиканинг алоҳида жанри бўлиб, унда ҳам ахборий, ҳам таҳлилий, ҳам бадиий-публицистик хусусиятларни кўриш мумкин. Масалан, кишилар томонидан журналистикага йўлланган айрим хатларда ҳаётдаги бирон-бир факт, воқеа ҳодиса ҳақида хабар қилиниши, шу ҳақда фикр юритилиши мумкин. Бу — публицистиканинг ахборот жанрига тўғри келади.

Айрим хатларда эса корреспонденция хусусияти бўлиб, уларда бир неча факт, воқеа ҳодиса ҳақида сўз бориши, фикр юритилган бўлади. Журналистикага йўлланиладиган аксарият хатлар мақола тарзида бўлиб, уларда ҳаётдан олинган бирор бир мавзу, тугалланган фикр ўз ифодасини топади. Бошқа бир

хатларда эса ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган масалалар кўтарилиб, кўпчиликнинг муҳокамасига ташланади. Бундай хатлар “Очиқ хат”, “Мурожаатнома” деб аталади. Шунингдек, айрим хатлар ўзига хос адабий-бадний усулга эга бўлади. Бундай хатлар бадний публицистикага тааллуқли бўлади. Яъни, хатлар ўзида жамият ҳаётини қанчалик ва қай тарзда ёритишига қараб оддийдан мураккабликка қараб ўсиб боради ва инсоннинг ташқи – ижтимоий оламдан хабардор бўлиши, уни чуқурроқ англашида у ёки бу даражада хизмат қилади. Бинобарин, хатлар ўз хусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Таҳририятларга келадиган хатлар
2. “Очиқ хат”лар
3. Адабий-бадний хатлар

Таҳририятга келган кундалик хатлар мазкур жанрнинг энг оддий кўриниши бўлиб, уларда шу куннинг энг муҳим масалалари акс этади. Кишилар таҳририятларга йўллайдиган хатларида ўзларини кизиқтирган у ёки бу факт, ҳодиса ҳақида хабар берадилар ёки бирон-бир масала юзасидан фикр билдирадилар. Ҳаётда учрайдиган айрим камчилик, ноҳақлик кўринишларидан шикоят қиладилар ва ҳоказо.

Таҳририятларга келадиган кундалик хатларнинг мавзу доираси жуда кенг бўлиб, уларда шу кунги ҳаётнинг муҳим томонлари ўз аксини топади. Бундай хатлар одатда икки хил – ижобий ёки танқидий тусда бўлади. Ижобий хатларда ҳаётдаги факт, воқеа, ҳодисалар маъқулланиб, қўллаб-қувватланса, танқидий хатларда ҳаётда учрайдиган камчиликлар, ноҳақликлар ва бошқа иллатларга танқидий муносабат билдирилади, фош этилади. Бундай хатларнинг аксариятини шикоят хатлари ташкил этади.

Таҳририятларга келадиган бундай кундалик хатлар “Бизга ёзадилар”, “Газетхонлар почтасидан”, “Таҳририятга хатлар”, “Ўқувчи бонг уради”, “Номалар, ҳангомалар”, “Газетхонлар тилидан”, “Таклиф ва мулоҳазалар” каби ва бошқа рукнлар остида бериб борилиши мумкин. Таҳририятларга келган хатлар ўз хусусияти жиҳатидан умумий ва бирор мавзуга доир

бўлиши мумкин ва улар шу нуқтаи назардан махсус рукнлар остида бериб борилади. Шунингдек, кундалик хатларнинг маълум бир қисми – сўров хатлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай хатларда газетхонлар ўзларини қизиқтирган у ёки бу масалалар ҳақида тушунтириш беришни сўрайдилар. Бундай хатлар “Сўранг, жавоб берамиз”, бошқа рукнлар остида бериб борилиши мумкин.

Айрим хатлар эса журналистика нашрларида босилган баъзи бир материаллар ёки расмий ҳужжатлар-қонунлар муҳокамасига доир ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, отклик-жавоблари бўлиши мумкин. Бундай хатлар “Газетхон фикр билдиради”, “Акс-садо”, “Таклифлар ва мулоҳазалар” каби рукнлар остида бўлиши мумкин.

Таҳририятга келган айрим хатлар асосида шарҳлар, муаммоли мақолалар тайёрланиши мумкин. Бундай хатлар асосида тайёрланган мақолалар “Бир хат изидан”, “Мактуб йўлга чорлади”, “Газетхон мулоҳазаларига жавоб” каби рукнлар остида босилади. Баъзи бир хатлар эса журналистик суриштирув учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки, таҳририятга келган хатларнинг ҳаммаси ҳам босиб чиқарилмайди, балки уларнинг шу кун учун муҳим, долзарб масалалар кўтарилганлари танлаб олинади, қолганларига эса ё жавоб ёзилади, ёки текшириб чора кўриш учун тегишли ташкилотларга жўнатилади. Умуман олганда таҳририятга келувчи кундалик хатлар мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиши, уларда ҳаёт нафаси бевосита уфуриб туриши билан қимматлидир. Уларга эътибор бириш, қадрига етиш, фойдаланиш ҳар бир журналистика нашрининг жонли, халқчил, таъсирчан бўлиши, ўз ижтимоий вазифаларини тўла адо этишида ёрдам беради.

Хатнинг ижтимоий жиҳатдан салмоқли, муҳим кўриниши – “Очиқ хат”, “Мурожаатнома”лардир. Очиқ хат - ҳаётдаги бирон-бир муҳим ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий масала, муаммо ҳақида бирор шахс, ёки бир гуруҳ кишиларнинг фикри, қарашлари асосида ёзилган публицистик материалдир. Бундай хатда шу кун, айти замон учун жуда муҳим бирор масала, муаммо кўтариб чиқилади ва кўпчиликка етказиш орқали

жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинади. Бундай хатлар ўткир публицистик руҳга, жонли таъсир кучига эга бўлиши лозим. Очик хатда ижтимоий аҳамиятлилик алоҳида ўрин тутаети, у шу хусусияти билан оддий хатдан фарқ қилаети. Очик хатнинг ўзига хос кўриниши “Мурожаатнома” шаклида бўлаети. Бундай хатлар расмий характерда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, давлат раҳбарининг маълум бир анжуман қатнашчиларига ёки меҳнатда катта ютуқларга эришган вилоят, туман ёки бирор корхона жамоасига йўллаган мактуби, табриги, ёки бирор анжуман қатнашчиларининг давлат раҳбарига йўллаган мактубларини олиш мумкин. Бундай табрик ва мурожаатномаларда ҳам муҳим ижтимоий масалалар ўз ифодасини топади.

Айрим очик хатларда у ёки бу мавзудаги ижтимоий масалалар, муаллифнинг кўпчиликка айтмоқчи бўлган фикри ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, журналист Т.Акбаровнинг «Хуррият» газетасининг 2000 йил 9–сонида «Раддияга раддия» рукни остида босилган «Миш–миш остидаги ҳақиқат» сарлавҳали ва Фарғона вилояти прокуратураси ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон–тарож ва бошқа суиистеъмолларга қарши кураш бўлимининг бошлиғи Эркин Ғафуровга йўллаган очик хати бунга мисол бўла олади. Журналист бу асарида мазкур идора фаолиятидаги қатор камчиликлар ва унинг юқорида номи тилга олинган ходимининг феъл–атворидаги расмиятчилик, манманлик каби қусурларни очиб ташлайди.

Газетанинг 2000 йил, 41–сонида «Очик хат» рукни остида босилган «Бировнинг бурнини қонатмадим» сарлавҳали материалда эса унинг муаллифи – журналист М.Абдураимов газетанинг олдинги сонларида босилган ва унинг фаолиятидаги нуқсонлар фош этилган «Ўғри эмас, мухбир урди» сарлавҳали танқидий мақоланинг муаллифи журналист Б.Олломуторовга мурожаат этади ва ўзини оқлаш учун қатор далиллар келтиради. Мазкур газетанинг шу йил 50–сонида газетхон Б. Илёс ал–Аминнинг «Мақсад эзгулик бўлса...» сарлавҳали ва журналист Ш.Жабборовга йўлланган очик хати босилган. «Муносабат» рукни остида берилган бу материалда газетхон Ш.Жабборовнинг газетанинг бундан олдинги сонларидан бирида босилган «Ор–

номуснинг таржимаси борми?» деган мақоласига ўз муносабатини билдиради ва муаллифга қатор ўринли эътирозлар билдиради. Кўриниб турибдики, очиқ хат жанри ҳаётдаги айрим масала ва муаммоларни кўтариб чиқишда ва уларга жамоатчилик фикрини уйғотишда муҳим роль ўйнайди.

Хатнинг журналистикада ва ёзма адабиётда кенг ўрин олувчи муҳим кўринишларидан бири адабий-бадиий хатлар, ёки эпистоляр публицистикадир. Эпистоляр сўзи латинча *epistola* – хат, юборилган маълумот деган маънони билдиради. Бу жанр адабий-бадиий ёки публицистик асарнинг хат, мактуб тарзида ифода этилишидир. Яъни, машҳур ёзувчилар, адиблар, мунаққидлар ўзларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикр-гуйғулари, ижтимоий фикри тарихида бундай асарлар кўплаб яратилган. Масалан ўрта асрнинг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг “Муншаот” асари, Фурқатнинг чет элдан туриб “Туркистон вилоятининг газети” идорасига юборган хатлари ва дўстларига йўллаган шеърӣ мактублари, буюк рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг “Гоголга хат” мақоласи, буюк рус адиби Л.Н.Толстойнинг “Жим туролмайман” деб номланувчи очиқ хати ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Мазкур хат-асарлар муаллифлари ўз замоналарининг ўта муҳим ижтимоий-сиёсий, ижодий-маънавий муаммоларини кўтариб чиққан эдилар. Бундай асарларда одатда ҳаёт воқеаларини таҳлил этишда маънавий талабчанлик, танқидий руҳ устун туради. Бу хилдаги айрим асарлар ҳажвий услубда ҳам ёзилиши мумкин. Масалан атоқли адиб А. Қодирийнинг “Московдан хатлар” деб аталувчи туркум хатлари ҳажвий асар бўлиб, уларда ҳаётда учрайдиган турли ижтимоий-маънавий иллатлар ҳажвий танқид остига олинган эди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил, 14–май сониди таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони О.Шарафуддиновнинг «Фикр эркинлиги – зарур эҳтиёж» сарлавҳаси остида адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулга йўллаган очиқ хати эълон қилинган. Унда муаллиф И.Ҳаққулнинг «Тафаккур» журналида эълон қилинган «Абдулла Қаҳҳорнинг жасорати» мақоласига ўз муносабатини билдиради. Одатда бу

хилдаги очик хатларнинг аксарияти танқидий руҳда бўлиши одат тусига кирган, аммо мазкур мақола таникли адабиётшунос олимнинг ёш тадқиқотчининг асарига берган ижобий баҳоси билан характерлидир. О.Шарафуддинов И.Ҳаққулнинг ўзининг юқоридаги мақоласида Абдулла Қаҳҳор ижодининг янги қирралари, унинг ижодий руҳига хос бўлган янги томонларни топганлиги билан табриклайди ва унинг мақоласи истиклол даври адабиётшунослиги учун, янги илмий тафаккурнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга молик илмий жасорат эканлигини таъкидлайди. Газетанинг 2005 йил 22–март сониди эса журналист Ашурали Жўраевнинг Озод Шарафуддиновга очик хати эълон қилинган. Мазкур публицистик асар ҳам ижобий характерга эга бўлиб, унда олимнинг «Тафаккур» журналида босилган «Экология ва маданият» сарлавҳали мақоласига ўз муносабатини билдиради ва уни маъқуллайди. Хат жанрида ёзиладиган журналистика асарлари ўз ички хусусиятлари, тузилиши, шаклий жиҳатлари билан хилма-хилдир. Таҳририятларга юбориладиган оддий хатларда кундалик ҳаётда учрайдиган фактлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги шахсий фикр ва мулоҳазалар, мақсадлар акс этганлигидан оддийроқ услубда ёзилади. Таҳририятларда бундай хатлардан фойдаланишда муаллифларнинг фикр ва мақсадларини, йўналишини сақлаб қолган ҳолда услубий жиҳатдан таҳрир этилиши мумкин.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 10 август сониди газета таҳририятига келган хатларга бағишланган махсус саҳифа чоп этилган. Унда газета ўқувчиларининг таҳририятга ёзган турли мавзулардаги хат ва шикоятларидан намуналар келтирилган. Жумладан, Наманган шаҳридаги собиқ «Чорсу» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси С.Бобоева ўзининг «Кимнинг гапига ишонамиз?» деб номланган хатида ўзи ишлайдиган корхонасининг ноҳақ равишда ёпиб қўйилганлиги ва жойлардаги расмийчилик ҳолларини батафсил маълум қилади ва таҳририятдан ёрдам сўрайди. Жиззах вилоятининг Мирзаобод туманидан бир гуруҳ газетхонлар номидан келган хатда эса тумандаги қишлоқларда ичимлик сувининг йўқлигидан шикоят қилинади.

Шунингдек, газеталарда таҳририятга келган хатларни умумлаштириб, умумий ёки мавзуга доир обзорлар ҳам бериб борилади. Мақола тарзида ёзилган хатларда эса мантикий таҳлил, зарур ижтимоий, илмий, бадиий мушоҳада ўрин олиши лозим. Бундай материалларда ҳис-туйғу, таъсирчанлик уйғотувчи тасвирий воситалар ҳам ўз ўрнида ишлатилиши мумкин. Бунда муаллифнинг маҳорати асосий ўрин тутади.

Журналист Аликул Хонимкуловнинг «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 10 март сонидида босилган «Тарбиясиз тарбиячи» деб номланган мақоласи ана шу услубда ёзилган. Унда Жиззах вилояти Ховос туманидаги 7-ўрта мактабнинг директори Абдурасул Бойболаевнинг тарбиячига номуносиб хатти–ҳаракатлари танқид остига олинади. Мазкур мактаб директори ўз қўл остидагилар билан жуда қўпол муносабатда бўлади, уларни менсимайди, ҳақорат қилади. Шу билан баргаликда у мактаб ўқувчиларига нисбатан ҳам ноинсоний – бераҳмларча муносабатда бўлади. Бойболаев кишининг қор ёғиб турган, совуқ кунни тонгида саксон учта ўқувчини «дарсга кеч қолдинглар» баҳонаси билан мактаб ҳовлисида бир соатдан ортиқ турғазиб қўяди, ўзи эса бу аянчли воқеани иш хонасининг деразасидан бемалол томоша қилиб туради. Журналист бу воқеани баён этишда унинг «қаҳрамон»ига бевосита мурожаат, яъни очик хат шаклини қўллайди:

«Абдурасул ака, бу болалар ҳақида, бу манзара ҳақида бироз кейинроқ гаплашсак. Сиз билан, аввало, қалб ҳақида, инсоннинг меҳри ҳақида, аниқроғи ўқитувчининг ўз ўқувчиларига бўлган қалб ҳарорати тўғрисида гурунги килсак, дейман»,– деб бошлайди ўз мақола–хатини А.Хонимкулов. Сўнг у ҳақиқий ўқитувчининг қандай инсоний сифатларга эга бўлиши зарурлигини, «юрса ҳам, турса ҳам, хатто тушларида ҳам мактабни, ўқувчиларини кўраоладиган» кишигина ҳақиқий ўқитувчи, тарбиячи деб аталиши мумкинлигини айтади ва мактаб директорининг ўзининг кундалик фаолиятидаги такаббурлиги, қўполлиги билан жамоанинг кўнглини «зада» қилиб қўйганлигини аниқ мисоллар, Бойболаевнинг қўл остида ишлайдиган мактаб ўқитувчиларининг гувоҳликлари билан келтириб ўтади. Мақола сўнгида эса ўша

машъум фактга – ўқувчиларни бекордан–бекорга, бераҳмларча совуққа қотирилганлиги масаласига ўтади.

«Мактаб ҳовлисида бир соат турғизиб қўйилган болаларга қайтайлик. Сиз билан ана шу болалар тўғрисида фикрлашиб кўрайлик.

Саксон уч нафар кичкинтойлар орасида сизнинг фарзандингиз йўқ эди. Февраль эди. Қишнинг авжи эди. Ер муз эди. Осмондан эса бетиним қор ёғарди. Ана шу болаларнинг баъзилари кийган ботинка ва туфлиларининг тагчарми юпка эди. Баъзиларининг эгни юпқароқ эди. Сиз эса ташқарида турган ўқувчиларни мактабнинг биринчи қавати деразасидан бамайли хотир кузатиб турардингиз.

Домлажон, бу болакайлар машғулотлар соат саккиздан бошланганлиги туфайли беш–ўн минут дарсга кечикиб келишган эди. Ҳолбуки машғулотларни қиш фаслини ҳисобга олиб ярим соат, бир соат кечроқ бошлашнинг иложи ҳам бор эди. Демак, оддий тадбирийдан меҳр ўрнига шунчалик жазо қўлланиши шартмиди, бу ҳақда гапирмай қўяқолайлик.

Фақат... Фақат мактабнинг биринчи қавати деразаси ортидан совуқдан дилдираётган болаларга тикилиб турган лаҳзаларда юрагингизда ўша пайтда қандай туйғулар, қандай ўйлар ўтганлигини билишни истардим. Наҳотки шундай пайтда, ўша лаҳзаларда юрагингизда бамайлихотирлик, ўз ишингиздан қониқиш ҳислари кезган бўлса?»

Журналистнинг бу ўткир публицистик руҳни усталик билан нозик равишда ифода этган материали мўлжалга бориб тегиши аниқ. Газетанинг кейинги сонларидан бирида вилоят ҳуқуқ–тартиб идораларидан келган жавоб хатида мазкур мақола «қаҳрамон»и тарбиячилик қонун–қоидаларини қўпол равишда бузиб ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун у мактаб директорлигидан четлатилганлиги ва унинг устидан жиноий иш қўзғатилганлиги ҳақида хабар қилинади. Бундан кўриниб турибдики, “Очиқ хат”, Мурожаатнома” каби кўринишлардаги хатларда асосий эътибор фикрлар яхлитлиги, лўндалиги, ифоданинг тушунарли ва таъсирчан бўлишига қаратилади.

Эпистоляр ёки ёзувчи публицистикасига эса бадиий-публицистик асарга қўйиладиган юксак ижодий-ифодавий талаблар қўйилади. Бундай асарлар ҳам ижтимоий-ғоявий жиҳатдан, ҳам бадиий-тасвирий жиҳатдан юқори даражада бўлиши лозим. Бунда хат муаллифининг дунёқараши, бадиий маҳорати асосий роль ўйнайди.

Хат жанри оммавий ахборот воситаларининг деярли барча кўринишларидан кенг ўрин олиб келади. Жумладан таҳририятларга юбориладиган кундалик хатлар ва газета ва журналлар билан бир қаторда радио, телевидениеда ҳам эълон этиб борилади. Расмий мақомга эга бўлган табрик мактублари, муҳим мурожаатномалар ҳам барча оммавий ахборот воситаларига тегишлидир. Эпистоляр публицистика, ёзувчи хатига оид адабий-бадиий асарлар асосан адабий-бадиий нашрларда чоп этилади ва айрим ҳолларда радио ва телевидениеда ҳам берилади.

Умуман олганда хат жанри публицистиканинг кенг кўламли ва серқирра жанрларидан бири бўлиб, инсоннинг ижтимоий олами идрок этишида катта хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистоннинг газета, журнал, радио ва телевидениесида мазкур жанр ўзининг муносиб ўрнига эга.

Хат бўйича рейтинг топшириқлари

1. Хат сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Хат қачон пайдо бўлган?
3. Ижтимоий хат билан шахсий хатларни изоҳланг.
4. “Очиқ хат”, “Мурожаатнома” га мисоллар айтинг.
5. Хатлар хилларини биласизми?
6. Ижтимоий жиҳатдан салмоқли, муҳим кўринишли хатларни айтинг.
7. “Очиқ хат”нинг ўзбек матбуотида тутган ўрни.
8. Мақола тарзида ёзилган хатларга мисоллар айтаоласизми?
9. Табрик мактубларининг ўзбек журналистикасидаги ўрни.
10. Радио ва телевидениеда хат жанри.

Хат бўйича назорат саволлари

1. Шахсни жамият билан ва ўз навбатида жамиятни шахс билан боғловчи воситани шарҳлаб беринг.
2. Адабий-бадий хатларга мисол келтиринг.
3. Таҳририятга келадиган хатлар қандай рукнлар остида бериб борилади?
4. Хат жанри қандай турларга эга?
5. Ўзбек матбуотида хат жанри кўринишларини ифодаланг.

9. 6. ТАҚРИЗ

Таҳлилий публицистиканинг муҳим жанрларидан бири тақриздир. Тақриз сўзи арабча бўлиб, ўлчамоқ, салмоқлаб кўрмоқ, баҳоламоқ деган маъноларни билдиради. Мазкур жанр рецензия деб ҳам юритилади. Бу латинча *recensio*-баҳо деган сўздан олинган.

Тақриз фан, адабиёт-санъатга доир асарларни таҳлил этувчи, баҳо берувчи публицистик жанрдир. Демак, тақриз, (рецензия) ҳаётни бевосита тасвир этувчи мақола ва бошқа таҳлилий жанрлардан фарқли равишда фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда акс эттирилган воқеа ва ҳодисаларни, фактларни таҳлил этиш, баҳолашга қаратилади. Бу – публицистиканинг, журналистиканинг ижтимоий онг кўринишлари, ҳаётни акс эттириш турлари бўлган фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга муносабати, ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи фактордир. Бинобарин, тақриз инсоннинг ташқи оламдаги билинган, онгда акс этган воқеа ва ҳодисаларни қайтадан яна чуқурроқ билиш, таҳлил ва тадқиқ этиш, баҳолаш борасидаги муҳим воситасидир. Яъни, бу жанр фан, адабиёт, санъатнинг ҳам тараққиётига хизмат қилади, инсон онгининг уфқларини янада кенгайтиради. Бошқа таҳлилий жанрлар сингари тақриз ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзида акс эттириши мумкин. Аммо у юқорида айтилганидек, ҳаёт воқеаларини тўппа-тўғри эмас, балки фан, адабиёт ва санъатда ўз аксини топган, яъни ўрганилган, баҳоланган шаклдаги ҳолатини ўрганади, ёритади.

Булар фаннинг турли соҳаларига доир илмий ишлар, китоблар, рисоалар, мақолалар тўпламлари, ихтиролар, кашфиётлар, бадиий асарлар, сахна асарлари, кинофильмлар, тасвирий санъат, мусика асарлари бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда тақризлар фан, адабиёт ва санъатнинг барча асарларига эмас, балки айни шу кун, шу давр учун аҳамиятли, зарур асарларгагина ёзилади ва эълон қилинади. Бу — тақризнинг ҳам публицистик хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Шуни айтиш керакки тақриз журналистикадан ташқари ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, янгидан яратилган ҳарбир илмий асар, ихтиро ва кашфиётлар, бадиий асарлар, тасвирий санъат, мусиқа ва сахна асарлар, кинофильмлар, ҳайкалтарошлик асарлари ва бошқалар босиб чиқарилиши, эълон қилиниши, кўргазмага қўйилишидан олдин шу соҳа кишилари, олимлар, адабиётшунослар, санъатшунослар томонидан баҳоланади, таҳлил этилади. Бундай баҳолаш оғзаки муҳокама ёки ёзма тақриз шаклида бўлиши мумкин. Бу хилдаги тақризларни одатда ички тақриз дейилади. Шу билан баргаликда фан, адабиёт, санъат асарлари ошкора равишда – журналистика орқали баҳоланиши, муҳокама этилиши мумкин. Ана шундай тақризлар таҳлилий публицистика жанрига оид асарлар саналади. Бу хилдаги ижод турини танқид ва библиографияга оид асарлар ҳам деб юритилади.

Танқид арабча сўз бўлиб иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот, назария ва шу кабиларнинг салбий ва ижобий томонларини, ютуқ ва камчиликларини муайян нуктаи назардан баҳолаш, таҳлил этиш деган маънони билдиради. Библиография эса латинча *biblion* –китоб, *grapno-* ёзмоқ деган сўзлардан олинган бўлиб, босма асарлар-китобларни таҳлил этиш, фикр билдириш деган маънони билдиради.

Кўриниб турибдики, бу тушунча ҳам тақриз, рецензия атамалари билдирадиган маъноларга яқиндир.

Тақриз инсон онгий оламининг барча соҳаларини камраб олар экан ўз навбатида турли хилларга бўлиниб кетади. Булар:

1. Илмий тақризлар;
2. Адабий-бадиий тақризлар;
3. Театр тақриз;
4. Кино тақриз;
5. Мусиқа асарлари тақриз;
6. Тасвирий санъатга доир тақризлар;
7. Радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар тақриз ва бошқалар.

Илмий тақризлар юқорида айтилганидек илм-фаннинг у ёки бу соҳасига доир янги чиққан китоблар, асарларга берилади. Бу хил тақриз у хоҳ аниқ фанлар – математика, физика, кимё, география, геология ва бошқа соҳаларга ёки ижтимоий фанлар бўлмиш тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, санъатшунослик, тилшунослик ва бошқа соҳаларга бағишланган бўлмасин, аввало мазкур соҳада яратилган асарларнинг мазмуни, унинг фанга қўшган салмоғи, ютуқ ва камчиликларини очиб бериши лозим. Тақриз муаллифи ва асарлар ҳақида ўз қарашларини, хулосаларини баён этади. Илмий тақризлар мазкур илм-фан соҳасидаги янгиликларни оммага етказишда муҳим омил ҳисобланади.

Илмий тақризлар асосан шу фан соҳаси билан яқиндан таниш бўлган мутахассислар, олимлар томонидан ёзилади ва одатда фаннинг шу соҳасига оид илмий нашрларда, илмий журналларда, шунингдек фаннинг шу соҳасига тегишли бўлган тармоқ газеталарда босилади. Марказий ва бошқа умумсиёсий газеталар, ижтимоий-сиёсий журналларда эса кўпчилик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган алоҳида илмий асарларгагина тақриз берилади. Умуман олганда, илмий тақризлар ўқувчиларни фан янгиликлари билан таништиришда, илмнинг мазкур соҳасидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаб, унинг ривожига ҳисса қўшиш учун хизмат қилади.

Адабий-бадий тақризлар мазкур жанрнинг энг кўп қўлланиладиган тури ҳисобланади. Адабий-бадий тақризнинг вазифаси тақриз қилинаётган бадий асарнинг мазмунини чуқур очиб бериш, унда олдинга сурилаётган асосий ғояни ўқувчига равшан кўрсатиш, асар муаллифи эришган маҳорат ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини баён этишдан иборат. Адабий-бадий тақриз-адабий танқидчиликнинг асосий жанри ҳисобланади. Адабий танқид – адабиётшунослик фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бадий ижоднинг шу кундаги, айти замондаги аҳволи, эришилган ютуқ ва камчиликларни очиб ташлаш орқали бадий адабиёт тараққиётига хизмат қилишдан иборат.

Адабий-бадий тақризларда шу кун, айна замонда юзага келган янги бадий асарлар таҳлил этилади, уларга баҳо берилади, камчиликлари танқид остига олинади. Ҳозирги ўзбек адабий танқидчилигида атоқли адабиётшунос олимлар О.Шарофиддинов, М.Қўшжонов, Н.Каримов ва бошқаларнинг самарали фаолияти таҳсинга сазовар.

Адабий-бадий тақризлар асосан адабий-бадий журналлар ҳамда адабиётга ихтисослашган газеталардан кенг ўрин олади. Умумсиёсий газеталарда фақат жамият учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган йирик асарларга ёзилган тақризлар берилади.

Театр тақризларида театр танқидчилиги ўз ифодасини топади. Уларда тамошабинларга ҳавола этилаётган янги сахна асарлари таҳлил этилади. Бу тақризларда сахнага қўйилган спектаклнинг ғоявий мазмуни, актёрларнинг ижрочилик санъати, режиссура маҳорати ва бошқа масалалар таҳлил этилади, ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб, ижодий хулосалар чиқарилади. Театр тақризи ўқувчи ва тамошобинларга мазкур асарни ҳар томонлама таҳлил этиш билан бирликда санъаткорларга уни янада такомиллаштириш борасида кўмак, маслаҳатлар ҳам бериши лозим.

Театр тақризлари асосан шу соҳа мутахассислари, олимлар, адабий танқидчилар, айрим ҳолларда журналистлар томонидан ёзилади. Театр тақризи ёзиш учун театр санъати соҳаси бўйича чуқур билимга, малакага эга бўлиш лозим. Бугунги кунда бу соҳада М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Турсунов, Т.Бояндиёв, М.Тўлаҳўжаева, О.Ризаев, Ш.Ризаев, С.Турсунбоев, Т.Исломов, Ҳ.Икромов, С.Қодирова, А.Раҳимов ва бошқалар фаолият кўрсатмоқдалар. Кинотақриз ҳам мазкур жанрнинг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Унда янги яратилган кинофильмнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари очиб берилади. Худди театр тақризи сингари кинотақриз ҳам кино санъати сирларидан хабардор бўлган мутахассислар, киношунослар томонидан ёзилади. Кинотақриз соҳасида Ж.Тешабоев, Ҳ.Акбаров, Ҳ.Абулқосимова ва бошқаларнинг хизматларини эътироф этиш мумкин.

Муסיқа санъати, тасвирий санъатга бағишланган тақризларга ҳам юқоридаги талабларни қўйиш мумкин. Бу тақризларда ҳам мазкур соҳаларга доир янги асарларнинг ўзига хос томонлари, эришилган ютуқ ва камчиликлар, асар муаллифининг маҳорати очиб берилиши ва ўқувчига етказилиши лозим. Бундай тақризлар ҳам асосан махсус нашрларда, алоҳида ҳолатларда умумсиёсий газета ва журналларда босилиб чиқади.

Уларнинг муаллифларини муסיқашуносликда (хусусан А.Жабборов, И.Ражабов Т.Ғафурбеков Р. Абдуллаев, А.Назаров ва бошқаларни), тасвирий санъатда (хусусан Р.Аҳмедов, Ч.Аҳмаров, Б.Жалолов, Р.Чориев ва бошқаларни) эслаш кифоядир.

Тақриз қайси соҳада, қайси мавзуда бўлмасин бирон-бир асарни баҳолашда ҳолислик, илмий ёндашув бу жанр учун муҳим мезон ҳисобланади. Чунки ҳар бир илмий, адабий, санъат асарига шу пайтгача мавжуд бўлиб жамланган, замон синовидан ўтган ўлчам ва қарашларга амал қилингандагина тўғри баҳо бериш мумкин. Аксинча, асарни бирор бир тор синфий, сиёсий, ёки шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, баҳоланганда нотўғри, бирёқлама хулосалар келиб чиқади, ўқувчини чалғитади, муаллифга жиддий маънавий зиён етказилади. Масалан, совет тузуми даврида айрим илмий, адабий ёки санъат асарларига ана шундай бир ёқлама, тор синфий-сиёсий ёки гуруҳбозлик нуқтаи назаридан баҳо беришлар кўп учрарди. Чунончи, атоқли ўзбек адиби А. Қодирийнинг асарларига, Ойбекнинг “Алишер Навоий” романига берилган айрим ижтимоий- вульгар (қўпол) тақризлар бунинг яққол далилидир.

Оммавий ахборот воситаларининг алоҳида тури бўлган радио ва телевидение орқали эшиттирилган ёки кўрсатилган айрим асарлар – радиоспектакль, телефильм, телекўрсатувларга ҳам тақриз ёзилиши мумкин. Бу тақризларда ҳам мазкур радио ёки телеасарнинг мазмуни, моҳияти, ютуқ ва камчиликлари очиб берилади, ўқувчига етказилади.

Такриз жанри кўпроқ газета ва журналлардан ўрин олади. Радио ва телевидениеда улар такриз эмас – эшиттириш ёки кўрсатувнинг бир тури сифатида қўлланилади.

Такризлар ички тузилиши жиҳатидан ахборий ёки таҳлилий бўлиши мумкин. Ахборий такризларда янги илмий, адабий-бадий ёки санъат асари ҳақида кенгроқ хабар берилади, ўқувчига таништирилади. «Хуррият» газетасининг 2000 йил, 44-сонидан журналист Р.Раҳмоновнинг «Зарур, барчага керакли китоблар» сарлавҳали ахборий такризи босилган. Унда филология ва фалсафа фанлари доктори М. ал-Бухорийнинг «Тамойилы международной журналистики и международной обмен информацией» ва «Международные ахборийные агентства и международная пресса в рамках обмена информацией» китобларининг нашр этилганлигини билдиради ва бу илмий маҳсулотларнинг журналистика фанининг ривожига учун зарур хизматни бажаришини таъкидлайди.

Газетанинг шу йил 36-сонидан «Воизга ёрдам» сарлавҳаси остида берилган ахборий такризда ҳам Республика Маънавият маркази томонидан илмий-тарғибот олиб боровчиларга ёрдам берувчи бир туркум китоблар нашр этилганлиги билдирилади ва уларнинг мазмуни қисқача баён этилади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бериб борилаётган такризлар орасида ҳам қисқа – ахборий такризлар учраб туради. Масалан, газетанинг 2005 йил 12 август сонидан жой олган «Доимий ҳамроҳ» рукни остида берилган икки ахборий такризда ёзувчи Н.Жалолиддиннинг «Эркаги бор уй» ҳикоялар тўплами ва тадқиқотчи Н.Афоқованинг «Жадид шеърини поэтикаси» китобларининг нашр этилганлиги маълум қилинади. Муаллиф Қ.Қаюмов бу китобларнинг мазмуни, тузилиши ва аҳамияти ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади.

Аксарият такризлар таҳлилий бўлиб, улар ўз хусусиятлари билан мақолага яқин туради. Яъни, такризда ҳам худди мақоладаги каби таҳлилий мушоҳада юритилади, айрим фикрлар олдинга сурилади, хулосалар чиқарилади. Илмий такризларда илмий, адабий-бадий такризларда адабий-бадий, санъат турларига бағишланган такризларда эса ўша санъатга доир

тушунчалар асосида фикр-мулоҳаза юритилади. Аммо барча тақризларга хос бўлган нарсa унинг публицистик томонидир. Яъни, тақриз этилаётган мазкур асарнинг ижтимоий аҳамияти тақризда асосий ўринни эгаллаши лозим. Айрим тақризларда мақоладан ташқари – очик хат, шарҳ каби жанрлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 29–октябрь сонидa адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг «Чўлпон ҳақида роман» деб номланувчи тақризи эълон қилинган. Унда таниқли адабиётшунос олим Н.Каримовнинг «Чўлпон» деб номланувчи романи ҳақида фикрлар билдирилади. Тақриз таҳлилнинг чуқурлиги ва қамровнинг кенглиги билан ажралиб туради. Муаллиф асарга унинг ғоявий йўналиши, руҳи, ёзилиш маҳоратига умуман ижобий баҳо бергани ҳолда айрим муҳим фактлар ва воқеалар, уларнинг ҳаққонийлиги, романда қандай фойдаланганилиги ҳақида ҳам ўз фикрларини билдиради. Мазкур тақризни илмий–адабий тақризнинг мукамал кўринишларидан бири дейиш мумкин.

Газетанинг 2005 йил, 12 август сонидa «Китобингизни ўқидим» рукни остида М.Сафаровнинг «Шириндир ватаннинг аччиқ тутуни» сарлавҳали тақризи жой олган. Унда ёзувчи Муҳаммад Алининг «Абадий соғинчлар» деб номланувчи роман–хроника жанрига оид асарининг ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилади. Профессор Б.Акрамовнинг «Тарихий қиссалар ҳайрати» тақризи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004, 16–сентябрь) ёзувчи Ғ. Каримнинг «Соҳибқирон ва аллома» деб номланувчи китобига бағишланган бўлиб, унда тарихий қиссалар яратишда ёзувчи маҳорати масалалари ҳақида сўз боради. Филология фанлари доктори Ҳ.Каримовнинг «Зиддиятлар талқини» деб номланган тақризи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004, 13 август) эса ёзувчи А.Йўлдошевнинг «Тимсоҳнинг кўз ёшлари» деб номланувчи қиссалар тўплами ҳақида маълумот беради. Филология фанлари номзоди С.Умировнинг «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 21 июнь сонидa «Янги китоб» рукни остида берилган «Менинг дорилфунуним» тақризи ёзувчи Ж.Абдуллахоновнинг «Ҳаёт абад васл айёмидир» асари ҳақида

бўлиб, унда муаллифнинг ижодий йўли, радиожурналист сифатидаги фаолияти асарда қай даражада акс этганлиги тадқиқ қилинади.

Такризларнинг бир тури – танқидий тарзда ёзилади ва уларда такриз қилинаётган асарда йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинади.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 24 март сониди адабий танқидчи О.Абдуллаевнинг «Дўппи кийган чумчук, хижолатда қолган ит, ёки таржимон кашфиёти» сарлавҳали такризи жой олган. Унда муаллиф Ш.Кўнчининг Тургеневнинг сочма асарларини таржима қилишга муваффақиятсиз урунганлигини, унинг газетада босилган таржималари нўноқлиги, бадий тутуриқсизлигини аниқ мисоллар билан очиб ташлайди. «Бадий таржима шунчалик кўнгилхушлик эрмаги эмас, у жуда юксак, масъулияти ниҳоятда улкан санъат,—деб таъкидлайди танқидчи. – Уни ана шу баланд ижодий чўққилардан тушириб, қадрини пасайтириб қўйишдан эҳтиёт бўлайлик». «Хуррият» газетасининг 2000 йил 20 сониди К.Йўлдошевнинг «Гирром» сарлавҳали танқидий такризи босилган. Унда Ш.Хуррамов, Х.Зикировлар ўзларининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш фанидан маърузалар» деб номланган ва Термизда нашр этилган китобларида Т.Насриддинов ва И.Асқаровларнинг Тошкентда бундан олдин нашр этилган «Химия ўқитишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси» деган китобидан бутун–бутун парчаларни кўчириб олганликлари айтилади ва бундай плагиат– адабий ўғрилик ҳолати танқид остига олинади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида адабий асарлар билан бир қаторда театр ва кино такризлари ҳам тез–тез босилиб туради. С.Жўрабекованинг газетанинг 2005 йил 9–июль сониди босилган «Суғд элининг қоплони» такризи Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрининг спектакли ҳақида бўлса, Т.Бобошеванинг «Фаришта аёл» такризи (бу материал ҳам шу сонда босилган) Муқимий номидаги мусиқали драма театри сахнасида тамошабинларга тақдим этилган мусиқали драма ҳақида маълумот беради, таҳлил этади ва баҳолайди.

Такризларнинг тили ва услуби ҳам уларнинг турига боғлиқ. Илмий такризларда илмий услуб, адабий-бадий такризларда адабий-бадий услуб бўлиши талаб этилади. Айрим ўринларда образ ва образлиликдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Инсон оламининг турли қирраларини акс эттирувчи таҳлилий публицистиканинг муҳим жанрларидан бири – такриз ҳозирги замон ўзбек журналистикасида кенг қўлланиб келинмоқда.

Такриз бўйича рейтинг топшириқлари

1. Такриз сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Такриз бошқа таҳлилий жанрлардан нимаси билан фарқланади?
3. Такриз жанрининг фан, адабиёт, санъатнинг тараққиётига хизматини кўрсатинг.
4. Ички такризни қандай тушунасиз?
5. Такризнинг маънодошлари-танқид, библиография ҳақида нималар биласиз?
6. Такриз хилларини санаб беринг.
7. Такризга қандай талаблар қўйилади?
8. Телерадиотакризларга мисоллар айтинг.
9. Ўзбек матбуотида такриз.
10. Такризнинг тили ва услубини айтинг.

Такриз бўйича назорат саволлари

1. Баҳо бериш деган такриз сўзининг иккинчи маъносини тушунтириб беринг.
2. Такриз санъат асарларининг қайси асарларига ёзилишини биласизми?
3. М.Бехбудийнинг такризни танқид деб билган ва уни сараламоқ деб таърифлаганига муносабатингиз.
4. Театр такризи ҳақида нималар айтаоласиз.
5. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида такриз.

9.7. ШАРҲ

Таҳлилий публицистикада шарҳ ҳам алоҳида ўрин тутади. Шарҳ сўзи арабча бўлиб бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб тушунтириб бериш, изоҳлаш, изоҳ деган маънони билдиради. Мазкур атамага муқобил равишда латинча *commentarium* – бирор матн ёки китобни тушунтириб, изоҳлаб бериш деган мазмундаги комментарий ибораси ҳам ишлатилади. Кўриниб турибдики, шарҳ (комментарий) ҳаётдаги бирор факт, фактлар йиғиндиси, воқеа, ҳодиса ёки бирор ҳужжат, матн, китоб ёки бошқа бирор нарсани изоҳлаш, тушунтириб бериш мақсадида ёзиладиган матн, материалдир.

Шарҳ кенг маънода айрим илмий асарларни, ёки муқаддас китобларни, қонунлар ва бошқа расмий ҳужжатларни изоҳлашда қўлланилади. Бу жиҳатдан шарҳлар илмий, расмий, диний ва бошқа хилларга бўлинади. Масалан, Қуръони карим шарҳлари, мумтоз шеърӣ адабиёт асарларининг насрий шарҳи, қонунлар, ҳуқуқ ва кодекслар шарҳлари, янги қабул қилинган фармон ёки бошқа бирор расмий ҳужжат шарҳлари ва бошқалар. Айрим ҳолларда маъмурий соҳада ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида мазкур ишга алоқадор кишилардан бўлиб ўтган бирор воқеа ва ҳодиса ҳақида олинadиган “тушунтириш хатлари” ҳам шарҳнинг ўзига хос, бошланғич кўринишидир.

Шарҳ журналистика-публицистика жанри сифатида ҳам кенг қўлланилади. У ҳаётда юз берган факт, воқеа ва ҳодисани, ёки журналистикада босилаётган бирор расмий ҳужжатни шарҳлаш, ўқувчиларга тушунтириб бериш учун қўлланилади. Шарҳ ўзининг жанр хусусияти билан мақола, ҳисоботга яқин туради, унда ҳам юз берган, бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса изоҳланади ва унинг моҳияти очиб берилади. Аммо у мақоладан фарқли равишда маълум факт, воқеа, ҳодиса ёки ҳужжатнинг ўзинигина шарҳлаш, изоҳлаш билан чекланади. Ҳисоботдан фарқи эса бўлиб ўтган воқеа, ҳодисаларнинг бориши, тафсилотини эмас, фақат ундан чиқадиган маъно ва моҳиятинигина очиб беришидадир.

Мазкур жанр унда акс этири́лаётган воқеа ва ҳодисаларга қараб ташқи ва ички шарҳларга бўлинади. Ташқи шарҳда халқаро

воқеалар ўз аксини топса, ички шарҳда мамлакат ичида юз бераётган воқеа ва ҳодисалар, расмий ҳужжатлар шарҳланади. Халқаро воқеаларга доир шарҳ ёзувчи (тайёрловчи)лар халқаро шарҳловчилар, ички мавзулардаги шарҳ ёзувчи (тайёрловчи) ларни эса иқтисодий илмий ва бошқа соҳаларга доир шарҳловчилар дейилади.

Шарҳнинг бевосита журналистикада кенг қўлланиладиган хили публицистик шарҳдир. Публицистик шарҳ ҳаётда юз берган айрим муҳим воқеа, ҳодиса, фактларга асосланиб ёзилган тезкор, долзарб мақоладир. Унда ўша воқеа ва ҳодиса, фактлар изоҳланиши билан биргаликда уларга публицистик баҳо берилади, моҳияти очиб ташланади. Ўз хусусиятига кўра публицистик шарҳ ижобий ёки танқидий руҳда бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда, ҳажвий нашрларда ҳажвий шарҳ ҳам ёзилиши мумкин. Бу қаламга олинаётган воқеа, ҳодиса, фактларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларга шу нашрнинг жавоби, публицистнинг муносабати ҳисобланади. Публицистик шарҳ олдида қўйилган асосий талаб ҳаёт воқеалари, фактларга тезкорлик билан муносабат билдириш, бу воқеа, ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб бериш орқали уларни маъқуллаш ёки инкор этиш, жамоатчилик фикрини қаратишдир.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 7–январь сонида журналист М.Сафаровнинг «Ҳаёт янги кадрларни сўрайди» сарлавҳали шарҳи эълон қилинган. Унда Республикамизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнлари, жойларда фаолият кўрсатаётган кўп сонли академик лицей ва касб–хунар коллежларида амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар, келгусидаги режалар ҳақида сўз боради. Мазкур материал кенг камровли масалага бағишланганлиги ва унинг моҳияти очиб берилганлиги билан қимматлидир. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 2–август сонидан журналист Ф.Ҳамроевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қароридан сўнги ўйлар» деб номланган шарҳи ўрин олган. Унда журналист мамлакатимизда

тиббий олий таълимни янада тараққий эттириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган юқоридаги ҳукумат фармони шарҳлайди ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилади. Н.Абдураимованинг «Бағрикенгликнинг юксак намунаси» («Ўзбекистон овози», 2005, 9–август) шарҳида эса Ўзбекистон республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги ҳукумат фармони шарҳлаб берилади.

Газетанинг шу йил 13 август сонидан жой олган «На иссиққа кўнишади, на совуққа» деб ном олган шарҳ эса халқаро масалаларга бағишланган. Унинг муаллифи И.Норматов Яқин шарҳда юз бераётган воқеаларни шарҳлаб беради.

Шунингдек, айрим оммавий воқеалар, байрам тадбирлари ҳамда спорт ўйинлари – футбол, хоккей, бокс ва бошқа мусобақаларнинг қандай боришини шарҳлашда ҳам бу жанрдан фойдаланилади. Бундай шарҳлар ҳисобот тарзида ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими шарҳловчи спорт ўйинининг қандай бориши, унинг тафсилотларини ўқувчи (эшитувчи, томоша қилувчи)ларга тушунтириб, изоҳлаб бериши лозим. Кўриниб турибдики, шарҳ оммавий ахборот воситаларининг деярли барча кўринишлари – газеталар, журналлар, радио, телевидение, ахборот агентликлари ва интернетдан ўрин олади. Кенг маънодаги илмий, расмий, диний, адабий шарҳлар эса китоблардан жой олиши маълумдир.

Шарҳнинг ички тузилиши, шакли ва ҳажми унинг қандай турда эканлигига боғлиқ. Аммо уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият маълум факт, воқеа, ҳодиса, ҳужжат ёки бирор асарга асосланишидир. Шарҳда аниқлик, асос бўлиб хизмат қилаётган манбанинг мазмунидан узоқлашмаслик талаб этилади. Бу айниқса илмий, расмий, адабий-бадний, диний асарлар шарҳларида шунингдек, расмий ҳужжатларга доир шарҳларда муҳимдир. Публицистик шарҳда эса қаламга олинаётган факт, ҳодиса ва воқеанинг моҳияти ва у ҳақида билдирилаётган фикр, публицистик мушоҳада ва чиқарилаётган хулоса асосий роль ўйнайди. Шарҳнинг услуби ва тили ҳам мазкур материалнинг қандайлигидан, унинг олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқади. Публицистик шарҳнинг тили ва услуби эса илмий, адабий-

бадий, расмий шарҳлардан фарқ қилиб, жонли, таъсирчан публицистик тилда бўлиши лозим. Унда мантикий тафаккур билан жонли фикрга хос тил ва тасвирий воситалар уйғунлашиб кетиши керак. Спорт ўйинлари шарҳида ҳам мазкур мавзу спорт ўйини тафсилотлари, унинг ички хусусиятлари, махсус атамалари сақланган ҳолда тушунарли, жонли адабий тил ва тасвирий воситалар қўлланилиши керак.

Ҳаётни фотосуратлар билан акс эттирувчи фотожурналистика ҳам фотошарҳ, айрим суратли нашрларда тасвирий (график) шарҳлар ҳам қўлланилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси шарҳ жанрининг кўп қирралилигини, ҳаётни акс эттиришда турли воситалардан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Шарҳ бўйича рейтинг топшириқлари

1. Шарҳ сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Шарҳ қандай асарларни изоҳлашда қўлланилади?
3. Публицистик шарҳни изоҳлаб беринг.
4. Шарҳ турларини биласизми?
5. Шарҳ жанрининг тили.
6. Шарҳловчининг маҳорати.
7. Ўзбек ОАВ да шарҳ жанрига эътибор.
8. Ўзбек журналистлари ва адиблари ёзган шарҳлардан мисоллар келтиринг.

Шарҳ бўйича назорат саволлари

1. Шарҳ қайси жанрларга яқин туради ва нега?
2. Шарҳнинг мақоладан фарқини айтинг-чи?
3. Ташқи ва ички шарҳ.
4. Фотошарҳни қандай тушунасиш?
5. Телевидение ва радиошарҳ жанри.

10-БОБ. БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКА

Маълумки, журналистика материалларининг ўзагини публицистика ташкил этади. Публицистика ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бўлган адабиёт ва санъатда ҳам кенг ўрин эгаллайди, аммо унинг асосий фаолият кўрсатадиган майдони журналистикадир. Бадиий публицистика – публицистиканинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти ва публицистиканинг бошқа қисмларидан фарқи унинг ижтимоий ҳаётни акс эттиришда адабий-бадиий воситалардан кенг фойдаланиши ҳисобланади. Қисқа қилиб айтганда, бадиий публицистика ҳаётни адабиёт нуктаи назаридан ёритувчи ижтимоий-ижодий фаолият ҳисобланади.

Бадиий публицистика фойдаланадиган адабий-бадиий воситалар орасида образ ва образлилик асосий ўрин тутади. Яъни, бадиий публицистиканинг асосий қонуни, бош хусусияти унда образ ва образлиликнинг мавжуд бўлишидир. Образ сўзи анча мураккаб тушунча бўлиб, у аслида русча отобразить-чизмоқ, кўриниш бермоқ деган сўздан олинган ва тасаввурдаги кўриниш қиёфа, шакл, тимсол деган мазмунни беради.

Образ бу – саъятнинг ўзига хос бир ифода кўриниши, санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурининг аниқ, ёрқин ҳис этадиган бир тарзда гавдаланишидир. Кенгроқ қилиб айтганда образ онгда борлиқнинг жонли, ҳаётий тарздаги акси, инъикосидир. Образлилик эса борлиқнинг инъикосида образ унсурларининг мавжудлиги, иштирок этиши демакдир. Яъни образлилик-фақат инсон тасвиридагина эмас, ҳолат, табиат манзаралари, факт ҳодиса ва воқеаларнинг жонли, ёрқин тасвирланишидир. Образлилик оғзаки нутқда, халқ оғзаки ижодида, ёзма адабиёт ва санъатнинг барча турларида мавжуддир.

Образ образлиликдан ўз яхлитлиги, мукамаллиги билан фарқ қилади. Образ яратиш ва образлиликда ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, метонимия (бир сўз ўрнига киноя, кесатиқ тарзида иккинчи сўзни ишлатиш), истиора (сўзни кўчма

маънода ишлатиш), сарказм (аччиқ киноя, истехзо) ва бошқа бадиий воситалар кенг қўлланилади. Юқоридагилар бадиий адабиёт соҳасида бўлиб, мусиқа, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кино, театр, меъморчилик ва санъатнинг бошқа турларида ҳар бир санъатнинг ўзига хос тасвирий воситалари қўлланилади.

Публицистикада образ ва образлилик ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, бу хусусиятлар публицистиканинг зиммасига юкланган, унга қўйилган талаблардан келиб чиқади. Бадиий адабиёт ва санъатда кенг маънода ўз ифодасини топиши мумкин бўлган образ ва образлилик публицистикада маълум даражада чекланган ва ўзига хос ифодаланган бўлади. Бу публицистиканинг асосий вазифаси бўлмиш шу кун, айтилган замонни акс эттириш, ундаги муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳаётни публицистик жихатдан таҳлил қилиш ва зарур ҳулосалар чиқариш зарурати билан боғлиқдир. Яъни, сўз санъати бўлмиш адабиётда кенг имкониятларга эга бўлган образ ва образлилик сўз сиёсати бўлмиш публицистикада ўзига ажратилган ўрингагина эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда публицистиканинг ижтимоий-иждодий тўқимасида мавжуд бўлган сиёсат, фан бадиий ижод маҳсули бўлган образ ва образлиликка керакли даражадагина ўрин беради ва у публицистик асар олдига қўйилган мақсад, ҳамда чиқарилиши лозим бўлган ижтимоий ҳулосага хизмат қилади.

Публицистиканинг ахборий қисмида образ ва образлилик қаттиқ чекланган, аксарият ҳолларда эса ортиқча ҳисобланади. Чунки бу қисм публицистиканинг асосий вазифаси оммага фактлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақида хабар беради, янгиликлар етказди. Бу ўринда образ ва образлиликнинг аралашуви хабар, янгиликлар ҳақидаги тушунчаларнинг бузилишига олиб келади. Публицистиканинг иккинчи бир муҳим қисми бўлган ҳамда ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларни баҳолаш, таҳлил этиш орқали уларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган таҳлилий публицистикада ҳам образ ва образлиликдан фойдаланиш чекланган тусда бўлади. Аммо айрим ҳолларда, кишилар

фаолиятини ёритишда маълум даражада образлилик, жонлантириш, тасвир воситалари қўлланилиши мумкин.

Шу билан биргаликда ҳаётдаги воқеа ва ходисаларнинг моҳиятини очиб бериш, жонлантириш, одамларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиш учун маълум маънода образ ва образлилик киритилиши мумкин. Фақат бадиий публицистикада образ ва образлилик кенг қўлланилади, чунки бадиий публицистик материалларда ҳаётӣ воқеаларни жонлантириб тасвирланиши, инсонлар фаолияти, воқеа ва ҳодисалар кенг, ҳар тарафлама акс эттирилиши, ўқувчининг онгигагина эмас ҳис-туйғусига ҳам таъсир этиш талаб этилади. Бу бадиий публицистиканинг жанрларида ўз ифодасини топади.

Маълумки жанр – шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос белгиларга эга бўлган санъат асари туридир. Публицистика жанрлари ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эгадир, улар ҳам худди адабиёт ва санъатдаги жанрлар сингари кичикдан каттага, ягонадан умумийга, оддийликдан мукамалликка ўсиб боради.

Публицистиканинг бадиий турига оид жанрлар лавҳа, очерк, эссе, фельетон ва памфлетдир. Мазкур жанрларда ҳаёт воқеалари, муаммолари кенг тарзда ёритилиши сабабли уларда хабардор этиш, таҳлил қилиш билан биргаликда бадиий тасвир воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади, ҳамда уларда образ ва образлилик кенг қўлланилади. Аммо мазкур жанрларда ҳам образ ва образлилик бу жанрларга оид ҳаёт воқеалари, яъни уларнинг мавзуси ҳамда жамоатчилик фикрини уйғотиш учун чиқариладиган публицистик хулосаларга хизмат қилиши лозимдир. Биз қуйида мазкур жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари, улардаги образ ва образлилик даражаси ва бошқа бадиий публицистик воситаларни кўриб ўтаимиз.

**Бадиий публицистика бўйича
рейтинг топшириқлари**

1. Бадиий публицистиканинг асосий хусусиятларини айтинг.
2. Бадиий публицистика қандай фаолият юритади?
3. Публицистикада образ ва образлик қандай хусусиятларга эга?
4. Бадиий публицистика жанрларини айтинг.
5. Образ ва образлилик деган ибораларни шарҳланг.
6. Публицистик тадқиқот бадиий публицистикада ишлатиладими, тушунтириб беринг.
7. Ўзбек ОАВда бадиий публицистикадан фойдаланиш.

**Бадиий публицистика бўйича
назорат саволлари**

1. Бадиий публицистиканинг публицистиканинг бошқа қисмларидан фарқини айтинг.
2. Лавҳа ва очерк жанри ҳақида нима биласиз?
3. Фельетон билан памфлет жанрлари ҳақида билганларингиз.
4. Тадқиқот ва тасвирий воситаларнинг мутаносиблиги ҳақида нималар биласиз?

10.1. ЛАВҲА

Лавҳа сўзи арабчадан олинган бўлиб, бирор нарса ёзилган тахтача, кўриниш, манзара деган маъноларни билдиради. Лавҳа публицистиканинг кичик жанрларидан бири бўлиб, аслида ахборий-хабардор этувчи жанрдир. Унинг вазифаси ҳаётдаги бирор факт, воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар бериш, ўқувчига таништиришдан иборатдир. Шу билан баргаликда лавҳа оддий ахборотдан, хабардан фарқ қилиб, ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини кенгроқ тасвирлаш, ҳаётдан олинган бир кўринишни, кишилар фаолияти ҳақидаги муайян бир маълумотларни ўқувчи кўз ўнгиде жонлантириб бериш, тасаввур ҳосил қилишдан иборат мақсадга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан унда айрим бадиий-тасвирий воситалар – табиат манзаралари, инсон фаолияти, меҳнат, изланиш кўринишлари, зарур бўлганда инсон қиёфаси ва бошқа тасвирларга ўрин берилади.

Одатда лавҳа ҳаётдаги ижобий хусусиятга эга бўлган ва бошқаларга намуна сифатида хизмат қиладиган воқеа ва ҳодисалар, инсоннинг яратувчилик фаолияти, самарали меҳнати, эришган ютуқларини тасвирлашга бағишланади. Айрим ҳолларда эса ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларни йўқотиш, салбий ҳолларни танқид қилиш учун танқидий, ҳажвий лавҳалар ҳам бўлиши мумкин.

«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил, 7 сентябрь сониде «Алпомиш» уйқудан уйғонадими?» сарлавҳали танқидий лавҳа берилган. Унда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида ташкил этилган дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Алпомиш» деб аталувчи Ўзбекистон–Америка қўшма корхонасининг ишидаги камчиликлар очиб ташланади.

Оддий корреспонденциядан фарқли равишда унда ишдан тўхтаб қолган корхонани ухлаб қолган халқ қаҳрамони Алпомишга ўхшатиш ва бошқа образли воситалардан фойдаланилади.

Лавҳада факт, воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар бериш, уларни маълум даражада таҳлил этилиши билан биргаликда ҳаётни ёрқинроқ жонлантириш орқали тасвир этилиши тақозе этилади. Бу эса ўз навбатида унда образ ва образлиликдан фойдаланишни

талаб қилади. Аммо лавҳада бирор воқеа ёки ҳодиса ёхуд киши фаолиятининг барча тафсилотлари эмас, балки маълум бир парчаси ёритиб берилади. Масалан, бирор олим, муаллима, спортчи ёки санъаткорнинг ўз фаолияти, эришган ютуқлари лавҳада ўз аксини топиши мумкин. Яъни, лавҳа жанри ҳаёт воқеалари ва ҳодисаларини жонли тарзда тасвир этишнинг публицистикадаги илк, дастлабки кўринишидир.

Журналистикада – газета ва журнал лавҳаси билан бир қаторда радиолавҳа ва телелавҳалар ҳам мавжуд. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари радио ва телевидениенинг талабларидан келиб чиқади.

Лавҳани республика, марказий умумсиёсий, ихтисослашган ва тармоқ газеталари ҳамда вилоят, туман газеталарида кўплаб учратиш мумкин. Бу қулай ва таъсирчан жанр журналлар саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олади. Умуман олганда лавҳа ўзбек журналистикасининг доимий ва кенг учрайдиган жанри ҳисобланади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2005 йил 9–сентябрь сонидан ўрин олган «Эски Жўвадаги мўъжизалар» сарлавҳали материални газета лавҳасининг типик кўриниши дейиш мумкин. Лавҳа муаллиф журналист Рустам Мусурмон пойтахтимизнинг Эски Жўва мавзеида кейинги пайтда юз берган ўзгаришлар, ободончилик ҳақида шундай деб ёзади:

«Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан шаҳримизда улкан бунёдкорлик иншоотлари, боғлар, кўприклар, саройлар, ажойиб иншоотлар ишга тушурилди. Хусусан, Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида байрам арафасида очилган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбек либослари галереяси, болалар ижодиёти уйи шаҳарнинг кўркига кўрк қўшди. Бугун Эски Жўва бозори майдонини айланаркансиз, Президентимиз айтганидек бу ерда фақат Эски Жўва деган эски номнинг ўзигина қолганини, қиёфаси мутлақо янгича, замонавий тарзда ўзгариб кетганига амин бўласиз».

Лавҳа давомида муаллиф бу ерда барпо этилган Болалар ижодиёти уйи ва бошқа иншоотларнинг ўзига хос меъморий кўринишларини бирма–бир завқ билан тасвирлайди, уларда олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтади. Лавҳа

образли ифодалар, кўтаринки руҳ билан суғорилганлиги боисидан ўқувчига маъқул тушади.

Мазкур жанр ҳаётнинг турли қирралари, шу жумладан ишлаб-чиқариш билан боғлиқ факт ва воқеаларни хабар қилишда ҳам қўл келади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида чикувчи маҳаллий ижтимоий–сиёсий газета бўлган «Чағаниён» бу жанрдан унумли фойдаланади. Унинг шу йил 18 сентябрь сонининг биринчи саҳифасида «Хосият опанинг шижоати» сарлавҳали лавҳа берилган. Унда тумандаги Хосият Раҳимова бошқараётган «Отабек» фермер хўжалигида ўша кунларда қизгин олиб борилаётган пахта терими манзараси тасвирланган. «Биз куни кеча Хосият опа бошлиқ деҳқонлар даласида бўлиб қайтдик,— деб ёзади лавҳа муаллифи Н.Темиров. — Оппок, қийғос очилган пайкалларда терим авжида. Дала бошида самовар қайнаб турибди. Тушликка эса иссиқ овқат тайёрланмоқда. Теримда иштирок этаётганларнинг кайфияти кўтаринки. Бу ерда тушлик овқат теримчилар учун бепул қилиб қўйилган. Чунки ферма ғалладан мўл ҳосил олганлиги туфайлидан келган фойданинг бир қисмини теримчиларнинг кундалик эҳтиёжлари учун ажратилган... Эндиги мақсад эса 16 гектар майдонга экилган пахта ҳосилдорлигини 55 центнерга етказишдир». Лавҳа давомида ферма аъзоларининг теримда эришаётган ютуқлари, меҳнат ва ҳаётлари ўзига хос образли тарзда, чиройли тасвирлаб берилади. Газетанинг шу сонидан ўрин олган «Деновда Барчиною алплар йиғилди» сарлавҳали лавҳада эса Деновда ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақа ҳақида ҳикоя қилинади.

Лавҳанинг танқидий тури ҳам мавжудлигини юқорида айтиб ўтган эдик. «Чағаниён» газетасининг юқоридаги сонидан бу жанр ҳам унинг саҳифасидан жой олган. Иқтидорли журналист Бахтиёр Олломураднинг «Талаба маданиятни кимдан ўрганади?» сарлавҳали материали бунга мисолдир. Мухбир ўз лавҳасига кундалик ҳаётда тез–тез учраб турадиган воқеа — айрим раҳбарларнинг оддий кишилар билан сўзлашганда уларни менсимаслик ва қўполлик қилиш ҳолларини қаламга олади.

Лавҳадан маълум бўлишича мухбир Сурхондарё давлат университетининг янги бўлган ректори билан суҳбатлашиш учун университетга боради, ректор эса унга ўта калондимоғлик билан муомила қилади. Мухбир воқеа қандай бўлса шундайча келтирар экан, бундан «ўта жиддий» хулосалар чиқариб, ўша раҳбарнинг «авра–астарини тўнтариб, савалаб» кетмайди, балки шундай катта даргоҳнинг раҳбари бироз маданиятлироқ бўлиши ҳам керак, деган фикрни ўта нозиклик билан «қистириб» ўтади. Бу танқидий лавҳанинг «жиддий танқидий мақола», ҳатто фелъетондан ҳам аълороқ даражада мўлжалга тегиши ва ўз таъсирини кўрсатиши турган гап. Шу билан биргаликда лавҳанинг илмий, адабий-бадий, шу жумладан шеърий кўринишлари ҳам мавжуд. Бу мазкур жанрнинг ҳаётни тасвирлашдаги кенг имкониятларидан далолат беради.

Лавҳа бўйича рейтинг топшириқлари

1. Лавҳа сўзининг луғавий маъносини биласизми?

2. Лавҳанинг вазифасини айтинг.

3. Лавҳа ОАВ қайси турларида учрайди?

Газета лавҳасининг типик кўринишига мисол келтиринг.

5. Лавҳанинг кўринишларини изоҳланг.

Шеърий лавҳа хусусиятларини сананг.

Формат: Список

Формат: Список

Лавҳа бўйича назорат саволлари

1. Танқидий лавҳага мисол келтиринг.

2. Телелавҳа, радиолавҳа газета ва журнал лавҳасидан фарқланишини изоҳланг.

3. Илмий лавҳа билан адабий-бадий лавҳанинг фарқини айтинг. Лавҳада хулосаларга қандай ўрин берилади?

Формат: Список

10.2. ОЧЕРК

Очерк бадиий публицистиканинг асосий жанрларидан биридир. Очерк сўзининг луғавий маъноси русча “чертить, очерчивать” сўзидан олинган бўлиб, “қораламоқ, яхлит этиб кўрсатмоқ” деган маънони англатади. Шу нуктаи назардан қараганда очерк муайян муддао асосида мушоҳада қилинган фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг энг муҳим белгиларини, кишилар ҳаракатидаги энг асосий хусусиятларини бадиий-публицистик акс эттиради ва ўқувчида яхлит тасаввур, муайян тушунча ҳосил қилади. Яъни, юқорида айтилгандай у бадиий публицистикага хос жанрдир.

Очеркка берилган илмий таърифлар турличадир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «очерк - ҳаётий фактларни қисқача тасвиридан иборат кичикроқ бадиий асар», дейилади. Кўриниб турибдики, бу ўринда очерк таърифига адабиётшунослик нуктаи назаридан ёндашилган. «Журналист справочниги» да эса «Очерк – кишилар ҳақида образли тасаввур бериш, уларни ҳаракатда кўрсатиш, воқеаларнинг моҳиятини очиб берувчи жанрдир», дейилади. Бу таърифда ҳам мазкур жанрнинг барча хусусиятлари очилмаган, чунки очерк фақат кишилар ҳақида эмас, бирор ижтимоий, табиий-экологик ва бошқа муаммолар ҳақида ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, юқоридаги таърифда айтилган «воқеаларнинг моҳиятини очиб бериш» хусусияти фақат очерккагина эмас, публицистиканинг бошқа жанрларига ҳам хосдир.

Рус тадқиқотчиларидан Е.И.Журбина бу жанрга «Очерк-бадиий адабиёт ва публицистиканинг мураккаб кўп қиррали шаклидир», деб таъриф беради. Бу таърифнинг камчилиги шундаки, унда очерк ҳам бадиий адабиёт ҳам публицистиканинг жанри этиб кўрсатилмоқда. Бу маълум даражада ноаниқликка олиб келади. Яна бир рус тадқиқотчиси К.В.Ковалевский эса «Очерк - ўқувчига кишилар, уларнинг ишлари, воқеалар ҳақида образли тасаввур беради», деб ёзади. Бу таъриф ҳам илмий аниқ ва мукамал эмас, чунки бадиий адабиётга хос бўлган барча жанрлар – шеър, ҳикоя ва бошқа жанрлар ҳам «кишилар, уларнинг ишлари, воқеалар ҳақида образли тасаввур» беради.

Ўзбек тадқиқотчиси О.Тоғаев мазкур жанрга: “Очерк газета жанрлари орасида энг мураккаб, энг зийрак, ихчам, ҳозиржавоб жанрдир” деб тушунча беради. Бу таъриф ҳам илмий мукаммал эмас, чунки очерк журналдан ҳам, радио ва телевидениедан ҳам жой олади, иккинчидан – бадиий публицистик жанрлардан фельетон ва памфлет ҳам мураккабликда очеркдан қолишмайди, “Зийрак” тушунчаси эса ижодий асарга эмас, одамга ишлатилади, “ихчам” тушунчаси ҳам очеркка ҳажм жиҳатидан тўғри келмайди, чунки хабар, ахборот очеркдан “ихчам”роқ, ҳозиржавоблик нуктаи назаридан хабар, репортаж, шарҳ очеркдан олдинроқ туради ва ҳоказо.

Бизнингча, очерк – бадиий публицистиканинг асосий жанрларидан бири бўлиб, воқеликни образлар ва образлилик воситасида тасвирлайди ва ҳамда публицистик хулосалар чиқаради. Яъни, очерк ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, фактлар, муаммоларни образ ва образлилик ёрдамида акс эттиради, уларни публицистик йўл билан тадқиқ этади ҳамда уларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотувчи ижтимоий, иқтисодий, маънавий хулосалар чиқаради.

Очерк бадиий-публицистик жанр бўлганлиги учун унда бадиий адабиётга хос бўлган воситалар билан публицистик хусусият узвий боғланиб кетади. У сўз санъати билан сўз сиёсати уйғунлашувчи, бошқача қилиб айтганда – сиёсат, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий фикр, мақсад бадиий адабиёт воситаси, санъат сўзи билан айтилувчи жанрдир. Яъни, ижтимоий воқеликни акс эттиришнинг алоҳида бир тури бўлган публицистика жамият ҳақида маълумот бериш, унинг муаммолари ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш билан шуғулланар экан, худди ана шу вазифаларни бадиий воситалар кўмагида амалга оширади ва унинг бундай серқирра жанри очерк деб аталади. Унда бадиий адабиётга хос бўлган беллетристика (нақлчилик) ва журналистикага хос бўлган публицистика (ижтимоийёт) бирлашиб кетади.

Очеркнинг бадиий талаби ундаги воқеликнинг образли тасвири, инсон қиёфаси ва ички дунёси, меҳнати ва интилишлари, яратувчилик фаолиятини бадиий воситалар билан

жонлантириб тасвирлашдан иборат бўлса, унинг публицистик жиҳати муаллифнинг воқеа ва ҳодисалар, унда кўтарилган муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, чиқарган хулосаларидан иборатдир.

Очеркда образ ва образлилик ўхшатиш, қиёслаш, сифатлаш, эмоционаллик, образли тафаккур ва тасвир жонли тил ва услуб, типиклаштириш, бадиий тўқима билан факт уйғунлиги, сюжет, композиция ва бошқа бадиий воситалар орқали ўз ифодасини топса, унинг публицистикага оид қирраси эса факт танлаш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан чуқур тадқиқ ва таҳлил қилиш, баҳолаш, зарур хулосалар чиқариш орқали амалга оширилади. Бу эса очеркчидан публицист сифатида ҳаётдаги факт ва ҳодисаларни танлаб олиш, улар ҳақида чуқур мушоҳада юритиш билан бирликда ижодкор, ёзувчи сифатида ҳам иш олиб бориб олинган факт ва ҳодисаларни бадиий воситалар орқали образли тасвирлаш, кишилар образини ярата олиш, бадиий-публицистик мушоҳада юритишни талаб қилади.

Очерк ўз шакли ва йўналтирилган мақсади ҳамда объекти нуктаи назаридан турлича бўлиб, улар портрет очерки, воқеа очерки, муаммо очерки, йўл очерки, суд очерки ва бошқалардан иборатдир. Очеркнинг бу хилларига хос бўлган умумийлик - ҳаётни образ ва образлилик ёрдамида тасвирланиши бўлиб, фарқлари эса мазкур тасвирнинг бирор жиҳатига кенгрок ўрин берилиши ҳисобланади.

Очерк турлари орасида портрет очерк асосий ўрин тутати. Портрет очеркда бир ёки бир неча киши (гуруҳ, жамоа) тасвир этилиши мумкин. Асосий вазифа очерк қаҳрамони ёхуд қаҳрамонларининг характери очиқ бера олишдир. Портрет очеркнинг мавзу доираси кенг бўлиб, у ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини, инсон меҳнати ва яратувчилик фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олиши мумкин. Портрет очерк одатда жамиятнинг етакчи соҳаларида - ижтимоий ҳаёт, халқ хўжалиги, фан-техника, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият кўрсатиб жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшаётган, меҳнатда юқори натижаларга эришаётган, янгиликлар, ихтиролар яратаётган

кишилар – илғор ишчилар, деҳқонлар, олимлар, санъаткор ва бошқа касб эгаларига бағишланган бўлади.

Жаҳон ва ўзбек журналистикада портрет очеркка кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу хилдаги очеркларнинг илдизи қадимги ёзма адабиётимизга бориб тақалади. Жумладан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўз сафдошлари ҳақида ёзган «Ҳолати Саид Гасан Ардашер», «Ҳолати Пахлавон Муҳаммад» каби тарихий-мемуар асарларида портрет очерк хусусиятларини кўриш мумкин. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам портрет очеркка хос бўлган хусусиятлар - айрим одамларнинг ижтимоий-бадий қиёфалари яратилганлигини ҳам кўриш мумкин. Таниқли рус ёзувчилари Л. Н. Толстой, И.Тургенов, В.Короленко, М.Горькийлар ҳам қатор портрет очерклар яратишган. Ўзбек адабиётида А.Қодирий портрет очерк соҳасида самарали ижод этган. У яратган «Ғирвонлик Маллавои ака» асарини бу жанрнинг етук намунаси дейиш мумкин. Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ҳ.Олимжон ва бошқалар ҳам мазкур жанрга оид қатор асарлар яратдилар. Масалан, Ҳ.Олимжоннинг машҳур “Зайнаб ва Омон” поэмасига шоир олдинроқ ёзган Зайнаб Омонова ҳақидаги очерки асос бўлиб хизмат қилган эди.

Кейинги йилларда сермахсул журналист И.Раҳим бу жанрда яхши муваффақият қозонди. Аммо шуни айтиш керакки, совет даври журналистикасида яратилган портрет очеркларнинг аксарияти партиявий-синфий нуқтаи назардан ёзилганлиги боисидан бир ёқламалик, чекланганлик иллатига эгадир. Ишлабчиқариш илғорлари ҳақида ёзилган кўпгина очеркларда қаҳрамонни ҳаддан ташқари ошириб мақташ, фактларни хаспўшлаш каби салбий ҳолатлар кўп учрайди.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач бошқа бадий-публицистик жанрлар қаторида очерк жанри ҳам янгича йўлдан бора бошлади. Ҳозирги давр ўзбек журналистикада портрет очерки ҳам шу хусусиятга эгадир. Бу хил очеркларнинг қаҳрамонлари халққа мўл-кўл маҳсулот етиштириб бераётган фермерлар, янги корхоналар очаётган тадбиркорлар, янгилик яратаётган олимлар, фан- маданият арбоблари бўлмоқдалар. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Хуррият» ва бошқа газеталар

саҳифаларида очеркнинг мазкур жанрига тез-тез ўрин бериб турилади.

Ёзувчи Эркин Самандарнинг «Хуррият» газетасининг 2004 йил 15–июнь сонидан ўрин олган «Огаҳийнинг қўлини олган раис» сарловҳали очерки ҳам шу куннинг қаҳрамонлари бўлмиш изланувчан, яратувчан кишилар ҳақидадир. Унда Хива туманидаги Огаҳий номли жамоа хўжалигининг раиси Отаназар Пирназаровнинг ҳаммага намуна ва маъқул бўлган ишлари, фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Очерк давомида ундаги воқеаларда муаллифнинг ҳам иштироки тасвир этилган. Гап шундаки очерк қаҳрамони раис бўлган жамоа аъзолари яшайдиган Қиёт қишлоғи хоразмлик улуғ ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий туғилиб ўсган жой эди. Фақатгина экинлардан юқори ҳосил олишнигина эмас, қишлоқ ободонлиги масалалари, тарихий–маънавий масалаларни ҳам ўйлаб юрувчи раис ўз қишлоғидаги бир туп тутнинг шоир Огаҳий томонидан экилганлигини аниқлайди ва пахтазор ўртасида ўсган ана шу табаррук дарахтни сақлаб қолиш ва уни авайлашни ўз бўйнига олади.

Буюк аجدодлар хотирасини жойига қўйиш, улар ҳоки ётган жойни обод қилишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган олижаноб ва савобманд раис Огаҳий қабрини ҳам излаб топишда бош–қош бўлади ва унинг қабри очиб кўрилади. Маълумотларға қараганда шоир Огаҳий етти тут дарахтидан ясалган сандиққа жойланиб дафн этилган экан. Қишлоқ оқсоқоллари қабрни топишиб, сандиқни очишади ва шоирнинг худи тирикдай, чиримасдан ётганини кўришади.

– Шундай қилиб, ҳазратнинг бўй–бастларини кўрдингизми?– деб сўрайди ёзувчи раисдан.

– Кўрдим... Ўрта бўйли эканлар. Юзлари думалоқдан келган, пешоналари кенг экан. Не қилишимни билмай қўлларини ушлабман денг.

– Ҳазрат Огаҳийнинг қўлини олисиз–да?

– Шукур!

... Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун Қиётга келган Ўзбекистон

Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов тумонат одам ичида Отаназар Пирназаровга юзланиб деди: «Отангизга раҳмат, Огаҳий боғини яратиб, қабрини обод этиб, кўп савоб иш қилибсиз. Сиз қилган ишнинг жамулжамини бир сўз билан Маънавият деса бўлади»!

Журналист Ю.Бердиевнинг олдин журналистикада босилган, кейинроқ эса унинг очерклар тўпламига кирган «Биз нечун севамиз шоирни» сарлавҳали очерки (адабиётшунос олим Н.Каримов билан ҳамкорликда ёзилган)да эса халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф машҳур шоирнинг туғилиши ва болалигидан тортиб, Ўзбекистон халқ шоири даражасигача ўсиб етиш йўлини бирма-бир, бадиий лавҳаларда очиб беради. Очеркда муаллифнинг ўз қаҳрамонига нисбатан меҳр-муҳаббати унинг ҳар сатрида сезилиб туради, шу босидан ҳам унинг тасвири тиниқ ва жозибали. Шоирлик маҳоратини кўрсатиш учун эса унинг энг машҳур шеърларидан мисоллар келтирилиб, бадиий таҳлил ҳам қилинади. Очеркда Абдулла Ориповнинг атоқли шоир сифатида ном чиқаришида унинг шеърларида олдинга сурилган эзгулик ғоялари, халқ қалбининг таржимони эканлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилади.

Иқтидорли журналист Қ.Норқобилнинг «Ҳаёт марднинг елкасида» деб номланувчи очеркида эса ўз ҳаётида кўп воқеаларни бошидан кечирган, Иккинчи жаҳон урушининг энг қонли жангларида иштирок этган ва тинч меҳнат соҳасида ҳам самарали фаолият кўрсатган Акбар ака Азизовнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Журналистикаимизда бу хилдаги портрет очерклар анчагинадир. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 17 март сонида С.Дадахўжаевнинг «Лолақизғалдоқни соғиниб яшайдиган одам» сарлавҳали очерки босилган. Бу асарда ўз меҳнати билан ерни яшнатаётган водиллик Абдукодир ҳожи Кўзибоев ҳақида ҳикоя қилинса, А.Хонимкуловнинг «Ёруғ осмон остида» деб номланган очеркида (шу газета, 2005 йил, 30 июнь) Зомин ўрмон хўжалиги ходими Ўрмон Қорабоевнинг ҳаёти, меҳнати ҳақида сўз боради. А.Хонимкулов ўз очеркида ўзи ҳам шу тоғ ўрмонлари бағрида дунёга келганлиги боисидан Ўрмон

деб ном олган, бутун умри шу ерда ўтган, табиатни эозлаш билан, ўзи қўриқлайдиган тўқайдаги ҳар бир дарахтни билувчи ва авайлаб–асровчи табиат шайдоси бўлган инсон образини ярата олган.

Журналист Матназар Абдулҳакимнинг «Заминга сув тутган одам» очерки («Халқ сўзи», 2005 йил 22 март) ни ўқиган газетхон бутун умрини саҳроларга сув чиқаришга бағишлаган хоразмлик машҳур ирригатор Ўктам Муҳаммадиев ҳақида кенг маълумот олиш билан бирликда асардан бадиий завқ ҳам олиш мумкин.

Ёзувчи Х.Тўхтабоевнинг «Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси» очерки («Халқ сўзи», 2005 йил, 30 июнь)да инсон ҳаётини сақлашда жонбозлик кўрсатувчи шифокор доцент Акбар Асқаров ҳақида ҳикоя қилинса, Ю.Бердиевнинг «Пок опа» сарлавҳали очеркида (юқоридаги газета, 2005 йил, 5 апрель) Хивадаги Меҳрибонлик уйининг директори, ҳар бир етим болага ўз фарзандидан ҳам ортиқроқ қаровчи тарбиячи, Ўзбекистон қаҳрамони Вера Борисовна Пакнинг фаолияти ёритиб берилади. Портрет очерклар газета ва журналлар билан бир қаторда радио ва телевидениеда ҳам мутассил бериб борилмоқда.

Очеркнинг муҳим турларидан бири воқеа очеркидир. Воқеа очерки бошқа турлардаги очерклардан ўзининг бирор воқеага бағишланганлиги билан ажралиб туради. Портрет очеркида инсон фаолияти ва айниқса характери биринчи ўринда турса воқеа очеркида биринчи ўринда муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалалар, чунончи, бирор йирик бунёдкорлик ишининг амалга оширилиши, завод ёки фабрика ёки йўл қурилиши ва бошқа воқеалар туради. Бунда очеркчи асосий эътиборини юз берган воқеа ва унинг ижтимоий иқтисодий аҳамиятига қаратади, уни ҳам публицистик таҳлил қилади, ҳам образли тасвирлайди. Воқеа очеркида кишилар образи ҳам берилади, аммо бу образлар умумий мавзуга бўйсиндирилади.

Шуни айтиш керакки, айрим портрет очерклар ҳам маълум воқеаларга асосланган бўлиши мумкин. Чунончи, бирор илғор ишчи, қишлоқ хўжалиги ходими, олим, тарбиячи, ёш санъаткорларнинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлиши

ҳам ўша киши ҳақида очерк ёзилишига сабаб бўлади. Бу ўринда портрет очерк ва воқеа очерки бирлашиб кетади.

Умуман олганда, ўзбек воқеа очеркининг тарихи ҳам узоқларга боради. Машҳур “Бобурнома”, Амир Темур ҳақида ёзилган “Зафарнома”лар ва бошқа тарихий асарларда воқеа очерки элементлари кўп учрайди. Рус адабиётида М.Горкийнинг кўпгина очерклари воқеа очеркига мисол бўлади. Ўзбек журналистикада 30-йилларда амалга оширилган йирик қурилишлар, саноат корхоналарининг ишга туширилиши ҳақида қатор воқеа очерклари яратилган. II жаҳон уруши пайтида ўзбек аскарларининг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ёзилган кўпгина очерклар ҳам воқеа очерки ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигига эришгандан сўнг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий ислохотлар, барпо этилаётган йирик саноат корхоналари, қурилаётган янги йўллар, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг ўзгариб бориши, ишга туширилаётган конлар ва бошқа ижтимоий иқтисодий ва маънавий-маданий воқеалар ўзбек журналистикаси, радио ва телевидениясида воқеа очеркининг ҳам мавзуси бўлиши мумкин. Бу ҳақда очеркчи журналистлар ўйлаб кўришса бўларди.

Очеркнинг яна бир тури - муаммо очеркидир. Муаммо очеркининг асосий вазифаси жамият ҳаётидаги бирор бир ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммони топиб ёритиш, ўқувчида бу борада яхлит тушунча ҳосил қилиш, мазкур муаммо бўйича жамотчилик фикрини уйғотишдан иборатдир. Унда образ ва образлилик алоҳида хусусият касб этади. Чунончи, бу хил очеркларда уларга мавзу қилиб олинган муаммолар биринчи ўринда туради, кишилар образи ва тасвирий образлилик ана шу муаммони очиб бериш учун хизмат қилиши лозим. Муаммо очерки учун шу замонга тааллуқли ва очилиши зарур бўлган масала, муаммоларгина олинishi, муаллиф томонидан малакали ҳал этиш йўллари холис кўрсатиб берилиши лозим. Бунинг учун очеркчи ўзи кўтариб чиқаётган масала, муаммони ва у тегишли бўлган соҳани чуқур билиши, мустақил фикрга эга бўлиши лозим. Бундай очеркларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий, тадқиқот асосий роль ўйнайди. Муаммо очерки рус

адабиёти ва журналистикада кенг тарқалган. Масалан, А.Чехов, Г.Успенский, кейинги давр очеркчиларидан В.Овечкин, А. Аграновскийларнинг қатор очерклари бунга мисол бўла олади. Ўзбек журналистикада ҳам И.Раҳим, Ж. Абдуллахонов ва бошқаларнинг Орол денгизи муаммолари, Қарши чўлининг ўзлаштириш масалалари ва бошқа мавзулардаги муаммо очерклари маълум.

Мустақиллик даврида республикамизда амалга оширилаётган улкан ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маънавий ислохотлар, саноат, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалигимизни қайта қуриш борасидаги катта тадбирлар, фан-техника, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги тез суръат билан қилинаётган ишлар, янгиликлар очеркчиларимиздан янги-янги муаммолар кўтарилган, чуқур мулоҳаза, мушоҳида ва таклифларга бой очерклар яратишни талаб этмоқда.

Очеркнинг яна бир хили – йўл очеркидир, уни “Сафарнома” деб ҳам юритилади. Йўл очерки муаллифнинг бирор жойга қилган сафари давомида кузатишлари, таъсуротлари асосида юзага келади. Унда ҳам бошқа очерклардаги сингари бадиий публицистик мушоҳида асосий ўрин тутди. Йўл очеркида ҳам образ ва образлилик алоҳида тус олади ва муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсадига хизмат қилади. Бу хил очеркларда муаллифнинг ўзи асосий қаҳрамон бўлиши, барча бадиий тасвир ва публицистик мушоҳадалар муаллиф “мен”и, унинг ички дунёси орқали берилиши ҳам мумкин. Йўл очеркида юқорида кўрсатиб ўтганларимиз –портрет очерки, воқеа очерки, муаммо очерки унсурлари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Яъни, муаллиф ўз кўрган-кечирганларини баён қилар экан, кишилар қиёфасини чизиши, воқеалар тасвирини бериши, турли муаммоларни кўтариши ҳам мумкин, аммо булар унинг сафари билан боғлиқ бўлиши шарт.

Йўл очерки ўзбек ва жаҳон публицистикасида қадимдан кенг ўрин олиб келган. Шулардан Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур “Бобурнома”сида буюк шоир ва шоҳнинг кўрган- кечирганлари, унинг Афғонистон ва Ҳиндистонда олиб

борган урушлари, бунёдкорлик ишлари муаллиф тилидан очиб берилади. Йигирманчи асрнинг бошларида яратилган бундай очерklar орасида Махмудхўжа Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари” йўл очерklари алоҳида ўрин тутади. Адиб ўзининг ҳажга қилган сафарини қаламга олар экан, йўл-йўлакай кўрган-кечирганларини, жуда кўп шаҳарлар, мамлакатларни, у ердаги кишилар турмушини синчковлик билан тасвирлайди, чуқур публицистик мушоҳада қилади ва ижтимоий-иқтисодий ва маънавий хулосалар чиқаради. Ўзбек адабиётида сафарномалар шеърий шаклда ҳам мавжуд бўлиб, уларда йўл очеркига хос хусусиятлар мавжуд бўлади. Бунга Муқимийнинг “Саёҳатнома” асари мисол бўла олади.

Кейинги йилларда ўзбек ёзувчиларидан Ойбек “Покистон таассуротлари”, Аскад Мухтор “Европа сафари”, Ҳамид Ғулом “Европа таассуротлари” каби йўл очерklари яратдилар. Йўл очерklари ўқувчиларга жуда кўп маълумотлар беради, онг доирасини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам бу жанр бадиий публицистиканинг энг севимли ва оммабоп жанри ҳисобланади.

Очерklar орасида суд очерки деган тури ҳам мавжуддир. Бу очерк судлов жараёнининг кенг, мушоҳадали ёритиш учун қўлланиладиган асардир. Унда муаллиф бирор судлов жараёнини атрофлича тасвирлаш, у ҳақдаги ўз мулоҳазаларни юритиш билан мазкур жиноятнинг сабабларини очиб беради, қилинган жиноятга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотади ёки жиноятчи адашиб бу йўлга кириб қолган бўлса ачиниш, бегуноҳ бўлса оқлашга ҳаракат қилади, хуллас - жамоатчилик фикрини очеркда кўтарилаётган масалага қаратади. Суд очеркида образ яратиш ўзига хос йўл билан амалга оширилади, яъни унда судланувчи ва бошқа суд иштирокчилари қаҳрамон қилиб олинади. Бу хил очеркда портрет, воқеа ва муаммо очерklarнинг унсurlари ҳам учраши мумкин. Миллий мустақилликка эришувимиз туфайли ҳукукий демократик давлат асослари қурилиб, қонунлар ҳаётимизга кенгроқ тадбиқ этилаётган ҳозирги даврда суд очеркига ҳам эътибор ошиб бормоқда.

Журналистикаимизда суд очерklари тез-тез учраб туради. Ш.Ақбаровнинг «Эсизгина Шоҳсанам» («Инсон ва қонун»

газетаси, 2005 йил, 1-февраль), «Кўнгил кўчаси» (юқоридаги газета, 2005 йил, 18 январь), Ю.Мусаев ва Ж.Шарифбоевларнинг «Тунги «ов»ларнинг хотимаси» («Ҳуқуқ» газетаси, 2001 йил, 27-февраль), И. Муслимов ва Қ.Эшматовларнинг «Дарё қаъридаги фигон» («Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 7-январь) каби суд очеркларини кўрсатиш мумкин. Уларда муаллифлар у ёки бу жиноятни амалга оширган жиноятчиларнинг қилмишлари ҳақида ҳикоя қилиб ўқувчиларда уларга нисбатан ғазаб ва нафрат ҳисларини уйғотади. Аммо бу очеркларда ижтимоий таҳлил, бадиий умумлашмалар етишмайди, инсон образини очишда кўпроқ баён усулидан фойдаланилади.

Мавзу ёки шакл жиҳатидан ёхуд қаҳрамоннинг умумийлиги жиҳатидан бирлашган бир неча очерклардан ташкил топган очерклар туркуми ҳам бўлиши мумкин.

Публицистиканинг барча жанрлари сингари очерк ҳам журналистиканинг уч ижтимоий вазифаси-тасвир, таҳлил ва таъсирнинг бажарилишига хизмат қилади. У ҳаётдаги маълум бир факт, воқеа ва ҳодиса ҳамда уларга тааллуқли бўлган одамлар фаолияти ҳақида хабар беради, шу билан биргаликда бу воқеа ва ҳодиса, одамлар фаолияти, характерларини тадқиқ ва таҳлил этади. Унинг таъсири бевосита онглار орқали ёки билвосита-тегишли идора ва ташкилотлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Очеркда ҳам журналистиканинг барча тамойиллари ўз аксини топиши лозим. Публицистиканинг барча жанрларга оид материаллар сингари очерк ҳам умуминсоний ғояларга хизмат қилиши, халқчил бўлиши, ўзида миллийликни акс эттириши, ҳаққоний ва оммавий бўлиши шарт.

Муайян партия нашрларида босилган очерклар партиявийлик тамойилига ҳам амал қилиши мумкин. Аммо барча журналистика материаллари сингари бундай очерк ҳам журналистиканинг бошқа тамойилларига зид бўлмаслиги лозим. Журналистика нашрларидан жой олган ҳар қандай очерк жамоатчилик фикрини шакллантириш учун хизмат қилмоғи керак. Очерк қандай турда - хоҳ портрет, хоҳ воқеа, хоҳ муаммо, йўл ва суд очерклари бўлмасин ҳаётдаги бирор бир воқеа, ҳодиса,

кишилар фаолияти, янгилик ёки муаммони ўқувчилар онгига етказиши, у бўйича жамоатчилик фикрини уйғотиши шарт. Жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилмайдиган, саёз, қуруқ баён ёхуд мактов, мадҳу санолардан иборат бўлган очерклар журналистика ижтимоий вазифаларини бажаришга хизмат қилмайди, ўқувчини бездиради. Очеркда тегишли жамоатчилик фикрини уйғотиш учун очеркчи ҳаётни чуқур билиши, ундаги янгиликларни тез пайқаши, тийрак публицистик мушоҳада, ижтимоий-иқтисодий тадқиқот олиб бориши, ҳаёт воқеаларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолай олиши, юксак бадиий маҳорат билан акс эттира олиши лозим.

Очерк – у қандай турда бўлмасин - барча санъат асарлари сингари типиклаштириш қонунига бўйсунди. Типиклаштириш – жамиятнинг маълум даврига ва муҳитга хос бўлган воқеа ва ҳодисаларни, маълум ижтимоий табақа, синф ёки гуруҳга мансуб бўлган кишиларнинг энг муҳим, характерли хусусиятларини муайян ва умумлашган ҳолда акс эттиришдир. Яъни, очеркда тасвирланаётган воқеа, факт, масала ёки муаммо жамиятнинг шу куни, айти замондаги ҳаёти учун аҳамиятга эга, долзарб бўлиши лозим.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича ҳаётда энг кўп тарқалган, оммалашган воқеа ва ҳодисалар, инсонлар характери ва хусусиятларини тасвирлаш орқали типикликка эришилади. Шунингдек, ҳаётда эндигина туғилиб, вужудга келаётган ва келажакда муҳим аҳамият касб этиш мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар, янгилик куртаклари, инсонлар феъл-атворларидаги хусусиятлар ҳам типик саналади. Бинобарин, очеркчи ҳаётдан шундай факт, воқеа, муаммони танлаб олиш керакки у биринчидан – жамиятда кенг тарқалган ва кўпчиликка маълум ва машҳур бўлиши ҳамда эндигина куртак ёзаётган, аммо келгусида тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этиши лозим. Буни жаҳон адабиёт ва журналистика хазинасига кирган энг яхши очерклар мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги замон ўзбек очеркчиларидан ҳаётимизда қадимдан мавжуд бўлиб кўпчиликка манзур бўлган энг яхши воқеа, ҳодисалар билан бир қаторда эндигина туғилиб, ҳаётда илдиз

отиб келаётган янгиликлар, янгича ишлаш, янгича фикрлаш ва жамият тараққиёти учун зарур аҳамиятга эга бўлган мавзу, масала ва муаммоларни қидириб топиш ва бадиий публицистик маҳорат билан акс эттириш талаб этилади.

Очеркда анъанавийлик ва янги омиллардан фойдаланиш қонунияти ҳам кенг қўлланилади. Бунинг учун очеркчи журналист ўзидан олдинги даврларда яратилган очерклардаги мавзу танлаш, таҳлиллаш, образ ва образлиликка эришиш ва бошқа масалалар бўйича анъанавий усулларни яхши эгаллаб олиши лозим.

Шуни айтиш керакки, журналистикадаги каби очеркчилик соҳасида ҳам ижобий ва салбий анъаналар мавжуддир. Чунончи очеркда совет даври журналистикада босилган очерклардаги фактларни бўрттириб кўрсатиб, қуруқ мактовга берилиш каби салбий анъаналардан воз кечиб жаҳон илғор журналистикада мавжуд бўлган ҳаёт воқеалари, фактларнинг моҳиятини очиб бериш, ҳаётий зарур муаммоларни кўтариб чиқиш, жамоатчилик фикрига долзарб масалаларни етказиш каби илғор анъаналарига амал қилиш лозим. Шунингдек, анъанавийлик қонунияти янги омиллар билан бойитиб борилиши шарт бўлганидек очерк соҳасида ҳам ўзига хос янгиликлар яратилиши лозим.

Очерк бадиий публицистиканинг асосий жанри бўлганлиги боисидан унда образ ва образлилик бош ўринни эгаллайди.

Очеркда образ асосан икки хил бўлади. Бу – муайян инсон образи ва тўқима (тимсолий) образни яратишдан иборатдир. Кўпгина очерклар аниқ ҳаётий фактларга ва одамларга бағишланганлиги сабабли уларда аниқ, муайян инсон ёки гуруҳ, жамоа образи яратилади. Бунда шу инсоннинг очерк ёзилиши учун мавзу бўлган фаолияти, унинг амалга оширган ишлари, меҳнат самараси, изланишлари жараёнини тасвирлаш, тадқиқ этиш билан унинг образи яратилади. Мазкур ўринда очерк қаҳрамони ёки қаҳрамонларнинг ташқи қиёфалари - портретлари, ҳатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари, гап-сўзларини келтириш билан ҳам образни тўлдириш мумкин. Аммо бу бадиий воситалар, шу жумладан, улардан келиб чиқувчи образ ҳам очеркнинг бош мақсадига, ундан келиб чиқадиган публицистик

фикр, хулосага хизмат қилиши лозим. Шу боисдан очеркда киши образи ҳам ва уни гавдалантириш учун зарур бўлган бадиий воситалар ҳам маълум публицистик мақсадга бўйсундирилади ва маълум ижодий-тасвирий меъёр асосида ифодаланади.

Очеркда айрим ҳолларда умумлашган тўқима образлар ҳам учрайди. Яъни: очеркчи ҳаётнинг маълум масалаларини, муаммоларни ёритишда, ўз кузатишлари, публицистик фикр мушоҳадаларини ясама-тўқима образ орқали ҳам бериши мумкин. Бунда ўзи тасвирлаётган соҳанинг ҳаётига, муҳитга мос келувчи, типик образни ўйлаб топади ва тасвирлайди. Аммо бу ўринда у яратган образ тасвирланаётган ҳаётининг борлиқдаги мавжуд инсонлар билан умумий муштарак бўлиши, уларнинг образларини ўзида акс эттириши лозим.

Масалан, рус очеркчиси В.Овечкин “Районнинг иш кунлари” очеркида ўша даврда Марказий Россияда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жон куйдираётган раҳбарлар образини гавдалантириш учун Мартинов деган образни яратади ҳамда у фаолият кўрсатаётган жой номларини ҳам ўзгартириб тасвирлайди. Аммо мазкур очерк қаҳрамони ўз прототипига эга эди. Яъни бу очеркка асос бўлиб хизмат қилган раҳбар ҳаётда ҳақиқатдан ҳам бўлган. Очеркчи аниқ одам образи билан овора бўлиб, ўзи олдинга сурмоқчи бўлган публицистик мушоҳадалар чекланиб қолмаслиги учун умумлаштириб, тўқима образга айлантирган. Бу хил образ яратиш очеркчидан мунтазам публицистик кузатиш, чуқур мушахада, катта бадиий маҳорат талаб қилади.

Очеркда бир ва бир неча одам ёки гуруҳ, жамоа образини яратиш лозим бўлганда эса очеркчи асосий қаҳрамонга кенгроқ ўрин бериши, бошқаларга эса айрим чизгилар билан чегараланиши мумкин ёки умумлаштирилган гуруҳ, жамоа образини ҳам яратиши мумкин.

Образнинг очеркнинг турли хилларидаги ўрни масаласига келсак юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу турлича тарзда амалга оширилади. Портрет очеркларда образ ва образлилик кенгроқ планда олиб тасвирланилса, воқеа очеркида биринчи планга воқеа чиқади ва образлар иккинчи планда тасвирланади.

Муаммо очеркда ҳам биринчи ўринда кўтарилаётган муаммо туради, образлар унга хизмат қилади. Уста очеркчилар муаммонинг ўзини умумлаштирилган тўқима образга айлантиришлари мумкин. Йўл очеркида асосий қаҳрамон – муаллифнинг ўзи бўлади ва барча образлар унинг мушоҳадалари орқали ифода этилади.

Очеркда бадиий тўқима масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Очерк бадиий-публицистик жанр бўлганлиги боисдан унда маълум даражада бадиий тўқима ҳам иштирок этади. Бадиий адабиётда бадиий тўқима қаҳрамон характери мантиқига мос равишда қўлланилиши мумкин. Бадиий тўқима реал нарсалардан асосий мазмун ва моҳиятни танлаб олиш ва уни образларда акс эттириш бўлиб, у реал ҳақиқатни чуқур англашга, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг ички хусусиятини очиб беришга хизмат қилувчи ижодий воситадир.

Очеркда бадиий тўқима ундаги факт, воқеа, ҳодиса ва қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатидан мантиқий келиб чиқиши лозим, яъни у асарнинг публицистик жиҳати билан боғлиқдир. Бадиий тўқима меъёрида бўлса, у очеркдаги факт, воқеанинг моҳиятидан, қаҳрамон ҳатти-ҳаракатининг мантиқий ривожланишидан келиб чиқсагина очеркнинг бадиий кучини оширишга хизмат қилади, аксинча у меъёридан ортқча бўлса, фактларга зид келса, қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатларига мантиқий ёпишмаса очеркнинг мазмунини бузади, ўқувчини ишонтирмайди. Хулоса қилиб айтганда, очеркда бадиий тўқима факт ва публицистик хулосага бўйсунди.

Очеркда сюжет ва композиция ҳам муҳим роль ўйнайди. Сюжет – бадиий асар мазмуни ва ундаги қаҳрамонлар характерини очиб берадиган ўзаро узвий боғланган воқеалар ҳодисалар тизмасидан иборатдир. Очеркда сюжет унда тасвирланаётган факт, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, очерк қаҳрамони ҳисобланган кишилар фаолияти ҳаётий ҳаракатларининг мантиқий ривожидан келиб чиқади. Композиция эса адабий асар қисмларининг тузилиши, жойланиши ва мутаносиблигидан ташкил топади. Композицияда асар воқеаларининг бошланиш тугуни, ривож, энг юқори

кульминацион нуқтаси ва ечимидан иборат тузилма ўз ифодасини топади. Очеркда ҳам бу воситалар бўлиши лозим, улар қанчалик ҳаётий ва бадиий мутаносиб бўлса очеркнинг муваффақияти шунчалик таъминланади. Яъни, бу воситалар очеркда тасвирланаётган факт, воқеа, ҳодиса ҳамда кўтарилаётган муаммо, қаҳрамонлар фаолиятидан келиб чиқиши лозим. Сюжет ва композиция шу билан биргаликда очеркнинг турларига ҳам боғлиқдир. Портрет очеркида сюжет ва композиция очерк қаҳрамонининг фаолияти, ҳатти-ҳаракатидан вужудга келса, воқеа очеркда ўша воқеа ва ҳодисанинг моҳиятига, муаммо очеркда кўтарилаётган муаммонинг публицистик аҳамиятига тааллуқли бўлади. Йўл очеркида эса сюжет ва композиция муаллифнинг кузатишларидан келиб чиқади.

Умуман олганда, бадиий адабиёт асосларига хос бўлган сюжет ва композиция очеркда ҳам албатта бўлиши ҳамда унинг публицистик моҳиятига бўйсунishi лозим. Очеркчи бу воситалардан қанчалик усталик билан, ўз ўрнида фойдаланса, очерк шунчалик қизиқарли, бадиий мукамал бўлади, аксинча эса у ўқувчини бездиради.

Очеркда тил ва услуб масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Очеркнинг тили журналистика ва бадиий адабиёт тили қўшилмасидан иборат бўлиб, улар ўртасида ўзаро мутаносиблик мавжуд бўлмоғи керак. Яъни, очерк бутунлай бадиий тилда - ҳикоя, қисса, роман сингари бошдан оёқ образлиликка асосланган ёхуд бунинг акси сифатида - оддий мақола сингари факт, воқеа ва ҳодисалар баёнидан иборат бўлиб қолмасдан зарур ўринларда образли бадиий тасвир, керакли ўринларда эса публицистик мушоҳада тарзида бўлмоғи керак. Унинг акси бўлса очерк бир ёқлама бўлиб қолади. Очерк тилида турли касбий атамалар, шева сўзлари ва бошқа тил имкониятларга келганда бу борада ҳам масалага мавзу ва мақсадга мувофиқлик жиҳатидан ёндошмоқ керак. Очеркчи бирор касб эгалари ҳақида ёзар экан, ўша соҳага хос атамалар, иш-ҳаракат номлари, асбоб ускуналар ва улардан фойдаланишга доир сўзларини келтирмасдан иложи йўқ. Аммо биринчи галда тасвирланаётган ҳолат ва номлари тилга олинган нарсалар ўқувчи учун тушунарли бўлиши назарда тутилиши

лозим. Очеркнинг тили ва услубидаги ўзига хосликни Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва бошқалар яратган очеркларда яққол кўриш мумкин. А.Қодирий очеркларидаги қамров кенглиги ва аниқлик, А.Қаҳҳор очеркларидаги услуб сиқиклигию маъно кенглиги, Ғафур Ғуломга хос бўлган тил ва услуб жозибаси ҳозирги замон очеркчилари учун ижодий мактаб бўлиб хизмат қилади.

Очеркда бадиий-ижодий услуб ҳам муҳим ўрин тутди. Услуб тил ва тасвир воситаларининг ўзига хос йўли, омилидир. Очерк ижтимоий-иқтисодий услубда, лирик услубда, илмий услубда, танқидий услубда ҳатто ҳажвий услубда ёзилиши мумкин. Энг муҳими очеркчи ўз ижодий услубига эга бўлиши лозим.

Очеркда услубга етарли эътибор бермаслик унинг саёз, зерикарли бўлишига олиб келади. Очеркнинг жаҳон журналистикасидан жой олиши масаласига келганда шуни айтиш керакки, у кўпроқ Россия, Марказий Осиё мамлакатлари журналистикасида кенг қўлланилади. Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари журналистикасида очерк ўрнига асосан эссе жанри қўлланилади. Бу – бирор мавзу ҳақида эркин, ҳар тарафлама фикр юритиб, керакли ўринларда образ ва образлиликка амал қилиб, публицистик мушоҳада юритиб ёзилган асардир.

Рус журналистикаи тарихида очерк ижтимоий муаммоларни ёритишга кенг йўналтирилганлиги маълумдир. Рус халқининг атоқли адиблари Радишчев, Пушкин, Успенский ва бошқалар бу жанр орқали зулм остида эзилган халқнинг оғир аҳволини очиқ ташладилар. Ўзбек журналистикаида очерк асосан Туркистон миллий уйғониши даврида -жадид журналистикаи саҳифаларида вуужудга келди. Бунга М.Бехбудийнинг юқорироқда кайд этиб ўтилган йўл очерклари мисол бўла олади. Совет даврида очерк жанрига катта эътибор берилди, у журналистика соҳаларидан доимий жой олди. Бунга сабаб – очерк коммунистик партия раҳбарлари учун халқни меҳнатга жалб этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳаётдаги бирорта илғор механизатор ҳақида (масалан, Турсуной Охунова ва бошқалар) ўнлаб муаллифлар

очерк ёзган эдилар. Бу давр очерklarининг аксарияти бир ёқлама, сунъий ҳаётдаги факт ва ҳодисалар уйдирма тарзида ёзилар эди.

Мустақиллик даврида журналистикаимизда юқорида кўрилганидек очерк жанри ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Ўз меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлаётган ишлабчиқариш илғорлари, ишбилармон тадбиркорлар, илм-фан, таълим-тарбия соҳасида яхши муваффақиятга эришган мутахассислар очерklarимиз қахрамонлари бўлмоқдалар. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан иқтисодий-иҷтимоий, маданий-маънавий ўзгаришлар ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган зарур муаммолар ҳақида кўплаб яхши очерklar яратилиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги даврда журналистика – газета ва журнал очерklари билан бир қаторда радио, телевизион очерklar ҳам мавжуддир. Радио ва телевидение очерklари мазкур жанрнинг умумий қонунларига бўйсунити билан бирликда оммавий ахборот воситаларининг бу кўринишларига хос бўлган хусусиятларини ҳам ўзида ифода этади.

Очерк бўйича рейтинг топшириқлари

қонуни очеркда ҳам ҳукмрон.

Очерк қандай қонуниятларга амал қилади?

Очеркда тил ва услуб масаласини шарҳланг.

Очеркчиликнинг мустақиллик давридаги ривожини айтинг.

Совет даври журналистикасида яратилган очерк сўзининг луғавий маъносини айтинг.

Нега очеркни сўз санъати билан сўз сиёсати уйғунлашувчи жанр деймиз?

Очеркнинг хиллари бор, шуларни изоҳланг.

Ўзбек адаблари томонидан яратилган портрет очерklarни сананг.

Мустақиллик даврида портрет очеркнинг хусусиятлари ва муаллифларини айтинг.

Муаммо очеркнинг ўзига хос хусусиятлари.

Суд очеркларидаги асосий камчиликларни айтинг.

Очерк бўйича назоратсаволлари

- 1.Очеркка берилган илмий таърифларни изоҳланг.
 - 2.Портрет очерк турини шарҳланг.
 - 3.Типиклаштириш портрет очерклардаги нуқсонларни сананг.
 - 4.Воқеа очерки ҳақида нималарни биласиз?
 - 5.Йўл очеркига мисоллар келтиринг.
 - 6.Очерк барча санъат асарлари сингари қайси қонунга бўйсунди?
 - 7.Очеркда анъанавийлик ва янги омиллардан фойдаланиш қонуниятига амал қилинадими?
 - 8.Очеркда бадиий тўқима бюорми?
- Телевидение ва радиода очерк.

Бадийй публицистиканинг ўзига хос жанрларидан бири эсседир. Эссе сўзининг луғавий маъноси французча “тажриба” деган маънони билдиради. Бу маъно унинг бош хусусиятини ташкил этади: эссе орқали инсоннинг ҳаётдан олган тажрибалари, фикр-мулоҳазалари акс эттирилади. Эссе кўп қиррали жанр бўлиб у илмий, тарихий ва публицистик кўринишга эга бўлиши мумкин. Яна бир луғатда эссени эркин шаклдаги адабий жанр эканлиги айтилади. Эссе ўзбек тилида «бадиа» шаклида ҳам ишлатилиши мумкин, бу эса кишининг диққатини тортадиган, кенг мушоҳадали бадийй асар маъносини беради. Бадиа бирор бир тарихий, илмий мавзу борасида эркин бадийй услубда ёзилган асардир. Яъни, эсседа илмий-адабий, ижтимоий мушоҳадалар, тадқиқотлар ўз ифодасини топади, таҳлил, мулоҳаза ва хулосалар асосий ўрин тутди.

Эссе ўз хусусияти билан очеркка яқин туради, яъни унда ҳам ҳаёт воқеалари бадийй-публицистик усулда акс эттирилади. Аммо эссенинг очеркдан фарқи – унинг эркин услубда ёзилиши, ҳажмининг чекланмаганлиги, муаллифнинг олинган мавзу борасида атрофлича фикр юритиб, керакли ўринларда илмий, керакли ўринларда ижтимоий-тарихий ва бадийй воситалардан кенг фойдаланиши, публицистик хулосалар чиқаришида ўз ифодасини топади.

Эсседа бирор тарихий воқеа ёки замонавий муаммо эркин фикрлаш асосида баён этилади, унда муаллифнинг ўзига хос таҳлили асосий ўрин тутди. Эсседа муаллифнинг шахсий кузатишлари ва мушоҳадалари бош вазифани бажаради. Аммо, эсседа публицистик мушоҳада ва хулоса асосий ўрин тутиши, яъни у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган факт, воқеа, муаммоларга бағишланиб, жамоатчилик фикрини уйғотиши лозим. Мазкур жанрда фан, сиёсат ва адабиётнинг уйғунлиги мавжуд бўлганлиги сабабли унда образ ва образлилик ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шу боисдан эсседаги илмий, тарихий, ижтимоий тадқиқот ва мушоҳадалар худди мақоладаги каби жиддий таҳлил услубида берилиши ҳам мумкин. Фақат керакли ўринлардагина бадийй воситалар ва шу жумладан образ ва образлиликдан ҳам фойдаланилади.

Бу жиҳатдан эссе муаммо очеркига яқин туради. Эсседа йўл ва портрет очеркларига хос хусусиятлар ҳам учраши, яъни бирор шахс образи ёки йўл таассуротлари ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Эссе ғарб журналистикасида кенг қўлланилади. Ўзбек журналистикасига ҳам бу жанр кейинги йилларда кириб келди.

Бунга мисол сифатида таниқли адабиётшунос О.Шарофиддиновнинг «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» журналларида босилган эсселари мисол бўла олади. Бу эсселарда замонамизнинг шу кунги муҳим ижтимоий-маънавий муаммолари кўтарилиб чиқилади.

Қардош қорақалпоқ адиби Т.Каипбергеновнинг қатор адабий-бадий эсселарида ёзувчининг ҳаёт ва замон ҳақидаги фалсафий-ижодий қарашлари ўз ифодасини топган. Х.Даврон эсселарида эса тарихий мавзулар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилса, иқтидорли журналист Н.Қўчқор эсселарида ҳам шу куннинг муҳим ижтимоий-маънавий масалалари қаламга олинади. Шу кунги журналистика саҳифаларида ҳам эссенинг турли кўринишларини кўриш мумкин. Ҳаётимизнинг турли мавзуларига бағишланган бу эссе ва бадиаларда шу ку учун муҳим бўлган бирор воқеа, бирор шахс фаолиятининг қирраси, ёхуд шу кун билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалар акс эттирилади.

Масалан, адабиётшунос олим ва адиб М.Қўшжоновнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2005 йил 4-февраль сонидида босилган «Хива суҳбати» бадиаси қадимги Хоразм тарихига бағишланган бўлиб, унда бу юртда яшаб ўтган Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд Пурёвалий ва бошқа аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир турли қизиқарли фактлар келтирилади, муаммолар ўртага ташланади. Муаллиф ўз бадиасини хоразмлик ёзувчи, қатор тарихий асарлар яратган Эркин Самандар билан суҳбат тарзига қурган. Ёзувчи Мурод Хидирнинг «Маърифат» газетасининг 2003 йил 26 декабрь сонидида босилган «Ибтидода сўз бўлган» бадиаси ҳам маънавий масалаларни қаламга олади. Унда китоб ва унинг шу кунги инсон ҳаётидаги ўрни масалалари мушоҳада этилади. Муаллиф яхши

китоблар яратиш ва нашр этиш борасида қатор масалаларни ўртага ташлаб, жамоатчилик фикрига ҳавола қилади.

Шоир Асқар Маҳкамнинг «Адабиёт ибодати» бадиаси («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2004 йил, 22–декабрь) ҳам маънавий–ижодий масалаларга бағишланган бўлиб, унда шоир Шавкат Раҳмоннинг ҳаёти ва ижодига доир чизгилар ўрин олган. Муаллиф иқтидорли шоирнинг ҳаётини қарашлари, бадиий изланишлари ва маҳоратининг бош қирраларини изчил тасвирлаб бера олган.

Юқоридаги эсселар асосан муайян тарихий шахсларга бағишланган бўлса Н.Очиловнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил, 11–апрель сонидан жой олган «Қайтиш» деб номланувчи эссесининг қаҳрамони эса умумлаштирилган, бадиий тўқима шахсдир. Эсседа тасвирланишича Шарифжон деган йигит илм олиш билан шуғулланар, докторлик диссертацияси устида ишлаётган экан. Аммо у турмуш қийинчиликлари туфайли илмни ташлаб ўзини бозорга «уради» ва яхшигина маблағ орттириб, бойий бошлайди. Аммо унинг дилидаги илмга, ижодга бўлган муҳаббати сира тинчлик бермайди, виждони қийналади. Ниҳоят у бозорни ташлайди ва яна илмга қайтади, докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, эл–юрт олдида юзи ёруғ бўлади, унинг қалбида ҳаётдан мамнунлик ҳислари яна уйғонади. Бу бадиа мавзу ва бадиий ечим жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Умид Ёқубовнинг «Маърифат» газетасининг 2004 йил 15–декабрь сонидан босилган «Гулхан ўчмаган кеча» бадиаси ҳам шу куннинг маънавий масалалари, инсон ва унинг ҳаётдаги ўрни муаммосига бағишланган. Унда ёш, ҳаётга чанқоқ, ҳақиқатнинг кўзига тик боқа оладиган, чуқур мушоҳадали муаллиф образи намаён бўлади.

Эссе ўзига хос кўп қиррали, мураккаб жанр бўлганлиги боисидан у кўпроқ ёзувчилар, олимлар, мутахассислар томонидан ёзилади ва одатда адабий-бадиий нашрларда эълон қилинади. Шунингдек, у журналистика нашрларидан ташқари радио ва телевидениеда ҳам берилиши мумкин. Бу хил эсселарда

публицистика билан бир қаторда радио ва телевидение хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топади.

Эссе келажакда ўзбек журналистикаининг ҳам асосий жанрларидан бири бўлиб қолади.

Эссе бўйича рейтинг топшириқлари

1. Эссе сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Эссе ўз хусусияти билан қайси жанрга яқин туради?
3. Эсседа нима асосий ўринга эга?
4. Эссе кўпроқ қайси нашрларда кўринади?
5. Эссенинг келажаги ҳақида нималар айта оласиз?

Эссе бўйича назорат саволлари

1. Эссе қандай кўринишларга эга?
2. Эссенинг очеркдан фарқини айтинг.
3. Қайси муалифнинг эсселарини биласиз?
4. Эссе кўпинча кимлар томонидан ёзилади?
5. Эссе жанр сифатида журналистикада сақланиб қоладими?

10.4. ФЕЛЬЕТОН

Маълумки, публицистика бир қанча турларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири ҳажвий публицистикадир. Ҳажвий публицистика публицистиканинг ўзига хос, алоҳида бир тури бўлиб, воқеъликни акс эттириш ва унга таъсир кўрсатишда ижтимоий кулги – сатира ва юмор қонуниятларига амал қилади. Иккинчи томондан у ўз ижтимоий вазифаларини бажаришда адабий-бадий воситалардан кенг фойдаланди ва бу билан бадий публицистиканинг таркибий қисмига айланади. Бадий публицистиканинг ҳажвий публицистика билан боғланиб кетишидан ҳосил бўлган жанрлардан бири фельетондир. У ижтимоий ҳаёт масалаларини юқорида айтганимиздек, сатира ва юмор воситаси билан, яъни ижтимоий кулги ассосида ёритади ҳамда ижтимоий танқид учун хизмат қилади.

Фельетон сўзи французча «варақа» деган маънони беради. Бу - дастлабки даврда журналистикада берилган ижтимоий-сиёсий, адабий-танқидий мавзудаги қизиқарли ва алоҳида ажратиб кўрсатилган материалларга айтилган. Бундай материаллар, асосан, газетанинг подвал қисмида бериб борилган. Европада дастлаб пайдо бўлган босма газеталарда бу хилдаги материаллар кўплаб босиларди. Бу тартиб кейинчалик рус журналистикасига ҳам кириб келди. Ўлкамизда илк бор вужудга келган журналистика нашри – «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида ҳам бу ҳолни кўриш мумкин эди. Масалан, мазкур газетанинг подвал қисмида босилган айрим адабий мавзудаги материаллар, жумладан, шоир Махтумқули ва Огаҳий ҳақидаги мақолалар мазкур рукн остида берилган эди.

Кейинчалик, жамият тараққий этиши билан бу рукн ижтимоий ҳаётда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни кулги танқиди остига олувчи материалларга қўйила бошланди, яъни у адабий-бадий ва ҳажвий публицистик жанрга айланди.

Фельетон ҳажвий публицистиканинг алоҳида жанри бўлиб, ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Мазкур жанрнинг асосий вазифаси жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ҳолда ўзида акс эттириши, мазкур соҳаларда

учрайдиган камчилик, нуқсон, ижтимоий иллатларни фош этиш, танқид қилиш орқали улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш ва оқибат натижада бу камчилик ва нуқсонларнинг тугатилишига эришиш, бинобарин, жамият ҳаётининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишдан иборатдир. У ижтимоий публицистика билан ҳамоҳанг бўлиб, унинг танқидий кўриниши билан умумлашган ҳолда иш тутади.

Фельетоннинг публицистиканинг ижтимоий ва бошқа турларида қўлланиладиган танқидий мақола ва бошқа жанрларга оид материалларидан фарқи – унинг ҳажвий публицистика қонуниятларига асосланиши, яъни, ижтимоий кулги, сатира ва юмор воситаларига таянишидадир. Ижтимоий кулгининг хил ва кўринишлари турлича бўлиб, улар орасида киноя, пичинг, ҳазил, енгил кулги кабилар билан бир қаторда заҳархандали кулги, ижтимоий масхаралаш, гротеск (атайлаб бўрттирилган кулги), ҳаттоки айрим ҳақоратомуз сўзлардан фойдаланиш каби ҳажв воситалари ҳам мавжуддир. Фельетонда ижтимоий кулгининг ана шу серкирра усулларида кенг фойдаланилади. Фельетон ўзининг бу хусусияти билан жиддий танқидга асосланган бошқа материаллардан устун туради ва оммавий бўлади.

Атоқли адиб А.Қодирий ижтимоий кулгига асосланувчи ҳажвий танқидга юқори баҳо бериб, уни «Турмуш бўйлаб учқувчи бургутдир... ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизганчик манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир».- деб таърифлаган эди. Фельетон худди ана шу ижтимоий-эстетик танқид ижтимоий вазифасини бажарувчи долзарб, жанговар ва таъсирчан журналистика материали, ҳажвий ва бадиий публицистик жанрдир. У ўз ижтимоий вазифаси ва шакли жиҳатидан ҳажвий адабиётнинг ҳикоя (ҳажвий ҳикоя) жанрига яқин турса-да, аммо кўзланган мақсади, публицистик ҳулоаси билан ундан фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, фельетон ҳажвий адабиёт воситаларига асосланувчи, улардан кенг фойдаланувчи журналистика материалидир.

Фельетон ўз олдида қўйилган мақсад ва вазифасига биноан икки хил – муайян фактга асосланган ва умумий фельетон бўлиши мумкин. Аниқ фактга асосланган фельетон ҳаётдан

олинган аниқ фактлар, муайян одамларнинг ижтимоий нуқсонлари, фаолиятларидаги камчиликлари ҳақида ёзилади. Умумий фельетон эса ҳаётдаги бирор ижтимоий иллат, нуқсон ва муаммолар ҳақида бўлиб, унда мазкур масалалар ҳажвий мушоҳада этилади ва танқид қилинади. Ҳар икки турдаги фельетонлар учун умумий талаб – ижтимоий муҳим бўлган факт, масала ва муаммоларни кўтариб чиқиш ва улар бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишдир. Фурқатнинг «Ҳинд найрангбози Ёркентда», А.Қодирийнинг «Тошкент бойлари», «Эшонларимиз» каби ва бошқа қатор фельетонлари аниқ фактга асосланган фельетонларга мисол бўлса, «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» каби, А.Қаҳҳорнинг «Қуюшқон» каби фельетонлар эса умумий фельетонлар турига киради. Ҳар икки хил фельетонлар журналистикамиз тарихида ҳам, ҳозирги кун журналистикаси нашрларида ҳам кенг учрайди.

Фельетон шакл жиҳатидан, аввало, кичик ва оддий фельетонга бўлинади. Кичик фельетонда ҳаётдаги нисбатан кичикроқ аҳамиятга эга бўлган бирор факт, нуқсон ёки муаммо ёритилади. «Фельетон» рукни билан бериладиган оддий фельетонда эса ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган факт, воқеа, муаммо акс эттирилади. «Фельетон ўрнида» рукни эса мазкур материалнинг фельетонга яқин туриши, аммо ички хусусиятлари билан фельетон даражасига етмаганлигини кўрсатади. Одатда, бу рукн остида бир қадар жонли, ўқимишли ёзилган жиддий танқидий материаллар ўрин олади.

Фельетон ёзилиш услуби жиҳатидан ҳикоя-фельетон, публицистик фельетон, фельетон-шарҳ, фельетон-тақриз, фельетонлар туркуми кабиларга бўлинади. Буларнинг ҳар бирида фельетонга хос умумий хусусиятлар билан биргаликда алоҳида тасвирий услуб, ижодий йўналиш мавжуд бўлади. Масалан, ҳикоя-фельетонда ҳаётдан олинган факт ва муаммо кўпроқ бадиий услубда – ҳикояга яқин тарзда тасвирлаб берилади.

Бунда беллетристик, яъни ҳикоя элементлари – фельетондан чиқарилиши лозим бўлган асосий мақсад – публицистик хулосани очиб беришга хизмат қилиши лозим. Жаҳон ва рус

журналистикадаги сингари ўзбек журналистикада ҳам бу хилдаги ҳикоя-фельетонлар кўп учрайди. А.Қодирийнинг «Ҳой, худой урғонлар», «Ҳой, ер юткур!..», А.Қаҳҳорнинг «Ҳи-ҳи», Ғафур Ғуломнинг «Шошилинич телеграмма» каби фельетонлари ҳикоя-фельетоннинг ёрқин намуналари ҳисобланади.

Публицистик фельетон ҳам мазкур жанрнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади. Публицистик фельетонда факт, муаммо, ундан чиқариладиган ижтимоий хулоса устун туради, бу хилдаги фельетонларда беллетристик элементлар чекланган бўлади. Публицистик фельетоннинг асосий мақсади ҳаётда учрайдиган ижтимоий иллатлар, камчилик ва нуқсонларни аниқ ёки умумлашган шаклда очиқ бериш ва жамоачилик ҳукмига ҳавола қилишдан иборатдир. Бундай фельетонлар кўпроқ мақола йўлида ёзилади, аммо фактлар, воқеалар мушоҳадасида сатира ва юмор элементлари – киноя, заҳарханда, кучли фош этиш воситалари кенг қўлланилади.

Жаҳон ва ўзбек журналистикаи тарихида публицистик фельетонлар кўплаб учрайди. А.Қодирийнинг «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр», А.Авлонийнинг «Маданият тўлқинлари», «Ҳифзи лисон», Ҳ.Ниёзийнинг «Фақирлик недан ҳосил ўлур?», А.Қаҳҳорнинг «Ўзинг шифо бер», Ғафур Ғуломнинг «Иш қопи билан, гап қофияси билан» каби фельетонлари, К.Алиевнинг қатор фельетонлари шулар жумласидандир. Фельетоннинг бу хили ҳозирги замон журналистика нашрларида ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда.

Фельетон жанрининг алоҳида бир кўриниши бўлган фельетон-шарҳ эса ҳаётдаги бир неча факт ва воқеаларни умумлаштириб, маълум публицистик хулосалар чиқариш орқали амалга оширилади. Унда фельетончи ҳаётда кузатиб юрган бир қатор ижтимоий иллатларни жамлаб фош қилади, унга ўзининг ҳажвий муносабатини билдиради. Масалан, А.Қодирий ўзининг «Йиғинди гаплар» фельетон-шарҳида йигирманчи йиллар ижтимоий ҳаётида учрайдиган –қатор ижтимоий-сиёсий, маънавий муаммоларни ҳажв қилиб ўтади. Ғафур Ғуломнинг «Жомаси пок, ўзи нопок бандалар» фельетони ҳам бу жанрнинг юқоридаги турига мисол бўла олади.

Мазкур жанрнинг фельетон-такриз шаклида ёзилган турида эса ижтимоий иллатларни фош этишда такриз шаклидан фойдаланилади. Бунда бирор бир ижтимоий ҳодиса ёхуд бўш, чала ёзилган асарни кулги билан танқид қилишда унга киноявий такриз ёзиш воситаси қўлланилади. Фельетон-такриз билан фельетон-пародия шакли ҳам бир-бирига яқин туради. Бунда фельетончи ҳаётдаги нуксонларни танқид қилиш учун бирор ҳужжат, қўлланма шаклидан киноявий фойдаланиши мумкин. Масалан, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ўзининг 20-йилларда ёзган «Маҳаллий сармояни кучайтириш чоралари» фельетонида ўша даврда учрайдиган айрим ижтимоий иллатларни фош қилиш учун ўша даврда тузиладиган расмий ҳужжатлар шаклини олиб, камчиликларни киноявий-пародия тарзида очиб ташлайди.

Фельетон жанрининг шаклий кўринишлари хилма-хилдир. Унинг фельетон-репортаж, фельетон-суҳбат, фельетон-кундалик ва бошқа шакллари ҳам бўлиши мумкин. «Ҳажв – шакл танламайди», деган гап ҳажвий публицистиканинг муҳим жанри бўлмиш фельетонга ҳам тегишлидир. Фельетон насрий бўлиши билан бирликда шеърий ҳам бўлиши мумкин. Шеърий фельетон ҳам худди насрий фельетон сингари ҳаётдаги бирор аниқ, муайян факт ёки воқеа, инсонлар фаолиятига ёинки бирор умумий масала, муаммога бағишланган бўлиши мумкин. Шеърий фельетон бадиий адабиётнинг муҳим тури бўлган ҳажвий шеърият талабларига жавоб бериши билан бирликда ўзида публицистик хусусият ҳам касб этиши лозим, яъни у ҳаётда учрайдиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иллатларни кулги танқид остига олиши лозим. Унинг ҳажвий шеърдан фарқи, юқорида айтганимиздек, муайян ижтимоий масалага бағишланиб, тегишли публицистик хулоса чиқаришидан иборатдир.

Шоир Ғафур Ғулом томонидан 30-йилларда яратилган «Қўлтиқланган калла тўғрисида қофияли ваъз» ҳажвий шеъри ўзбек ҳажвий публицистикасида яратилган биринчи шеърий фельетон эди. Шеърий фельетон ўзбек журналистикаи нашрлари, шу жумладан «Муштум» журнали саҳифаларидан доимий жой олиб келмоқда.

Ҳажвий публицистиканинг энг мураккаб ва мукаммал асарларидан бири – фельетонлар туркумидир. Бундай бадий-публицистик асарлар бир неча фельетонлардан ташкил топади. Фельетонлар туркумлари ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари, кўзга кўринарли иллат ва нуқсонларни фош этишга бағишланади. Фельетонлар туркумлари бир ёки бир неча муаллифлар томонидан ёзилиши мумкин. Бундай ҳажвий-публицистик асар фельетончидан ҳаётни чуқур кузатиш, катта ҳажвий-публицистик маҳорат талаб қилади. Жаҳон ва рус ҳажвий журналистикасида бўлгани каби ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳам қатор фельетонлар туркумлари яратилди.

Бу борада атоқли адиб, 20-30 йиллар ўзбек ҳажвининг атоқли устаси Абдулла Қодирий юксак намуна кўрсатди. Унинг «Муштум» журнали ва бошқа нашрларда босилган «Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» ва бошқа фельетонлар туркумлари бунинг ёрқин мисолидир. Гарчи адибнинг бу асарлари адабиётшуносликда ҳажвий ҳикоя ёки ҳажвий қисса жанрига оид деб юритилса-да, мазкур асарлар фельетонлар туркуми жанрига киради. Чунки бу асарларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий иллатлари бадий-беллетристик йўлда фош қилинса-да, улардан муҳим публицистик хулосалар чиқарилади, бу ҳол эса, маълумки, ҳажвий публицистиканинг ижтимоий вазифасига киради.

Шуни айтиш керакки, фельетонлар туркумлари ҳам турлича шакл ва кўринишларга эга бўлади. Булардан биринчиси – маълум мавзу асосида бирлашган фельетонлардир. А. Қодирийнинг 20-йилларда «Муштум» журналида босилиб чиққан «Эшонларимиз», «Тошкент бойлари» каби фельетонлар туркумлари бу хилдаги ҳажвий-публицистик асарларга мисол бўла олади. Бир неча фельетонлардан иборат бўлган бу фельетонларда адиб ўшп даврдаги турли нопок йўллар билан бойлик йиққан кимсалар ва жаҳолат бандалари нинг қилмишларини аниқ фактлар, хотиралар асосида очиқ ташлайди. Маълум мавзу асосида бирлашган фельетонлар туркумлари кекйинчалик ҳам юзага келди: олтмишинчи йилларда бир гуруҳ ёзувчилар томонидан эскилик сарқитларини фош этишга

бағишланган жамоа фельетонлар туркуми журналистикада босилиб чиққан эди.

Фельетонлар туркумининг яна бир кўриниши маълум шакл асосида ёзилган фельетонлардир. Бунда фельетончи ҳаётда ўзи кузатган камчилик ва нуқсонларни маълум бир шакл асосида баён этади. А.Қодирий бу борада ҳам баракали ижод қилди. Унинг 20-йилларда ёзган «Московдан хатлар» фельетонлар туркуми бунга мисол бўла олади. Адиб бир неча муддат Москва шаҳрида ўқишда бўлганида у ерда кўрган-кузатган ва ўша давр учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим камчилик ва нуқсонларни мазкур шаклда ёзиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этган эди. Гарчи бу туркумга кирган фельетонлар турли мавзуларда бўлса-да уларни бир нарса – узоқдан ёзилган хатлар шакли бирлаштириб туради. Кейинчалик, 30-йилларнинг ҳажвчи-публицистлари Зиё Саид ва Носир Саидлар ҳам биргаликда ёзган «Охират мактублари» фельетонлар туркумларида бу йўлдан фойдаланган эдилар.

Ҳажвий публицистиканинг энг мураккаб ва мўътабар асарларидан бири - маълум бир ҳажвий тип билан боғланган фельетонлар туркумидир. Бунда фельетончи ҳаётдан олган таассуротлари, кузатишлари, ҳажвий-танқидий мушоҳада-ларини маълум бир ягона образ – ҳажвий тип орқали тасвир этади. Бу хилдаги тип билан боғланган фельетонлар туркумлари ўзбек ҳажвий журналистикада илк бор ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида яратилди.

Бундай фельетонлар туркумларига ҳажвий ижод устаси А.Қодирий биринчи бўлиб асос солди. Адибнинг бу даврда яратилган ҳамда “Муштум” журнали ва бошқа журналистика нашрларида босилган «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» каби асарлари маълум тип билан боғланган фельетонлар туркумлари бунга мисол бўла олади. Моҳир фельетончи юқоридаги асарларнинг қаҳрамонлари бўлмиш тўқима образлар – Калвак махзум ва Тошпўлат тажанг тимсоллари орқали ўз даврининг қатор ижтимоий иллатларини очиб ташлади. Бу ижодий усулни бошқа ўзбек ҳажвчилари ҳам давом эттирдилар. Ҳажвчи журналист Носир Саиднинг ўша

даврда «Муштум» журналида босилган «Мавлави Пўстин мулақаб Мокиён махзум саргузаштларидан», Ғафур Ғуломнинг ўттизинчи йилларда яратилган «Меҳтарбод Самарқандий Елдойи ким?», «Бисотдаги гаплар» каби фельетонлар туркумлари ҳам ҳажвий типлар билан боғланган ҳажвий-публицистик асарлар ҳисобланади. Ҳажвий публицистиканинг бу ижодий анъанаси ҳозирги ўзбек ҳажвий журналистикада ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Фельетоннинг мавзуси журналистиканинг бошқа материаллари сингари ҳаётдан олинади. Унда, юқорида айтилганидек, ижтимоий ҳаётнинг шу кундаги, айни замондаги масала ва муаммолари, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётидаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар, шу кун кишилари онгидаги зарарли ижтимоий урф-одатлар ва иллатлар мавзу бўлиб хизмат қилади.

Фельетончи ҳаётни доимий равишда синчиклаб кузатиб бориши ва учраган нуқсон ва камчиликларни қаламга олиши лозим. Таҳририятга келаётган хатлар, шикоятчилар, айрим йиғилишларда тилга олинadиган салбий фактлар ва воқеалар, қулоққа чалинган қизиқ гаплар фельетонга асос бўлиши мумкин. Шу билан баргаликда ҳар қандай қизиқ воқеа фельетон учун асос бўлавермайди, балки фақат ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фактлар, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллат ва нуқсонларгина фельетон учун мавзу бўлиб хизмат қилади, фельетончининг маҳорати эса ана шундай фактларни ҳаётдан қидириб топа олишидадир.

Атоқли рус фельетончиси М. Кольцов ўз фельетонларига мавзу топиш учун турли йўлларни синаб кўрган, чунончи у атайлаб такси машинасини ҳайдаган, дўконларда сотувчилик ҳам қилган. Синчков, истеъдодли фельетончи учун ҳаётда фельетонбоп мавзулар, факт ва воқеалар доимо топилади.

Фельетон учун зарур бўлган факт, мавзунинг топилиши унинг муваффақиятини таъминлайди, дегани эмас. Топилган ҳар бир факт, муаммо фельетончи томонидан чуқур мушоҳада қилиниши лозим. Яъни, фельетончи ўз асари учун мавзу қилиб олаётган факт, воқеа ва ҳодисани ҳар томонлама — ҳам

ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан баҳолаб, таҳлил этиши лозим. Бу – фельетондан чиқариладиган ижтимоий-публицистик хулосада ўз ифодасини топади. Бунда фельетончининг билими, мушоҳада қобилияти, дунёқараши муҳим роль ўйнайди. У ушбу факт, воқеа ва ҳодиса жамият ҳаётида қандай ўрин тутади ва ижтимоий тараққиётга қай даражада тўсқинлик қилмоқда, уни йўқотишнинг нақадар зарурлигини чуқур идрок эта олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, фельетончи илғор фикрли инсон, ўз даврининг ижтимоий арбоби, жамият манфаатлари, тараққиёт учун кўрқмас курашчи бўлиши шарт.

Фельетон жанридаги асар учун ижтимоий-иқтисодий, маънавий мушоҳада ва таҳлил қанчалик зарур бўлмасин, бунинг ўзи кифоя қилмайди. Илло, юқорида айтиб ўтилганидек, фельетон ҳажвий публицистик журналистика асари бўлиб, ундаги барча ижтимоий-иқтисодий, маънавий мушоҳадалар ҳажвий мушоҳада билан қоришиб кетиши лозим. Яъни фельетон сатира ва юмор қонуниятлари асосида ёзилади, унда ижтимоий кулги бўлиши шарт.

Юқорида айтганимиздек ижтимоий кулгининг хил ва кўринишлари турличадир. Унда енгил ҳазилдан тортиб то заҳархандали фош қилиш кулгисигача мужассам бўлади. Фельетончи ўз асари учун ижтимоий кулги хилларидан энг кераклиси, зарурини танлай билиши лозим. Ёзилаётган фельетонда кулгининг қайси хили ва қай даражада қўлланилиши фельетончининг маҳоратидан ташқари ундаги факт, олинган мавзу ва чиқарилаётган публицистик хулосага боғлиқдир. Атоқли рус фельетончиси М.Кольцов ҳам фельетонда кулгининг маълум меъёри бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. Шу билан баргаликда кулгисиз, фактларни публицистик баён қилиш йўли билан ўқувчида қаҳр-ғазаб уйғотувчи фельетонлар ҳам бўлиши мумкин.

А.Қодирийнинг юқорироқда тилга олинган «Эшонларимиз», «Тошкент бойлари» каби фельетонлари худди шундай кулгисиз, публицистик хулосали фельетонлардир. Аммо уларда ҳажвий тасвир воситаларидан ўз ўрнида фойдаланганлиги сабабли

мазкур асарлар оддий публицистиканинг жиддий материалларидан фарқ қиладилар.

Фельетон бадиий публицистика жанри бўлганлиги сабабли унда турли бадиий воситалар, жумладан бадиий тўқима ҳам иштирок этади. Бадиий тўқима ҳаёт воқеаларини жонли тасвирлаш, ўқувчида қизиқиш уйғотиш мақсадида қўлланиладиган бадиий воситалардан ҳисобланади. Бадиий тўқима адабий-бадиий асарларнинг доимий зарурий шарти, ёзувчининг ҳаётни қизиқарли тасвирлаш куралидир. Аммо публицистик асар бўлмиш фельетонда бадиий тўқима адабий асарлардагидан фарқли равишда ўзига хос, чекланган кўринишда бўлади. У фельетоннинг асоси бўлиб хизмат қилаётган факт ва воқеалардан, «қахрамон»лар феъл-атворларининг мантикидан келиб чиқиши лозим.

Аниқ фактга асосланган фельетонларда бадиий тўқима фақат энг зарур ҳолларда, жуда чекланган меъёргагина ишлатилади, умумий фельетонларда эса мантикий мушоҳадага мос келгандагина ишлатилиши мумкин. Гарчи бадиий тўқимасиз фельетон курук, зерикарли бўлиб қолса-да, ортиқча бадиий тўқима фельетоннинг бадиий-ғоявий мақсадига зарар келтириши ҳам мумкин. Одатда аниқ фактларга асосланган фельетонлар журналистикада босилгандан сўнг тегишли ташкилотлар томонидан текширилиб унда кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш, айбдорларни жазолаш тадбирлари амалга оширилади. Шундай ҳолда фельетондаги ортиқча бадиий тўқималар фельетоннинг самара беришига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бадиий асосда ёзилган ҳикоя-фельетон, фельетонлар туркумларида эса бадиий тўқима муаллифнинг мақсади, шу асар олдинга сураётган ғоя ва публицистик хулосага хизмат этиши лозим. Масалан, атоқли фельетончи А.Қодирий «Қалвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» фельетонлар туркумларида бадиий тўқиманинг асар мазмунига бутунлай сингиб, унинг ғоявий-бадиий даражасининг юксак бўлишига хизмат қилдирган эди.

Бадиий ва ҳажвий публицистика жанри бўлмиш фельетонда образ ва образлилик муҳим ўрин тутди. Маълумки, образ ижодкорнинг воқеъликни тасвирлашда уни аниқ ҳис этиладиган тарзда, жонли гавдаланиши бўлиб, образлилик эса воқеъликни тасвирлашда образ элементларининг иштирок этишидир. Бадиий адабиётнинг энг зарур шарти ҳисобланган бу ижодий восита бадиий публицистика талаблари асосида иш кўрадиган фельетон учун ҳам зарур масала ҳисобланади.

Аммо бадиий адабиёт асарларидан фарқли равишда фельетонда образ ўзига хос хусусиятга эга бўлади, яни, унинг публицистик характеридан келиб чиқади. Аввало фельетонда образ икки хил – аниқ ва умумлашган бўлади. Аниқ фактларга асосланган ва муайян шахснинг қилмишлари фош этилаётган фельетонда инсон образи ўша шахснинг ҳатти-ҳаракатлари, қилмишлари орқали вужудга келтирилади. Умумий фельетонда эса образ бошқача услубда яратилади. Унда асосий масала олдинга сурилаётган публицистик мақсадни очиш, ижтимоий ҳаётдаги бирор нуқсонни танқид қилиш, бирор муаммони ҳал этиш бўлганлиги сабабли образ ҳам шу мақсадга хизмат қилдирилиши лозим. Бундай фельетонларда бирор тўқима образ мавжуд бўлиши мумкин, аммо у ҳам аввало ҳаёт ҳақиқатидан ва фельетон талабидан келиб чиқади.

Фельетонда қўлланиладиган образларнинг тури хилма-хилдир. Аксарият публицистик фельетонларда образ эмас – образ-тезис яратилиши мумкин. Бу – инсон образи эмас, бирор муаммо, кўтарилаётган масала образи бўлиши мумкин. Яъни, фельетончи ўзи кўтариб чиқаётган масалани бирор нарсага ўхшатиб тасвирлайди ва шу билан ҳажвий-публицистик мавзунини очиб, ўз фикрини илгари суради. Масалан, А.Қодирий ўзининг «Бозор суриштирайдир» фельетонида адабиёт соҳасида, санъат саҳналарида пайдо бўлаётган чала-чулпа, хом-хатала асарларни бозорга олиб чиқилган шунчаки ифбатсиз молларга ўхшатади. А.Қаҳҳор «Қуюшқон» фельетонида эса эллигинчи-олтмишинчи йилларда одат тусига кирган куурук, расмий тилда олиб борилаётган маърузалар, ёзилаётган асарлар устидан кулиб,

уларни қуюшқонга ўхшатади. Образ-тезис яратиш ҳам фельетончидан катта маҳорат ва бадиий малака талаб қилади.

Фельетонда яратиладиган ўзига хос образлардан бири – типаж деб аталади. Гарчи бундай образ инсон тасвиридан иборат бўлса-да бу образнинг исми, ташқи кўриниши эмас, унинг ҳатти-ҳаракати, қилмишлари орқали ижтимоий қиёфаси очиб берилади.

Масалан, А.Қодирийнинг «Ҳой, ер юткур...» фельетонидаги хотин-қизларга ваҳшийларча муносабатда бўлувчи жоҳил образи яратилган. Биз унинг исмини ҳам, кимлигини ҳам билмаймиз, аммо хотин-қизлар байрами муносабати билан унинг берган «холисона маслаҳатлари» орқали унинг нақадар жоҳил, қолоқ фикрли ва ваҳший одам эканлигини билиб оламиз. А.Қаҳҳорнинг «Ҳи-ҳи» фельетони қаҳрамонининг ҳам исми ва кимлиги келтирилмайди, балки унинг ҳаётдаги айрим қийинчиликлар, масалан 2-жаҳон урушида фашистларнинг қўли баланд келишини кутиши, бундан ўз манфаати йўлида фойдаланишнинг ҳоҳлаши тасвири орқали фельетончининг бу типаж воситасида чиркин фикрли одамлар образини яратганлигини кўрамиз. Типаж воситасида жамият нуқсонларини танқид қилиш амалиёти жаҳон ва ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳозирда ҳам кенг қўлланилиб келинади.

Ўзида кўпроқ беллетристик хусусиятларни ифода этувчи ҳикоя-фельетонларда эса ҳаётдаги бирор муаммони кўтариб чиқиш, бирор ижтимоий табақа вакиллари қиёфасини яратиш учун тўқима образлардан фойдаланилади. Бундай образларнинг исми, ташқи қиёфаси, юриш-туришлари худди ҳажвий ҳикоялардагидек тасвирланса-да буларнинг ҳаммаси фельетон ғояси, ундан чиқарилмоқчи бўлинган публицистик хулоса учун хизмат қилади.

Масалан, А.Қодирийнинг «Ҳой, худой урғонлар» фельетонида Сотимдов, Ибройим буқа каби катта ер эгаларининг образлари тасвирланган ва уларнинг 30-йилларда ўтказилган ер ислоҳоти воқеасига муносабатлари очиб берилган. Ғафур Гуломнинг «Классиклардан қачон сўз очар, эҳтиёт бўлинг – оловлар сочар» фельетонида Сувонқул деган тўқима образ воситасида адабий ижодни шунчаки енгил иш деб ўйлаб, хом-

хатала асарлар ёзувчи кишилар устидан кулинади. Тўқима образ орқали ҳаётдаги камчилик ва нуқсонлар, одамлар онгидаги ва ҳатти-ҳаракатларидаги иллатларни очиқ ташлаш ҳозирги замон фельетончилигида ҳам кенг қўлланилади.

Фельетонда шу билан баргаликда бадиий адабиёт ва санъатнинг энг мукаммал ижодий маҳсули бўлмиш характер ва типлар ҳам яратилиши мумкин. Ҳажвий тип юқоридаги образ турларидан шуниси билан фарқ қиладики, унда маълум бир синф, ижтимоий табақа ёки гуруҳ вакиллариға тегишли бўлган белгилар билан бир қаторда бу образнинг ўзигагина хос бўлган шахсий хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Бундай типлар худди бадиий адабиётдаги сингари типиклаштириш ва индивидуаллаштириш йўли билан яратилади. Яъни, ўқувчининг кўз олдида ҳам жонли одамға хос бўлган феъл-атворли шахс, ҳам бутун бир ижтимоий табақаға мансуб бўлган хусусиятларни ташувчи одам образи гавдаланади. Ҳажвий характер яратиш анча мураккаб адабий-ижодий масала бўлиб, бунда катта адабий-бадиий маҳорат талаб қилинади. Жаҳон ёзма адабиётида бундай ҳажвий типларға мисоллар кўп.

Атоқли рус ҳажвчиси Н.В.Гоголнинг «Ўлик жонлар» асаридаги Чичиков, М.Е.Салтиков-Шчедриннинг «Жаноб Головлевлар» асаридаги Иудушка Головлев, чех ҳажвчиси Ярослав Гашек яратган солдат Швейк, испан адиби М.Сервантес қаламиға мансуб бўлган «Дон-Кихотнинг саргузаштлари» асарининг қаҳрамонлари бўлмиш Дон-Кихот, Санчо-Панса каби қатор образлар шулар жумласидандир.

Ҳажвий публицистиканинг энг йирик жанри бўлган фельетонлар туркумларида ҳам шундай ҳажвий типлар яратилиши мумкин. Юқорида айтганимиздек, ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳам бундай ҳажвий типлар яратилганлиги маълумдир. Абдулла Қодирийнинг юқорида қайд этиб ўтилган «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан» фельетонлар туркумидаги Калвак махзум, «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» туркумидаги Тошпўлат образлари шулар жумласидандир. Моҳир ҳажвгўй адиб мазкур образлар орқали маълум бир ижтимоий табақа вакилларининг типик кишиларини тасвирлаш орқали

мазкур табақага хос бўлган ижтимоий иллатларни фош қилди, жоҳиллик, қолоқлик ва бошқа иллатлар устидан кулди. Ёзувчи мазкур ҳажвий типларни яратишда уларни «ўз тиллари»дан гапиртириб, тилни индивидуаллаштириш услубидан маҳорат билан фойдаланди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда яратилган бошқа ҳажвий публицистик асарларда ҳам ҳажвий типлар яратиш борасидаги ижодий анъана давом эттирилди. Бу ижодий усул ҳозирги замон ўзбек ҳажвий публицистикасида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Фельетон бадиий-публицистик асар бўлганлиги сабабли унда бадиий асарларга хос бўлган сюжет ва композиция ҳам муҳим рол ўйнайди. Маълумки, сюжет асарнинг бевосита мазмун-моҳиятини ташкил этувчи ўзаро боғланган ва ривожланиб боровчи ҳаётий воқеалар мажмуаси бўлиб, композиция эса асарнинг тузилиши, воқеалар ривожини баён этишнинг тартибидир. Сюжет ва композицияда қолипаш, тугун, ечим, кульминацион нуқта ва бошқа тасвирий-ижодий бўлақлар мавжуд бўлади. Бадиий асарлар учун албатта шарт бўлган бу бадиий-ижодий воситалар фельетонда ҳам ўзига хос кўринишда мавжуд бўлади.

Бу воситалардан қай даражада фойдаланиш фельетонда қаламга олинаётган мавзу ва фактлар, ундан чиқариш лозим бўлган публицистик хулосадан келиб чиқади. Бу воситалар фельетоннинг қайси шаклда ёзилишига ҳам боғлиқдир. Масалан, ҳикоя-фельетонда мазкур воситалар кенгроқ қўлланилса публицистик фельетонда ўзига хос тарзда бўлади. Фельетонлар туркумларида ҳам бу компонентлар асосий роль ўйнайди. Масалан, А.Қодирийнинг юқорида тилга олинган фельетонлар туркумларида сюжет, композиция ва бошқа бадиий-ижодий усуллар ўзига хос тарзда қўлланилган.

Кўриниб турибдики. Бу воситалардан қанчалик унумли фойдаланиш фельетончининг ижодий маҳоратига ҳам боғлиқдир. Фельетоннинг тили ва услуби масаласи ҳам ўзига хос бўлиб, ўзида ҳам бадиий-ҳажвийлик, ҳам публицистик хусусиятларни ифода этади. Унда бадиий адабиётга хос бўлган тасвирий услуб билан публицистик мушоҳада услуби уйғунлашиб кетиши лозим.

Шу билан баргаликда мазкур жанрга оид асарда жонли, сўзлашув тилидан, халқ мақоллари ва маталлари, кулгили ибора, киноя, қочирим ва бошқалардан кенг фойдаланиш мумкин. Яъни, фельетондаги тасвирий воситалар ижтимоий кулги, сатира ва юморга йўғрилган бўлиши лозим. Аммо буларнинг барчаси фельетоннинг мавзуи ва ундан чиқарилиши лозим бўлган публицистик хулосага боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Жаҳон журналистикаи тарихида фельетон жанри муҳим ўрин тутиб келган. Дастлаб Европада дунёга келган бу публицистика жанри ҳар бир мамлакат тараққиётида, ижтимоий ҳаётида ўзига хос зарур вазифаларни адо этган, қоллоқлик, жаҳолат ва бошқа иллатларга қарши курашда иштирок этган. Жумладан, тараққийпарвар ғояларга хизмат қилган рус фельетончилари мазкур жанр орқали зулм-залолатга, ижтимоий адолатсизликларга қарши кураш олиб борганлар. Ўлкамизда ҳам мазкур жанрнинг тарихи узоқ замонларга бориб тақалади.

Хали журналистика вужудга келмасдан илгари мазкур жанрнинг ижтимоий вазифаларини ёзма ҳажвий адабиёт бажариб келганлиги маълумдир. Жумладан, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ҳаётдаги ижтимоий адолатсизлик, зулм-залолат ва бошқа иллатларга қарши қаратилган асарларини бу жанрнинг ўша даврдаги кўринишлари дейиш мумкин. Кейинги даврларда ижод қилган Турди Фароғий, Махмур ва айниқса ўзбек халқпарварлик адабиётининг намояндалари бўлмиш Муқимий, Завқий ва бошқаларнинг асарлари, ўз даврининг муҳим ижтимоий иллатларини фош этган ҳажвларини мазкур жанрнинг ёрқин намуналари дейиш мумкин. Ўлкамизда дастлабки журналистика нашрлари пайдо бўлиши билан фельетон жанри журналистика жанри сифатида иш кўра бошлади ва тез суратлар билан тараққий этди.

Айниқса, йигирманчи асрнинг бошларида майдонга келган жаҳид журналистикаи саҳифаларида фельетон жанри кенг ўрин олди ва ривожланди.

Мазкур жанрнинг вужудга келиши ва тараққий этишида атоқли тараққийпарвар ижодкорлар М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, И.Обидов, А.Авлоний, Ҳ. Ниёзий, Чўлпон

ва бошқалар катта хизмат қилдилар. Атоқли ўзбек адиби А.Қодирий йигирманчи йилларнинг моҳир фельетончиси сифатида самарали ижод қилди.

Атоқли ўзбек қалам усталари А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуломлар ҳам мазкур жанрнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шуни айтиш керакки, ўлкамизда етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган якка ғоя ҳукмронлиги даврида мазкур жанр журналистика саҳифаларида кўп учраб турса-да, у маълум чекалган синфий-партиявий ғояларга хизмат қилганлиги боисидан бир ёқлама хусусиятга эга бўлди ва ўз хизматида ўтаб бўлди. Фақат умуминсоний мавзуларга бағишланган ва юксак бадиий маҳорат билан ёзилган фельетонларгина умрбоқийлик даъвосини қила оладилар.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач публицистиканинг бошқа жанрлари қаторида фельетон жанри ҳам кенг ривожланди, унинг бир қатор янги турлари, жумладан, радиофельетон, телефельетонлар вужудга келди.

Мазкур ҳажвий-публицистик жанр мамлакатимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни йўқ қилишда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Республикамиз журналистикада фельетоннинг турли хиллари мавжуддир. Кўпгина газеталарда «Фельетон ўрнида» рукни остида материаллар босилади. Бу – танқидий мақола билан фельетон ўртасида турувчи ўзига хос материал бўлиб, унда қаламга олинаётган факт ва воқеалар маълум даражада ҳажвий тарзда баҳоланади.

Масалан, «Фидокор» газетасининг 2004 йил 15–август сонидида «Қимматга тушаётган голлар» сарлавҳали материал босилган (Муаллифи – А.Одина). Унда Сурхондарё вилоятида тузилган «Шўрчи» футбол жамоасини маблағ билан таъминлашдаги нуқсонлар танқид остига олинади. Муаллиф жамоа учун етарли моддий шароит яратиб берилмаганлиги, футболчилар учун кийим–бош, ҳаттоки тепиш учун тўп ҳам етарли эмаслигини айтиб, жамоанинг бундай ҳолатга тушишига сабаби бўлган раҳбарларни аччиқ–аччиқ сўзлар билан «чимдиб» олади. Мазкур материал, гарчи у тўлақонли фельетон даражасига

ўсиб етмаган бўлса—да, унинг вазифасини бажара олган. Худди шундай рукн остида «Ишонч» газетасининг 2002 йил, 1-июнь сонидида босилган «Шайтон йўлдан урган ишбилармон» сарлавҳали танқидий материалда Андижон шаҳридаги А. Қ. деган тадбиркорнинг фирромлик йўлига ўтиб, Американинг сохта доллар пулларини одамларга ўтказиб юрганлиги фош этилади. Муаллиф М.Абдукаримов мавзунини очишда латифанамо қолиплаш усулидан фойдаланади: «Шайтон ўғлининг хийла—найрангни қандай ўзлаштириб олганлигини билмоқчи бўлиб, уни одамлар орасига юборибди. Шайтонвачча оғзи қулоғида бўлиб қайтибди:

Бир арокхўрни гиж—гижлаб, хотинини роса дўппослатдим!—Аҳмоқ— ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборибди шайтон. —Арокхўр сенинг аралашувингсиз ҳам хотинини дўппослайверади! Сен хушёр одамни йўлдан оздиришни ўрган!..»

Фельетон сўнггида эса «шайтонвачча отасига тупа—тузук тадбиркорлик билан шуғулланиб юрган одамни қалбаки долларфурушликка ўргатиб келдим»,—деб мақтанади. Фельетон қаҳрамони эса суд залида:

— Мени шайтон йўлдан урди!—деб ўз бошига ўзи муштларди».

Кўриниб турибдики, «Фельетон ўрнида» тарзида берилган бу материалда фельетонга хос хусусиятлар мавжуддирки, улар материалдаги воқеаларни очишга хизмат қилиш билан бирликда унинг қизиқарли чиқишига олиб келган.

Айрим газеталар саҳифаларидан ўрин оладиган «Кичик (митти) фельетон» рубрикаси остида босиладиган материалларда ҳам ҳаётда учрайдиган салбий факт ва воқеалар маълум даражада ҳажвий жиҳатдан баҳоланади. «Хуррият» газетасининг 2004 йил 12 ноябрь сонидида босилган «Чархпалак» деб номланувчи «Митти фельетон»да (муаллиф — Топса босар деб имзо қўйган) Фарғонадаги фуқаролик ишлари бўйича судда бир уй—жойга эгалик қилиш борасидаги низо етти йилдан ортиқроқ муддатда ҳам ҳал этилмаганлигидан кулинса, «Ишонч» газетасининг 2004 йил 10-июнь сонидида босилган «Машина можароси» сарлавҳали «Кичик фельетон»да (муаллифи Э.Мавлонов) Қуйи Чирчик

туманидаги хўжаликлардан бири аъзосининг жамоадан енгил машина сотиб олишидаги сарсон–саргардончиликлари ҳақида хикоя қилинади.

«Хуррият» газетасида босилган аксарият фельетонлар ҳаётда учрайдиган муҳим ижтимоий мавзу– ҳуқуқ ва судлов идораларидаги расмийчилик ва адолатсизлик ҳолларини фош этишга қаратилган. Журналист Т.Акбаров қаламига мансуб бўлган «Хал қилув қарори» (2004 йил, 20–август), «Яп–янги тажриба: Судга чақиришнинг Яйпанча усули» (2002 йил, 10–май) каби фельетонлари юқоридаги мавзуга бағишланган, Уларда мазкур соҳада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ўзига хос киноявий кулги воситасида фош этилади. Журналист Қ.Собиров шу газетанинг 2003 йил, 18–октябрь сониде босилган «Хотинингни ўпа кўрма, ўн йилга кетасан!..» сарлавҳали фельетони учун эса кулгили фактни топган.

«Рабочий Бекабада» газетасида хабар қилинишича М.деган шахс ўзининг собиқ хотини билан жанжаллашиб қолади, хотини эса «эрим мени тишлаб олди», деб судга шикоят қилади ва суд шу арзимаган жиноят учун М.ни ўн йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилади. Қ.Собиров бундай қаттиқ ҳукмнинг берилишига ўз муносабатини юқоридаги фельетони ва унинг сарлавҳасида баён этади. Ёзувчи Д.Нурийнинг шу газетанинг 2002 йил, 20–ноябрь сониде босилган «Чироқпоя» фельетонида эса доимо софдил одамлар устидан ифво–туҳматлар тўқиш билан шуғулланувчи бир шахсни қатор факт ва далиллар воситасида фош этади.

Журналист М.Носиров ўзининг «Ўптимистлар» сарлавҳали фельетонида («Хуррият» газетаси, 2003 йил, 15–ноябрь) Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманидаги Деҳқонобод қишлоғида ёқилғи газ, ичимлик сув ва электр энергияси билан таъминланишдаги камчиликларни фош этар экан, ўткир заҳархандали кулгини қўллайди.Фельетон жанри «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси саҳифаларидан ҳам доимий ўрин олиб келмоқда. Шунингдек, унинг «Радиофельетон» ва «Телефельетон» каби кўринишлари ҳам республикаимиз радио

эшиттиришлари ва телекўрсатувлари таркибидан жой олиб келмоқда.

Фельетон бўйича рейтинг топшириқлари

1. Фельетон жанри қайси икки турдаги публицистиканинг бири бири билан боғланиб кетишидан ҳосил бўлади?
2. Фельетон сўзининг луғавий маъносини айтинг.
3. Дастлабки даврда фельетон қандай мавзудаги алоҳида ажратиб кўрсатилган материалларга берилган?
4. Қачон фельетон адабий-бадний ва ҳажвий публицистик жанрга айланди?
5. Ижтимоий кулгининг хиллари ва кўринишларини айтинг.
6. А.Қодирийнинг фельетонга бўлган муносабатини гапириб беринг.
7. Аниқ фактга асосланган фельетон намуналарини айтинг.
8. Фельетон шаклларини биласизми?
9. Фельетон ёзилиш услуби жиҳатидан қандай туркумларга бўлинади?
10. Публицистик фельетонга мисоллар келтиринг.
11. Фельетон жанрининг шаклий кўринишларини айтинг.
12. Фельетончи ижодкорларни санаб беринг?

Фельетон бўйича назорат саволлари

1. Адабий мавзудаги Маҳтумқули ва Огаҳий ҳақидаги мақолалар фельетон рукни остида қайси нашрда эълон қилинган?
2. Фельетон жанрининг асосий вазифасини айтинг.
3. Фельетон ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифасига биноан қайси хилларга бўлинади?
4. Умумий фельетонга мисоллар айтинг.
5. Кичик ва оддий фельетонларга мисол келтиринг.
6. Ҳикоя-фельетон, публицистика фельетон, фельетон шарҳ, фельетон-тақриз каби фельетон туркумларини изоҳланг.
7. Ҳикоя фельетонга мисоллар айтинг.
8. Фельетоннинг баддий-публистик асарлигини исботланг.

10.5. ПАМФЛЕТ

Ҳажвий публицистиканинг энг муҳим жанрларидан бири памфлетдир. Памфлет сўзи аслида юнонча бўлиб, ўт қўймоқ, ёндирмоқ деган маънони билдиради. Кейинчалик бу инглиз тили орқали оммалашиб, шу куннинг муҳим масаласига бағишланган ва кескин фош этиш тарзида ёзилган асарга айтиладиган бўлган. Бинобарин, памфлет жамиятнинг шу кундаги, айни замондаги ҳаётида учрайдиган ижтимоий иллат ва нуқсонларни кучли ҳажвий услубда тасирлаб фош этувчи асар, публицистика жанридир. Памфлет ҳам худди фельетон сингари ҳаётдаги бирор ижтимоий иллат, салбий хусусиятга эга бўлган воқеа, муаммо ёки шахсга бағишланади, унинг тузилиши, шакли ҳам фельетонга яқин туради.

Аммо унинг фельетондан фарқи шундаки, памфлет ижтимоий жихатдан ўта муҳим ва йирик ижтимоий мавзуларга бағишланади ҳамда аёвсиз фош қилиш кучига эга бўлади. Яъни, памфлет жамиятнинг шу кунги ҳаёти, тараққиётига жиддий хавф солаётган, унга мурасасиз душманлик руҳида бўлган қарашлар, воқеалар, муаммолар ёки шахс ва гуруҳларга қарши қаратилади ҳамда унда ҳажвнинг энг ўткир, энг аёвсиз воситаларидан фойдаланилади.

Таъбир жойиз бўлса, фельетонни ижтимоий иллатларга қарши отилган ўқ деб фараз қилсак, памфлетни эса энг хавфли ижтимоий душман кучларга қарши отилган замбарак ўқига қиёс этиш мумкин. Фельетонда ижтимоий кулгининг пичинг, киноя, ҳазил каби турларидан фойдаланилса памфлетда эса аччиқ заҳарханда, сарказм, ғазаб ва нафрат уйғотувчи кулги кўринишлари кўлланилади.

Памфлетнинг вужудга келишида мафкура, дунёқараш муҳим ўрин тутди. Бошқача қилиб айтганда памфлет – бир-бирига мурасасиз, ҳаёт-мамот жангига чиққан икки хил дунёқараш, икки хил ғоя ва ижтимоий тартибларнинг публицистикадаги тортишуви, ғоявий-ижодий жангининг кўринишидир. Шунинг учун ҳам памфлет инсоният тарихидаги маълум бир синфлар, ижтимоий табақа ва гуруҳларга хизмат қилиб келган, яъни, бирон-бир синф ёки ижтимоий гуруҳнинг

ўзига қарама-қарши бўлган синф ва гуруҳларга қарши ғоявий хужум қуроли сифатида вужудга келган.

Памфлетнинг тарихи узоқ қадимги даврларга бориб тақалади, эраиздан олдинги даврларда бу жанр оғзаки нутқ шаклида мавжуд бўлиб, ўша даврларнинг машҳур нотиклари – Демосфен, Цицерон ва бошқалар ғоявий муҳолифларга қарши курашда нутқий памфлетдан кенг фойдаланганлар. Европада ўрта асрларда ҳам памфлет анча ривожланган эди.

Италян мутафаккир адиби Данте Алигъери, француз Уйғониш даври вакили Франсуа Рабле, шу давр инглиз драматурги Вильям Шекспир, XV11 аср инглиз адиби Жон Мильтон ва бошқаларнинг асарларида памфлетга хос бўлган кучли фош этиш руҳи ўз ифодасини топган эди. Мазкур жанр буюк ижтимоий воқеалар даври - Европадаги буржуа инқилоблари пайтида юқори чўққига кўтарилди. Француз публицист-адиблари Жан Поль Марат, Камил Дюлен ва бошқалар ўз памфлетларида феодал якка ҳукмронлигини аёвсиз фош этдилар.

Кейинчалик, XIX асрга келиб ижтимоий майдонга чиққан коммунистик ғоя тарафдорлари ҳам буржуазия тартибларини фош этишда памфлетдан кенг фойдаландилар. Бу ғоянинг асосчиси бўлмиш Карл Маркснинг «Луи Бонапартнинг 18-брюмери» ва бошқа памфлетлари мазкур жанрнинг мукамал кўринишлари бўлди. Коммунистик қарашларнинг Русиядаги тарафдорлари ҳам бу жанрга катта эътибор билан қарадилар, жумладан, В.И.Лениннинг «Лакейхонада» ва бошқа памфлетлари мавжуддир. Аммо мазкур памфлетлар коммунистик якка ғоя нуқтаи назаридан ёзилган ва ижтимоий ҳаёт воқеаларига шу нуқтаи назардан ёндашилган эди.

Совет даврида ёзилган ва журналистика нашрларида босилган бошқа памфлетларда ҳам ана шундай ғоявий-сиёсий бир ёқламалик, чекланганлик мавжуд эди. Ўзбек адабиёти тарихида ҳам памфлет жанрининг узоқ даврларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Миллий ёзма адабиётимизда бунга мисоллар кўп. Гарчи бу асарлар бевосита мазкур жанрда ёзилмаган бўлса-да, уларда кўтарилган ижтимоий фош этиш руҳи памфлетга яқин турарди.

Жумладан, ХУ11 асрда яшаб ижод этган шоир Турди Фароғийнинг «Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари хажви» асарида ўша давр ҳукмдорларининг сиёсати халқпарварлик нуқтаи назаридан кескин фош этилган эди. Шоир ўша даврдаги Бухоро ҳукмдори бўлмиш Субҳонқулихон ва унинг аъёнларини қуйидагича заҳарханда билан фош этади:

*Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Гасб ила молин олиб, қўймадингиз битини,
Қамчилар доғ солиб бўюнга, тилиб бетини,
Ёрдингиз заҳрасини, ичидан олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёқ.*

Шу даврда яшаган иккинчи бир оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг ўткир шеърларида ҳам памфлетона фош этиш кучи мужассам эди. Шоир «Дили тиғи ситамдан пора бўлган» меҳнаткаш халқ аҳволига қайғурди, ижтимоий ҳаётдаги зулм ва адолатсизликка кескин қарши чиқди. Масалан, унинг «Дастингдан» радифли мухаммасининг ҳар бандида:

*Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки мен ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдан.*

деб такрорланиб келувчи сатрлар халқнинг мавжуд тузумдан норозилигининг кескин ифодаси эди.

Замондан шикоят, ижтимоий иллатларни, зулму залолат ва адолатсизликни кескин фош этиш ХУ111 асрнинг охири Х1Х асрнинг бошларида яшаб, ижод этган халқпарвар шоир Махмур асарларининг ҳам бош йўналиши бўлди. Шоирнинг «Ҳапалак» ва бошқа ҳажвий шеърларида ўша давр ҳаёти, оддий халқ бошига бало бўлаётган ижтимоий тартиблар кескин, заҳарханда билан фош этилди.

Шоирнинг қатор ҳажвий шеърларида ижтимоий тенгсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик, зулм ва зўровонликка қарши қаратилган «бизга чексиз зулминг қачонгача? Ростгўйларнинг бошида қилич қачонгача ўйнайди? Қачонгача бир аламимизни юз алам қиласан? Ахир, юраклар таҳ-батаҳ қон бўлиб кетлди-ку!» деган ижтимоий

хитоблар мавжуддир. Бу фикрларда памфлетнинг кучли фош этиш руҳини кўриш мумкин.

Юқоридаги халқпарвар шоирлар ижодининг ғоявий-ижодий давомчилари бўлган шоирлар Зокиржон Фуркат, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Убайдулла Завқийлар ижодида ҳам памфлетга хос бўлган фош этиш руҳи кучли эди. Жумладан, шоир Муқимийнинг «Танобчилар», «Додҳоҳим» каби ҳажвий шеърларида халқ учун оғир ситамлар олиб келувчи ижтимоий тартиблар устидан кескин заҳарханда билан кулинади. Шоир Завқий ўзининг «Ҳажви аҳли раста» асарида ўша даврнинг «замона зўрлари» бўлган бойлар, савдогарларнинг бир гуруҳини ўткир кинояли кулги билан фош этган эди. Мазкур асарларни ўлкамиздаги илк ёзма памфлетлар эди, дейишимиз мумкин.

Памфлет бевосита жанр сифатида ўзбек журналистикада йигирманчи йилларга келиб шакллана бошлади. У аввало фельетоннинг бир тури сифатида вужудга келди. Ўша даврда вақтли журналистика нашрларида босилган айрим фельетонларда памфлетлик хусусиятлари пайдо бўла бошлади.

Масалан. А. Қодирийнинг «Муштум» журналининг 1923 йил, 2-сонида босилган «Сиёсат майдонида» сарлавҳали халқаро мавзудаги фельетон-шарҳида чет эл ҳукмдорларининг босқинчилик сиёсатлари памфлетга хос ўткир заҳарханда билан танқид қилинади. Ёзувчининг «Шўх байтал» фельетонида ҳам шу хусусиятни кўриш мумкин. Унда ўша замон ғарб дунёсининг айёрона сиёсати, чиркин фахш ахлоқи кескин заҳархандали пичинг билан қуйидагича фош этилади:

«Инглиз сиёсатдонлари Лондон шўх байталларини шарқ амир-шоҳларини ёввошлаштириш учун Арабистон, Эрон ва Ҳиндистонга йўллар эканлар. Лорд Керзон ўз сиёсатини Шарқда амалга ошириш учун қизчасини Эрон ҳукмдори Аҳмадшоҳга назир тортқон, деб ҳам сўзлайдилар».Йигирманчи йиллар ўзбек журналистикаининг таниқли намоёндаси бўлган Назир Тўрақуловнинг «Учқун» журналида босилган «Мирза Керзонга мактуб» сарлавҳали ҳажвий-публицистик асарини ҳам дастлабки ўзбек памфлетларидан бири дейиш мумкин. Муайян синфий-партиявий нуқтаи назардан ёзилган бу асарда ўша даврдаги ички

ва ташқи мухолифларнинг кирдикорлари ўткир сатира билан фош этилган эди. Зиё Саид ва Носир Саидларнинг «Муштум» журнали саҳифаларида босилган «Охират мактублари» деб номланувчи фельетонлар туркуми ҳамда Носир Саиднинг шу даврда ёзилган «Бир ракаатлик номоз» сарлавҳали ҳажвий-публицистик асарида ҳам памфлетлик хусусиятлари мавжуд эди. Мазкур асарларда ҳам ўша даврдаги мухолиф кучлар аёвсиз сатира остига олинган эди.

Бундан кейинги даврларда ҳам ўзбек журналистикада памфлет жанри гоҳ-гоҳ ўрин олиб турди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқалар бу жанрнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар яратган памфлетларда даврга мухолифатда бўлган ташқи кучлар ўткир ҳажв остига олинди. Бу даврда яратилган қатор памфлетларда фашизм ва унинг инсониятга душман бўлган ғоялари аёвсиз фош этилди. Бундай памфлетлар орасида А. Қаҳҳорнинг «Бос тепкини!» фельетон-памфлети алоҳида ажралиб туради. Бу даврда яратилган бошқа памфлетлар, юқорироқда айтганимиздек, коммунистик ғоя ва синфий-партиявий манфаатлар нуктаи назаридан ёзилганлиги боисидан ўзида бир ёқламалик, чекланганлик хусусиятига эга бўлдилар.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач мазкур жанрнинг янада ривожига учун кенг йўللар очилди. Халқаро терроризм, мустақиллигимизга қарши бўлган ташқи ва ички кучларнинг кирдикорлари ва бошқа ижтимоий иллатлар памфлет учун мавзу бўлиб хизмат қилиши лозим.

Юқоридаги тарихий кузатишдан кўриниб турибдики, памфлет ҳам ҳажвий публицистиканинг муҳим, долзарб ва жанговар жанри ҳисобланади. Мазкур жанр ҳам худди фельетон сингари ижтимоий кулгига асосланади ҳамда ўзида бу кулгининг энг кучли, таъсирчан воситаларидан фойдаланади. Худди фельетондаги каби памфлетда ҳам образ ва образлилик муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Памфлетда ҳам образ – муайян шахс, гуруҳ ёки табақа бўлиши мумкин. Яъни, унда шу кунги ижтимоий ҳаётда тараққиётга тўсиқ бўлаётган, душманчилик қилаётган мухолиф кучлар, уларнинг вакиллари фош этилиши лозим. Шу билан

баргаликда памфлет учун бирор ижтимоий муаммо, чунончи, мухолиф кучларнинг мафкураси ёхуд порахўрлик аби ижтимоий иллатлар ҳам умумлашган образ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Памфлетда образ яратишда фельетонга қараганда муҳим ва йирикроқ фактлар, воқеалардан фойдаланилади. Ижтимоий кулгининг эса олинган мавзуга мос келувчи энг таъсирчан кўринишлари, ғазаб ва нафрат уйғотувчи турлари қўлланилади. Памфлет ҳам худди фельетон сингари турли шаклларда намоён бўлади. У, жумладан, мақола, ҳикоя, хат ва бошқа шаклларда ифода этилиши мумкин. Памфлетнинг шакли, образлари ва ундаги ижтимоий кулги турлари олинган мавзунинг тўла очиб берилиши ҳамда публицистик таъсирчанликка эришишга хизмат қилиши лозим.

Бошқа бадиий-публицистик асарлар сингари памфлетда ҳам сюжет ва композиция пухта ўйланган бўлиши, олинган мавзунини очиб бериши ва кўзланган публицистик мақсадга хизмат қилиши керак. Унинг тили ва услуби ҳам худди ана шу мақсаддан келиб чиқади. Фельетондан фарқли ўлароқ памфлетнинг тили янада ўткир, кескин ва мўлжалга аниқ бориб тегадиган бўлиши талаб этилади. Унда керакли ўринларда заҳархандали киноя, масхараомиз тасвир ва бошқалардан ҳамда муболаға, гротеск каби кучайтирувчи воситалардан фойдаланиш мумкин.

Аммо бу воситалар ўз ўрнида бўлиши ҳамда қаламга олинаётган мавзунинг моҳиятини очиб ташлаш, памфлет «қахрамон»ларининг қиёфаси ва кирдикорларини кучли кулги остига олишга хизмат қилиши керак. «Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 9–август сонидида сиёсий шарҳловчи И.Норматовнинг «Тўғри гапнинг тўқмоғи» сарлавҳали памфлети босилган. Унда ҳозирги замоннинг муҳим ижтимоий–сиёсий масалалари, жумладан Туркистон халқларининг ўртасига раҳна солишга уринган ташқи кучлар ва уларга хизмат қилувчи айрим сиёсатчилар ҳақида гап боради.

«Туркистон халқлари ўртасига раҳна солиш ниятида ғаламислик қилувчилар ўтмишда ҳаимиша бўлганлар, улар ҳозирда ҳам бор,— деб ёзади памфлет муаллифи. — Туркистон халқларига ҳукмронлик қилиш ғояси негизида уларни бўлиб

юбориш мақсади ётади. Бу ғоядан илгари коммунистлар қандай усталик билан фойдаланишган бўлишса ҳозир Ғарб ҳуди шундай устамонлик билан фойдаланмоқда. Фақат ўртадаги фарқ шундаки, империяпарастлар ҳудудий жиҳатдан бўлиб юбориб ҳукмронлик қилишган бўлса замона зўрлари демократия ниқоби остида тазйиқ ўтказиб, ўз ҳукмини юритишни мақсад қилганлар. Одатда, бундай тазйиқларга қарши қатъиятлик кўрсатадиган давлат, раҳбар ва халқ ютади. Аксинча, иродасиз, бировнинг ноғорасига ўйнайдиган раҳбар ҳам, халқ ҳам панд ейди».

Муаллиф юқоридаги фикрларининг мисоли сифатида Қирғизистон раҳбарлари, шу жумладан яқинда мамлакат президентлиги лавозимига сайланган Қ.Бокиевнинг ҳатти-ҳаракатларини келтиради. Қирғизистоннинг янги президенти шу йилнинг баҳорида Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг саммитида сўзлаган нутқида Қирғизистондаги АҚШ ҳарбий-авиация базасини мамлакатдан олиб чиқиб кетиш масаласини қўйган эди. Аммо АҚШ мудофаа вазири Бишкекка келиши ва Қирғизистонга 200 миллион доллар миқдорида қарз беришни ваъда қилиши билан ўз сўзидан қайтади. «Афтидан,— деб ёзади И.Норматов.— АҚШ икки ён қўшни, икки қардош халқ, икки оға—ини ўртасида ғараз уйғотиб, низо туғдиришга астойдил аҳд қилган кўринади. Уларнинг—ку мақсади аниқ, лекин Қирғизистон раҳбарларига не бўлди. Наҳотки улар икки кемага оёқ қўйган ғарқ бўлишини билишмаса?...Ҳар ҳолда чучварани хом санамаган маъкул. Бу ўйин бир йўталга икки чўталдай гап». Кўриниб турибдики, муаллиф шу куннинг муҳим ижтимоий—сиёсий мавзусини кузатиб, ундаги салбий ҳолатларни илғаб олган ва памфлетга хос бўлган кинояли, айрим ўринларда заҳархандали ҳажвий—публицистик таҳлил билан мазкур масалага нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотишга эриша олган.

Хулоса қилиб айтганда, памфлет ҳажвий публицистиканинг энг аҳамиятли ва қудратли жанрларидан бири бўлиб, у умуминсонийлик, халқчиллик хусусиятларига эга бўлиши, кишилик жамиятининг ҳар хил иллатлардан халос бўлиб, олға тараққий этишига хизмат қилиши лозим.

Памфлет бўйича рейтинг топшириқлари

1. Памфлет сўзининг маъноси ва унинг хусусиятларини айтинг.
2. Памфлетнинг фельетондан фарқи нимада?
3. Памфлет қандай вужудга келган?
4. Нутқий памфлет усталарини айтинг.
5. Феодал якка ҳукмронлигини танқид қилган Франция публицист-адибларини айтинг.
6. Коммунистик ғоя тарафдорлари қайси тартибларни фoш этишда памфлетдан фойдаланишган.
7. К.Маркснинг “Лун Бонапартнинг 18-брюмери ва бошқа памфлетлари нимага қаратилган эди?”
8. Ўзбек адабиёти тарихида памфлетни шарҳланг.
9. Машрабнинг ижодида памфлет.
10. Шоир Махмур ижодида памфлет.
11. Фурқат, Муқомий, Завқий ижодида памфлет.

Памфлет бўйича назорат саволлари

1. Нега памфлетни журнал жанри деймиз?
2. Демосфен, Цицерон ва бошқалар памфлетнинг қайси туридан фойдаланишган?
3. Памфлетга хос бўлган кучли фoш этиш руҳи қайси адиблар ижодида кўринади?
4. Жан Поль Марат, Камил Дюленлар ўз памфлетларида қандай тузумни фoш этишган?
5. В.И.Лениннинг “Лакейхонада” памфлети қандай ғоя нуқтаи назардан ёзилган эди?
6. Шоир Турди Фароғий “Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари ҳажви” асарида қимни фoш этади?
7. Назир Тўрақулов, Зиё Саид, Носир Саид ижодида памфлет.
8. Ойбек, Ғофур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ижодида памфлет.
9. И.Норматовнинг памфлетини ўқиганмисиз?

10.6. ҲАЖВИЙ ПУБЛИЦИСТИКАНИНГ КИЧИК ЖАНРЛАРИ

Маълумки, ҳажвий публицистика ҳаётни акс эттиришда ва ундаги ижтимоий иллатларга қарши курашда ўзига хос восита – ижтимоий кулгидан кенг фойдаланади ва у жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Ҳажвий публицистиканинг асосий жанрлари фельетон ва памфлет бўлиб, улар жуда муҳим ижтимоий вазифаларни адо этадилар. Аммо ҳажвий публицистика мазкур жанрлар билан чекланиб қолмайди, у ҳаётни ёритишда яна бошқа жанрлардан ҳам фойдаланади. Шу пайтгача ҳажвий публицистикага оид илмий асарлар ва дарсликларда масал, пародия, эпиграмма каби жанрларни ҳам ҳажвий публицистика таркибига киради, деган фикр олға суриб келинади.

Аммо бу жанрлар ижтимоий танқид руҳига эга бўлсалар-да, уларни публицистика жанри дейиш илмий жиҳатдан тўғри бўлмайди, чунки уларнинг адабиёт жанрлари эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Адабиётнинг юқоридаги ва ҳажвий шеър, ҳажвий ҳикоя каби жанрлари ҳам ҳажвий публицистикага яқин туради, ҳажвий журналистика саҳифаларидан жой олиб, уни тўлдириб келади. Бу – сўз санъати бўлган адабиёт билан сўз сиёсати бўлмиш публицистиканинг ўзаро муштараклигини кўрсатади. Бу фикр ҳажвий публицистиканинг жанрлари фельетон ва памфлет билан чегараланар экан-да, деган маънони билдирмайди. Яъни, ҳажвий публицистика ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борар экан ўз навбатида публицистиканинг бошқа турли жанрларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Жумладан, у публицистиканинг ахборий ва таҳлилий кўринишларига оид бўлган хабар, лавҳа, репортаж, ҳисобот, суҳбат, мақола каби жанрларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланиши мумкин. Аммо бунда жиддий публицистикадан фарқли равишда бу жанрларда тасвир этилаётган ҳаёт фактлари, воқеа ва ҳодисалари сатира ва юмор қонуниятлари асосида, яъни ижтимоий кулги билан йўғрилган ҳолда акс эттирилиши шарт. Демак, ҳажвий публицистиканинг фельетон ва памфлетдан ташқари «кичик жанрлари» ҳам мавжуд бўлиб, булар – ҳажвий

хабар, ҳажвий лавҳа, ҳажвий репортаж, ҳажвий ҳисобот, ҳажвий суҳбат, ҳажвий мақола ва бошқалардан иборат. Бу ҳол ҳажвий публицистикани янада тўлдиради, унинг имкониятларини кенгайтиради. Шу билан баргаликда ҳажвий публицистикада халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган латифа, мақол ва маталлар, топишмоқлар, чўпчаклар, лофлар, аския кабилардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, ҳажвий публицистика материалларида ҳажвий кундалик, ҳажвий маълумотнома, ҳажвий мактублар, ҳажвий диалог ва бошқа шакллар ҳам қўлланилиши мумкин. Бу – «Ҳажв шакл танламайди» деган машҳур ҳикматли сўзни исботлайди ва бу ўзига хос жанрлар ва воситалар ҳажвий публицистикани янада бойитади. Юқоридаги турли кичик жанрларда ҳам ижтимоий кулгидан фойдаланиш, имкон даражасида ҳажвий образ ва образлиликка эришиш талаб этилади.

Ҳажвий публицистика шу билан биргаликда санъатнинг адабиётдан бошқа турлари билан ҳам ижодий алоқада бўлади ва уларнинг ҳам имкониятларидан ўзига хос равишда фойдаланиб келади. Жумладан, у тасвирий санъатнинг жанговар, ҳозиржавоб тармоғи бўлмиш ҳажвий суратчилик – карикатурадан ҳам кенг фойдаланади. Асосий хусусияти бирор шахс, воқеа ёки ҳодисага тегишли салбий томонларини масхара қилиш мақсадида кулгили тасвир этишдан иборат бўлган карикатура ҳам ҳажвий журналистикадан жой олиб, уни тўлдиради ҳамда ҳажвий публицистиканинг ажралмас таркибий қисмига айланади. Карикатура ўз навбатида ҳажвий портрет, ҳажвий манзара, шарж – ҳазил ва бошқа ички жанрларга бўлинади. Карикатура жаҳон ҳажвий журналистикасининг ажралмас қисми сифатида у билан бир вақтда вужудга келган ва тараққий этган. Европада нашр этилган дастлабки ҳажвий нашрлардан ўрин олган карикатура асарларида ўша даврнинг энг муҳим масалалари акс этган, тараққийпарвар ҳажвчилар карикатура орқали ҳаётдаги зулм ва зўравонликка, қолоқлик ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашган эдилар.

Ўзбек карикатурачилиги ўтган асрнинг йигирманчи йилларида вужудга келганлиги маълум. Гарчи карикатурага хос

бўлган айрим кўринишлар қадимги миниатюра санъати асарларида ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, карикатуранинг бевосита шаклланиши ҳажвий нашрларнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлди. Ўзбек карикатурачилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ўлкамизда илк бор нашр этила бошланган «Чаён» ва «Чўл чаёни» ҳажвий журналлари дастлабки қадамни қўйган бўлса, «Муштум» журнали асосий роль ўйнади. Журнал ўзининг биринчи сонидан бошлабоқ бу жанрга катта эътибор берди ва ундан кенг фойдаланди.

Ўзбек карикатурчилигининг вужудга келиши ва ривожланишида «Муштум» журналининг биринчи карикатурачи рассоми И.Тулянинг хизмати катта бўлди. Шу билан биргаликда мазкур соҳанинг шаклланиш ва ривожланишида «Муштум» журналининг асосчиларидан бири бўлмиш Абдулла Қодирийнинг ҳам хизматлари катта бўлган, буни ўша даврда яратилган карикатураларнинг мазмунидан, уларга миллий рух сингдирилганлигидан кўриш мумкин. Кейинги даврларда ҳажвчи рассомлардан В.Николаев (Уста Мўмин), В.Рождественский, Р.Нехлюдов, М.Воробейчиков, М.Ҳакимжонов, Т.Муҳаммедов ва бошқалар ўзбек карикатурачилигини ривожлантиришда катта хизмат қилдилар. Ўзбек карикатурачилигида тўпланган бой ижодий анъаналар ҳозирги замон ўзбек карикатурачилигида ҳам ўз аксини топмоқда.

Давр тараққий этиши билан бирликда ҳажвий публицистиканинг журналистикадаги кўринишлари ҳам табора кенгайиб, тараққий этиб бормоқда. Радиодаги ҳажвий эшиттириш ва махсус ҳажвий радио журналлар, телевидениедаги турли ҳажвий кўрсатувлар шулар жумласидандир. Ифода йўллари ва услублари турлича бўлган бу эшиттириш ва кўрсатувлар ҳаёт воқеаларини, ундаги камчилик ва иллатларни сатира ва юмор - ижтимоий кулгига асосланган ҳолда акс эттириши билан ҳажвий публицистикага хизмат қиладилар ва унинг хилма-хиллигини таъминлаб келадилар.

Ҳажвий публицистика шу билан биргаликда санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам иш кўриши мумкин. У театр, кино, мусиқа сингари санъат соҳаларида ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда.

Эстрада қизиқчилиги, ҳажвий киножурналлар, ҳажвий мусиқа ва кўшиқлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач журналистика ва публицистиканинг бошқа турлари билан бир қаторда ҳажвий журналистика ва публицистиканинг ҳам янада равнақ топиши учун кенг имкониятлар яратилди. «Муштум» журнали, «Афанди» газетаси мунтазам суратда нашр этиб турилибди, республика радиоасининг «Табассум» радио журнали, теелевидениеда эса «Телевизион миниатюралар театри», «Ҳандалак» каби ҳажвий тележурналлар мунтазам иш олиб бормоқда. Журналистика нашрларида ҳажвий публицистиканинг турли жанрлардаги асарлари доимий равишда ўрин олиб келмоқда.

Ҳозирги замон ўзбек ҳажвий журналистикаси ва публицистикаси миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кишиларга миллий мафкурани етказиш, ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларга қарши курашда ҳамон камарбаста бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек ҳажвчи журналист ва публицистлари ҳажвий публицистика соҳасида йиғилган илғор анъаналарни давом эттириб, шу кунимиз учун хизмат қиладиган асарлар яратмоқдалар.

Ҳажвий публицистиканинг кичик жанрлари
бўйича рейтинг топшириқлари

1. Ҳажвий публицистика ҳаётни акс эттиришда нимадан фойдаланади?
2. Адабиётни сўз санъати десак, унда публицистикани нима деймиз?
3. Ҳажвий публицистиканинг кичик жанрларини сананг.
4. Ҳажвий публицистикада карикатура.
5. Ўзбек карикатурачилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишида асосий ролни қайси журналлар ўйнади?
6. “Муштум” журналининг асосчиси ким бўлган?
7. Ҳажвичи рассом В.Николаевнинг таҳаллусини айтинг.
8. Ҳажвий публицистика санъатнинг қайси соҳаларида фаолият юритади?

Ҳажвий публицистиканинг кичик жанрлари
бўйича назорат саволлари

1. Ҳажвий публицистиканинг асосий жанрларини айтинг.
2. Ҳажвий публицистикада халқ оғзаки ижоди.
3. “Ҳажв шакл танламайди” деган ҳикматли сўзни изоҳланг.
4. Карикатуранинг ички жанрларини сананг.
5. Ўзбек карикатурачилиги қачон вужудга келган?
6. Ўзбек карикатурачиларининг номларини сананг.
7. Ўзбекистонда қандай ҳажвий публицистикага оид газета, радиожурнал, тележурнал бор?

Х О Т И М А

Ўта кенг камровли, жуда бой тарихга эга бўлган журналистика назариясини ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган бир китобда тўлақонли ёритиш мумкин бўлмаганидек, бу битта китобга жой бўлмайди деган фикр билан умуман ёзмаслик ҳам хато бўларди.

Журналистика бамисоли жилғалардан пайдо бўладиган дарё. Шу адолатли фикрга қўшилган ҳолда кўлингиздаги дарслик яратилди.

Муаллифлар журналистиканинг ижтимоий фаолият эканлигидан келиб чиқиб, унинг оммавий тарғибот ва ташвиқот қилиш шаклларида бири сифатида жамиятнинг ижтимоий табиатига боғлиқ ҳолда амал қилишни дарсликка асос қилиб олишди.

Журналистика сиёсий эркинликсиз тараққий қилмаслиги жамият аъзоларини энг муҳим ва зарур бўлган ҳолис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлай олмаслигини ҳаёт тажрибаси аллақачон исботлаб берган. Бундан шундай хулоса чиқадики, журналистика демократиясиз ўз вазифасини тўла бажара олмайди. Журналистика тарихи бу фикрни ҳам аллақачон исботлаган.

Журналистиканинг асосий фаолияти бу ахборот тўплаш, уни таҳлил қилиш ва оммага тарқатишдан иборат бўлгани учун у ҳақда кўпгина қарашлар ва фикрлар мавжуд ва шундай бўлгани тўғри.

Шу каби масалалар дарсликда имкон даражасида ёритилди.

Журналистиканинг жамият билан ўзаро алоқасидаги мазмун ва шакл унинг ташкилий ҳамда маҳорат мезони тўхтовсиз ривожланишда бўлгани боис “доимий” дарслик ёзиш мумкин эмаслиги ҳам маълум, чунки журналистиканинг ҳар бири тури, соҳаси, фаолияти ҳақида анча - мунча дарсликлар яратилган, яратилмоқда. Ҳали яна яратилади. Ҳаёт кундан-кунга турли янгиликлар, ўзгаришлар билан бойиб бораркан жамият ҳам шу аснода ўзгаради, бу ўз навбатида журналистикага тўғридан-тўғри таъсир қилади. Журналистика ўз мазмун ва моҳиятига кўра ҳаётдан олдинда юриши керак ва кўп ҳолларда худди шундай

бўлади. Аммо баъзида у ижтимоий ҳаётни ёритишда замонавий иш усуллари ва шакллари тўла эгаллаб олмагани учун халқаро мезонларга жавоб бераолмай қолади ҳам. Бугун ўзбек журналистикасида чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро бахслар, шарҳлар афсуски талаб даражасида эмас.

Бугун ўзбек журналистлари асосий фаолиятлари билан бирга рекламачи ҳамда пиарменлик бўйича ўриндошлик ҳам қилмоқдалар. Бунинг фойдадан кўра зиёни кўпроқ. Чунки чинакам журналист ўз вазифасини бажаргани маъқул деган фикрдамиз. Журналистика ўз фаолиятида ижтимоий фикрни шакллантириши ҳақидаги ғоя илм фанда аллақачон тан олинган бўлсада, бу тезис унинг фаолиятини бироз чеклаб, қамровини кичрайтириб қўйган фикр ҳам йўқ эмас.

Журналистика деган атамага берилган таърифлар тез-тез ўзгариб турибди ва келажакда бундай ўзгаришлар давом этади. Жамиятдаги ҳар бир янгилик, кашфиёт журналистика орқали оммалашади. Демак ҳар бир янгилик, кашфиёт журналистикага ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Президентимиз айрим оммавий давлат нашрларининг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмаслигини бежиз таъкидламаганлар.

Биз публицист, сиёсий фанлар доктори Назрулла Жўраевнинг қуйидаги фикрларига қўшиламиз. У ўзининг “Истиқлол эпкинни ва сўз эркинлиги” мақоласида шундай ёзади: “... ҳали миллий матбуотимиз фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Шиддатли ҳаёт ислохатлар моҳиятини чуқур англашни, бутун миқёси, кўламида қамраб олиб таҳлил қилишни ва унинг моҳиятини очиб беришни тақозо этади. Матбуот эса ислохатлар шиддатидан янгиланишлар оқимидан орқада қолмоқда, унинг шиддатига тенглаша олмаяпти. Ижтимоий ҳаётимизда, бутун мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар моҳияти чуқур очилмаяпти.

Бир қараганда матбуот саҳифалари бежирим ва у кишини қайсидир даражада қаноатлантиради, серкирра ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олгандек, мавзу доираси кенг, барча муаммоларни ёритаётгандек туюлади.

Бироқ айти ала шу соҳалар ва мавзуларнинг барчасида маълум даражада юзакилик, сафсатабозлик, чуқур билимнинг етишмаслиги кўзга ташланади. Илмий-таҳлилий ва ҳаёт фалсафасининг синтези сифатидаги хулосалар етишмаяпти²⁹.

Муаллифнинг бу фикрлари анча бурун айтилган бўлишига қарамай долзарб. Уни қабул қилиш керак. Демак журналистика олдида ҳали катта вазифалар турибди, уларни ҳал қилиш бу қусурлардан қутулиш, шунингдек маъсулиятли вазифаларни илмий таҳлил қилиш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Бу мураккаб долзарб ишларда энг аввало журналистларнинг ўзлари, қолаверса шу соҳага жонқуярларнинг астойдил меҳнати талаб қилинади.

Журналистиканинг ижтимоий фаолият тури деб қарадикми, демак, ижтимоий ҳаёт ўзгариши билан ижтимоий фаолият ҳам ўзгаришини инобатга олган ҳолда журналистикадаги ўзгаришларга тўғри муносабатда бўлмоқ керак. Бунинг энг биринчи асоси журналистикага оид қабул қилинган қонунларнинг ишлашини тўла таъминлашимиз керак. Журналистикамиз бугун ҳақиқатни, ҳаётни тўлақонли акс эттириш йўлидан бормоғи лозим. Бу ҳақиқатни ёритиш ҳар бир журналистнинг маҳоратига ва яна унинг гражданлик позициясига ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

²⁹ "Ўзбекистон матбуоти" журнали, 2001, 5-сон, 11-бет.

Фойдаланилган адабиётлар

Расмий адабиётлар ва ҳужжатлар

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2008.
- Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида. ЎзР Қонуни. Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент, «Меҳнат» 2003, 45-50 бетлар.
- Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида. ЎзР қонуни. Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент, «Меҳнат» 2003, 37-44 бетлар.
- Оммавий ахборот воситалари тўғрисида. ЎзР Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. Законодательные акты Республики Узбекистан о средствах массовой информации. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент, «Ўзбекистон», 2007, 4-11 бетлар.
- Ноширлик фаолияти тўғрисида. ЎзР қонуни. Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент, «Меҳнат», 2003, 52-55 бетлар.
- Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида. ЎзР қонуни. Тўртинчи ҳокимият. Четвертая власть. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент, «Меҳнат», 2003, 89-115 бетлар.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2000-2004, 1-12 жилдлар.
- Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.

- И.А. Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: Хафсисликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
- И.А.Каримов. Буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”,1999.
- И.А.Каримов. Ўзбекистон XX1 асрга интилоқда. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
- Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”, 2008.
- 14.Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., “Ўзбекистон”, 2009.
- Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Ўзбекистон”, 2000.
- Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. (Олий таълим муассасалари учун қўлланма). Т., “Янги аср авлоди”, 2001.

11. Ихтисослик бўйича адабиётлар

1. Абдуазимова Н. А. Туркистон матбуоти.(1870-1917) Т.,Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2000.
2. Абдуазимова Н. А. Туркистон журналистикаси тарихи. Т., Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2001.
3. Абдуазимова Н.А. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т., Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2003.
4. Абдуазимова Н. А. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Т., Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2007.
5. Дўстмуҳаммад Х. Журналист бўлмоқчимисиз? Т., Янги аср авлоди, 2001.
6. Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. (монография) Т., Янги аср авлоди, 2007.
7. Абрамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. М., 2003.
8. Аналитическая журналистика. (Теория методика журналистского творчества) Часть 1. Конспект лекций. Составители К.Т. Ирнарзоров,Я.М. Маматова. Т., УзНУ, 2001.
9. Горохов В.М. Основы журналистского мастерства. М., 1989..

10. В.Ахмадулин. Краткий курс теории журналистики. Учебное пособие. Москва-Ростов-на-Дону. 2006.
11. Абрамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. М., 2001.
12. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. С.П. 1999.
13. Журналистское образование XXI века (сост. Л.М. Макушин Екатеринбург 2000.
14. Е.П. Прохоров. Введение в теорию журналистики. М., 2002.
15. ToIqin Qozoqboyev. Jurnalistika asoslari. Tosnkent, "Musiq" 2007.
16. А.А. Тертычный. Жанры периодической печати. М., 2000.
17. М.Н. Ким. Репортаж: Технология жанра. СПб, 2005.
18. К.Т. Ирназаров, Я.М. Маматова. Информация в печати. Т., 2000.
19. К.Т. Ирназаров, Я.М. Маматова. Аналитическая журналистика. Т., 2001.
20. Ф.П. Нестеренко, К.Т. Ирназаров, Я.М. Маматова. Современная журналистика. Т., 2006.
21. Зиёд Есенбоев. Умр дафтари. Тошкент., "Шарқ", 2004.
22. Тошпўлат Турсунов. Саҳна ва замон. Т., "Янги аср авлоди", 2007.
23. Луғат. Журналистика. Реклама. Паблик рилейшнз. Маълумотнома. 1700 та атама. Т., 2003.
24. Дўстқораев Б.А. Туркистон жадидларининг йирик сиймоси. "Жаҳон адабиёти", 1998, 3-сон.
25. Жабборов С.М. Оммавий ахборот воситалари конунчилиги. Маърузалар матни. Т., ЎзМУ, 2000.
26. Жамоатчилик билан ишлаш-Паблик рилейшнз Н.Ғафуров. Т., ЎзМУ, 2002.
27. Кримский Ж.Л. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиш асослари. Журналистлар учун қўлланма. Инглизчадан таржима. Т., 2003.
28. Журбина Е.И.. Теория и практика художественно-публицистических жанров. М., 1976.
29. Журналистик суриштирув. Қисқача таъриф ва тавсиялар. Т., 2002.
30. Ахборот в печати. Краткий курс лекция. Составители К.Т.Ирназаров, Я.М.Маматова. Т., 2000.
31. История журналистики Узбекистана. (текст лекций). Составитель Ф.И.Муминов. Т., УзНу, 2000.

32. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. М., 2003.
33. Мелибоев А., Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М., Коробкин Д.И. Труд журналиста: Профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. Т., УзНУ, 2002.
34. Муминова П.И. Современная зарубежная журналистика. (текст лекций). Т., НУУз, 2001.
35. Мўминов Ф.А. Социология ва журналист фаолияти. Т., 1995.
36. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. Т., “Университет”, 1998.
37. Нестеренко Ф.П., Миралимов Ш.А. Журналистика: координаты профессии. Т., 2001.
38. Профессионал маҳорат сари тўрт қадам. Журналистлар учун қўлланма. Т., 2002.
39. Публицистикада образ ва образлилик. Журналистика факультети 2- курс талабалари учун ўқув дастури. (Тузувчи М.Худойкулов). Т., ЎзМУ. 2002.
40. Рашидова Д.К. Интернет – источник журналистской информации СМИ. Лекции. Т., “Университет”, 1999.
41. Рашидова Д.К. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. Т., 2003.
42. Рендаль Д. Универсальный журналист. Алматы, 1996.
43. Рихсиев Б. Тўлқинлар канотида. Тошкент, Бирлашган нашриёт, 1967.
44. Роль средств массовой информации в переломные периоды XX века. Материалы международной конференции, организованной фондом имени К.Аденауэра. Т., 1998.
45. Рустамов М. Ўзбек китоби. Т., “Ўзбекистон”, 1968.
46. Саидов О. Ўзбек совет фелъетони. Т., Фан, 1981.
47. Сиберт С. Фред, Шрамм У., Питерсон Т. Четыре теории прессы. М., 1998.
48. Стюфляева М.И. Образные ресурсы публицистики. М., 1982.
49. Тертычный А.В. Основы публицистики и жанры. М. 2001.
50. Тошалиев И. Адабий таҳрирнинг мантикий асослари. Т., ЎзМУ, 1999.
51. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. Т., Ўқитувчи, 1976.
52. Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. Т., Фан, 1981.

53. Эрназаров Қ.Т. Маматова Ё.М. Тошалиев И.Э. Эрназаров Ш.Қ. Репортерлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланмаси. Т., 2002.
54. Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. Т., Университет, 2001.
55. Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Маърузалар матни. Т., ЎзМУ, 1999.
56. Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари типологияси. Маърузалар матни. Т., ЎзМУ, 2000.
57. Худойкулов М. Журналистика эркинлиги. Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. 5-том.
58. Худойкулов М. Ҳажвнинг ҳаётий руҳи. Т., «Ўзбек тили ва адабиёти», 2003. № 3.
59. Худойкулов М. Радиоэшиттиришлар. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004 йил, 6-жилд.
60. Худойкулов М. “Тараққий” газетаси ҳақида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004, 6-жилд.
61. Худойкулов М.. Журналистиканинг бош тамойиллари. “Жамият ва бошқарув”, 2005 йил,. 1 сон.
62. Худойкулов М. Фельетон. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005, 9-жилд.
63. Худойкулов М. Бадиий публицистика жанрлари. Ўқув қўлланмаси, Т., ЎзМУ, 2004.
64. Д.К.Рашидова. Особенности формирования интернетской журналистики и специфика интернет в качестве глобального СМИ. Т., 2002.
65. Худойкулов М. Журналистикага кириш. Ўқув қўлланма. Т., ЎзМУ, 2005.
66. Энтин В. Пресса в рынке информации. М.1992.
67. Ҳамдамов Ю. Замон ва мезон. Тошкент, Ўзбекистон, 1981.
68. Пидаев Т. Қалами найза эди. Т., 1971.
69. Пидаев Т. Моҳир журналист ва редактор. Т., 1973.
70. Абдусаматов Ҳ. Ўзбек совет сатираси масалалари.Т., 1968.
71. Журналистик маҳорат курси бўйича методик тавсиялар.(тузувчи: Миралимов Ш.А.) Т., 2003.
72. Ўзбек тилининг изохли луғати. 1-5 жилдлар. Т., 2006-2008.

**“Журналистика асослари”
дарслиги бўйича тест саволлари.**

1.6. Журналистика атамасининг ўзбекча муқобилини айтинг.

- а) Матбуот
- б) Босма нашр
- в) Газета-журнал
- г) Кундалик
- д) Ҳафталик

2. “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. “Цензурага йўл қўйилмайди” деган жумла Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида ёзилган?

- а) 35
- б) 48
- в) 51
- г) 60
- д) 67

3. “Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказишга йўл қўйилмайди” жумласи Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунида ёзилган.

- а) “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги
- б) “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги
- в) “Ноширлик фаолияти тўғрисида” ги
- г) “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги
- д) “Реклама тўғрисида” ги

Формат: Список

4. "Ижтимоий онгнинг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик жамиятига доимий ва фаол таъсир кўрсатадиган, жамоатчилик фикрини шакллантирадиган омма онгига муайян қарашларни сингдиришда қудратли ғоявий омил ҳисобланади "деган таъриф ОАВ нинг қайси бўлимига айтилган.

- А) Телевидение
- б) Радио
- в) Ахборот агентликлари
- г) Ҳужжатли кино
- д) Матбуот

5. Ўзбекистонда биринчи босма нашр "Туркестанский ведомости" ва "Туркистон вилоятининг газети" нечанчи йилдан бошлаб нашр қилина бошлади?

- А) 1701
- б) 1800
- в) 1870
- г) 1905
- д) 1924

6. Биринчи ўзбек миллий газетасининг номини айтинг.

- а) "Тараккий"
- б) "Хуршид"
- в) "Кенгаш"
- г) "Садои Туркистон"
- д) "Турон"

7. 1873 йилда ким "Таржимон" газетасини ташкил этган?

- А) Исмоил Обидов
- б) Исмоил Ғаспирали
- в) Абдулла Авлоний
- г) Маҳмудхўжа Бехбудий
- д) Шоҳимардон Исмоилов

8.Ўзбекистонда радиоэшиттиришлар доимий равишда қайси йилдан бошлаб узатила бошланди?

- а) 1925
- б) 1926
- в) 1927
- г) 1928
- д) 1929

9. Ўзбекистон телевидениеси нечанчи йилда ташкил топган?

- А) 1954
- б) 1955
- в) 1956
- г) 1957
- д) 1958

10.Махсус журналист кадрлар тайёрлаш ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетда қайси йилдан бошланди?

- а) 1946
- б) 1947
- в) 1948
- г) 1949
- д) 1950

11. Рим императори Юлий Цезарь томонидан чиқарилган ганчдан ясалган махсус тахтачалар матбуотнинг илк куртаклари ҳисобланади. Бу қайси асрда бўлган?

- А) Эрамиздан олдинги бешинчи аср
- б) Эрамиздан олдинги учинчи аср
- в) Эрамиздан олдинги биринчи аср
- г) Эрамиздан беш юзинчи йили
- д) Эрамиздан мингинчи йили

12. Европада биринчи босма газета Германиянинг Старсбург ва Аугсбург шаҳарларида нашр этилган “Relation Adler” ва “Aviso-Realtion oder Zeitung” нечанчи йилда нашр этилди?

- а) 1609
- б) 1631
- в) 1692
- г) 1702
- д) 1870

13. Биринчи рўйхатга олинган “Журнал де Саван” (“Олимлар журнаи”) журнаи 1655 йилда қайси шаҳарда чоп этилди?

- а) Москва
- б) Париж
- в) Бери
- г) Бағдод
- д) Кёльн

14. 1906 йил сентябрида жадиждларнинг иккинчи наشري “Хуршид” газетаси ташкил этилди. Унинг муҳарририни айтинг?

- а) Абдулла Авлоний
- б) Аҳмаджон Бектемиров
- в) Мунаввар қори Абдурашидхонов
- г) Саидкаримбой Саидазимбой ўғли
- д) Мирзожалола Юсуфзода

15. Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлигида қайси журнал чоп этилди?

- а) “Ал-ислоҳ”
- б) “Кенгаш”
- в) “Ойина”
- г) “Юрт”
- д) “Чаён”

16. Туркистонда “Среднеазиатский вестник” (“Ўрта Осиё даракчиси”) журналининг биринчи сони қайси йилда босмадан чиқди?

- а) 1870
- б) 1880
- в) 1890
- г) 1896
- д) 1900

17. Туркистонда миллий журналистикага қайси атоқли маърифатпарвар адиб ва публицист асос солган?

- а) Хамза Хақимзода Ниёзий
- б) Убайдулла Хўжаев
- в) Абдулла Авлоний
- г) Маҳмудхўжа Бехбудий
- д) Мунавварқори Абдурашидхонов

18. Журналистиканинг ҳамда адабиётнинг асосий қуролини айтинг?

- а) Воқелик
- б) Адолат
- в) Сўз
- г) Ҳақиқат
- д) Тарбия

19. Фактлар ҳақидаги хабардангина иборат бўлиб қолмай, инсон ички эҳтиёжи бўлмиш мулоқатни алоқа қилиш амали ва фикр алмашиш жараёнини ифодалаш журналистиканинг қайси жанрига хос?

- а) Корреспонденция
- б) Очиқ хат
- в) Суҳбат
- г) Ахборот
- д) Очерк

21. “Босма маҳсулот”, “Босиб чиқарилган нарсалар” деган маъноларини билдирувчи иборани айтинг.

- а) Босмахона
- б) Нашриёт
- в) Журналистика
- г) Матбуот
- д) Газета

22. Босма маҳсулотлар; матбуот нашрларининг чиқариш, уларга материаллар тайёрлаш билан боғлиқ касб; матбуотнинг ички қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида қўлланиладиган фан қайси?

- а) Матбуот назарияси
- б) Радио назарияси
- в) телевидение назарияси
- г) Ахборот агентликлари
- д) Журналистика

23. Газета ва журналларга радио, телекўрсатувлар қўшилгач, буларнинг умумий мажмуасига қандай ном берилди?

- а) Интернет
- б) Матбуотшунослик
- в) Оммавий ахборот воситалари
- г) Журналистика
- д) Сиёсатшунослик

24. Оммавий ахборот воситалари ҳали вужудга келмаган пайтларда хабарчилик, жарчилик, воизлик (нотиқлик) ва ёзма адабиёт орқали амалга ошириладиган информация турини аниқланг?

- а) Таълим-тарбиявий информация
- б) Иқтисодий информация
- в) Ижтимоий информация
- г) Бадиий-эстетик информация
- д) Диний информация

25. Ижтимоий онгининг энг ўткир ва таъсирчан қисмини айтинг?

- а) Ижтимоий психология
- б) Мафкура
- в) Адабиёт, санъат
- г) Фан
- д) Матбуот

26. Матбуотнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

- а) Серкўламлигида
- б) Ҳозиржавоблигида
- в) Таъсирчанлигида
- г) Доимийлигида
- д) Жангавар кўринишда эканлигида

27. Матбуот билан адабиётни бир-бирига яқинлаштирувчи энг асосий манбани айтинг?

- а) Сиёсат
- б) Сўз
- в) Ахлоқ
- г) Адиб
- д) Журналист

28. XX асрнинг бошларида Туркистонда вужудга келган миллий уйғониш матбуотини жаҳон матбуотшунослари қандай номлашган?

- а) Авторитар матбуот
- б) Эркин матбуот
- в) Коммунистик матбуот
- г) Капиталистик матбуот
- д) Демократик матбуот

29. “Тараққий” газетасининг биринчи сониди босилган “Биз мусулмонларни хурриятда ҳақлари борми? Йўқ! Қариндошлар, юз марта йўқ!” сарлавҳали публицистик мақола муаллифи ким эди?

- а) И.Обидов
- б) М.Бехбудий
- в) М.Абдурашидхонов
- г) Ҳ.Ҳ.Ниёзий
- д) А.Авлоний

30. Журналистиканинг ривожланишига чинакам туртки бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори қачон қабул қилинди?

- а) 1989 йил 10 март
- б) 1990 йил 25 февраль
- в) 1999 йил 25 февраль
- г) 2001 йил 15 декабрь
- д) 2003 йил 8 июль

31. Биринчи ўзбек газетаси қачон чоп этилди?

- а) 1870 йил 10 сентябрь
- б) 1898 йил 20 январь
- в) 1901 йил декабрь
- г) 1906 йил 27 июнь
- д) 1924 йил 26 июнь

32. Хусусий газета ва журнал таъсис этиш қайси Ўзбекистон қонунида ўз ифодасини топган?

- а) “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”
- б) “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”
- в) “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”
- г) “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”
- д) “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”

33. Туркистонда миллий журналчиликка асос солган маърифатпарвар адиб ва публицистни биласизми?

- а) Мунаввар қори Абдурашидхонов
- б) Абдулла Авлони
- в) Маҳмудхўжа Бехбудий
- г) Исмоил Ғаспирали
- д) Исмоил Обидов

34. Ўзбекистон давлат тасарруфида бўлмаган ахборот агентлигини биласизми?

- а) Ўзбекистон ахборот агентлиги
- б) “Жаҳон” ахборот агентлиги
- в) “Туркистон пресс” ахборот агентлиги
- г) Интернет
- д) ИТАР-ТААС

35. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси тугатилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил бўлган йилни айтинг?

- А) 1991
- б) 1995
- в) 1996
- г) 1997
- д) 1999

36. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси тугатилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси қачон ташкил этилди?

- а) 2000
- б) 2001
- в) 2002
- г) 2003
- д) 2004

37. Матбуотнинг ҳаётдаги факт, воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини очиб бериш, уни тушинтириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, хулосалар чиқариш, маъқуллаш ёки инкор этиш билан матбуотнинг қайси бош функцияси шуғулланади?

- а) Таҳлил функцияси
- б) Хабардор қилиш функцияси
- в) Тасвир функцияси
- г) Таъсир функцияси
- д) Маданий-маърифий функцияси

38 Ижтимоий ҳаётни чуқур қатламларини ўзида акс эттириш ва инсон онгининг чуқур қатламларига таъсир этиш, ўқувчиларга ҳаётдаги фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг ички сабабларини очиб бериш, тушунтириш, изоҳлаш билан матбуотнинг қайси бош функцияси шуғулланади?

- а) Тасвир функцияси
- б) Хабардор қилиш функцияси
- в) Реклама ва эълон тарқатиш функцияси
- г) Таҳлил функцияси
- д) Таъсир функцияси

39. Матбуотнинг бош принципларини айтинг?

- а) Халқчиллик, синфийлик, ҳаққонийлик, оммавийлик
- б) Умуминсонийлик, партиявийлик, халқчиллик, ҳаққонийлик
- в) Умуминсонийлик, ҳаққонийлик, оммавийлик
- г) Ҳаққонийлик, синфийлик, партиявийлик, оммавийлик
- д) Халқчиллик, оммавийлик, синфийлик, партиявийлик

40. Ижтимоий ҳаёт воқеаларини ёритишда холислик, хурфикрлилик, турлича қарашларга кенг ўрин бериш қайси анъаналарга хос?

- А) Миллийлик
- б) Ҳаққонийлик
- в) Умуминсонийлик
- г) Партиявийлик
- д) Анъанавийлик

41. Бадий публицистик жанрлар “қироли”, газета ва журналлар кўрки, журналистиканинг энг ғаройиб жанри қайси?

- а) Памфлет
- б) Фельетон
- в) Репортаж
- г) Пародия
- д) Очерк

42. Кибернетика фанининг асосчиси, машхур олим Норберт Винернинг “Одамнинг ташқи дунёга мослашув жараёнида ундан олган маънонинг ифодасидир” деган ибораси қайси жанр ҳақида айтилган?

- а) Хабар
- б) Мақола
- в) Информация
- г) Репортаж
- д) Очерк

43. Даврий матбуот жамият тараққиётининг қайси босқичида вужудга келади?

- а) Ёзув пайдо бўлган ва ривожланган бўлганда
- б) Аҳолининг кўпчилик қисми саводхон бўлганда
- в) Матбуотнинг техникавий асоси яратилган, босма дастгоҳ ва бошқа зарур асбоблар ишлаб чиқилганда
- г) Жамиятдаги ҳукмрон ва бошқа гуруҳлар, табақалар босма сўз воситаси билан сиёсий, иқтисодий, маънавий манфаат кўриш эҳтиёжини сезганда
- д) Ҳамма босқич амалга ошганда

44. Ижтимоий ҳаётни акс эттиришдек умумий қонуни бир хил бўлган қайси соҳа журналистикаси ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим масалаларини ёритади?

- а) Ижтимоий-сиёсий журналистика
- б) Ижодий ишлаб чиқариш журналистикаси
- в) Илмий журналистика
- г) Бадий журналистика
- д) Журналистиканинг ҳамма соҳа ва хиллари

45. Ҳажвий журналистика тасвирий санъатнинг қайси соҳасидан кенг фойдаланади?

- а) Шарҳ
- б) Карикатура
- в) Натюрморт
- г) Портрет
- д) Манзара

46. Телекўрсатувлар асосан қайси санъатдан кенг фойдаланади?

- а) Кино санъатидан
- б) Театр санъатидан
- в) Мусиқа санъатидан
- г) Тасвирий санъатдан
- д) Кино ва театр санъатидан

47. Матбуот эркинлиги асосларини айтинг?

- а) Ижтимоий
- б) Иқтисодий
- в) Маънавий
- г) Сиёсий
- д) Юқоридаги ҳаммаси асос бўлиши мумкин

48. “Журналист” атамаси қачондан бошлаб қўлланила бошланди?

- а) Газета чоп этила бошлангандан бошлаб
- б) Репартёрлар яъни янгилик етказувчилар пайдо бўлгандан бошлаб
- в) Шарҳловчилар етишиб чиққандан бошлаб
- г) Журналлар келиб чиқишидан бошлаб
- д) Фельетончилар етишиб чиққандан бошлаб

49. Журналистнинг ижодий қиёфасини белгиловчи беш мезонга қайсилар киради?

- а) Ўз касбини эгаллаб олиш
- б) Ўткир қалам эгаси бўлиш
- в) Ижтимоий ҳаётни чуқур ўрганиш ва унинг муаммоларини кўтариб чиқиш
- г) Ижтимоий нуқсон ва иллатларга муросасиз бўлиш, доимо изланиш, ижодий маҳоратни ошириб бориш
- д) Юқоридаги саналган ҳамма фазилатлар

50. “Бухоро ахбори” газетасига муҳаррирлик қилган Чўлпон газетанинг ошкоралик тамойилларига амал қилишни қайси дастурий мақоласида айтган?

- а) Матбуот кучли бир давлатдир
- б) Матбуот халқнинг тили ҳам сўзидир
- в) Матбуот ҳукуматнинг ҳам тилидир
- г) Матбуот янгиликлар хабарчаси
- д) Матбуот ҳукумат билан халқ орасидаги кўприқдир

51. Тасвирлаш, бирон нарса ҳақида тушунча бериш деган маънони қайси журналистик жанр ифода этади?

- а) Информация
- б) Публицистика
- в) Мақола
- г) Интернет
- д) Очерк

52. Ижтимоий ҳаётнинг шу кундаги, айни замондаги муаммоларни ўзида акс эттирадиган ва шунга кўра, айни замонга хизмат қиладиган адабий-сиёсий ижод турини айтинг.

- а) Информация
- б) Корреспонденция
- в) Мақола
- г) Очерк
- д) Публицистика

53. Илмийлик мавжуд бўлган, воқеликка фаол аралашадиган, фикрни бевосита ошкора, дангал айтадиган жанрни айтинг?

- а) Мақола
- б) Корреспонденция
- в) Публицистика
- г) Очерк
- д) Репортаж

54. Қайси газета туғилган кун Ўзбекистонда ўзбек миллий матбуот туғилган кун сифатида нишонландиган бўлди?

- а) “Хуршид”
- б) “Кенгаш”
- в) “Турон”
- г) “Садои Туркистон”
- д) “Тараққий”

55. Сўз санъати, образли тасаввурларга таяниб ижтимоий фикрга таъсир этувчи ижод турини айтинг?

- а) Мақола
- б) Корреспонденция
- в) Публицистика
- г) Репортаж
- д) Очерк

56. Тадқиқот, ҳаётимизнинг бирон бир аниқ масалага бағишланган муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзунини ёритадиган жанрни айтинг?

- а) Мақола
- б) Корреспонденция
- в) Суҳбат
- г) Интервью
- д) Репортаж

57. Мақола билан бир хилликка эга бўлган аммо қамрови кичик жанрни биласизми?

- а) Корреспонденция
- б) Хабар
- в) Ахборот
- г) Очиқ хат
- д) Такриз

58. Ўзбекистонда мақола жанри тарихи қайси журналистлар билан боғлиқлигини биласизми?

- а) Фурқат, Ибрat, Ҳaқимхон
- б) Муқимий, Завқий, Баёний
- в) Нодим, Нисбат, Муҳаййир
- г) Ҳавоий, Тошболту Ройиқ, Тошхўжа Асирий
- д) Муқимий, Завқий, Фурқат

59. Ахборот мақоладан фарқли ўлароқ таҳлил қилиш хусусияти бўлган, факт марказий ўринни эгаллайдиган тезкор жанрни биласизми?

- а) Репортаж
- б) Корреспонденция
- в) Хабар
- г) Очиқ хат
- д) Такриз

60. Вазифаси “чимдим ҳаётни” кўрсатиш, мақсади эса бўлган воқеани ёки воқеаларни таҳлил қилишдан иборат бўлган асосий ва қадимги жанр қайси?

- а) Ахборот
- б) Очерк
- в) Мақола
- г) Корреспонденция
- д) Хабар

61. Хусусийдан умумийга қараб кетадиган ҳар бир чиқиш ижтимоий сиёсий чиқиш деб қараладиган жанрни айтинг?

- а) Фельетон
- б) Памфлет
- в) Корреспонденция
- г) Мақола
- д) Очерк

62. Тили таъсирли, эҳтиросли, намунали, мунозарали бўлган, биринчи шахс номидан олиб бориладиган ва жавоб кутиладиган жанрни биласизми?

- а) Репортж
- б) Очик хат
- в) Корреспонденция
- г) Очерк
- д) Пародия

63. Тажрибани оммалаштиришнинг энг яхши шакли бўлган жанрни айтинг?

- а) Мақола
- б) Хабар
- в) Ахборот
- г) Суҳбат
- д) Очик хат

64. Биттагина факт устида фикр юритадиган ёки битта воқеани ёритадиган жанр бор, у қандай номланади?

- а) Эпиграмма
- б) Мақола
- в) Корреспонденция
- г) Хабар
- д) Ахборот

65. Янгиликни ёритадиган, ҳозиржавоб, тезкор, ҳаммабон ва тушинарли жанрни айтинг?

- а) Ахборот
- б) Хабар
- в) Интервью
- г) Суҳбат
- д) Мақола

66. Хроника, лавҳа, суҳбат, ҳисобот, репортаж шаклида ёзиладиган жанрни биласизми?

- а) Интервью
- б) Хабар
- в) Ахборот
- г) Эпиграмма
- д) Очерк

67. Газета ва журналларнинг илғор тажрибаларини умумлаштирадиган ғоявий даражасини оширадиган, камчиликларни танқид қиладиган жанрни айтинг?

- а) Сатира ва юмор
- б) Фельетон
- в) Матбуот шарҳи
- г) Пародия
- д) Памфлет

68. Асар мазмуни, унда кўтарилган муаммолар, унинг ғоявий-бадий хусусиятлари муаллиф ижодида адабиётда тутган ўрни ҳақида маълумот берувчи жанр қайси?

- а) Фельетон
- б) Ахборот
- в) Такриз
- г) Интервью
- д) Матбуот шарҳи

69. Публицистика элементлари бўлган ҳужжатлилик, аниқлик, тезкорлик ва адабий-бадий воситалар уйғунлашиши кузатиладиган жанрни айтинг?

- а) Лавҳа
- б) Корреспонденция
- в) Фельетон
- г) Очерк
- д) Очиқ хат

70. Публицистиканинг ажралмас қисми сифатида фаолият кўрсатадиган оммабоп бадий-публицистик жанр деб қайси жанрга айтамыз?

- а) Корреспонденция
- б) Мақола
- в) Пародия
- г) Фельетон
- д) Памфлет

71. Бадий асарларда кичик лирик шеър шаклида матбуотда ҳажвий расмлар, шарҳ яъни ўртоқлик ҳазилларида қўлланиладиган жанрни айтинг?

- а) Очерк
- б) Пародия
- в) Фельетон
- г) Памфлет
- д) Эпиграмма

72. Бирор сиёсий тузум, ижтимоий воқелик у ёки бу тўда гуруҳлар фаолиятини, хатти-ҳаракатларни фош қилувчи ҳажвий-танқидий асар қайси жанрга хос?

- а) Фельетон
- б) Пародия
- в) Сатира ва юмор
- г) Эпиграмма
- д) Памфлет

73. Бирор санъаткор ижоди ёки айрим асарниг услубига тақлид қилиш йўли билан яратилган кулгули асар жанрини айтинг?

- а) Эпиграмма
- б) Пародия
- в) Памфлет
- г) Фельетон
- д) Очерк

74. Газета атамаси қайси атамага яқин?

- а) Журналистика
- б) ОАВ
- в) Матбуот
- г) Публицистика
- д) ОАК

75. Публицистика деган атама нимани англатади?

- а) Журналистикани
- б) Жанрни
- в) Асар турини
- г) Газетани
- д) Журнални

76. Журналистика деганда нима тушунилади?

- а) Газета ва журналлар
- б) ОАВ
- в) ОАК
- г) Телевидение ва радио
- д) Интернет

77. Иоганн Гуттенберг кашфиётини айтинг.

- а) Босма ҳарф
- б) Босма дастгоҳ
- в) Газета
- г) Журнал
- д) Телевидение

78. Журналистиканинг авторитар турида биринчи ўринда нима туради?

- а) Шахс
- б) Жамият
- в) Давлат
- г) Газета
- д) Журналист

79. Қайси журналистика тижорат характериға эга бўлмаган?

- а) Авторитар давр
- б) Жади́дчи́лик даври
- в) Социалистик давр
- г) Буржуазия даври
- д) Феодализм даври

80. Ахборот – бу:

- а) Матн
- б) Жанр
- в) Хабар
- г) Корреспонденция
- д) Газета, журнал

81. Матбуотнинг бош функциясини айтинг.

- а) Ижтимоий, иқтисодиёт
- б) Фан-маданият
- в) Адабиёт ва санъат
- г) Жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги муаммолар
- д) Юқорида саналган барча функциялар

82. Китоб ўзида нималарни акс эттиради?

- а) Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини
- б) Иқтисодий - ишлаб чиқаришни
- в) Маданий - маънавий ҳаётни
- г) Инсонларнинг дунё ҳақидаги қарашлари, реал воқеликни билиш борасидаги тажрибаларини
- д) Юқоридаги барча функцияларни

83. Қайси рус мутафаккири “Инсониятнинг бутун ҳаёти секин-аста китобга кўчди” деган иборани ишлатган?

- а) Герцен
- б) Белинский
- в) Чернишевский
- г) Добролюбов
- д) Гоголь

84. Ўлкамизда биринчи босмахона қачон пайдо бўлган?

- а) 1860
- б) 1867
- г) 1878
- д) 1900

Тест жавоблари				
1.Г.	19.Г.			
2.Д.	20.Г.			
3.В.	21.Д.			
4.Д.	22.В.	37.Б.	55.В.	70.Б.
5.В.	23.В.	38.В.	56.А.	71.Д.
6.А.	24.Д.	39.Б.	57.А.	72.Д.
7.Б.	25.Г.	40.Д.	58.А.	73.Б.
8.В.	26.Б.	41.В.	59.Б.	74.В.
9.В.	27.Б.	42.Д.	60.Г.	75.А.
10.Г.	28.А.	43.Д.	61.В.	76.Б.
11.В.	29.В.	44.Б.	62.Б.	77.Б.
12.А.	30.Г.	45.Д.	63.Д.	78.В.
13.Б.	31.Д.	46.Д.	64.Г.	79.В.
14.В.	32.В.	47.Г.	65.А.	80.В.
15.В.	33.В.	49.Д.	66.В.	81.Д.
16.Г.	34.В.	50.А.	67.В.	82.Д.
17.Г.	35.Д.	51.А.	68.В.	83.А.
18.В.	36.А.	52.Д.	69.Г.	84.Б.

Журналистикага оид атамалар луғати

Аббревиатура – лот., сўзларнинг бош ҳарфлари асосида тузилган мураккаб қисқартма сўз. (ЎЗА – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги)

Абракадабра – грек., мантиқсиз, ғалати сўз.

Абсурд – лот., мантиқсизлик.

Автобиография – грек., бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли.

Автоним - грек., муалифнинг асл исми, шарифи.

Агитация – лот., ташвиқот.

“Адолат” – Ўзбекистон “адолат” социал-демократик партияси (СДП) Сиёсий кенгаши ва “Адолат” газетаси ижодий жамоаси муассислигида 1995 йил 22 февралдан чиқабошлаган ҳафталик газета.

Аллегория – юн., ўзгача ифодалаш. Мажоз.(М., кабутар сўзининг тинчлик ифодаси учун қўлланиши.)

Альтернатив – муқобил.

Альянс – фр., иттифоқ, бирлашма.

Анализ – грек., таҳлил.

Аналогия – юн., нарса ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг ўхшашлиги.

Анонс – фр., олдиндан маълум қилинадиган хабар.

Анкета – фр., суриштириш, маълумот олиш. Сўроқ варақаси, сўровнома.

Аннотация – мақола мазмуни тўғрисидаги қисқача маълумот.

Аргумент – лот., яққол исбот, аниқ далил.

Аудиовизуал – теле, кино рекламаси.

Афиша – плакат шаклидаги босма реклама маҳсулот.

Афоризм – грек., ҳикматли сўз, ибора.

Ахбор – а., хабар, маълумот.

Бадиа – лот., ноёб нарса, нафис нодир санъат асари.

Бакалавр – лот., Ўзбекистон Олий таълим дастурининг биринчи босқичини тугаллаган талабаларнинг илмий даражаси.

Библиография – асарлар рўйхати.

Бизнес – иш, фаолият, савдо.

Билборд – инг., пештоҳ, кўчалардаги катта бичимдаги реклама.

Блек-аут – радиорекламанинг кенг тарқалган тури, кичкина сахна.

Бонус – қўшимча ҳақ, мукофат.

Брифинг – расмий кишиларнинг ОАВ вакиллари билан учрашуви.

Брошюра – 2-5 б.т. ҳажмидаги юмшоқ муковадаги нашр.

Буклет – реклама проспекти, тури.

Варақа – а., матн босилган расмий қоғоз.

Вариант – лот., нусха.

Верстка – р., саҳифалаш, матн ва суръатли материалларни жойлаштириш.

Версия – таҳмин.

Видеоклип – қисқа мусикий сюжет.

Вулгар – лот., қўпол, одобга тўғри келмайдиган сўз.

Газета – итал., чақа пул. Вақтли нашр.

Гарнитур – фр., нарс-буюмларнинг йиғмасы мажмуи.

Гарнитура – фр., ҳарфлар ўлчови, шрифтлар мажмуи.

Глобал – фр., умумий, умумбашарий, ўзаро боғлиқлик.

Гонорар – юн., хизмат ҳақи, мукофат.

Гранка – р., босмаҳонада терилган лекин ҳали саҳифаланмаган матн.

Гротеск – фр., ғалати, кулгили.

“Гулхан” – 1929 йилдан буён нашр этилаётган адабий-бадний, безакли болалар журнали. Журналга Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислик қилади.

Даврий бўлмаган нашрлар – китоблар, рисоалар.

Даврий нашрлар – газеталар, ҳафталиклар, журналлар.

Дефис – лот., ажратиш.

Диапазон – гр., журналист салоҳияти, имконияти ҳажми.

Диалогик мулоқат – мулоқат шакли, журналистикада кенг қўлланадиган ахборот олишнинг муҳим усули.

Дигитализация – ахборотни рақам шаклига ўтказиш.

Диктафон – овоз ёзувчи портатив аппарат.

Дискуссия – муҳокама.

Жанр – ф., жинс, тур. Журналистиканинг публицистик шакли.

Журналистика – ижтимоий фикрни шакллантирадиган ижтимоий тизим, оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот йиғиш, уни ишлаш ва тарқатиш ҳақидаги фан.

Журналистлар – ОАВ таҳририятларидаги штатда ишловчи ва штатдан ташқари фаолият юритувчи яъни ахборот топувчи, уни ишлаб берувчи ва тарқатувчи қаламкашлар.

Ижод – ноёб ҳислат. Ижод аҳли шуғулланадиган фаолият.

Информация – ахборот, нимадир ҳақида маълум қилиш, хабар бериш.

Интерньюс – халқаро нотижорат ташкилот.

Интервью – инг., суҳбат, ахборот жанри.

“Ишонч” – 1991 йилдан буён Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган ижтимоий-иқтисодий газета.

Коммуникация – ахборот асосида алоқа қилиш, фикр алмашиш.

Компьютер – ҳозирча энг мукамал, мураккаб электрон машина.

Лавҳа – а., тахта, кичик асар. Очеркнинг кичик шакли. ОАВнинг бир тури.

Мавзу – асар ёки мақола ғоясини ифода этувчи восита, тема.

Масс-медиа – инг., оммавий аудиторияга ахборот етказувчи восита, ОАВ дан ташқари китоблар, рисолалар, кино видеокассеталар, дисклар ва бошқалар.

Макет – фр., хом қолип, хомлаки режа, нусха, модел.

Маркетинг – бозоршунослик.

Матбуот – а., босма нашрлар мажмуи.

Матн – а., нутқнинг ёзувдаги ифодаси, текст.

Мафкура – а., фикр юргизиш, тафаккур.

Маънавият – а., ахлоқий ҳолат. Инсонни руҳан покланишининг мезони.

Мақола – а., нутқ, кичик илмий ёки публицистик асар. Журналистиканинг етакчи жанрларидан бири.

Маҳорат – а., усталик, моҳирлик.

Муаллиф – а., яратувчи, ижодкор.

Муассис – а., асос солувчи, ташкил этувчи.

Мунаққид – а., танқидчи.

Мундарижа – а., маъно, таркиб, рўйхат.

Мусахҳих – а., тўғриловчи, тузатувчи, корректор.

Мухбир – а., хабар берувчи, оммавий ахборот воситаларида ишловчи ижодий ходим.

Мухаррир – а., таҳрир қилувчи раҳбар шахс.

Нашр – а., тарқатиш, тарғиб қилиш, чоп этиш.

Нашр маълумотлари – нашр номи, таҳрир ҳайъати, бош муҳаррир, масъул ходимлар, адади, манзили ва бошқа маълумотлар.

Нашр шакли – газеталарда саҳифа дейилади. У 2, 4, 6, 8, 12, 16, 32, 64 ва ҳ.к. бўлади. Андозаси А-2, А-3, А-4 ва ҳ.к.

Нодавлат – давлат тасарруфида бўлмаган.

Нодавлат радиосига– давлат тасарруфида бўлмаган FM-радиостанциялари, хусусан, “Гранд”FM, “Сезам”, “Орият доно”, “Орият FM”, “Водий садоси”, “Ўзбегим таронаси”, “Ҳамроҳ”, “Наврӯз”, “Сетар” ва ҳ.к.киради.

Нодавлат телевидениесига - давлат тасарруфида бўлмаган Самарқанд ТВ (СТВ), Марғилон ТВ, “Алоқа”-АК (Гулистон) телестудиялар кирди.

Ноутбук – англ., портатив шахсий компьютер.

“Нурли жол” – Ўзбекистон Республикаси Парламенти ва Вазирлар Маҳкамаси муассислигида қозоқ тилида чоп этиладиган газета.

Обзор – р., кўз ташламоқ, таҳлил қилмоқ, оғзаки ёки ёзма ахборот.

Обуна – фр., ҳақ тўлаб ёзилиш.

“Овози тожик” – Ўзбекистон Республикаси Парламенти ва Вазирлар Маҳкамаси муассислигида тожик тилида чоп этиладиган газета.

“Ойна” – 1913 йилда биринчи сони чоп этилган биринчи миллий хусусий газета. Муҳаррири М. Бехбудий бўлган.

“Окраина” – Самарқанда 1890-1898 йилларда рус тилида чоп этилган ягона хусусий газета.

Очерк – журналистиканинг бадиий-публицистик жанри.

Памфлет – инг., рисолача, публицистик асар. Журналистиканинг жанрларидан бири.

Пародия – юн., зид, тескари сатирик ўхшатма, бадиий-публицистик жанр.

Петит – майда босма ҳарф.

Плагнат – лот., ўғирланган, ўғирлик.

Плюрализм – лот., фикрлар хилма-хиллиги.

Подвал – р., газетанинг пастки қисмида босилган мақола.

Посткриптум – лот., PS лотин ҳарфлари билан белгиланиб, ниҳоясига етказилган ва имзоланган мактубга қўшимча.

“Правда Востока” – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида 1917 йил 2 апрелдан буён чоп этилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий газета.

Примитив – лот., содда, илмга асосланмаган.

Принтер – босмахона сифатидаги босма ускуна.

Принцип – лот., бош ғоя, асос, маслак.

Публицистика – сўз санъати.

Радиожурнал - радио орқали узатиладиган оғзаки журнал.

Рақамли фотокамера – фотоаппарат ва сканер бирлаштирилган журналистикада қўлланиладиган техника. Янги атама.

Реклама – фр., каттиқ қичқирмоқ. Товар ҳақидаги маълумот.

Репортаж - хабар қилмоқ, дарак бермоқ, журналистика жанри.

Ротапринт – соддалаштирилган офсет босма машина.

Ротацион машина – тез босадиган машина.

Санъат – “**San'at**” - Ўзбекистон Бадиий академияси муассислигида 1997 йилдан ўзбек, инглиз ва рус тилларида уч ойда бир мартада чоп этиладиган журнал.

Саҳифа – а., варақ, бет, газетанинг бир бети.

“Саодат” – Республика хотин-қизлар қўмитаси, ОАВни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси муассислигида 1925 йилдан буён чоп этилаётган журнал.

“Сирли олам” – 1991 йилдан бошлаб чоп этилаётган илмий фантастик йўналишдаги адабий-бадиий журнал.

“Тараққий” – 1906 йил 27 июнда Исмоил Обидов муҳаррирлигида биринчи сони чоп этилган биринчи ўзбек миллий хусусий газета.

“Тафаккур” – Республика маънавият ва маърифат кенгаши муассислигида 1996 йилдан буён ҳар уч ойда бир марта чоп этиладиган ижтимоий-сиёсий, фалсафий, бадиий-адабий журнал.

“Театр” – 1999 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси муассислигида чоп этилаётган адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали.

“Туркестанские ведомости” – Туркистонда 1870 йилдан то 1917 йилгача чоп этилган биринчи рус газетаси. Унга биринчи муҳаррир этиб рус зобити Н.А.Маев тайинланган эди.

“Туркистон вилоятининг газети” – “Туркестанские ведомости” газетасининг ўзбек тилидаги иловаси. 1870 йилдан чоп этилабошлаган биринчи ўзбек миллий газета.

Тўртинчи ҳокимият – матбуотнинг рамзий номи.

“Фан ва турмуш” – 1933 йилдан буён чоп этилиб келинаётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий – оммабоп журнали.

Фельетон – журналистиканинг ҳажвий, бадиий-публицистик жанри.

Формат – андоза.

Функция – вазифа.

Хабар – матбуотнинг энг қадимий жанрларидан бири.

Цитата – иқтибос.

“Шарқ юлдузи” – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва ОАВ ни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси муассислигида 1969 йилдан буён чоп этилаётган бадиий-адабий журнал.

Эпиграф – асар бошлашда бериладиган мантиқан унга мос кичик ҳажмдаги матн.

Юқори босма – газета ва журналлар босилиши усули.

“Ўзбек адабиёти ва санъати” – 1992 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигида чоп этилаётган ҳафтанома.

Ўзбекистон ахборот агентлиги – (ЎЗА) Ўзбекистонда етакчи ахборот агентлиги.

Ўзбекистон телевидениеси – 1956 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган оммавий ахборот воситаси.

“Ўзбекистон овози” – Ўзбекистон Халқ Демократик партияси (ХДП) муассислигида чоп этилаётган газета.

“Ўзбекистон радиоси – 1927 йилдан буён эшиттиришлар олиб бораётган оммавий ахборот воситаси.

“Халқ сўзи” – **“Народное слово”** – 1991 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Парламенти ва Вазирлар Маҳкамаси муассислигида чоп этилаётган газеталар.

Хуррият” – 1996 йилдан буён Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий – сиёсий фонди муассислигида чоп этилаётган мустақил газета.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
--------------------	----------

I – БЎЛИМ. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

1-боб. Журналистика тарихи	11
1.1 Жаҳон журналистика тараққиётининг асосий босқичлари.....	11
1.2 Миллий журналистиканинг пайдо бўлиши ва шаклланиши (1870-1905й).....	14
1.3 XX аср ўзбек журналистикаси (1906-1990й).....	25
1.3.1 Жаид матбуоти.....	26
1.3.2 Совет даври ўзбек миллий журналистикаси.....	30
1.4 Мустақиллик даври ўзбек журналистикаси (1991- в.х)	34
2- боб. Ўзбек миллий журналистикаси типологияси	38
2.1 Журналистик фаолият ва унинг кўринишлари.....	38
2.2 Ўзбек журналистикаси таснифи ва таркиби.....	52
2.2.1 Газета.....	59
2.2.2 Журнал.....	69
2.2.3 Радио.....	82
2.2.4 Телевидение.....	90
2.2.5 Ахборот агентликлари.....	97
2.2.6 Китоб ва китоб нашриётлари.....	103
2.2.7 Интернет.....	112
3-боб. Журналистик фаолиятни ташкил қилиш	116
3.1. Журналистика назарияси ва унинг ижтимоий вазифалари.....	116
3.2. Журналистиканинг бош тамойиллари.....	131
3.3. Журналистикада эркинлик масаласи ва унинг ғоявий-назарий моҳияти.....	140
3.4. Паблик рилешинг.....	146
4-боб. Журналистик таълим сиёсати	149
4.1. Ўзбек журналистикаси таълимининг юзага келиши.....	149
4.2. Маҳаллий кадрлар тайёрлаш сиёсати.....	155
5-боб. Журналистнинг ҳуқуқий ижтимоий лавозимий мақоми ва ахборот алмашинуви	160

6. 606. Журналистика амалиётини бошқари.....	171
6.1. Матбуот эркинлиги масаласи.....	171
6.2. Ахборот тизими ҳуқуқлари мазмуни.....	175
6.3. Ошкоралик ва унинг қўлланилиши.....	178
6.4. Журналист одоби ва ахлоқи.....	181
6.5. Журналист маъсулияти.....	185

II – БЎЛИМ. ПУБЛИЦИСТИКА

7- 606. Публицистиканинг турлари жанрлари.....	190
8- 606. Ахборий публицистика.....	196
8.1 Хабар.....	199
8.2 Ҳисобот.....	207
8.3 Интервью.....	212
8.4 Репортаж.....	217
9- 606. Таҳлилий публицистика.....	224
9.1 Корреспонденция.....	229
9.2 Сухбат.....	235
9.3 Мақола.....	241
9.4 Обзор (кузатиш)	250
9.5 Хат.....	255
9.6 Такриз.....	264
9.7 Шарҳ.....	273
10-606. Бадиий публицистика.....	277
10.1 Лавҳа.....	280
10.2 Очерк.....	284
10.3 Эссе.....	303
10.4 Фелетон.....	306
10.5 Памфлет.....	325
10.6 Ҳажвий публицистиканинг кичик жанрлари.....	333
ХОТИМА	338
Адабиётлар	341
“Журналистика” дарслиги бўйича тест саволлари	347
Мундарижа	375